

Жуманазар МАДИЕВ

# СОҒЛОМ ҲАЁТ КЎПРИГИ



**Жуманазар МАДИЕВ**

**СОҒЛОМ ҲАЁТ  
КЎПРИГИ**

Тошкент – 2015  
«Тафаккур» нашриёти

УДК: 372.181.7(067)  
КБК: 63.268.1У36  
М-70

Кўлингиздаги рисолага таниқли шифокор Жуманазар Мадиевнинг кейинги йилларда ёзган публицистик мақолалари, уюштирган тадбир ва саломатлик мавзусида ўтказган давра суҳбатларининг самарасидан келиб чиқадиган хулосалар жамланган. Ҳар бир мақола қахрамони ўз оламига, дунёқарашига, тушунчаларига эга инсонлар. Лекин бу инсонларни битта нарса – маслак уйғунлиги, эзгулик ва саховатга интилиш, эл саломатлиги, тиббий маданият, келажакка соғлом фикр билан боқиш каби олижаноб туйғулар бирлаштириб туради. Улар Сурхон воҳасининг турли ҳудудларида, олис тоғ қишлоқларида, йирик туман ва шаҳарларда яшасалар-да, бажараётган амаллари эл саломатлигини муҳофаза қилишга, ёш авлод тарбиясига, ўзлари истиқомат қилаётган манзилни обод этишга қарагилган. Шунингдек, ушбу рисолада муаллифнинг воҳада айрим касалликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга оид мулоҳазалари ҳам ўрин олган. Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчи: Тура Қобилов, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси.



ISBN 978-9943-24-165-7

© Жуманазар Мадиев

© «Тафаккур» нашриёти, 2015

## К И Р И Ш

Инсон саломатлиги ҳақида қайгуриш барча замон ва даврларда муҳим аҳамиятга молик ишлардан саналган. Бундай эзгу тилак ва истаклар, инсонни ҳамиша соғлом ва баркамол кўриш орзуси йўлчи юлдуз мисол йўлини ёритган Абу Али ибн Синодек аллома табибни янги-янги кашфиётлар қилишга, даволаш ҳамда соғломлаштиришнинг янги усуллари йўлаб топишга, доривор гиёҳларнинг минг бир дардга даво бўлишини исботлашга қаратилган тадқиқотлар олиб боришга ундаган. Шу боис ҳам унинг номи жаҳон аро шону шуҳрат топган.

Яратганга шукрки, бугунги кунда ҳам замондошларимиз орасида эл-юрт саломатлиги йўлида тинмай изланишлар олиб бораётган, ўзининг билим ва иқтидорини тиббиёт соҳасига бағишлаб келаётган инсонлар кўплаб топилади. Бундай фидойиларни нафақат илм-фан, тараққиёт, юксалиш, шароит ва имкониятлар ҳар жиҳатдан етарлича бўлган йирик шаҳарларда, балки узок, олис кишлоқларда, чекка худудларда учратиш мумкин. Улар ўз касбларига, танлаган соҳасига содик қолган ҳолда собиткадамлик билан фаолият олиб бормоқдалар.

Юртимизда эл соғлигини чинакам муҳофаза қилиш учун яратилаётган шароитлар, қилинаётган ғамхўрликлар кўлами ҳар қачонгидан ҳам юксак бўлаётгани фидойи шифокорлар, маҳаллалар оксоқоллари, фаоллари учун мисоли қанот вазифасини ўтамоқда. Барча жойларда замонавий ҚВП – кишлоқ врачлик пунктларининг мунтазам ишлаб турганлиги, улар замонавий тиббий аппаратуралар, асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб борилаётганлиги юқорида мен таъкидлаб ўтган ғамхўрликнинг ёрқин ҳамда ифтихорли намунасидир. Бу ифтихор эса мустақиллик туфайлидир.

Келажак авлод вакиллари нафақат тан саломатлиги, балки юксак тафаккур, соғлом қалб соҳиби бўлишлари лозим. Зеро, келажак бугундан бошланади. Бугунги авлод баркамоллигига эътибор Ватан ва миллат тақдирига эътибордир.

Мен куйида сўз юритмокчи бўлган қаҳрамонлар айнан мустақиллик шароитларида ўзлигини намоён этаётган, мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотларнинг кенгрок қулоқ ёйишига камтарона хисса қўшаётган оддий инсонлардир. Улар ўз соҳалари бўйича чин маънодаги фидойилик намуналарини

намоён этаётган замонамиз қаҳрамонлари деса, арзигулик юртдошларимизнинг муносиб вакиллари дир. Мен ана шундай инсонлар сурат ва сийратига ўз билгимча чизгилар тортишга, уларни сизларга таништиришга ҳаракат қилдим.

Муаллиф.

## ОЛИС КИРЛАР ОРТИДА

Бу ёруғ оламда она дийдоридан азизроқ, она суҳбатидан лазизроқ нарса бўлмаса керак. Мен кўп йиллар уқишда бўлдим. Кейинчалик вилоятнинг бошқа туманларида ишлаб юриб, кўп ҳолатларда, ана шу азиз ва лазиз неъматдан бебаҳра қолаётган эдим.

Биласиз, ўзини билган инсон борки, ўзгаларга нафим тегсин дея, югуриб-елади. Тиним билмай меҳнат қилади, бировларнинг ҳожатини чиқариш, дардига малҳам, хурсандчилигига шерик бўлгиси келади. Мен ҳам шундай. Онгли ҳаётимнинг энг кўп ва энг катта қисмини одамлар хизматига бағишлашга интилиб яшаб, меҳнат қилиб келаяпман. Тўғрироғи, эл саломатлиги йўлида хизмат қилаяпман. Элга чин дилдан хизмат қилиш, мурожаат қилган ҳар бир кишининг кўнглини бирдек топиш осон эмас. Бунинг учун, аввало, инсон қалбида эзгулик туйғулари устувор бўлмоғи керак. Хуллас, ана шундай тушунчалар таъсирида юриб, онаизорим ҳолидан тез-тез хабар ололмаётган эдим. Қандайдир ички туйғу мени волидам билан дийдорлашиб, ёнида яшаш, дуосини олиб, имкон қадар у кишининг хизматида бўлишга ундарди. Муҳими, шундай қилиш учун имкон излаётган эдим. Қўнларнинг бирида имконият эшиги очилгандай бўлди.

Ҳал шундаки, мен 2012 йилнинг апрелида муқаддас умра зиёратини ўташ учун Саудия Арабистонига йўл олдим. Эсон-омон ҳаж амалларини бажариб қайтдим. Шундан сўнг, яъни июл ойида тоғли Бойсуннинг сўлим Пулҳоким қишлоғида укам Хусан хонадонида яшаётган онажоним Анор мома Назар кизининг дийдорига тўйиш, ҳаётий ва ҳикматларга бой суҳбатларидан баҳраманд бўлиб юриш илннжида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг собиқ бошлиғи Тўрақул Содикович Арзиқулов ҳузурига кирдим ва Пулҳоким қишлоғида ишлаш истагим борлигини баён этдим. У кишидан ижобий руҳсат олгач, Бойсун

туман тиббиёт бирлашмаси бош врач Бинокул Раззоков хузурига кирдим. Бу пайтда Пулхоким ҚВП - кишлок-врачлик пункти мудир Эшпўлат Маҳмудов меҳнат таътилига чиқишга чоғланаётган экан. Шу боис туман бош врач илтимосимни бажону дил кабул қилди. Шу тарика мен бир ой муддатга Пулхоким ҚВПси вақтинча мудирлигига, шу билан бирга стоматолог-врач вазифасига тайинландим.

Мазкур ҚВП ҳали кишлок врачлик амбулаторияси бўлган кезларда мен бу ерда ишлаган эдим. Амбулаторияда мудир эдим. Аллаёр Соҳибов терапевт, Иброҳим Одиллов болалар шифокори сифатида фаолият кўрсатарди. Шу туфайли бу ерда фаолият юритаётган барча шифокорлар, ўрта тиббиёт ходимларини яхши танирдим. Халқимизда “бир кунга ҳўкиз ўлмайди, икки кунга эгаси бермайди” деганларидек, таниш инсонлар билан ҳамкорликда енг шимариб ишга киришиб кетдим. Қисқа муддатларда бу пайтга қадар эътибордан четда қолиб келаётган бир қатор камчиликларни бартараф этиб, хайрли ишларни қилиб улгурдим. Ишларим бош ҳақимга маъқул келган шекилли, мамнун бўлди. Сўнг, яъни бир ой мудирлик “муддатим” тугагач, бош ҳақим хузурига чорлаб:

-Сиз шу кишлок фарзандисиз. Тўғри, мен сиз билан ишламаганман. Лекин сиз Бойсунда ишлаганингизни, раҳбарият сиздан мамнун эканлигини яхши биламан, - деди маслаҳат оҳангида. – Шу ҚВПда қолиб, бундан кейин ҳам ишлайверсангиз деган таклиф бор, шунга нима дейсиз?

-Майли, розиман, - дедим мен иккиланиб.

Шу тарика 2012 йилнинг август ойида Пулхоким кишлоғи ҚВПсига мудир этиб тайинландим. Бир пайтлар ҳам шу ҚВП ҳудудида фаолият юритганлигим сабаб, қолаверса, раҳбарият зиммамга юклаётган вазифа масъулиятини чуқурроқ хис этишга ундади. Шу туфайли бўлса керак, ҳар қачонгидан ҳам ташаббус, шижоат ва ғайрат билан ишга киришдим. Қишлоққа қайтишим, бу ерда яшаётган ўғлим Жасурали, келиним Нилуфар, неварам Ҳайдарбек, Дилафрўз, муҳими, онам билан бақамти яшашга имкон яратилди. Онам – Анор Назар кизи укам Хусаннинг уйида яшарди. Уйимиз яқинидаги зовур лабида ўсган, асрларни қаритган pista дарахтининг қуриб бораётганлигини сездим. Онам унга қараб бош чайқаб қўйди. Аммо, онамнинг ҳам юришлари кийинлашиб қолган эди. назаримда. У киши 2012 йил 14 августда (Лайлатул кадр) кечаси вафот этдилар. У дамлардан фақат хотиралар қолди.

Тўғри, бу менинг иккинчи бор ҚВПда ишлашим эди. Бошқача қилиб айтганда, бу борада бир оз бўлса-да, тажрибага эга эдим. Биласиз, донолар бирор гапни айтмоқчи бўлса, билиб ва ўрнига қўйиб, нишонга тегадиган қилиб айтади. Иккинчи бор шифокорлик фаолиятимни ҚВПда давом эттирар эканман мен, энг аввало, доно халқимизнинг “Сўз боши ассалом – иш боши интизом”, “Ишга келиб кетма, ишлаб кет”, “Ишнинг ўзини эмас, кўзини бил” каби ҳикматона ўғитларига амал қилишга ҳаракат қилдим. Демокчиманки, ишни интизомни мустаҳкамлашдан, ўз касбий малакамни янада орттиришдан, ҚВПни одамлар келиб эркин мулоқотга кириша оладиган, ўзаро суҳбат қурадиган, тиббий маданиятини, билимини, тушунчасини орттирадиган масканга айлантиришдан бошладим. Албатта, мен бу ишларни ўз раҳбарлик мавқеимдан фойдаланиб, амалдаги тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиш орқали бажардим. Тез орада ҚВП одамлар кўпроқ тўпланадиган, турли касалликлар, уларнинг олдини олиш, соғлом авлод ҳақида тушунчалар ҳосил қиладиган, ўз саломатлигини ўзи муҳофаза қилиш борасида тўғри маслаҳатлар оладиган жойга айланди.

Албатта, бу каби кенг қамровли тушунтириш ва шу асосда даволаш ишларини йўлга қўйиш силлиққина ҳамда осонгина кечган эмас. Орада кўп-кўп маслаҳатлашувлар бўлди. Дўстлар телефон орқали бўлса-да, қимматли маслаҳатини аямади, тўғри йўл кўрсатиб турди. Бу масканда аввал раҳбар бўлиб ўтган шифокорлар мендек соғликни сақлаш аълочисидан, ҳожи мақомига эга кишидан беминнат панду-ўғитларини аяшмади. Лекин мен бу маслаҳатларга, ўғитларга, тушунтиришларга бефарқ карамаган бўлсам-да, барибир, давр ва замон талабига мос иш тутишга интилдим. Табиийки, юридик мақомга эга ҚВП мудирини киритган кўплаб ташаббусларни туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарияти қўллаб-қувватламаган бўлса-да, ҳарқалай, қаршилик ҳам қилмади. Бу орада янги шароитларда ишлаш маъқул келмаган бир неча ходим ўз ҳисобидан таътилга чиқиб кетди. Буям етмагандай улар гўё “жўжа сақлаш муддатини кутиш” қабилида кетма-кет таътил муддатини узайтириб юраверишди. Аммо мен эсанкираб қолиб, хизмат вазифамдан кўнглимни совутмадим. Аксинча, бор ходимлар билан баҳамжиҳат бўлиб, июл-август ойларида, чакалоқларни эмлаш ва аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ишларига алоҳида эътибор қаратдим.

Ўрни келганда айтай, тиббиёт шундай соҳаки, бу соҳада ишлаётганлар ўзидан аввал ишлаб тажриба тўплаганлар фаолиятини ўрганиб, ўз билимини мукаммаллаштириб бораверади. Бу борада шуни мисол келтиришим мумкинки, бизнинг ҚВПга, яъни Пулҳоким кишлоқ врачлик пунктига Бойсун халқининг ҳурмат ва эътирофига сазовор бўлган “Соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони соҳиби, моҳир жарроҳ Йўлдош ака Пардаев оталик ёрдами кўрсатувчи ҚВП куратори сифатида бириктирилган эди. Мен Йўлдош акадан касбий фаолиятда, ходимлар билан муносабатда раҳбар ўзини қандай тутиши лозимлиги тўғрисида кўп тўғри ва ўринли маслаҳатлар олдим. Энг муҳими, бугунги куннинг раҳбари кечаги кун раҳбаридан нимаси билан фарқланишини, кечаги қилган иш билан бугун ғурурланмасликни, фақат бугунги кун билангина яшамасдан эрта учун бош қотиришни, келажак ҳақида қайғуришни, оқил ва доно мутахассис қандай бўлиш кераклигини ўргандим. Хулосага келдимки, аввалги раҳбарлар имкон тополмаган ишларни мен бугунги давр руҳи ва талаби асосида амалга оширишим керак. Аслида ҳам бу менинг ҳаётий шиорим эди. Чунки мен қаерда иш бошламайин: “биринчидан, раҳбарият ташаббус кўрсата олмаган бошқарув соҳасидан қочаман, иккинчидан, иш бошлаш эмас, ишдан кетиш жараёнимда нима қила олдим?”, деган ҳақли саволга жавоб излаган ҳолда фаолият олиб бораман.

Ҳозир биз югурик мисол тез ўтаётган шиддатли даврда яшайпмиз. Қаранг, атрофда рўй бераётган тараққиёт югурик, янгиланиш ундан-да югурик, соат сайин чўнг ўзгаришлар рўй бераёпти, ривожланиш деганлари тобора илгарилаб бораёпти. Шундай бир шароитда қўл қовуштириб ўтириш ёки ҳафсаласизлик қилиш мумкинми? Бундай қилинса нафақат ўз шон-шуҳратингга, балки қўл остингда ишлаётган ходимлар обрўсига ҳам путур етади-ку?! Умуман, жамият эътиборидан четда қолиб кетиш мумкин-ми!

Ана шуларни чуқур мулоҳаза қилар эканман, атрофимда рўй бераётган гап-сўзларга аҳамият бериб ўтирмадим. Аксинча, фаолиятни янада кенгайтиришга, ғайратни оширишга интилдим. Чунки мен борган кезларда кишлоқ врачлик пунктимизда, ҳатто, оддийгина кўмирхона ҳам йўқ эди, пункт атрофи жилла курса сим тўр билан бўлса ҳам ўралмаган, исталган пайтда мол-қол бемалол кириб-чиқадиган аҳволда эди. Энг ёмони моллар дов-дарахтларни пайхон қилиб, зарар етказар экан. Эшитгансиз, Бойсунда олти ой



киш бўлади, дейишади. Ҳаркалай, тоғли худуд-да, бу томонлар. Кўмирхонанинг аҳволи эса юкорида айтганимдай эди. Қишлоқ врачлик пунктимизда ишлаётган “тиш қокқан” ходимларни тўплаб маслаҳат курдим.

-Ҳозир ёзги таътил пайти, - дедим оҳиста гап бошлаб, - эртаиндин мактаб очилади. Қолаверса, қишлоқда ҳайдов-ҳашар ишлари бошланади. Кўз очиб юмгунча киш келади. Хўш, шундай караб ўтираверамизми ёки ўз кучимиз билан кўмирхона куриб оламизми? Ахир, Пулҳоким вилоят миқёсида фаолият олиб бораётган таникли тиббиёт ходимларининг бешиги, юзлаб олий маълумотли врачлар, доришунослар республикамизнинг кўпгина олий ўқув даргоҳларида ўкиб, дарс бериб турган, шунингдек вилоятимизнинг барча туманларида пулҳокимлик врачлар ишлаётган бўлса. Қаранг, канча шифокор раҳбарлар келиб-кетишяпти. Агар иш осон бўлганда улар ҳал килиб беришарди. Хўш, шу ишни ўз кучимиз билан бажара оламизми?

-Устоз, майли, ўз кучимиз билан кўмирхона куриб оламиз, - деди кимдир.

-Устоз, сиз бизга “шайба” килманг! – деди яна биров. (Қишлоқда сал бўрттириб, кулоққа ёкадиган гап килинг дегани, бу - Ж.М.) – Ўзингиз ўйлаб кўринг, кишлоғимизда сув масаласи чатокку. Лой қоришнинг ўзи бўладими. Қишлоққа навбати билан, шундаям 30-40 кунда бир сув келади-ку?!

-Тўғри, - деди яна бошқаси, - пойдевор учун Сарик тоғ тизмаси томондан тош олиб келиш керак. Лекин уни қайси машинага ортамыз, уни ким олиб келади? Бўлмайдиган ишга ўхшайди, тўксон фоиз имкониятсизлик бор, ўртада!

Биласиз, ходимларни ишдан колдириб бўлмайди, уларга тегиниб ҳам бўлмайди. Чунки ҚВПлардаги талаблар барчага яхши таниш. Шунинг учун мен Яратганга таваккал килдим, ўғилларимни ёнимга олиб бир машина тош келтирдим. Сўнг ўзим ҳам енг шимариб ишга киришиб кетдим. Бу ҳаракатим катта ишнинг бошланишига тамал тоши бўлди. Мендаги ғайрат ва ташаббусни кўрган коровул Тўра Назаров, Фарход Ҳамидов (ҳозир иккаласи ҳам коровул), Жасуралӣ Мадиев, Менгзиё Аннақуловлар ишдан сўнг холисаниллоҳ ёрдамга келишди. Буни кўриб ҚВП ўрта тиббиёт ходимлари Рамазон Шералнев, Абдикодир Мадиев (ҳозир Нуқусдаги ТөшДАУ филиалида талаба), Тўлкин Пошшақуловлар менга елкадош бўлишди. Қишлоқчилик-да, ҚВПмиз гузарда

жойлашган эди, ким шу ердан ўтса, улар ҳам ҳорманг дея, кўмак бериб турди. Бундай эътибордан руҳланиб тоғнинг ок тошини кувалда билан худди ғишдек майдалаб, пахсага мос қилиб машинага ортиб олиб кела бошладик. Кимдир ишлагани учун пул тўланг деса баъзилар дуо қилинг, раҳмат айтсангиз бўлди, дейиш билан чекланди. Ҳаттоки, баъзиларнинг ўғли, укаси ёки бирор таниши хашарга ўз ихтиёри билан келиб турди. Ҳайдовчилар ҳам тангилик қилишди, меҳнатига ҳақ сўрашмади, бор-йўғи ёкилги пули олишди, холос. Шудай қилиб, хаш-паш дегунча 5-10 машина тош йиғиб келинди. Хуллас, бир ҳафта ичида кенггина кўмирхонани битказиб қўйдик. Ҳашарда беминнат қатнашган ходимларни, машинада ёки эшақда сув ташиб келтирганларнинг ота-онасига, машинада тош ташиб берганларни тўплаб, чин дилдан миннатдорчилик билдириб, ош қилиб бердик, холос

...Ҳали-хамон Пулҳокимга йўлим тушса, ўша кўмирхонани кўриб олис тоғ томонларда қандай бағри кенг, одамохун, саховатли қалбларни тез илғай оладиган инсонларни бағримга босиб миннатдорчилик айтгим келаверади. Чунки оддийгина ташаббус билан бошланган ўша кўмирхона иссиқхона, тошдевор билан ўралган ҳовли ҚВПга ҳамон беминнат хизмат қилиб турибди...

## ЭЛГА ЭЛ ҚЎШИЛСА...

Мутахассисларнинг эътироф этишларича, дунё аҳлининг ўн фоизи тоғлик юртларда яшаркан. Навбатдаги ҳикоямиз қаҳрамонлари ҳам асли тоғликлар. Лекин бугунги кунда улар тоғ манзараларидан олис манзилларда умргузаронлик қилишмоқда. Аммо бу манзилда ҳам улар ўзлари туғилиб ўсган тоғлар бағридаги яшилликларга бой, хушманзара, сўлим гўша бунёд этганлар. Чунки бемисл наботот олами ичида яшаган, мусаффо хаводан баҳраманд бўлиб ўсган, зилол сувли булоқлардан сув ичиб улғайган бу инсонлар ўзларининг янги яшаш жойларини ҳам боғу бўстонга айлантирганлар. Улар – Зеварликлар, аниқроғи, бугунги кунда Бандихон даштларида сўлим манзилгоҳ яратган, Сариосиё туманининг хушманзара тоғли “Зевар” қишлоғидан бу томонларга кўчирма қилинган инсонлар. Уларнинг бу томонларга келиб, муқим яшаб қолишлари тарихи ҳам ўзига хос, маълум сабабларга эга.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғи А. Мавлонов имзоси билан 2001 йилнинг 22

октябрида жўнатилган №1226 – сонли хатда шундай сатрлар бор: “Сариосиё туманидаги тоғли худуддан кўчириб келтирилган “Зевар” кишлоғи аҳолисини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш ишлари амалга оширилсин”. Шу хат ва туман ҳокимининг 2001 йил 10 апрелдаги №162-сонли қарори билан собиқ Бандихон туманидаги “Чорвадор” кишлоқ фуқаролар йиғини таркибида янги маҳалла – асосан кўчирма тоғликлар яшайдиган “Зевар” маҳалласи ташкил этилган.

Бандихон тумани “Чорвадор” ҚФЙ худудида “Зевар” МФЙ Бандихон тумани ҳокимининг 2001 йил 10 апрелдаги 162-сонли қарори билан ташкил этилди.

Янгидан ташкил топган “Зевар” МФЙга ажратилган ер майдони 590 гектарни ташкил этди. Зеварликлар бу ерда турғун яшаётган инсонлар билан тезда тил топишиб кетди.

Ўшанда зеварликлар 636 нафар аҳоли жами 136 та хўжаликни ташкил қиларди. Оилалар сони эса 138 та, 291 нафари меҳнатга лаёқатли, 59 нафар нафақахўр, 7 нафар ногиронлар ҳам бор эди. 110 нафари иш билан таъминланган эди. Уларнинг 70 нафари кишлоқ хўжалигида, 31 нафари халқ таълими ва 5 нафари соғлиқни сақлаш тизимларида, 3 нафари маҳаллада, 1 нафари сув таъминоти тизимида ишлаётган эди. Уларнинг сафига яна янги ишчилар, хизматчилар келиб қўшилди.

Аҳоли сони сезиларли кўпайган маҳалла учун янги мактаб биноси қурилишига эҳтиёж сезилди. Натижада 2003 йилнинг март ойида бир қаватли, 9 хонали 11 йиллик янги мактаб биноси қурилиб, ишга туширилди. Унда 196 нафар ўқувчи таълим ола бошлади. Уларга 26 нафар ўқитувчи дарс бера бошлади. Чунки озчиликни ташкил этадиган кишлоқ болалари бу пайтга қадар “Пахтакор” хўжалиги марказига 3-4 чақирим йўл босиб қатнар эди. Тўғри, янги мактаб биноси қурилгунга қадар янги кўчиб келганларнинг болалари шу ердаги “Навбахор” болалар боғчасидан ажратилган хоналарда ўқиб турди.

Бунинг учун эса эл оқсоқоллари сифатида ҳурматланувчи Эшмирза Ризаев (ўша кезлари у маҳалла раиси бўлган), қариялар – ҳозирги кунда нафақада бўлган Ибодулла Тиллаев, Бегибобо Йўлдашев, Хўжамберди Худойбердиев, Нормурод Сафаров, Шафоат ва Сайфулла ҳамда Ҳамрокул Ҳайдаровлар то янги мактаб қурилгунча маҳалладошларнинг уйларидан ўқувчи болалар учун жой ажратиш ташаббускорлари бўлишди. Туман ҳокимлиги ва

халқ таълими бўлимига қатнаб, мактаб қурилишини қўллаб-қувватловчилар ҳам шулар бўлишди. Мактаб қурилиб ишга тушгунга қадар маҳаллада истикомат қилаётган Рўзигул Ҳақимова уйининг бир қисмини, Валикул Кўчаров уйининг бир хонасини маҳалла идораси учун бериб қўйди. Маҳалла раиси Э. Ризаев вазиятни кўриб идорани мактаб болалари учун бўшатиб берди. Шунингдек ҳозир ҳам мактабда қоровул бўлиб ишлаётган Ражабали Сатторов эса хонадонининг уч хонасини болаларга бўшатиб берди.

Ана шу уйларда Қурбонали Рўзиев, Ражабали Нарзиев, Абулаббос Азизов, Ҳазраткул Сатторовлар болаларга дарс ўта бошлашди. Шуниси ҳам борки, бу борада тожик забон мактабга ўқитувчи топиш қийинлигини сездирмай, маҳаллий ўқитувчилардан фойдаланиб дарс ўтиб турилди.

Бу ҳудудда Мустакиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан замонавий кишлоқ врачлик пункти қурилиб, ишга туширилди. Яъни 2001 йилнинг сентябрида “Хўжаипок” ҚВПси фаолият юрита бошлади.

Бир озгина ортга қайтиб бўлса-да, кўчирма аҳолининг янги манзилга жойлашиши ҳам ўзига хос кечганлиги билан боғлиқ воқеалар тўғрисида тўхталиб ўтайлик. Гап шундаки, бу борада ҳам халқимизга хос донолик ва оқиллик билан иш тутилган. Бир сўз билан айтганда, “етти ўлчаб бир кес”, кабилида иш тутилган.

Эслатмоқ ўринлики, зеварликлар бу томонларга кўчиб келгунча бир хил, яъни 2 хўжаликка мўлжалланган уйлар қурилган бўлиб, томорка ҳам тенг миқдорда ажратиб қўйилган эди. Сариосиё туманидаги “Ўзбекистон” кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Очилди Хидиров (ҳозир Сариосиё туманидан Олий Мажлис Сенатига сайланган, бугунги кунда ҳам “Ўзбекистон” ҚФЙ раиси) янги қурилган бу янги уйлар ва ажратилган томорқаларни кўриб чикди. Сўнгра жойлашиш рўйхати тузилди ва уйларнинг, биноларнинг бекаму-қўстлиги эътироф этилиб, кишиларнинг жойлашиши тенг бўлган ҳолда кўчиб келинди. Шуниси ҳам борки, Очилди Хидиров кўчиб келишдан аввал аҳоли фаоллари ва оиладан вакиллар бирга келиб, жойлаштириш масаласини жойида кўриб чикди.

Битта бинода иккита хўжалик яшаши кўзда тутилганлиги боис, халқимизнинг “ҳовли олма, қўшни ол” мақолига риоя қилиб иш тутилди. Ҳар бир оилага ўзи истаган киши билан қўшни бўлиш имкони берилди. Бу иш шунинг учун қилиндики, эртага маҳалла

ахли ўртасида низо чикмасин, одамлар гапи-гапига ковушадиган, бир-бирини тушунадиган кишилар билан кўни-кўшни бўлишсин. Бу борада, асосан, Эшмирза Ризаев ўз раҳбари Очилди Хидиров билан кўп маслаҳатлашди. Очилди Хидиров: “Билмаган жойнинг чуқури кўп бўлади” деганларидай, янги жойга одамларнинг мослашиши бир оз қийин кечиши мумкин. Сиз бу халқнинг урф-одатларини, феълени яхши биласиз, шунинг учун бу масалани тўғри ечишимиз керак. Эртага муаммо туғилмаслиги керак”.

Шу тарика маслаҳатни бир жойга қўйган Очилди Хидиров билан Эшмирза Ризаев зеварликларнинг хурматли инсонлари бўлмиш Мушаққат Холов ҳамда Қурбоной Муродовалардан тегишли маслаҳатларни олишди. Шундан сўнг тегишли ташкилотларга, жумладан, вилоят ҳокимлигига мурожаат этишди. Энг аввало, одамларнинг, сўнгра мутасаддиларнинг руҳсатларини олишгач, рўйхат бошқатдан тузиб чиқилди. Одамлар ўз истаклари билан хоҳлаган кишиси билан қўшни бўлди. Одамлар ҳеч бир гап-сўзсиз, норозилик ва жанжалларсиз янги уйларга кўчиб киришди.

У пайтларда янги ташкил этилган кишлоқда хали дарахтлар йўқ, томорқа учун ажратилган ерлар эса нообод ҳолда эди. Одамлар ерларни обод этишга, ниҳол ва бошқа экинлар экишга киришиб кетишди.

Янги маҳаллага ном қўйиш масаласида ҳам оқсокол Эшмирза Ризаев анча бош қотирди. Эътироф этиш керакки, у бу борада ҳам халқнинг “кенгашли тўй таркамас”, “қари билганни пари билмас” каби мақолларига амал қилди. Шу мақсадда кишлоқ кексалари бўлмиш Кўзи Олтиев (рахматли), Тошмахмад Нозимов (мен Тошмахмад Нозимовни яхши танирдим. Зукко бу инсон билан кўп бора суҳбатлашганман. У киши хажга бориб келган, яъни ҳожи эдилар. Тошмахмад хожининг ўғиллари Эшмамат, Ҳамза, Нурмаматлар ҳозир ҳам шу маҳаллада истикомат қилишади. Ҳар бири ўз соҳаси бўйича элнинг хизматида бўлиб келаётир), Абдурайим Рабиев, Султонмурод Турсунов, Темур Жўраев, Темур Ражабов, Анвар Турдиев, Отамурод Муродов, Хонали Эргашев, Равшан Сатторов, Хуррам Нарзиев, Абдуҳақим Бобоев, Йўлдош Комиловларни маслаҳатга чорлади. Бу инсонларнинг бугунги кунда кўпчилиги орамизда бўлмасалар-да, шу кишлоқ номини қўйганлар сифатида халқ ёдида сақланиб қолган.

Қишлоқни номлашда юқорида номи зикр этилганлардан ташқари бугунги кунда ҳаёт бўлган Улуғ хожи Эргашев, Бекмирза

Нарзиев, Тўракул Шоев, Ибодулла Тиллаев, Кўчимбой Ёкубов, Нурмамат Рўзиев, Саъдулла Ҳайдаровлар ҳам янги манзилга “Зевар” деб ном кўйишни таклиф этдилар. Бу уларнинг аввал яшаган қишлоқлари номи эди. Зевар сўзи эса “гўзал, хушрўй, чиройли” маъноларини англатади. Улар ўзлари макон тутган бу манзил ҳам обод ва гўзал бўлмоғини орзулаб шу номни танладилар. Ўша пайтларда бу туманда ҳоким бўлиб турган Ўрол Чўтбоев кўчиб келганлар билан кунда ёки кунора учрашиб, суҳбатлашиб турганди. Шу боис у кўчирма хўжаликлар жойлашган қишлоқни “Зевар” дея аташларига розилик билдирди ва ўз қарори билан бу номни тасдиқлаб ҳам берди. Ҳозир нафақада бўлган Ўрол Чўтбоевни халқ ҳозир ҳам илиқ сўзлар билан эслаб туради. Учратиб қолишса, энг яхши дўст сифатида очиқ чеҳра билан дийдорлашишади.

Хуллас, ана шундай эса қоларли воқеалар билан орадан икки йил ўтиб, яъни 2003 йилда бу қишлоқда янги мактаб биноси қад ростлади. Турли хонадонларда ўқиб юрган болалар 26-сон билан юритилаётган янги мактабга қатнай бошладилар. Мактаб директори Оллокул Ражабов (ҳозир Сарносиёда яшайди) эди. Мактабда кадр масаласи ҳам осон ҳал бўлди. Чунки аввал ишлаган ўқитувчилар бу ерда дарс бера бошлади. Шу тариқа ҳозирда собиқ саналадиган Бандихон туманида ягона тожик тилида ўқитиладиган ўрта мактаб ўз фаолиятини бошлаб юборди. Мактаб директори ўз вазифасини шогирди Жоникул Жамоловга топшириб, Сарносиёга қайтиб кетди. Ж. Жамолов эса ҳозирга қадар (26-) 73-сонли мактабга директорлик қилиб келмоқда. Табиийки, маҳаллий халқ ўзбеклар эди. Шунинг учун ҳам ушбу мактаб негизида ўзбек тилида ўқитиладиган синфлар ҳам ташкил этиш зарурати туғилди.

Бу заруратни ҳукумат ҳам яхши англади, халқ дилини тинглай билди. Натижада мактаб ёнида яна битта кўшимча бино барпо этилди. Ҳозирги кунгача ҳам бу мактабда икки тилда ўқитиш ишлари олиб борилмоқда. Шунинг ҳам эслатиб ўтмоқ жоизки, ушбу мактаб қурилиши ва ишга туширилишида шу халқ вакили Ибодулла Тиллаев маҳалла раиси сифатида кўп хисса кўшди. Жонкуяр, ҳалол ва фидойи инсон И. Тиллаев мактаб қурилишида ташаббускорлардан бири бўлди. Янги мактаб ишини жонлантиришда ўқитувчилар Ҳазраткул Сатторов, Зиёдулла Ҳайдаров, Ражабали Нарзиев, мактаб илмий мудири Бозор Тиллаев, Неъматулла Тиллаев, Меҳринисо Ражабова, Юсуп Рўзиев, ака-ука

Шарофиддин ва Шамсиддин Сафаровлар, Умидилло Холмирзаев (дарвоқе, мактабда мусикадан сабоқ берувчи бу муаллим яхшигина овоз сохиби саналади, туманда ўтадиган барча тадбирларда янграйдиган тожикча кўшиқларни болаларга шу муаллим ўргатган), Абдусаттор Бобоев, Мирзо Шеров, Бахтиёр Эргашев, психология фанидан дарс бериш билан бирга барча тадбирларда оқсоқоллик қилиб, эл хурматига сазовор бўлган Нурали Эргашев, Абдимусо Нурбоев, Бахтиёр Култўраев, Нурмамат Нозимов, Шербобо Йўлдошев, Мақсуда Имомова Мусулмон Ҳақимовларнинг фаоллиги боис 2015 йилда мактаб туманда ўтказилган танловда “Энг обод таълим муассасаси” номинацияси ғолиби бўлди.

“Зевар” кишлоғига хос бир ажойиб хусусият бор. Бу – уларнинг барчаси бир касбнинг эгаси эканлиги. Халқ орасида машҳур бўлган “у дунё саодатини ўйласанг тақводор бўл, бу дунё саодатини ўйласанг савдогар бўл, икки дунё саодатини ўйласанг тадбиркор. хунарманд бўл” иборасида айтилганидек, кимки хунар этагини тутса, кам бўлмайди.

Қизириқ туманининг чекка кишлоқларида ҳам Зеварликларни яхши уста, мохир дурадгор, хуллас қўли гул инсонлар сифатида билишади ва эъзозлашади. Масалан, Абдуҳалим Бобоевнинг ўғиллари Абдигаффор ва Абдиҳаким (бу оила чиндан-да тиббий тарбияли, “Эл соғлиғи-кўри бойлиғи” кўрик-танловининг ғолиби эди. Ўқимишли ўғиллари Ҳасан Бобоев бугунги кунда ДСЭНМда эпидемиология бўлимида яхшигина мутахассис), Йўлдошев Бекбобо ўгли Аҳмад бобо ҳамда Иброҳим Ҳақимов (Худо раҳмат қилсин), аслида дурадгорлика асос солган бу уста, қанча-қанча одамларга макон ясаб берган. Бугунги кунда ота касбини эгаллаган Ҳақимов Мусурмон эл орасида қўли гул усталардан бири.

Инсонни элга хунармандлиги, усталиги, касби-кори ҳам таништирар экан. “Зевар”да Исматулла Тиллаев деган темирчи уста бор. Темир козик, ўроқ, чолғи, теша, болта каби юмуш буюмларидан тортиб уй-рўзғор буюмларигача маҳорат билан ясайди. Маҳаллий халқ унинг хизматларидан мамнун. Кунларнинг бирида мен ҳам қизиқиб унинг ишини кузатгани бордим. Иш жойида электр токи билан ишлайдиган аппаратларсиз баҳоли қудрат ишлаб турган экан. Лекин шу касби ва хунари билан оила тебратаяпти, рўзғор юритаяпти.

Қишлоқни тегирмонсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сир эмас, кўпгина кишлоқларда тош тегирмон мавжуд бўлиб, тош кесувчи

устани бошка кишлоклардан излаб юришади. Кейинчалик билсам, хакикатан ҳам тегирмон учун махсус тош танланиб, усталик билан кесилар экан. Навбатдаги қаҳрамоним Абдуҳалим Бобоев ана шундай тошкесар усталардан. У туманда ана шу касб билан шуғулланувчи ягона уста ҳисобланади.

“Зевар” кишлоғи тўйлари ҳам ўзгача тароват ва шукуҳ билан ўтади. Шу ўринда бир мулоҳазамни айтиб ўтай, хақиқий ва зўр тўйни иктисодий томондан бақувват одам қилолмайди. Аммо, очиккўнгил, саховатпеша инсонларнинг тўйи ҳамиша кўтаринки руҳда ва ажойиб тарзда ўтади. Бундай инсонлар эса “Зевар”да бисёр. Яна бир томони шундаки, бирор оила йўкки, йилига бир марта тўй қилмаган бўлсин. Қишлоқда ҳар бир хонадон тез-тез бола туғилса бешик тўйи, аҳён-аҳёнда бўлса-да ақиқа тўйи, соч тўйи, суннат, никоҳ тўйларини ўтказиб туради. Мен бу миллий маросимларни ўзимча эҳсонли йиғин деб атаб юраман. Ростдан ҳам, йиғиб – терганини бир кунлик эҳсонли тўйга сарфлайдиганлар орамизда кам топилади.

Мен бу гапларни бежиз айтаётганим йўқ. Чунки “Зевар” кишлоғида ҚВП жойлашгани, қолаверса, хизмат вазифам боис барча тантаналарда, маросимларда, тўйларда қатнашимизга тўғри келади. Энг муҳими, тўй ёки маросимда чўнтагидан арок олиб ичган одамни инобатга олмасак, зеварликларнинг барча тўй ва маросимлари спиртли ичимликларсиз ўтади. Келин-куёв тўйларида ҳам дастурхонга мўл-кўл у ёқда турсин, номига бўлса-да, арок қўйилмайди. Тўйлар ўйин-кулги, қўшиқ-хиргойилар билан жуда серфайз ўтади. Муҳими, четдан санъаткорлар камдан-кам ҳоллардагина таклиф этилиши мумкин. Аммо, асосан тўйлар шу кишлоклик ҳофизлару ўйинчилар иштирокида ўтказилади. Тўй даврасига улуғ ёшдаги кексалар никоҳланувчиларга бахт тилаб дуолар қилиб ўтиришади. Зеварликларнинг тўйлари асло меҳтарчиларсиз, сибизғачиларсиз ўтмайди. Тўйларда оилавий санъаткорлардан Амирали Эшмирзаев, Сафарали Эшмирзаев. Мухаммад Эшмирзаевларнинг гуруҳлари хизматда бўлишади. Қишлоқда эса бундай халқ санъаткорлари кўп. Масалан, Ражабали Сатторов, Жабборкул Кўчаров, Холмурод Боймуродов (бу санъаткор ўрта яшар бўлса-да, ҳамон доирани ўта маҳорат ва кучли зарб билан чала олади), Низомиддин Жамолов. Соли Жамоловлар нафақат “Зевар” кишлоғи аҳлига, балки тумандаги кўпгина



тўйларда ҳам хизматда бўлишади. Бугунги кунда “Зевар” ўз номига мос чиройли, хушрўй ҳолда бўй кўрсатмоқда.

## ҲАШАР – ЭЛГА ЯРАШАР

Халқимизнинг бу анъанаси эндиликда ташкилотлар томонидан ташкил этилсагина, ўтказилади. Бир пайтлардагидек одамлар ўз ихтиёрлари ва ташаббуслари билан бир-бириникига ҳашарга бормайдилар. Аммо, “Зевар” кишлоғида бирор киши иморат кураётган бўлса, кишлоқдошлар ўз ихтиёри билан кўмакка, яъни ҳашарга етиб келадилар. Қурилаётган бинонинг паҳсаси, сувоғи, хуллас, то биттунга қадар ҳашарчилар қўл хизмати билан ёрдам бериб туришади.

Мен ишлаётган “Хўжайпок” кишлоқ врачлик пункти косметик таъмири пайтида ҳам кишлоқдошлар узокдан лалми тупроқ, кўм. тош олиб келишда кишлоқнинг қанчадан-қанча норғул йигитлари иштирок этишди-ки, мен уларнинг барчасини номма-ном танимайман. Лекин уларнинг бари ҳашарда сидқидилдан иштирок этишганини миннатдорлик билан яхши эслайман.


**Ваҳоланки**, ҳашар тўғрисида сўзлаётган эканман, яна бир сўлим **гўша** тўғрисида хикоя қилиб берай. Биз сўз юритаётган “Зевар” кишлоғининг Чағол тизмаси тарафида ихчамгина бир гўша бор. Уни ҳам одамлар ҳашар йўли билан бунёд этишган. Серҳосил мевали дарахtlари кўп, соя-салқин бу жойда аҳолининг тадбирлари, турли йиғинлари ўтказилади. Нуронийлар эса шу ерда гурунглашиб хордик чиқаришади. Ёғин-сочин кунлари бемалол ичкарида ўтириш ҳам мумкин. Чунки бу ерда эни 8, узунлиги 12 метрлик кенггина хона барпо этилган. Юкорида эслатганимдек, ҳашар йўли билан бунёд этилган бу гўша ва бинога сарфланган қурилиш материалларини ҳам аҳолининг ўзи тўплаган. Кимдир биттагина бўлса-да хари-ёғоч, кимдир цемент, яна бировлар кум ва бошқа қурилиш материаллари келтириб, хисса қўшган. ҚВП ҳовлисига яқинлиги, қолаверса “Зевар” МФЙ идораси ва маҳалла гузари жойлашган масканда кўп бўлганман.

Бундай хайрли ишлардан яна бири “Бирдамлик” ва “Зевар” маҳалла фуқаролар йиғини чегарасида давлат стандартлари талаби даражасидаги кўприк қурилиши билан боғлиқ. Уни қуришда мутахассислар ва ишчилардан ташқари маҳаллий аҳоли ҳам баҳамжихат иштирок этди. Ишга кўприк бунёд этилаётган

худуддан қатнаётганлигим учун иш бошида турган собик маҳалла раиси (ҳозир нафақада) И. Тиллаевни учратар эдим. Кўприк қурилиши муҳим аҳамиятга эга эди. Чунки Бойсун, Чағот тоғ тизмаларидан келадиган сел тошқини айнан шу ердан ўтади. Бир неча бор ўзим ҳам гувоҳ бўлганман, кучли сел оқими кутилмаганда ёздай ёпирилиб келиб, ҳатто, эски кўприкни кўмиб юборган пайтлари ҳам бўлган. Бундай ҳолатлар, айниқса, куюш чараклаб, атрофда ҳаёт қайнаб турган бир пайтда кутилмаганда содир бўлган. Сув тошқини дехқон-фермерлар хўжаликлари экин майдонларига бориб етди. Шу йўлдан юриб, кўприқдан ўтиш учун келаётган пиёдаларни, автоуловларни соатлаб кутишга мажбур этди. Ана шундай шароитлар қийинлашиб турган бир пайтда янги, замонавий кўприк қурилиб битказилди. Бунинг учун қудратли техник воситалар, кўплаб йўл қурувчилар ва, албатта, кўп сонли ҳашарчилар тинмай тер тўкишди. Иш тугагач, қурувчилар бу жойни тарк этишди. Аммо орадан кўп ўтмай, ёғингарчилик туфайлими, ёки даладан чиққан сув ўзани аниқ қилинмаганлиги учунми, ҳарқалай, тупрок уюми чўкиб асфальт кўчаларга тарала бошлади. Ҳатто янги қурилган кўприкка ҳам хавф сола бошлади. Оғир юкли машиналар кўприқдан бир оз бўлса-да, ҳадик билан ўта бошлашди. Муаммо ўз амалий ечимини кутаётганди. Ечим эса амалий иш ва ташаббусда эди.

Ҳали айтганимдай, маҳалламизда эҳсон ёки тўйлар кўп бўлади. Табиийки, бундай маросимларга мен ҳам таклиф этиламан. Шундай маросимларнинг бирида, дастурхонга дуо қилишдан олдин маҳалла раиси И. Тиллаев кўприк ҳақида сўз очиб қолди. Ўзи бориб шахсан кўрганлигини, ҳозирги ёғингарчилик пайтида техника ишлатиб бўлмаслигини уқтирди. Сўнг тожик тилида: “Белида белбоғи борлар” дастурхонга дуо бўлгач, кетмон, бел олиб шу кўприкка борсин, бир соатлик иш бор”, - деди. – Халқ учун, ўзимиз учун ҳашар бор. Бу ҳашаримиз кўплаб давлат мулкани, энг муҳими кўприкни сақлаб қолишни таъминлайди”. Раиснинг бу сўзлари ва даъвати қаҳрамонлик эмасди. Бу одатий даъватларнинг, таклифларнинг бири эди. Аммо амалий ташаббус, ибрат кўрсатишигина муаммони еча олади.

Дастурхонга дуо ўқилгач, тарқалишдик. Ташқарида ёмғир симиллабгина “кўз ёши” тукиб турарди. Совук эпкин баданни “чимчилаб-чимчилаб” кўяпти. Бундай об-ҳавода ҳаммаям иссиқкина уйда ўтиргиси келади. Уй-рўзгор, қодимларим билан



ёмгирдан панада шуғуллангиси келади. Мен ҳам ишхонамга жўнадим. Касаллар билан мулоқотга киришиб, ҳалиги таклифларни ҳам унутгандай бўлдим. Касаллар қадами сийракланиб, қорин ҳам тушлик яқинлашганидан дарак бера бошлади. Ходимларга тегишли топшириқларни бериб, тушлик учун уйга жўнадим. Ҳали айтганимдай, йўлим шу кўприк устидан ўтади. Карасам, 15-20 чоғли киши ёмғир тагида ғайрат билан ишлаб ётибди. Ишни деярли тугатай деб қолишибди. Одамлар билан саломлашиб, хорма-бор бўл қилишгач, шу ҳашарда катнаша олмаганимдан афсусландим.

Ўрни келганда айтиб ўтай, шу ердан сал пастроқда, яъни 500 метрлар нарида “Бирдамлик” МФЙ ҳудудида, кўприкка яқин жойда бир тешик пайдо бўлган. Машиналар қатнови учун ноқулайлик туғдириб турибди. Агар ҳаракат қилинса, бир-икки киши бирор соат ичида ушбу тешиқни кўмиб, бекитиб ташлаши мумкин. Чунки ҳозир ҳам шу чуқур мавжуд. Фақат, у кундан-кунга катталашиб бораёпти. Ахир, бу маҳаллада ҳам “Зевар”даги каби халқ бор, оқсоқол бор. Улар ҳам унутилмас кадриятлардан бўлган ҳашар уюштиришни тоғли халқдан ўрганишса, ёмон бўлмасди.

## ОТ МИНГАН ЭРКАКЛАР

Радио ёки телевизор орқали тез-тез янграйдиган бу сузлари бор кўшиқни тинглаганимда, негадир ўзимда ажиб бир жонланиш, кучли шижоат сезаман. Сўнг ўйланиб қоламан: ёшим бир жойга бораёпти, от олсам уни қаерда боқиб парваришлайману, қаерда минаман? Тўғри-да, от миниш ҳам роҳат, ҳам файзли, ҳам савлатли. Аммо уни тарбиялаш ва боқишнинг даҳмазаси кўп. Халқ тили билан айтганда, отнинг усти беҳишт, аммо оғзи дўзах...

Бойсун элига Абдурайим чопағон номи билан таниш бўлган (аслида менинг тоғам) бир инсон бор. Ҳозир ёшлари саксон саккиздан ўтиб кетди. Бир сўз билан айтганда, кексалик гаштини сураётган одам, бу Абдурайим чопағон Назаров деганлари. Шу одамга ҳавас қилиб, от минишни орзулайман. Сўнгра, Тоғай Муроднинг “От кишнаган окшомда” асари, Исроил Шомирнинг бир шеърдаги “Эвоҳ, обоклининг бийдай даштида, “Окшомлари отлар кишнамай қўйди”, каби мисралари ёдга туша бошлайди...

Тўғри, цивилизация, яъни ривожланиш ва тараккиёт тобора илгарилаб бораёпти. Инсон оғирини енгил, манзилени яқин қиладиган турфа техник воситалар яратилаёпти. Лекин... барибир,

мингта машина сигналидан, биттагина отнинг кишнагани минг бора афзалдек туюлади, баъзан. Бу овоздан, яъни отнинг кишнашидан олинадиган завкнинг, хузурнинг ҳеч бир тенги йўқ.

-“Зевар” кишлоғида 13 та оилада от бор, - дейди бир пайтлар ҚВПда ишлаган, ҳозирда эса маҳаллага раислик қилаётган Жўрабек Холмирзаев. - Ёқубов Кўчим, Ёқубов Камолиддин (яқинда Шерободдан ном чиқарган улоқчи от сотиб олди), Боймуродов Сайриддин ва унинг отаси Холмуродбойда биттадан от бор. Шоев Хўжакул, Холов Хайрулла, Холов Муродулла, Қўзиев Ўзбек, Кўчаров Валикул, Ризаев Нарзулла, Жамолов Низомиддин, Турдиев Машраб, Ризаев Қаюмбой, Шоев Тўракуллар кўпқаричиликнинг ҳадисини олганлардан. Шоев Тўракул бобо етмишни қоралаган бўлса-да, ҳалиям от минади. Улоқчи-чопагон сифатида ном қозонган.

Эндигина улоқчи-чопагон сифатида элга танила бошлаган Соли Жамолов ва Алишер Нарзиевларнинг от охури бугунги кунда бўш турибди. Улар олдинги отларидан зиёдроқ от топиш илинжида юришибди. Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтмоқ керак. Негадир чопагонлар отни бозордан олишмайди. Сабаби ҳам аниқ: от миниш бошқа, кўпқари чопиш бошқа. Кўпқарибоп отлар эса синалган жойлардангина харид қилинади. Чопагон деганда, бошқа спорт турларидан ўзгача, инсондан зийракликни талаб қилувчи ҳолат талаб этилади. Аслида отга минишнинг ўзи бир маҳорат ва қобилият меваси ҳисобланади. От суриб юриб давранан улоқ айириш эса ундан-да кўпроқ маҳоратни, зийракликни, эпчиллик ва чакқонликни, куч-ғайратни талаб этади.

“Зевар” кишлоғининг юқори қисмида муқим яшайдиган аҳоли орасида Алланазаров Мамади деган отахон бор. Вақтида чавандозларнинг олдинги сафларида бўлган. Аждодларимизда ўтган чопагонлар талайгина. Улар тарих бўлиб турибди. Бугунги қирчиллама ёшида кўпқарининг ҳадисини олганлар ҳам анчагина. Аммо ёши олтмишни қоралаб қолган, келбатли Кўчим Ёқубовни эл йигирма ёшлик пайтидан буён кучли чопагон сифатида билади.

Бугунги кунда ҳам бу чопагон тўйлардан қуруқ қайтмайди. Нарзулла чопагон ўрта ёшларда бўлса-да, отини миниш учун бокмаяпти. Кўпқарида унинг оти ва исми тез-тез янграб туради.

Шамсиддин Қизирик туманига танила бошлаган зеварликларнинг олд чопагонларидан. Айни йигит ёшида бўлган бу чопагон от устида чунонам ярашадик, кўплаб от бокканлар шу

чопағонга отини терлатиб беринг дея мурожаат қилишади. Сурувга от солгач, ортидан умид билан кузатиб туради.

Рустам ҳам Шамсиддинга тенгдош. Унинг “Чингиз” лақабли тулпори воҳамиз чопағонлари орасида “Рустам чопағон” деган ном олиб берган.

Бугунги кунда Рустам Турдиев элга танилган чопағонлардан бири. Камолиддин, Хўжакул, Муродлар нафақат от миннишга, балки кўпқарига қизикишади. Айни пайтда, кўпқарида қулай келса, бир - икки зот айириш билан қониқиш ҳосил қилишади.

Тўй - йиғинларда йигитлар ким қандай машина олди, ким пойтахтдан уй олди, ким қишлоқдаги уйини қайтадан кўтарди деган мавзуларда суҳбат кетмайди, аммо кўпқари ва от ҳақида, албатта, турунг бўлади. Дарвоқе, отга нағал қоқиш устаси ҳам фақат “Зевар”да бор Бу иш билан уста Исмадулла Тиллаев шуғулланади. Тумандаги от эгалари фақат шу устага мурожаат қилишади.

От миннишнинг афзалликлари ҳақида гапирганда, бир муҳим жиҳатни айтиб ўтмасак бўлмайди. Велосипед ёки от минганларда “эркакларнинг иккинчи юраги”, яъни “простата бези” касалликларига чалинишнинг олди олинади. Шунингдек, саломатлик қушандаси бўлмиш семириш ҳолатлари барҳам топади. Саломатлик бор жойда эса соғлом турмуш тарзи барқарор бўлади, соғлом насл дунёга келади.

## ТҶЙЛАР ҲАҚИДА ҶЙЛАР

Ўзбек халқи тўй-томоша ўтказишни орзулаб яшайди. Бу халқ, ҳатто, олдийгина дуосида ҳам “тўйдан бошинг чиқмасин, хонадонинг ҳамиша тўйхона бўлсин!”, дея тилак билдиришни хуш кўради.

Гарчанд, тўй, шодлик ва қувонч, тантана маросими бўлса-да, унинг ташвишларию, даҳмазаси кўплигини ҳаммаям билавермайди. “Бошидан ўтмаганнинг қошидан ўтма” деганларидек, тўйнинг ўзига яраша кўп бош оғриклари ҳам бор.

Мен “Бирдамлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қиламан. Бу ерда аҳоли зич яшайди. Шунинг учун бўлса керак, қишми, ёзми, рўза пайтими ёки пахта йиғим-терими мавсумими, барибир, тўйлар ўтказилаверади. Бу атрофда махсус тўйхоналар йўқлиги боис тунги алламаҳалгача маҳаллада кўшиқлар

янграйверади. Беморлар бор, уйқуси тез кочадиган кексалар бор, деб ҳеч ким мулоҳаза қилиб ўтирмайди. Қўшиқ кўнглига сизмайдиған таъзиядорлар борлиги билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ...

1977 йил. Тошкентдаман, абитуриентман. Дарс тайёрлаш учун кўзни тирнаб, уйқуни қочириб ўқиймиз, ёзамиз. Аммо биз ижарада турган маҳаллада юқорида айтиб ўтганимдек ҳолат ҳар оқшом битта ёки иккита хонадонда ҳукм суради. Туядек баҳайбат овоз кучайтиргичлар орқали бутун маҳалла бўйлаб, ярим тунгача мусика, қўшиқ таралиб туради. Чунки бу овоз кучайтиргичлар тўй даврасига йиғилганлар учун эмас, хўжакўрсинга, яъни бутун маҳаллага жар солиш учун атай баландлатиб қўйилади. Хуллас, битта тўйда беш-олти марта “Лаълихон ҳайда, қўйингни боқаман” каби мазмунан саёз “қўшиқ”лар такрор-такрор янграйверади. Шукрки, ҳозирги тўйлар махсус жойларда ўтказилаяпти, аҳолини безовта қилаётгани йўқ.

Бизнинг маҳаллада ўтадиган тўйларда янграйдиган қўшиқларни эшитиб, баъзан маънос тортиб кетаман. Йигит бўридай бўлади. Ахир, бўрида ваҳшийлик бор. Бошловчи шеърлари – шаблон, на маъно бор, на мазмун ва на оҳанг бор. Тўйларда кексалар, зиёлиларни кам учратасиз. Битта – яримтаси уйдаи, овоз кучайтиргичлардан панарок жойдами, нишонламаса. Бундай инсонларни бу бакирок тўйларда деярли учратмайсиз.

Яхши биласиз, мамлакатимизда спиртли ичимликлар рекламаси қонун йўли билан таъқиқлаб қўйилган. Лекин тўйлар, айниқса кечки базмлар ароқсиз ўтмайди ва тайёргина реклама вазифасини ўтайди!

Келин-куёв тўйи у ёқда турсин, оддийгина суннат тўйлари ҳам ароқсиз ўтмайдиған бўлиб қолди. Баъзи тўйларга борсангиз, мен бунга кўп гувоҳ бўлганман, ростдан кўра мастларни кўпроқ учратасиз. Тўй эгаси ёки даврабошилар спиртли ичимлик қўйилмаған бир парча ер топиб беролмайди. Ота-онаси-ку, келин – куёв бўлишганда, ҳатто, кеча базми ҳам қилишмаған, ҳамма галмагал кийиб юрган оврўпоча оппоқ либосни, юзни ярим очик тутадиган фатани эгни-бошига олмаған. Лекин фарзандлари-чи? Машиналар турнақатор бўлиши-чи? Энг ачинарлиси, келин-куёв ҳаммининг куз олдида рақсга тушиши-чи?! Қишнинг совуқ тунларида ярим очик кийимда ўтириш...

Якинда бир тўйда бўлгандим. Куёв бола билан Россияда бирга ишлаб қайтганлар кутилмаганда “Горько!” деб кичқириб юборишди. Хайрият, келин ва унинг сафлари бундай миллатимизга ёт бўлган шармандали ҳолат содир бўлишининг олдини олди. Қайнотам, пиру бадавлат нуруний, деновлик Аваз Эрназаров айтганидек: “айрим ёшлар ота-онаси уйда қолиб, номаълум солдат қабр тошига гул кўйиб келаяпти”. Тошга эҳтиром кўрсатиб ҳаётини бошлаяпти.

Бизнинг “Зевар” маҳалламизда эса кизи уйдан чиқаётганда, ота кизи билан куёвига оқ фотиҳа бериб йўлларинг ойдин, ҳаётларинг оқ бўлсин дея, ун сепеди ва очик кўнгил билан кузатиб кўяди. Келин-куёвларларнинг турнақатор машиналарга ўтириб олиб туман марказига. номаълум солдат қабрига гуллар кўйишига (бунинг ўз вақти – Хотира ва Қадрлаш куни бор!), ресторанларда ўтириб базм уюштиришларига руҳсат этилмайди. Тўғри, ёшлар орзуманд бўлишади. Лекин орзунинг ҳам орзудан фарқи, маъноси бўлиши керак. А. Темур сипоҳларига ичимлик ичишни тўйдан 2 ой олдиндан тақиқлаб,- аскарлари қудратли мамлакатга, соғлом авлодга эришган.

Рост, бизнинг “Зевар” маҳалламизда ўтадиган тўйларда спиртли ичимлик кўйилмайди. Ишонаверинг, бундай бемаъни ичимликнинг кўйилмаслиги бор гап. Бир гап мен Халк деморатик партиясидан туман Кенгашига депутат этиб сайланган Эшмирза Ризаевдан: “Мана, ёнимиздаги “Бирдамлик” ва “Хўжаипок” маҳалласидагилар туман марказидаги тўйхоналарда тўй ўтказишяпти. Сизларда ахвол қандай деб сўраганимда, у киши: “Бугунгача ёшларимиз ота-онасининг гапидан чиққани йўқ, тўй кексалар, якин ота-инилар билан тотимли, ҳамманинг уйи бор, “тўй” эгасини, уйини танитадиган деган қоида бор, лекин бугунги кунгача ота-оналари, кекса биродарларидан айро ҳолда, тагин бўлак жойда тўйхона, ресторанларда бирорта тўй ўтмаган”, - дея жавоб килди...

### “ЭЛ ҚЎЛЛАСА ГАР, ОМОН БЎЛСАК АЖАБМАС...”

Эшмирза Ризаев 2001 йилдан эътиборан туман раҳбарлари эътиборига туша бошлаганди. Шунинг учун бўлса керак, у маҳалла фуқаролар йиғини раислигига тавсия этилди, маҳаллий халқ эса бу таклифни қўллаб-қувватлаб уни сайлади. То 2003 йилларга қадар халқнинг янги ерларга кўниқиши осон кўчмади. Бу ҳеч ким учун

сир эмас. Қолаверса, муаммолар ҳам тезда ўз ечимини топавермади. Бу ҳам айниҳақиқат. Эл ишониб ўзига оксокол этиб тайинлаган Эшмирза Ризаев халқ ташвиши билан яшади, кун тартибига кўндаланг тушаётган муаммолар ечимини излаб туман ҳокимлиги ва тегишли идораларга бот-бот катнайверди. Ана шу ҳаракатлари ва фидойилиги учун ўз халқи қалбидан чуқур жой олди. Сўнгра, яъни 2004 йилда маҳалла раислигини Файзулла Каримовга топширди. 2005 йилга келиб, маҳалла иккига бўлинди. Шу тарика “Хўжаипок” маҳалласи ташкил топди. Файзулла ака “Хўжаипок” маҳалласи ташкил топгунга қадар ишлади. Шу йили “Хўжаипок” маҳалласига Файзулла Каримов, “Зевар” маҳалла фуқаролар йиғинига Ибодулла Тиллаев раис этиб сайланди. Эшмирза Ризаев 2004 йилдан 2009 йилгача “Шаҳринав” фермер хўжалигида иш юритувчи, кейинроқ эса шу фермер хўжалиги бошлиғи вазифасида ҳам ишлаган. Худди шу йиллари у раҳбарият назарига тушишга улгурганди. 2009 йилда фермер хўжалиқларини йириклаштириш режаси амалга оширила бошлагач, у бошқараётган хўжалиқ бошқа фермер хўжалиғи таркибига киритилди. Эшмирза ака яна ўз касбига қайтиб, 26-сонли мактабда бошланғич синфларга дарс ўта бошлади.

Э. Ризаев 1972 йилда Ҳисор педагогика техникумига ўқишга кириб, уни 1976 йилда тамомлаган. Ўша йилдан эътиборан мактабда ўқитувчилик қила бошлаган. Кейинчалик мактаб директори ўринбосари вазифасида ишлаган. Болаларга яхши таълим бериш учун муаллимнинг ўзи илмли, билимли бўлиши зарурлигини яхши англаган Э. Ризаев 1984-1989 йилларда Душанбе Давлат университетида сиртдан ўқиди. Кейин мактаб директори, туман халқ таълими бўлимида методист бўлиб ишлади. Хуллас, педагогика соҳасида ишлаб, чиникиб, кўзи пишиб борди.

У маҳалла оксоколи лавозимида ҳам ишлаб, кишлок кенгаши депутати сифатида ҳаётнинг яна бир киррасини ўзи учун кашф этиб борди.

Қизириқдаги 26-сонли мактаб ўқитувчиси Эшмирза Ризаев туман раҳбарлари эътиборидалиғи боис 2009 йилнинг 27 декабрида бўлиб ўтган халқ депутатлари республика, вилоят, шаҳар ва туман кенгаши депутатлиғига сайловлар муносабати билан Бандихон туман кенгашига 25-“Зевар” сайлов округидан номзод этиб рўйхатга олинди ва халқ муҳокамасига қўйилди. Кўпчилик овоз билан Халқ демократик партияси аъзоси сифатида депутат этиб



сайланди. У. то 2014 йилнинг декабрига қадар, туман Кенгаши депутати мандати билан 26-сонли мактабда ўқитувчилик қилди.

Мактабдаги фаолияти ўртамиёна ёки қониқарли бўлиб қолмади. Балки, ибрат, ўрнак бўлиш даражасида аъло бўлди. Шунинг учун ҳам у бир неча бор ХТМ ФМТ ва ТЭ (туман халқ таълими)нинг Фахрий ёрликлари билан тақдирланди. Кимки ҳаётда ўзига йўл изласа, одамларнинг оғирини енгил қилса, бундай хайрли ишлари учун савоб олади. Бир сўз билан айтганда, икки дунё саодатига эришади. Буни яхши англаган Э. Ризаев 2009-2014 йилларда депутат сифатида қатор хайрли ва савобли ишларни амалга оширди. Бу каби ишларнинг энг салмоқлиси йўл тузатиш соҳасида бўлди.

“Зевар” МФЙсини қок иккига бўлиб ўтувчи асфальт йўлдан то 69-сонли мактабгача бўлган масофадаги, қишлоқ оралаб ўтадиган кўча носоз эди. кишда лой, ёзда эса чанг бўлиб ётарли. Эшмирза ака шу кўчани кенгайтириб, тош тўшаш бўйича Холли бобо Мисиралиев (ҳозир ҳаёт, ҳожи ота сифатида кексаларга ибрат кўрсатиб ўғил-қизлари, неваралари қуршовида яшамокда), Мамади Алланазаров (90 ёшни қоралаб қолган бу нуроний отахон умри давомида кўп хайрли ишлар қилган, ҳозир нафақада), Мулкамол Раҳмонов (ҳозир “Хўжаипок” МФЙда яшайди), Абдулҳамид Ҳакимов (Чернобиль АЭС фалокатини баргараф этишда иштирок этган, ҳозир маҳалламизда яшайди), Маҳмуд Оқбўтаев, Норменгли Ўринов, Ўроз хожи Исмоилов, Чори Эгамбердиев, Рустамхон Раҳматов (ҳали ёш бўлишига қарамасдан маҳаллада ўз айтар сўзига эга)лар билан бир жойга йиғилишиб “мол сот, пул топ – рўшнолик кўр. деган гап бор”, деган мақолга монанд руҳда суҳбатлашишди. Э. Ризаев шу гурунг сўнгида:

-Ўз қадрини билмаган, ўзганинг қадрини не билсин, дейдилар. Шу йўлдан фарзандларимиз мактабга, йигитлар ишга қатнайди, нима бўлгандаям серкатнов кўча. ҚВП, магазин, МФЙ идорасига ҳам шу йўлдан борилади. Ўз кучимиз билан тош тўкиб, йўлни ростлаб олсак, нима дейсизлар? – деди.

Табиийки, бу одамларнинг кўнглидаги гап эди. Барча рози бўлди. Баҳоли қудрат маблағ йиғишни Абдулҳаким Ҳакимов ва Маҳмуд ака Оқбўтаевлар ўз зиммасига олишди. Кимдир ҳашарчиларнинг чой-нонига, овқатига кўмаклашди. Қишлоқнинг юқори қисмидаги санглоқдан 3-4 кун ижарага олинган машиналарда тош ва қум ташишди. Фермерлар уюшмасига раислик

**қилаётган** Аваз Мамадиев (ҳозир Бердимурод бобо фермер хўжалиги раиси), “НОК” фермер хўжалиги бошлиғи Сирож Мисиралиев (ҳозир фермерлар уюшмаси раиси), фермер Усмон Мамадиев (ҳозир гидромелиорация коллежи ўқитувчиси), Қурбонали Паянов, Мамаат Эргашев, Эшмамаат Нозимов каби фермер хўжаликлари бошлиқлари ўз техникаси, ишчи кучи ва иш куруллари билан ҳисса қўшишганини қишлоқ аҳли бот-бот эслаб туради. Кўпдан қуён қочиб кутулмас деганларидек, бир пайтлар лой, чанг бўлиб ётган кўча тезда равон, тош-шағал тўшалган кўчага айланди. Ушбу кўча ҳозиргача вақти-вақти билан халқ ташаббуси эвазига таъмирланиб турилади. Бу ишлар бошида турган Э. Ризаев номи доимо эсланади.

Бандихон - Қизирик катта йўлини “Зевар” МФЙни боғлаб турган йўл тарихи ҳозирда зеварликлар яшаётган қишлоқнинг бунёд бўлишига бориб такалади. Аммо бунгача Мамади Алланазаров ўғиллари билан шу кўчани бунёд этган.

2001 йилгача чанг йўл бўлиб, кейинрок, яъни Мустақиллик кунигача асфальт йўл ҳам бунёд бўлган. 2001 йилнинг биринчи сентябрида ишга тушди.

Шу ерларда, қолаверса, тумандаги кўпгина қишлоқларда яшаб, сўнг боқий дунёга рихлат қилганлар учун маскан бўлмиш Қорахон ота қабристонини обод бўлиб, бунда ҳам оксоқолнинг беминнат хизматлари бор. Қабристон жойлашган жой лалми ер бўлиб, қўл ювиш ва истеъмол учун сув йўқ эди. Э. Ризаев шу ҳақда ҳам ўйланиб юрарди. Каттарок сиғимли сув идиш топишни мўлжаллаётганди. Ҳатто, бу борада ҳомий топиш ҳақида ҳам ўйлаб қўйганди. Кўнглидагиларини Э. Ризаев депутат сифатида йиғинларда айтиб ҳам юрди. Халқ эса унинг фикрини маъқулларди. Аммо мингта маслаҳатдан битта амалий иш яхши деганларидек, сув идиши масаласи ҳамон ҳал бўлмаётганди.

Кўнларнинг бирида ўз укаси Ҳабибулла Ризаевга кўнглини ёрди. Яъни, 7 тонна сув сиғадиган идиш топганини, раҳбарият ҳам уни қабристонга ўрнатишга розилик берганини айтди. Эл-юрт хизмати йўлида саховат кўрсатишни, Камаз машинасида шу идишни қабристонга элтиб беришни илтимос қилди. Ҳабибулла ака эса самимият билан бу таклифга рози бўлди. Шу тариқа улкан сиғимли сув идиш қабристонга олиб келиниб, ўрнатилди. Ушбу идиш ҳозирги кунда ҳам қабристонга зиёратга келувчиларга беминнат хизмат қилиб турибди. Идишни мунтазам сув билан тўлдириб

туриш эса шу кабристон бўйича масъул Ислом Алланазаров зиммасида.

Энди ана шу кабристон тарихи тўғрисида ҳам қисқа бўлса-да, айтиб ўтсак ўринли бўлар. Аслида унинг тарихи унчалик узоққа бормади. Бир пайтлар у Тоштемир ота кабристони деб юритилган. Унга кейинчалик “Сайид Қорахон” ота деб қўйилгач, шу ном билан атала бошлаган. Бу мустақилликдан кейин содир бўлди.

Тоштемир бобо ўғли Эргаш Абдуллаев отаси доимий уйи – кабри оёк-ости бўлмасин дея, атрофини симтўр билан тўсиб, эшик ҳам ўрнатиб қўйди. Шу тариха бу ер кабристонга айланди. Бугунги кунда бу жой кенгайиб, оламдан ўтганларнинг сўнгги манзили бўлиб қолган.

Бир пайтлар машҳур ёзувчимиз “Бугунги кунда ўзбеклар кабристонидай ҳароб жой йўқ”, деб афсус билан ёзганди. Оллоҳга шукрки, Эшмирза Ризаев сингари инсонлар тўғрисида кабристонлар атрофи ободонлашмоқда, тоза-озода сақланмоқда. Ўрни келганда айтиб ўтмоқ лозимки, Бандихон кўрғонида жойлашган бирорта кабристон ҳали мажмуага айлантирилгани йўқ. Эътибордан четда қолиб турибди. Шунчаки маҳаллий халқ ҳашар-эхсон ҳисобига бақадри имконият топиб, ободончилик билан шуғулланиб турибди. Бирор хомий ташкилот ёки саховатпеша инсонлар чиқиб, кабристонни ободонлаштира, нур устига аъло нур бўларди...

## ДЕПУТАТ - ХАЛҚНИНГ ВАКИЛИ

“Зевар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган 25-сайлов округидан халқ калбидан ўрин олган ишончли инсон сифатида Эшмирза Ризаев депутатликка номзод этиб, рўйхатга олинди. 2014 йилнинг 21 декабрида бўлиб ўтган сайловлар пайтида Ўзбекистон халқ демократик партияси аъзоси сифатида депутат этиб сайланди.

Эшмирза Ризаевнинг асл касби педагог. Бугунги кунда у 73-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишламоқда. У роппароса 60 йил аввал биринчи май куни Сарисоғди туманидаги “Ўзбекистон” жамоа хўжалигининг Ғалаба кишлоғида таваллуд топди. Болалик ва ёшлик йиллари тенгдошлари каби беғубор ва шодон ўтди. Биринчи синфга шу ердаги Фирдавсий номи 13-мактабга борди. Бу мактабда у саккизинчи синфгача ўқиди. Юқори синфларни эса ўша пайтларда Менделеев номи билан юритилган

45-сонли мактабда тугатди. Шундан сўнг Ҳисор педагогика техникумига ўқишга кирди. Кейинчалик Душанбе давлат университетига ҳам ўқиди. Шундан буён бутун умри давомида бошланғич синф ўқитувчиси сифатида ёш авлодга таълим-тарбия бериб келаяпти.

Эшмирза ака айни пайтда эл-юрт ташвиши билан ҳам елиб-югуриб юрган инсон сифатида қишлоқдошлар орасида катта обрў қозонганларнинг бири. Чунки у болаларга савод ўргатишдан ташқари қишлоқ ва туман Кенгашлари депутати, маҳалла оқсоқоли сифатида бутун умри давомида хайрли ишларни кўплаб амалга ошириб келмоқда. Унинг хизматларини тенгдошлари, қишлоқ кексалари жуда яхши билишади ва кадрлашади. Айниқса, 2001 йилда Бандихон туманига кўчиб келган кезларида ишнинг ўзини эмас, кўзини билишини кўрсатди. Шу маънода у юзага келган муаммоларнинг ечимини топа олди. Халқ орасида обрўси янада юксалди.

-2001 йилда туман ҳокимлиги топшириғи билан “Зевар” маҳалласидаги янги кўчиб келганлар хонадонларига ўтин етказиб берилиши керак эди, - дея эслайди “Зафар” фермер хўжалиги бошлиғи Қодир Қаюмов, - аммо бу ишни эпложмадим. Ўша пайтда ҳаво совук эди. Ишчиларимга айтиш малол. Лекин Ғ. Ғулом хўжалигида ўтин кўп бўлса-да, уни кесиб тайёрлаш муаммо эди. Шунинг учун ҳам мен Зевар маҳалласига келиб, оқсоқол Э. Ризаевга учрашдим ва масалани кўндаланг қўйдим. Бу одам анча ташаббускор ва ташкилотчи экан. Дарҳол, қишлоқ йигитларидан 10-15 нафарини ёнига олиб, шу куннинг ўзидаёқ кераклича ўтин тайёрлатиб улгурди. Табиийки, тайёр ўтинни олиб келиш муаммо эмасди. “Зевар” халқи сўнг келди, аммо ўнг келди, жойи яхши дейди, - Қаюм Қодиров.

Эшмирза Ризаев номи билан боғлиқ бундай хайрли ишлар жуда кўп. Лоакал, 2014 йилда депутат бўлиб сайлангач, 69-мактаб билан боғловчи кўприк баҳорги сел мавсуми пайтида яроксиз ҳолга келиб қолганлигини эслаб кўрайлик. Бу кўприк таъмири мураккаброқ эди. Чунки мавжуд цемент устунларни, бошка таянчларни сел окизиб кетганди. Бундай шароитда техникадан ҳам фойдаланиш амри маҳол эди. Оқсоқол аҳолининг гапга етар инсонлари билан обдон келишиб маслаҳатлашгандан сўнг, айниқса, Рустамхон Раҳматов. (ҳозир Хўжапкок МФЙда яшайди), Ўроз Исмоилов, Маҳмуд Окбўтаев, Қобил Тошбоев, Юнус Холлиев, Муҳаммади Окбўтаев ва

Файзулла Каримов (Хўжаипок МФЙ раиси)лар билан келишиб, кўприкни умумхашар йўли билан, қолаверса, хомийлар мадади билан таъмирдан чиқаришга бош-қош бўлди. Табиийки, иш осонгина битгани йўқ. Э. Ризаев то кўприк таъмири тугамагунча “шу ерда кўкарди” деса, бўлади. Одамлар билан тил топишди, ўзи ташаббус кўрсатди, елиб-югурди, қурилиш материаллари учун хомий топди, хуллас, ишни аъло даражада эплаб кўприкни яна одамлар хизматига шай қилиб қўйди. Депутатдан халқнинг кўнгли тўлди. Депутат эса қилган ишининг самарасидан, элга нафи текканидан қувонди.

Тиниб-тинчимас бу инсон “Эл соғлиги – юрт бойлиги” тадбирини ўтказётганимда мен билан елкама-елка турди, яқин кўмакдош бўлди. Қолаверса, Хўжаипок ва Зевар маҳаллаларидаги коллежларга 100 дан ортик ўқувчилари қатнашини инobatга олиб йўлни таъмирлатгани, одамлар туман марказига бозор-ўчарга бемалол қатнашини ўйлаб кўприкни тузатганининг ўзиёқ бу инсон эл гамида нечоғлик югуриб-елаётганидан дарак бериб турибди. Унинг бу каби хизматлари изсиз кетаётгани йўқ. Аввало, одамлар қалбига муҳрланиб қолаяпти. Қолаверса, матбуот саҳифаларида ҳам кенг ёритилиб, тарих саҳифаларига жойланаёпти. Масалан, шу йилнинг апрел ойида “Халқ йўли” газетасида “Депутат ва ҳаёт” рукнида Э. Ризаев ҳақида “Маҳалладошлар меҳрини қозониб” деб номланган каттагина мақола эълон қилинди. Мақолада нафақат бу ҳассос инсон олиб бораётган ишлар, балки келгуси режалари ҳақида ҳам атрофлича сўз юритилган. Демак, депутат-оқсоқол ҳамон эл манфаати йўлида изланишлар олиб бораёпти, одамлар ҳаётини янада фаровон қилиш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишларга ҳисса қўшишда давом этаёпти.

Эшмирза Ризаев аҳил ва иноқ яшаётган оила бошлиғи ҳам ҳисобланади. Турмуш ўртоғи Зулфинахон билан 6 нафар фарзанд тарбиялашди. Эндиликда улар 15 нафар невара қуршовида умргузаронлик қилишмоқда. Тўнғич фарзанди Жўрабек бугунги кунда ота маслаҳатига амал қилган ҳолда, унинг ўғитлари асосида “Зевар” МФЙга раислик қилмоқда.

Ўғли Умидилло ҳам ота касби этагини тутган. Педагоглик қилиш билан бирга, санъаткор сифатида ҳам элга яхши танилган. Мактабларда ўтадиган тadbирлар, тўй-ҳашамларда кўлига тор олиб кўшиқ куйлайди, одамларга завқ улашади. Тожикча ва ўзбекча кўшиқларни маромига ектазиб куйлайди.

Яна бир ўгли Ҳамидулло ўзининг қўл меҳнати билан элга ва рўзгорга манзур бўлиб яшайпти.

Қизи Зулайхо турмуш ўртоғи Намоз билан аҳил оила қуриб, маҳалладошларга ибрат бўлиб келмоқда. Озодахон эса турмуш ўртоғи Солибой билан тўрт нафар фарзандни камолга етказмоқда. Бу ёш оиланинг ҳам маҳаллада обрўси баланд.

Мавлудахон эса ҳали ота-она бағрида. Илм масканида таълим олиш билан машғул. Ризаевлар сулоласи чиндан-да, соғлом авлодлар улғаяётган ибратли сулола.

## ХОНАДОН ПОКИЗА – НАСЛ СОҒЛОМ

Тиббий маданият фақатгина тиббиёт ходимлари томонидан олиб борилиши шарт, деган тушунчага унчалик кўшилавермайман. Тўғри, бу борада соҳа мутахассисидан ўтказиб бирор гап айтиш мушкулдир. Лекин масалага бошқача, яъни тарғибот нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, мен қандай фикрни илгари сураётганлигимнинг маъносини англаб етарсиз, деб ўйлайман.

Биласиз, аҳоли тиббий маданиятини ўстириш, энг аввало, умримизни узайтиришга, биринчи галда ўзимиз бош-қош бўлишимизга ундовчи муҳим омиллардан бири саналади. Бу ишга нафақат, асли мутахассис бўлган шифокорлар, балки шу соҳага алоқадор бошқа соҳа вакиллари, зиёлилар, турли ташкилот ва жамғармалар ҳам ҳисса қўшишса, олам гулистон бўлади. Мен бу мавзуга “Соғлом авлод учун” Халқаро хайрия жамғармаси олиб бораётган ибратли ишлар мисолида бир қур назар ташламоқчиман. Юқорида таъкидлаганимдек, барча баравар тиббий маданиятни юксалтиришга ҳисса қўшса, қанчалар фойдали бўлишини таъкидлаб ўтмоқ керак.

Навбатдаги тадбир тумандаги 74-сонли мактаб биносига, туман ҳокимлиги, “Маҳалла” жамғармаси, ХТМФМТ, Тиббиёт бирлашмаси, “Тараққиёт” газетаси ва туман “Соғлом авлод учун” ХХТМ ҳамкорлигида тузилган қўшма қарор асосида ташкил этилди.

Кенг миқёсда, юқори савияда ташкил этилган ушбу тадбирда тумандаги Зевар, Бирдамлик, Қўшқўтон, Хўжайпок ва Гулзор маҳаллалари аҳолиси жалб этилди. Тадбир “Қариси бор уйнинг – париси бор” шиори остида ўтказилди. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, тадбирга “Тозаликка риоя – соғлиқ учун ҳимоя”

мавзулари асос бўлди. Ўзига хос кўрик-танлов ёки беллашув тарзида ўтган тадбирга соғлом, комил, зукко фарзандлар ўстирганлиги учун номинацияси белгиланди. Бунинг учун ҳар бир маҳалладан 15-20 та хонадон вакиллари таклиф этилди. Беллашувларда иштирок этганлар 3 та ўрин учун курашдилар. Натижада жами 15 нафар ғолиб вилоят “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шуни ҳам алоҳида мамнуният билан таъкидлаш лозимки, тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсадлардан яна бири “Қарияларни эъзозлаш йили” давлат дастури вазифалари туманда қандай ижро этилаётганлигини ўрганишдан иборат бўлди. Бошқача қилиб айтганда, оилада кексаларнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг самимий дуосини олиш, меҳнат ва ҳаётий тажрибаларини ўрганишга асосий эътибор қаратилди. Тадбирда иштирок этаётган хонадонлар орасидан муносибларини танлаб олиш учун нуфузли Ҳайъат тузилди. Ҳайъатга “Соғлом авлод учун” ХХЖ вакиллари, “Маҳалла” хайрия жамғарма фонди, ҚВПларнинг ҳудудий патронаж ҳамшираси, оммавий ахборот воситаларининг жамоатчи мухбирлари киритилди.

Ҳайъат аъзолари уй-жой покизалигини, тозалигини, томоркаларнинг ободлигини, оила ошхонасининг саранжомлигини, ювиниш хонасини, шунингдек, душ ёки ҳаммомнинг бор - йўқлигини, молхона ва ўтинхоналарнинг дидли жойлаштирилганлигини, соғлом турмуш тарзига оид кўрсаткичлар қандайлигини инобатга олган ҳолда иш юритдилар.

Шу билан бирга кўпчилик хонадонларда ит, мушук мавжудки, уларнинг ўз вақтида эмланиши, сақланишига риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу уй жониворларига тўғри муносабатда бўлиш, парваришлаш ва сақлаш, аслида, хонадонда тиббий маданият қай даражада эканлигини билдирувчи омиллардан саналади. Қолаверса, танлов шартларига айнан шу масаланинг киритилиши замирида ҳам катта маъно бор. Чунки етарлича қаровга олинмаган ит қутуриш касаллигининг келиб чиқишида асосий манба бўлиши мумкин. Танлов пайтида ана шу жиҳат ҳам эътибордан четда қолдирилмади.

Молдан юқадиган касалликлар ва турли консерва маҳсулотларини уй шароитида тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор билан қаралди. Чунки Ботулизм касаллиги кўпчилик ҳолатларда консерва маҳсулотлари тайёрлашда шикша идишларни тўлақонли

зарарсизлантирмаслик натижасида келиб чиқади. Шунинг учун ҳам ҳайъат аъзолари танловда иштирок этаётган ҳар бир хонадонда бўлиб, хонадон соҳибларининг бу борадаги билимларини ҳам бир кур синовдан ўтказдилар, яъни қатнашчиларнинг бу борадаги билим даражаси танловнинг асосий мезонларидан бири бўлди. Оилада шахсий гигиенага риоя қилиш, чиқиндихона, мағзава тўқадиган кир ўрасининг ахволи, ҳар бир оила аъзосига алоҳида тиш чўткаси, сочик, чойшаб бўлишигача кўздан кечирилди.

Танловнинг кенг камровли эканлигини юқорида эътироф этиб ўтган эдик. Бу фикримизга шуни мисол келтирамизки, ҳайъат аъзолари танловда қатнашаётган хонадонлар соҳибларининг тўйларни ортикча харажатларсиз, дабдабозликка йўл қўймаган ҳолда ўтказиш борасидаги ташаббускорлигини, келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказишдаги саъи-ҳаракатларини, шунингдек, оилада соғлом авлодни тарбиялаб ўстиришга қўшаётган ҳиссасини, ногирон фарзандлар туғилмаслигининг олдини олиш йўлидаги тушунчаларини ҳам инobatга олдилар. Айни пайтда иштирокчиларнинг оиласида вояга етаётган фарзандларнинг мактабга, коллежга қатнаши қай даражада қониқарли эканлигини, болаларни назорат қилиш қандай йўлга қўйилганлигини аниқлаш ҳам ғолибларни аниқлашда асосий кўрсаткичлардан бири бўлди.

Танлов альтернатив усулда, яъни 3 тадан кам бўлмаган ҳолда ўтказилди. Танловда маълум бир МФЙда муқим яшайдиган оилалар қатнашди ва ғолиблар аниқланди. Натижаларга кўра, “Бирдамлик” МФЙдан Мардон Бакиров, Абдужалил Бакиров, Шайдулла Қулмирзаев, “Зевар” МФЙдан Розия Комилова, Рўзигул Ҳақимова, Қурбонбиби Ҳайдарова, “Хўжанпок” МФЙдан Улғўзи Хўжанова, Ўроз ҳожи Исмоилов, Тошбиби Абзоирова, “Гулзор” МФЙдан Курбонназар Туропов, Аллаш Алмардонов, Салом Бобоев, “Қўшқўтон” МФЙдан Қобил Чориев, Ҳасан Назаров, Менгли Бойқобиловлар хонадони танлов Низоми талабларига тўла жавоб берди. Бу хонадон соҳиблари вилоят “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси директори Хулқар Эгамбердиеванинг ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Фахрий ёрликлари ва совғалари билан тақдирланди.

Танлов ғолиблари тадбирга тақлиф этилиб, вилоят “Соғлом авлод учун” жамғармасининг тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси “Хўжанпок” ҚВП тиббий ходимлари ҳамкорлигида 70 нафар киши тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан 34 нафари



аёллар, 15 нафари туғиш ёшидаги аёллар, 26 нафар ўсмир ва болалар, 10 нафари кекса ёшдаги кишиларни ташкил этди. Яна 50 нафар киши ультратовуш УЗИ) текширувидан ўтказилди.

Тадбир якунлангач, иштирокчилар ва ғолиблар бир пиёла чойга таклиф этилди. Шу ерда катта дастурдаги бахшичилик ҳам намойиш этилди. Унда Панжи Тожиев, Жавли Тангриев, Сафар Шойдулов, Мамарасул Эшимов, Исмоил Анваров, Ўрал Раҳимов, Маҳмуд Чориев, Назар Нормаматов, Муҳаммад Эшбоев, Зулхумор Шерназаровалар миллий кадриятларни ўз кўшиқ, терма, айтишувлари орқали тарғиб қилдилар. Тумандаги фолклор – этнографик ансамбллар иштирокчилари бўлмиш Турсунтош Нормўминова, Гулчеҳра Маллаева, Донохол Турсуноваларнинг чиқишлари ҳам йиғилганларни мамнун этди. Мозийдан садо берувчи миллий чолғу асбоблари – най, сибизга, чанқовуз, доирадан таралган оҳанглар, ижро этилган лапарлар, ракслар, мактаб ўқувчилари намойиш этган кичик сахна кўринишлари барчага манзур бўлди. Айниқса, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари бўлмиш Барчиной, Норўлат, Ҳайдарбек, Дилафрўз, Райҳона, Нурхона, Намозали, Ҳулқар, Наргиза, Мухтасар каби кичкинтойларнинг чиқишлари алоҳида олқишларга сазовор бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Олий Мажлиси сенати аъзоси Ш.Р. Орипова, болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш асоссиацияси раиси Ш. Жалилова, ЎзМТДП вилоят кенгашининг “Аёллар каноти” раиси Ҳ. Ш. Хуррамова, туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан С. Қурбонназаров, Р. Ҳайдаров, туман “Маҳалла” ХЖФ раиси Г. Умбарова, халқ таълими ХТМФМТ ва ТЭдан Э.Чоршанбиев, И.Тожиев ва қўллаб мактаб директорлари ҳамда “Тараққиёт” газетаси бош муҳаррири Ч. Алимов, газета ходимларидан Й.Мирзаев, Н. Эшмурзаев, туман МТДПсидан Ю. Умбаров, Г. Мусаева ва бошқалар фаол иштирок этдилар. Туман ҳокими ўринбосари Ж.З. Худойкулова тадбир катнашчилари ва ташаббускорларига миннатдорчилик билдириб, тадбирни якунлади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керакки, “Соғлом авлод учун” жамғармаси томонидан юксак савияда ўтказилган ушбу тадбирда тумандаги мактабларнинг ўқувчилари ҳам фаол иштирок этишди. Хусусан, тумандаги 11-, 55-, 58-, 69-, 73-, 74-, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Соғлом авлод учун” соҳаси йўналиши бўйича танлов бўлиб ўтди. Ушбу танловни

Ўтказишдан мақсад ўқувчиларнинг табиий фанлар, хусусан, атрофимизни ўраб турган олам, табиатшунослик, ботаника, одам ва унинг саломатлиги, зоология, биология, фанларига бўлган қизиқишларини кучайтириш, айнан, “Соғлом авлод учун” фани соҳасидаги билимларини чуқур эгаллашга ундашдан иборат бўлди.

Ўзбекистонимизда амал қилаётган 9+3 мажбурий таълимда тиббий тарбия, тиббий маданият бўйича саводхонликни юксалтириб, кашандалик, алкоғолизм ва гиёхвандлик иллатлари таъсиридан онгли сакланишни амалга оширишга чорлаш муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, шахсий гигиенага риоя қилиш, тўғри овқатланиш, қийиниш ва бошқа жиҳатларга ҳам эътибор қаратилди. Бу йўналишда ёшларга соғлом бўлиб камол топиш ниҳоятда муҳим эканлиги тарғиб қилинди. Шу билан бирга миллий ғоямизга ёт бўлган салбий оқимларга, одатларга эргашиб кетиш қандай салбий оқибатларга олиб қелиши тўғрисида кенг камровли тушунчалар берилди. Хуллас, тани сиҳатлик, саломатлик инсон қамолида муҳим аҳамиятга молик эканлиги ҳар жиҳатдан тарғиб қилинди. Бу борада айниқса, жисмоний меҳнат ва спортнинг ўрни алоҳида эканлиги таъкидланди. Эртанги кунимиз ворислари бўлмиш бугунги ёшлар Сурхон воҳаси азалдан полвонлар ва чавандозлар юрти эканлигини ҳеч қачон унутмасликлари лозимлиги, бу фахрли ва шарафли жиҳатлигини кучлироқ англаб етишлари кераклиги ёрқин мисоллар орқали кенг тарғиб қилинди.

Тадбирда кекса ёшдаги полвонларнинг вакиллари ва бахшичилик, фольклор санъатидан намуналар ижро этиш орқали ёшлар шуурида миллий кадриятларимизга ҳурмат-муҳаббат уйғотишга эришилди. Бу борада шуни таъкидлаш керакки, ушбу йўналиш бўйича бўлиб ўтган танловда ҳар бир мактабдан 5 нафардан ўқувчи иштирок этди. Улар низомда кўзда тутилган балларни қўлга киритиш учун ўзаро беллашдилар. Ғолиб мактабларни қуйидаги тўртта шарт бажарилиши кўзда тутилди:

1. Мактаб ҳақида ва шу мактабни тугатиб эл олқишига сазовор собиқ ўқувчилар тўғрисида маълумот.

2. Эркин мавзу (Соғлом авлод дарсига алоқадор сахна кўриниши).

3. Бир дақиқа ичида билет асосида 5та саволга тезкор жавоб бериш.

4. Тайёрлаб келинган буклет ва альбом, деворий газета, рефератлар кўриги.

Ушбу шартларнинг бажарилишини Қизирик туман педагогика коллежи ўқитувчиси биолог Насиба Юлдашева, Қизирик агро саноат коллежи ўқитувчиси Ҳасан Назаров, 26-мактаб ўқитувчиси, халқ таботати бўйича Республика ибн Сино илмий-методик маркази тингловчиси Нишон Эшмурзаев, туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Сайдулла Курбонназаров, Раҳматилла Ҳайдаров, ХТФМТдан Эшқурбон Чоршанбиев ва Иброҳим Тожиёвлардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Таъқидламок ўринлики, ушбу танлов - тадбир маҳаллалардан йиғилган жажжи болакайларнинг бадий чикишлари билан бошланди. Маҳаллалар аҳли ва тадбир иштирокчилари олдида болаларга хос самимият билан куй-қўшиқлар, рақслар ижро этиб шеърлар ўқиган Барчиной, Мухтасар, Наргиза, Райҳона, Дилафрўз, Намозали, Норпўлат, Нурхона, Ҳайдарбек, Хулкарларнинг чикишлари барчада бирдек яхши таассурот қолдирди. Чунки бу кичкинтойлар алоҳида концерт номерларидан ташқари саломатлик ҳақидаги мақоллари, шеърлари, рақслари билан йиғилганларга манзур бўлди. Кичкинтойлар даврасига туман ҳокими ўринбосари Жамила Худойкулова, вилоят “Соғлом авлод учун” жамғармаси раиси Хулкар Эгамбердиева, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати аъзоси Ш. Арипова ва бошқалар бўлиши уларни жуда қувонтирди.

Ушбу йўналиш бўйича бўлиб ўтган танлов натижаларига кўра, биринчи ўринни қўлга киритган 55-мактабнинг “Соғлом авлод” жамоаси ғолиб деб топилди. Ушбу жамоани тайёрлашда мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Элмурод Соатов ва Рустам Алиёров, Дилафрўз Қаршиева каби ўқитувчиларнинг хизмати катта бўлганлиги алоҳида эътироф этилди. Бу ҳақда шу жамоа аъзоси, 8-синф ўқувчиси Севара Бойсунова бизга мамнуният билан сўзлаб берди. Ўзи ҳақида сўзларкан, Севара келажакда тиббиёт ходими бўлишга ҳаракат қилаётганини айтиб ўтди. Унинг бу орзуси онаси, биология фани ўқитувчиси Саодат Юсупованинг номи билан боғлиқлигини таъкидлади.

Танловда иштирок этган ғолиб жамоанинг яна бир қобилиятли иштирокчиси Шерзод Чориев бўлди. У саралаш мусобақаларида ғолибликни қўлга киритди. Тўққизинчи синфда ўқиётган Шерзод табиий фанларга кўпроқ кизиқади. Унинг онаси бошланғич синф ўқитувчиси Дилбар Хурсандова бўлади. Дилбархон Шерзод ўзи

севган соҳага тайёрланиши ва ўзи ёктирган фанларни яхши ўзлаштириши учун барча шароитларни муҳайё этиб қўйган.

Танловнинг фахрли иккинчи ўринига тумандаги 74-мактабнинг “Ёш авлод” жамоаси муносиб деб топилди. Жамоа сардори, 9-синф ўқувчиси Малика Шарипова, шунингдек жамоа аъзоси Озода Мавлоновалар беллашувларда фаол иштирок этишди. Ушбу жамоани тайёрлашда шу мактабнинг биология фани ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Абдували Курбоновнинг хизматлари таҳсинга лойиқ эканлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, жамоани танловга тайёрлашда мактаб директори Э. Холмуминов, ўқитувчилар Ф. Икромов, Ж. Кулниёзовларнинг хиссаси алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Учинчи ўринни эса тумандаги 73- ҳамда 11- мактабларнинг жамоалари ўзаро баҳам кўришди.

73-сонли мактабдан Равшан Абдуразоқов, Авазбек Мўминов, Гулрухсор Муҳаммадиева ва бошқаларнинг ғолибликни қўлга киритишга қўшган хиссаси сезиларли бўлди. Бу жамоани 73-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Юсуп Рўзиев тайёрлаган. Мактаб директори Ж. Жамолов, ўқитувчилар А. Нозимов, Б. Тиллаевлар ҳам унга қўмақдош бўлишган.

Танловда иштирок этган 11-мактаб ўқувчилари орасида Умида Тошниёзова, Зарнигор Ўрозовалар фаол иштирок этишиб, билимдонлиги ва топқирлигини намоён этишди. Бу жамоани тайёрлашда Салима Мўминова, Қурбонназар Туропов ва мактаб директори Ўқтам Юсуповларнинг хизмати катта бўлди.

Тадбир якунида танлов ғолибларини вилоят “Соғлом авлод учун” ХХЖФ директори Хулкар Эгамбердиева эсдалик совғалари билан тақдирлади. Шунингдек, ғолиблар туман “Соғлом авлод учун” жамғармасининг, туман табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Фаҳрий ёрликлари ҳамда эсдалик совғаларига мушарраф бўлишди.

Тадбир якунида кекса ва ёш авлод вакилларининг чиқишлари уюштирилди. Ўзбекистон халқ бахшиси Хўшбoк Мардонақулов бошчилигидаги ўнлаб бахшиларнинг чиқишлари, тумандаги машхур фолклор-этнографик ансамблининг миллий кадрятларимиздан дарак берувчи концерт номерлари барчани бирдек мамнун этди.

Тадбирда иштирок этган мактаб ўқувчиларидан 26 нафари вилоят “Соғлом авлод учун” ХХЖФ тиббий-ижтимоий бригадаси шифокорлари томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди.

Ҳа, келажак ҳақида қайғурувчи халқ ўз фарзандларининг эртанги куни, саломатлиги, баркамол бўлиб вояга етиши учун ана шундай ғамхўрлик қилади. Бунга юкорида биз сўз юритган, ҳаётнинг, кундалик турмушнинг барча жабахаларини қамраб олган тадбир яна бир ёркин мисол бўла олади.

## ЯНА СИЛ КАСАЛЛИГИ ҲАҚИДА

Юкоридаги лавҳаларда инсон саломатлиги учун жойларда шифокорлар сидкидилдан фаолият олиб боришаётганлиги, соғлом авлодни вояга етказиш борасида қай кўламдаги ишлар қилинаётганлиги тўғрисидаги фикрларимиз билан танишдингиз.

Табиийки, бу хатти-ҳаракатларнинг бари, аввало, инсон саломатлиги тўғрисида ўзи қайғуриш билан боғлиқ. Лекин канчалик ҳаракат қилинмасин, барибир, қутилмаган жойдан, арзимаган сабаблар билан келиб чиқадиган ва юкумли хасталик саналадиган сил касаллиги хуруж қилиб қолиши эҳтимолдан узоқ эмас. Юкорида айтилган фикрларнинг замирида ҳам инсонларни ана шу дарддан огоҳ этиш, у юкумли эканлигини англантишдан иборат бўлди. Шунинг учун ҳам аҳоли тиббий маданиятини ошириш, касалликлар ва уларнинг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлар билан кенгрок таништириш, ҳар бир инсонни шахсий санитария ва гигиена қоидаларига қатъий амал қилишга ундашдан иборат бўлди. Келинг, энди хавфли аммо ўз вақтида олди олинса, хуруж қилмайдиган сил касаллиги тўғрисида кенгрок тўхталиб ўтайлик. Бу хасталик ҳақида канчалик кўп билсак, ҳар биримиз учун шунчалик фойдали бўлади.

Аввало шуни айтиш керакки, сил касаллиги юкумли хасталиклар туркумига қиради. У одамдан-одамга ҳаво-томчи йўли орқали тарқаладиган микобактериялар ушбу касалликни келтириб чиқаради. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, сил касаллиги кўпинча одам ўпкасини зарарлантиради, айрим ҳолларда эса тананинг бошқа аъзоларига ҳам таъсир этади, яъни бошқа аъзоларда ҳам пайдо бўлади. Агар ўз вақтида керакли дорилар билан даволаш чоралари қўрилмаса, сил касаллиги оғир ва ноҳуш оқибатларга олиб келади. Сил касаллигига йўлиққан ва уни ўз

вактида тўғри даволатмаганлар вақт ўтгач, касаллик қурбонига айланиши мумкин. Лекин ўз вактида аникланиб, тезкор чоралар кўрилган ҳолларда бу дарддан халос бўлса, бўлади.

Ўрни келганда эслатиб ўтмоқ лозимки, совук сувли ҳовузларда чўмилиш ёки совук сув ичиш сил касаллигини юктириш манбаси бўла олмайди. Сил касаллиги наслдан наслга ўтмайди.

Хўш, бу касалликнинг дастлабки белгилари қандай намоён бўлади?

Бу борада шуни айтиш керакки, бу хасталикка чалинганларда аввалига, яъни 2-3 ҳафта балғамли йўтал, юкори иситма, тунда кўп терлаш, вазн йўқотиш, тез чарчаш, кўкрак кафасида оғрик туриши, нафас олишда қийналиш ҳолатлари кузатилади. Ўзида бундай ҳолатларни сезган беморлар зудлик билан мутахассисларга мурожаат қилишса, касаллик биринчи босқичдаёқ аникланади ва даволаш чоралари кўрилади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, сил касаллигига ҳар қандай одам чалиниши мумкин. Чунки шу касаллик билан оғриган, аммо ҳали буни ўзи билмаган инсоннинг йўталиши, аксириши орқали соғлом одамга юкиши мумкин. Бунда сил касаллигини тарқатувчи микобактериялари ҳаво-томчи йўли билан тарқалади. Касал бўлмаган одамлар ҳаводан нафас олганларида бу микобактериялар уларнинг ўпкаларига тушади ва инсон зарарланади.

Сил касаллиги микобактериялари ҳавода бир неча соат сақланиши мумкин. айниқса, чегараланган ва ёпик жойларда бу ҳол кўпроқ кузатилади.

Шунинг учун ҳам сил касаллигининг олдини олиш, унга қарши кураш чораларини ўз вактида кўриш муҳим аҳамиятга эга. Сил касаллиги тарқалишини олдини олишдаги энг муҳим тадбир, бу - ўз вактида хоналарнинг шамоллатиб турилишидир. Очик дераза ва эшиклар яшаш жойларига очик ҳаво киришига ёрдам беради. Буни эслатаётганимнинг сабаби шундаки, агар инсон яхши шамол айланмайдиган кичик уйда ёки хонада яшаса, бундай кишининг сил касаллигига чалиниши эҳтимоли ортади.

Сил касаллиги маиший алоқа йўли билан юктирилмайди. Масалан, умумий тарелка, пиёла, пичок, сочик, кийим-кечаклар ва ётоқхона буюмларини бирга ишлатиш пайтида бу касаллик юкмайди. Аслида, у сув ичганда, бўса олганда, бағрига босганда, жинсий алоқа қилганда ва инъекция, яъни укол олганда юкмайди. Агар сиз сил касаллигига чалинган бемор билан бир хонада

яшасангиз, сизга касаллик юкмаслиги учун махсус парҳез тутиш ёки идиш-тавок ва бошқа маиший буюмларни махсус чайиш, яъни стрелизация қилишнинг ҳожати йўқ. Агар сиз сил микобактериялари мавжуд бўлган хаводан нафас олсангиз, сизга сил юқиши мумкин. Бунинг маъноси шуки, сизнинг организмингизда сил касаллигининг “ухлаётган” микобактериялари мавжуд. Микобактерияларнинг бу турлари касалликни келтириб чиқармайди, сиз бацилла ажратувчи эмассиз ва бошқаларга касалликни тарқатмайсиз. Бирок, мана шу ухлаётган микобактериялар унинг иммун тизими заифлашганда уйғонади.

Дори-дармонларни тўғри истеъмол қилиш йўли билан сил касаллигини тузатиш мумкин. Сил касаллигидан ҳалос бўлиш учун махсус парҳез тутиши ёки ўз ҳаёт тарзини ўзгартиришга ҳожат йўқ. Шунини ҳам эслатиб ўтайки, ит ёки бўрсик ёғи билан сил касаллигини тузатиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам агар ўзингизда сил касаллиги аломатларини сезсангиз, дарҳол шифокорга мурожаат қилганингиз маъқул. Бу ишни қишлоқ врачлик пунктига мурожаат қилишдан бошланг. Бу ерда сизни текшириш учун балғам олинади.

Чунки сил касаллигини текширишда ва тўғри ташхис қўйишда энг яхши усул балғам текширишдир. Балғам текшириш хоналари қишлоқ врачлик пунктларида жойлашган. Шу ўринда сил касаллигини даволашда самарали қўлланиладиган бир қатор дори-дармонлар ҳақида тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлар. Ўзбекистонда даволаш учун ниҳоятда муҳим бўлган барча дори-дармонларни бепул асосда олиш мумкин.

Даволаш ишлари 6 ёки 8 ой давом этади. Кўп ҳолларда даволашнинг биринчи 2 оyi бемор касалхонада даволанади, даволашнинг қолган қисмини бемор амбулатор тарзда қувватловчи босқич давоси поликлиника ёки қишлоқ тиббий пунктида олади. Даволашнинг бошланишидаги 2-3 ой давомида дорилар ҳар куни ичилади. Охириги 4-5 ойда дорилар беморнинг ҳолатига таҳлил натижаларига кўра буюрилади. Амбулатор тарздаги даволаниш узилишларсиз давом этиши зарур. Бу шунинг учун зарурки, сил касаллигига чалинган бемор дори ичишни бошлагандан қисқа вақт ўтгач, ўзини яхши ҳис қила бошласа ҳам, ҳамма силга қарши дориларни мунтазам ичиб бориши даркор. Агар силга қарши дориларни белгиланган тартибда қабул қилинмаса, касаллик тузатиб бўлмайдиган бўлиб қолиши мумкин.

Яна бир нарсани эслатиб ўтай. Тиббий ходим беморларнинг дориларни қабул қилиш жараёнини кузатиши зарур. Шундай қилиб, тиббий ходим бемор дориларини мунтазам ва ўз вақтида истеъмол қилаётганига ишонч ҳосил қилади. Беморлар билан мунтазам учрашиш орқали тиббий ходим уларда дори ичиш жараёнидаги ёки бошқа турдаги муаммолар ҳақида хабардор бўлиб туради.

Тавсия этилган дориларнинг ҳаммасини истеъмол қилмаётган бемор, аслида, ўз оиласидаги ва жамиятдаги инсонларга касаллик юктиришда давом этади. Бу ҳолларда сил касаллигини тузатиб бўлмайди. Бевосита назорат остидаги даволашда тиббий ходим бемор томонидан қачон ва қанча дорилар ичилмай қолганлигини вақтида пайқаб, муаммони тезда ҳал қилиши керак.

Шундай экан, даволанишнинг биринчи икки ойини касалликнинг юқишини қамайтириш мақсадида бемор силга қарши диспансерда ўтказиши зарур. Даволашнинг қолган қисмини бемор амбулатор тарзда, ўзи истиқомат қиладиган жойдаги поликлиника ва кишлоқ врачлик пунктида олади. Бу муассасаларнинг тиббий ходимлари бемор томонидан дори-дармонларини тўғри ва мунтазам истеъмол қилиниши устидан бевосита назоратни амалга оширадilar. Агар бемор дориларни қабул қилишга келмаса, тиббий ходим ўша беморни топиб, уни даволанишни давом эттиришга рози қилишга масъул.

Сил касаллиги билан оғриган бемор касалликни бошқаларга юктирмаслиги учун қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилиши керак:

-Бемор даволанишни мунтазам олиб бориши ва бутунлай тузалиб кетиши лозим. Шундай қилиб касалликнинг бемор оиласи аъзоларига ва жамиятда тарқалишининг олди олинади. Одатда, даволанишнинг 3 ҳафтасидан кейин беморлар касаллиги юқумлилиқ хавфига эга бўлмайди.

-Йўталганда, аксирганда бемор оғзини бекитиши керак. Балғам таҳлилидан мусбат натижага эга бўлган беморгина сил касаллиги юктириши мумкин. Балғам таҳлилида манфий натижалари беморлар ҳам юқумли эмас.

-Агар одам сил касаллиги билан хасталанганлигини аниқласа, унинг атрофидаги қайси кишиларда касаллик борлигини аниқлаш мақсадида текшириш мумкин.



-Бир хонадонда яшовчи барча оила аъзоларини текшириб кўриш, барча текширув ва таҳлиллар топширилиши керак. Болаларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Бевосита назорат остидаги қисқа муддатли химия терапия билан даволаш махсус дозада бепул таъминланади

ДОТ стратегияси Умумжаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган бўлиб, у ўз ичига сил касаллиги билан курашишни бошқариш, шу жумладан, диагностика, даволаш ва профилактикани олади. Сил касаллиги билан курашишда бу стратегия бутун дунёда, шу жумладан ривожланган давлатларда энг самарали эканлиги тан олинган. ДОТ стратегияси билан даволаниш аксарият беморлар учун самаралидир.

Кўпчилик ҳолатларда шифокорларга “биз сил касаллиги билан оғриган одамдан кўрқишимиз ва у билан мулоқот қилишни тўхташимиз керакми?” кабилидаги савол билан мурожаат қилишади.

Йўқ. Сил билан касалланган инсон хавфсиздир. Сиз учрашадиган сил касалига йўлиққан беморларининг аксарияти сил касали микобактерияларини таркатмайдилар. Чунки улар касалхонада даволаниш курсини олишган.

Даволаш муваффақиятли тамомлангандан сўнг, аксарият (85%) беморлар бутунлай тузалиб кетадилар.

## ФАРЗАНД ТОЛЕИ – ВАТАН КЕЛАЖАГИДИР

*Бу дунё саодатини ўйласанг савдогар бўл,  
У дунё саодатини ўйласанг тақводор бўл,  
Икки дунё саодатини ўйласанг, хунарманд бўл.  
Ҳадис.*

Қизирик туманининг бел камари бўлиб турган Шеробод каналидан ўтсангиз, чап қўл тарафда Чағот тоғ тизмаси пойида ястанган Хўжаипок маҳалласига кириб борасиз. Бу сўлим маҳаллада бугунги кунда аҳоли тинч-тотув истиқомат қилади.

Бу маҳаллада муқим яшовчилар кам деса, бўлади. Чунки бир пайтлар яъни чўл ўзлаштириш бошлангунча кўпчилик кўчиб кетган. Муқим яшаб қолганлар эса бугунги кунда маҳаллани обод этиб, яшамокдалар. Ана шундай хонадон соҳибларидан Ражаб

Раҳматов оиласи аъзолари ҳар жиҳатдан ўрнак олса арзигулик ҳаёти кечирмоқдалар.

Келинг, аввало, Ражаб ака Раҳматов билан яқиндан танишиб олайлик. Бу инсон бундан роппа-роса 55 йил муқаддам қўшни Қашқадарё вилоятининг Қамашли туманидаги Дўконхона кишлоғида (ҳозир - Ойбек МФЙ) чавандозлар сулоласининг давомчиси бўлмиш Холмамат ака оиласида таваллуд топганлар. Чавандозларнинг кекса вакиллари “Абдурайим бир тортар” лақабли чопагонни кўрмаган бўлса, эшитган чиқишар. Чунки Холмамат бобо ўз даврининг ўртамиёна чопағони бўлиб, “Абдурайим бир тортар”нинг ўғли бўлади. У ўз обрўси билан эл ардоғида яшаб ўтди. Кўпқарига кўплар чопишга, баъзилар эса “Абдурайим бир тортар”нинг Холмамат деган ўғли ҳам кўпқари чопаркан, шу чопагон кўпқарига келармиш, борамизми томошага, кетдик”, дея кўпқари майдониға келаверар экан.

Накъл килишларича, чопагон, полвон зоти борки, жаҳонгашта бўлишаркан. Ва, яна: Худо ҳам таваккалчидан кўрк деркан, дейди доно халқимиз. Шунинг сингари Холмамат аканинг биз томонларга илк бора келиши ҳам айни таваккалчиликнинг маҳсули деса, бўлади. Чунки у кунларнинг бирида “Бойсунда кўпқари хануз бор экан, тўйи кўпқарисиз ўтмас, чопағону отлари хор эмас”, - деб эшитиб қолади. Шундан сўнг Холмамат ака “хайё-хуйт” дея Сайробнинг Мунчок кишлоғига 1968 йилда кўчиб келади. Тезда кишлоқ аҳли билан иноқлашиб, кўпқарида катнаша бошлади. Давраларда илғорлик килиб, калхатдай тезкорлик билан келиб, улоқни узиб олиб кетаверди. Хуллас, ўз кўнглини ўзи овлаб, чавандозлик килиб кунларни ўтказди.

Бу орада ўғли, хикоямиз қахрамони Раҳмат шу кишлоқдаги Нодира номли мактабнинг (ҳозир – Бойсун туманидаги 37-сонли мактаб) биринчи синфига катнай бошлади. Ҳаш-паш дегунча болаликнинг шўхлик-шодонлик даври ҳам ортда қолди, у ўрта мактабнинг ўннинчи синфини яқунлади.

-Мактаб директори Абдулла Ризаев ўта қаттиққўл бўлиб, болаликни бебошлик билан эмас, ўқиш, ўрганиш, темир интизомли яшаш тарзи билан ўтказиш керак дерди, - дея суҳбатни давом эттиради Раҳмат ака. – Яна бир муаллимим тарих фанидан дарс берарди. Энди ўйлаб қарасам, ўша муаллимим - Мухторхон Мирзаев (ҳозир бу киши ҳаёт, ҳажга бориб келганлар, эл-юртда обрўли бўлиб яшаб турибдилар) асли ҳаётдан ҳам сабоқ берган

экан. То ханузгача мен у кишининг ўгитлари, панду насихатларидан бахрамандман... Андак ўйинкароқ бўлганманми ёки чавандозлик ҳаваси устунлик қилганми, харкалай, илм йўлини тутмапман, шундан афсусдаман. Аммо, устознинг илм йўли кўп мураккаб, кўп ўқиш ва изланиш керак. Энг муҳими элга, юртга фойдаси, оилага кўмаги, халққа нафли бўлган ўз қобилиятинг етадиган хунар-касб ўрган. Бунинг учун ҳам албатта, билим керак. Сенда ирода, кунт, интилиш бор. Шуларни ишга солиб хунар эгаси бўл, деганлар. Бу ўгитлар менга йўлчи юлдуз бўлди. Бу ҳикматона ўгитлар турмушнинг турткиларидан, тақдирнинг аччиқ қадарларидан гангиб йўлимни йўқотиб қўйишдан асраб келмоқда...

Шундан сўнг, Раҳмат ака яна ёшлигини, дўст-биродарларини эслаб кетди:

-Мунчок қишлоғида қўшнимиз, сирдош-синфдошим Маъдихон Ибодов деган дўстим бўларди. Бу ўртоғим билан уйда мактабда болаликнинг беғубор онларини бирга ўтказганмиз. У ҳам хунаранд эди, яъни мол туёғидан қаттиқ одамгина чорванинг нонини ейишини амалда исботлади. Чўпонлик касби билан ҳаётда ўз ўрнини топиб кетди. Мана, ҳозир ҳам ўша қишлоқда муқим яшаб, қарилик гаштини сурмоқда. Чунки чўпонлик касби орқали ўз ҳаётини ўнглаб олган, қарилик кезлари учун шароитлар яратиб улгурган. Дину диёнатда устувор, болалар тарбиясида жонкуяр инсон сифатида, ҳатто, хожи мақомига ҳам муяссар бўлди. Мунчок қишлоғининг энг обрўли, ҳурматли инсонларидан бири сифатида бахтли умргузаролик қилмоқда.

Ражаб ака мактабни яқунлаб, Шерободдаги машина-трактор таъмирловчи усталар тайёрлайдиган билим юртида ўқиди. Сўнгра ҳарбий хизматга чақирилди. Йигитлик бурчини узоқ Свердловск шаҳридаги ҳарбий қисмда ўтади. Хизматни ҳарбийлар ошхонасида таом тайёрловчи ошпаз сифатида ўтказди. Болалик ва йигитлик даврида у Музработ туманидаги Янгиобод кўрғонида яшайдиган акаси Абдулла Янгибоевникида (Оллоҳ раҳмат қилсин!) тез-тез меҳмон бўлиб турарди. Бу хонадонда вояга етаётган Соҳибжамол исмли киз унинг эътиборини тортганди. Орада илиқ муносабатлар юзага келганди. Ражаббой ҳарбийга кетгач, Свердловск ва Музработ ўртасида самимий истакларга, орзуларга тўла мактублар оқ кабутар мисол учиб бориб, келиб турди. Ота-оналар ёшларнинг ишига аралашинмади, вақтни ҳакам этиб қўйишди. Ражаб ҳарбийдан қайтгач, 1981 йилда Соҳибжамол билан тўйлари бўлди.

Мухаббат боғининг илк меваси – тўнғич кизлари Сайёра 1982 йилда туғилди. Шу йили Ражаббой Қизирик туманидаги 9-бўлим (ҳозирги Тинчлик маҳалласи ҳудудида) га кўчиб ўтди.

Янги янаш жойида, яъни 9-бўлимга келбатли, полвонсифат, ўз даврининг машҳур пахтакорларидан бўлмиш эл назаридаги инсон Турдимурод Курашов раҳбарлик қилаётган экан. Ана шу одам Ражабга МТЗ-80 русумли тракторни ишониб топширди. Ёш оила саналмиш Соҳибжамол ва Ражабнинг ҳолидан хабар олиб, иссиқ-совуғига қарашиб турди. Т. Курашов (Оллоҳ раҳмат қилсин!)нинг хотини Катя опа (Екатерина) татар миллатига мансуб бўлиб, жуда ажойиб фариштали аёл эди. Уларнинг Дилбар исмли кизлари бор эди. 2014 йил онаси билан ўз юртига кўчиб кетди, шекилли. Қизирикда яшаётганларида Ражабнинг иккинчи кизи Раъно ҳам туғилди. Соҳибжамол турмушга чикмасдан аввал, яъни мактабни тугатгач, “Пахтаой” болалар боғчасида иш бошлаганди. Ражаббой 1984 йилда яна Янгиободга кўчиб ўтди. Чунки Соҳибжамолнинг боғчадаги тенгдошлари уни яна ўз сафларига таклиф эта бошлашганди.

Соҳибжамол ўзи ўн йил ўқиган мактабдаги синфдош дугоналари, биродарлари билан бирга бир пайтлар иш бошлаган “Пахтаой” болалар боғчасида ишлай бошлади. Бу боғчага мактабдаги биология фани ўқитувчиси Сафия Мингбоева мудиралик қилаётганди. Ўқувчилик пайтларидаги каби бу ерда Соҳибжамол ана шу устозининг маслаҳатларидан баҳрамад бўлиб турди. Сафия опа ҳозир Дехқонобод МФЙ сида турмуш ўртоғи Суюн бобо билан 3 ўғил, 2 киз фарзанди ардоғида яшамокда.

Соҳибжамолнинг отаси Абдулла ака, онаси Зубайда опа умрлари давомида 10 нафар фарзандни ок ювиб, ок тараб вояга етказишди. Умрлари охирида уларнинг роҳатини кўриб, сўнгра чин дунёга равона бўлишди. Бу оилада ўсган фарзандларнинг ҳар бири ҳаётда ўз ўрнини топиб кетган. Масалан, Абдулла аканинг ўғли Абдижаббор Қарши педагогика институтининг химия-биология факультетини якунлаб, ризқини шу соҳадан топган. Ўрол ҳам шу институтни тугатиб, мактабларда она тилимизнинг бойлигини ўз ўқувчиларига етказиб юриб, нафақага чиккан. Яна бир ўғил Абдиназар эса механизатор. Техника билан тиллашиб, эл хизматини қилиб, эътибор қозонган. Мажид ўрта тиббиёт ходими. Музработ тумани тиббиёт бирлашмасида фаолият кўрсатиб, обрў-эътибор топди. Болли исмли ўғли ТерДУнинг, биология

факультетини тугатиб, Қизирик туманидаги 11-сонли мактабда шу фандан дарс берарди (Оллоҳ раҳмат қилсин). Раззоқ темир йўл соҳасида ишлайди. Иш фаолиятини А. Термизий МФЙсида Шеробод темир йўл станциясида ишлаб бошлаган ва шу ердан нафақага чиққан. Айни кунларда шу маҳаллада истикомат қилмоқда. Абдиғаффор Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Музработ туманида қишлоқ хўжалик соҳасида ҳисобчи бўлиб ишлаган. Ҳозир туман тиббиёт бирлашмасининг ҳисобчилик бўлимида ишламоқда. Соҳибжамолнинг Бибиойша исмли синглиси Қизирик туманидаги Гулзор МФЙ да яшайди. Турмуш ўртоғи Мусурмон-Норқўчқоров 2013 йилда бевақт вафот этган. Уларнинг Зоқир, Абдулазиз исмли ўғиллари ҳам бу ёлғончи дунёни тарк этишган. Бибиойша турмуш ўртоғи ва иккала ўғлидан ажралган бўлса-да, Бобур ва Бойбўри исмли ўғиллари паноҳида, уларнинг умрини тилаб турмуш зарбаларини енгиб яшамокда. Мана. Муслимбек. Бунёд исмли неваралари ҳам бўй кўрсатиб қолишди. Шу қишлоқлик шоира Лайло Хусанованинг бу муштипар она ҳақидаги шеърлари аёл бардошига айтилган қасидага ўхшайди...

Ражаббойнинг учинчи фарзанди ўғил бўлди. Унга меҳр билан Эркин дея исм қўйишди. Аммо бола вояга етган сайин унинг гапира олмаслиги аён бўла борди. Мактаб ёшига етганда, Эркинни Шўрчидаги 122-сонли махсус мактаб-интернатга жойлаштиришди. Эркин бу ердаги ўқишини тугатиб аввал этиқдўзлик, сўнгра сартарошлик билан шуғулланди. Кейинчалик велосипед тузатишни ўрганиб олди. Ундан кейин суратқашликни ҳам ўзлаштириб олди. Халқ орасида “уста уста эмас, асбоб-ускунаси уста” деган ажойиб нақл бор. Ражаббой шу ўғлининг қилаётган ишларидан кўнгли тўлиб, кўнгли ўсиб юради. Гоҳ-гоҳда Эркиннинг гапира олмайдиган ўртоқлари меҳмонга келиб турарди. Улар орасида замонавий асбоб-ускуналар, компьютер ва “суратга олгичлар” билан тиллаша оладиганлари ҳам бор эди. Табиатан янгиликка ўч, тез хотир Эркин бу воситалар билан ишлашни ҳам дарров ўзлаштириб олди. Ўғли баъзиларнинг боласидай осмонга қараб эмас замонга, қобилятига қараб учаётганини кўриб ота қалби яна бир бор таскин топди. Тўғри, орада “бир қўйнинг пулига уни олиб берсам бузиб қўйса, ундан кейин электр токи (таъминланиши) билан боғлиқ хижилли ҳолатлар боламини баттар эзиб қўймасмикин”; деган ўй ҳам ўтгандай бўлди. Шундай бўлса-да, ўзи боқаётган семиз қўйларнинг бирини сотиб, пулини ўғлига келтириб

берди. Шуни эхтиёт қилиб ишлатар, тежамкорлик қилар деб умидланди. Онаси Соҳибжамол эса битта қўйнинг пулини сармоя қилиб иш бошлаган ўғлига кўмакка келди. Ўғли туширган суратларни ўзи бориб тайёрлатиб олиб келиб бера бошлади. У бу борада ўғли билан телефон воситасида, яъни СМС орқали “гаплашади”.

Бу орада Эркиннинг қишлоқдаги тенгдошлари уйлана бошлашди. Ота-она калбидаги фарзанд чаманзорининг гуллаб-яшнашига ноқулайлик, кемтиклик, яъни унинг тенгини топиш халал бериб турарди. Ахир, халқда тенг тенги билан, тезак копи билан деган гаплар бор, ахир. Эркин ақлли, келбатли, суксурдай йигит бўлса-да, забонсиз. Шунинг учун ҳам ота-она куну тун ўйга толиб турли режалар тузар, баъзан орзуларга берилиб кетишарди. Аммо ҳаммаси бесамар эди...

Кутилмаганда, масалани Эркиннинг ўзи ечиб қўя қолди. Шўрчидаги ўша махсус мактаб-интернатда ўқиётган чоғида Қизирик туманилик Муҳаббат Хўжакулова исмли киз билан дил розилик қилганини маълум қилди. Муҳаббат ҳозир Республика ногиронлар коллежининг тикувчилик бўлимида ўқиётганлиги хабарини ҳам етказди. Бу хабарни эшитган Соҳибжамол ўша кунгек Эркинни ёнига олиб Қизирик туманидаги “Учрашув” маҳалласида яшаётган Райим полвон хонадонига элчиликка (кулчиликка) жўнади.

Турсун мома билан Райим полвон ҳам фарзандлар камолини, бахтини кўриш иштиёкида яшаётган эди. Бўлғуси қайнона бўлғуси келин Муҳаббат билан имо-ишора воситасида “сўзлашди”. Эркин эса бўлажак қайнота-қайнонаси билан “тиллашди”. Хуллас, ҳар иккала томон бир қарорга келиб, тўй режаси ҳам тузиб чиқилди...

Хўжаипок маҳалласида яшовчи ( у пайтда Зевар МФЙ эди) Ражаб повурнинг тўйида шунчалар машина кўп бўлдики, худди шаҳарларда яшайдиган катта амалдорнинг эркатойи уйланаётгандай эди. Шу таассуротлар таъсирида гурунглarning бирида Ражаб акадан сўрагандим:

-Бунча машина ёллаш учун маблағни қаердан олдингиз?

-Эркиннинг тўйига ўзидек гапиролмайдиган болалардан 83 нафари етиб келди. Улар уч-тўрт киши бир бўлиб, биттадан машина ёллаб келишган. Бу келинни олиб келишда ҳам, маҳалла-қўйда ҳам фойдали бўлди. Чунки келин ва қудағайлар ҳам шуларнинг машинасида келишган эди...

Бугунги кунда Эркин ва Муҳаббат бахтли ҳаёт кечиришмоқда. Уларнинг икки нафар фарзандлари бор. Эркин “Хўжайинок” ва “Зевар” маҳаллаларида ягона сураткаш, ягона велосипед тузатувчи уста, сартарош. У ҳозир маҳаллаларда истикомат қилаётган 4000 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Уйидаги 3 та компьютери, 2 та фотоаппарати билан эл хизматини қилиб юрибди. Мен шу ҳудудда ишлаётганим боис бу оиладан тез-тез хабар олиб тиббий кўриқдан ўтказиб тураман. Аллоҳнинг мўъжизаси шуки, Эркин ва Муҳаббатнинг ҳар иккала фарзанди ҳам соғлом, тиллари бурро. Ота-онасининг қаддини тик тутишида, бобо ва момосининг синик калбига малҳам бўлиб юришибди.

Ражаббойнинг 1992 йилда тугилган Шодмон исмли ўгли ҳам Эркин каби гапиролмасди. Эркин унга раҳнамолик қилди. Ака нимани қилса, укаси Шодмон ҳам шундай қиладиган бўлди. Ота-она ҳамон дуода. Шодмоннинг ҳам вақт-соати етиб қолгач, тенги топилиб қолар дея ҳамиша Яратганга илтижо қилиб юришибди.

Мустақил ва яхши яшаш учун, ҳаётда ўзликни топиш учун мустақиллик имкониятлар эшигини очиб берди. Аммо ундан ҳамма ҳам тўғри ва оқилона фойдаланаётгани йўқ. Баъзан тоғни урса талқон қиладиган, лекин бирор фойдали иш билан шуғулланмай юрганларни кўрганда афсусланаман. Улар иш йўқ деб уйда, ота-онасига боқиманда бўлиб ўтиришибди. Бундайларнинг аксарияти бозорма-бозор тентирашади, арзон-гаровга нарса олиб устига яна нарх қўйиб сотиш билан шуғулланишади. Бундайлар атрофидагиларни эмас, ўзларини алдашаётганлигини нахотки тушунмасалар? Ҳатто, бундайлар орасида касаллигини бўрттириб кўрсатишга интилаётганлар ҳам топилади. Улар тиббиёт муассасаларида юриб, ногиронлик нафақаси “тўғрилаб” олиш пайида бўлишади. Чет элга чиқиб кетиб рўзгорни, оилани, фарзандларини хор-зор қилиб қўйганлар-чи улар ўзларини қандай оклашади, билмадим.

Эркак – оиланинг қўли. Оилада ўрни ва мавқеи бўлакча. Унутмайлик, Ватан - оила остонасидан бошланади. Оиламизни обод, рўзгоримизни бут қилиб қўйсақ, шу ердаги ишга, маошга қаноат қилиб тежам билан рўзгор тутсақ, олам гулистон. Ватан ҳам, оила ҳам обод бўлади.

Ражаб ошпазнинг ҳовлисидаги соя-салқинли, мевали дарахтларнинг мўллиги, ҳовли ўртасидан шарқираб оқиб турган арик тўла сув, дид билан қурилган иморатини кўрсангиз, баҳри

дилигиз очилади. Мабодо, кишлокдан ўта туриб “бу хушбичим бинони ким кураяпти?” деб сўрасангиз, дарров “гунг расмчиларники!” дея жавоб беришади. Юқорида мен келтирган давангирдай йигитлар шунгина юнгиронлардан ибрат олсагар, ўз хаётларини меҳнат билан, хунар билан йўлга кўйиб олсагар бўлади-ку. Бунга гапира олмасада, зўр ишларни койил қилиб кўяётган Эркин ва Шодмоннинг тақдири ёркин мисол эмасми, азизлар..

\* \* \*

Ваҳоланки, дангасалик ва ишбилармонлик ҳақида, қунт ва ирода тўғрисида сўз очган эканман, келинг яна бир ибратли оила ҳақида сўзлаб берай.

Муборак ҳадисларда шундай дейилади; “Тани соғ бекорчи, дангасалардан Худо ҳам безор”. Қайсидир бир китобда ўқиганим бор, Яратган эгам бандасининг сабрини билиш учун синов юбораркан. Энг мухими, Оллоҳ бандаси чидай олмайдиган мусибатни юбормас экан.

Сир эмас, инсон онгли мавжудот. Ҳаёт синовларини, турмушдаги ташвишларини онги, илми-салоҳияти, ўзгаларнинг ҳаёт тажрибасидан хулоса қилган ҳолда, истаса, енгиб ўтади. Шунинг учун ҳам доно халқимиз бир кўриб шукр қил, бир кўриб фикр қил деб, бежиз айтмаган. Агар шундай қилинса, қаҳрини аямаган яратган меҳрини ҳам аямайди.

Бу борада яна Ражаб ошпаз оиласига мурожаат қилишга аҳд қилдик. Оиланинг тўнғич фарзанди Сайёра ҳисобланади. Сайёра-қариндошлик ришталарини мустаҳкамрок боғлаш ниятида, қолаверса, ота-онаси раўйига қараб, амакиси Тўра билан турмуш қуришга розилик берди. (Шу ўринда шифокор сифатида эслатиб ўтишим шартки, мамлакатимизда тиббиёт аллақачон аниқлаб бўлган бир тушунча бор. Қариндошлар ўртасидаги никоҳ келажак зўрриёдлар учун хавfli саналади. соғлом ва баркамол фарзанд туғилишига монелик қилади. Бу ҳолатдан қочиш, имкони бўлса қарши қурашиш зарур, келажак насл соғлом бўлиши кераклиги Давлат дастурига киритилганлигини унутмайлик!) Хуллас, Ражаб ошпаз билан акаси Холмамат ака (Оллоҳ раҳмат этсин!) куда бўлди. Куёв бўлмиш Тўра ҳам гапиролмайдиган гунг эди. Бундай қасаллар эшитишдан ҳам маҳрумлигини биласиз. 2008 йилда автоҳалокат туфайли ҳаётдан кўз юмган.



Ўртада ўқилган никоҳдан Сайёра ва Тўра икки нафар фарзанд кўришди. Ўғиллари Ўрол 2004 йилда, Қувонч эса 2006 йилда дунёга келди. Жуфтидан бевакт ажралган Сайёра икки норасида дилбанди камоли учун яшашга бел боғлади. Мактаблардаги учрашувлар, тиббий кўриклар пайтида, йўлларда учратиб турадиганим - истараси иссиқ дўплогина, ёкимтойгина бола мени у билан суҳбатлашишга ундади. Бу болада доимо қандайдир кайфиятсизлик, руҳида синиқлик, паришонхоллик кўрар эдим. Мен у билан имкон топиб суҳбатлашдим. Эътибор қилганим агар у шеър ўқиса, албатта, бахтли болалик ёки шодлик ҳақида эмас, ёшига муносиб бўлмаган оғир ва вазмин, чорасизлик, йўқотиш ҳақидаги мисраларни ўқирди. Мен унинг шахсий ҳаётини билмаганим учун ога-онаси кимлигини сўрамадим. Яхшиям сўрамаганим, агар шундай қилганимда унинг қалбини янада ўкситиб қўйган бўлардим. Боланинг ўқиши, шеър ёллаши яхши. Мактабдаги устозинг билан маслаҳатлашиб китоб ўқи, шеър ёдла деб кўярдим. баъзан. Кейин... мен бу болани, Ўролни Ражаб ошпазнинг уйида кўриб қолдим. Ҳаммасини тушундим.

Қунларнинг бирида маҳалладаги 73-сонли мактабда ўтказилаётган “Хайр мактаб, салом коллеж” деб номланган тадбирда иштирок этишга тўғри келди. Тадбирнинг тантанали қисмида мактаб директори Ж. Жамолов томонидан ўқув йилини намунали хулқ ва аъло баҳолар билан якунлаётган, фанларни яхши ўзлаштираётган бир гуруҳ ўқувчилар Мактов ёрлиғи билан тақдирланди. Тақдирланганлар орасида менга аввалдан таниш бўлган Ўрол Холмуродов ҳам бор эди. Тадбир тугагач, Ражаб ошпазнинг уйига ўтдим. Ўролни мактаб, у ҳақда сўзлаб беришни илтимос қилдим. Шу пайт яна бир болакай, худди, аввалдан мен билан апок-чапок бўлиб юргандай келиб макток ёрлиғини хурсандлик билан қўлимга тутқазди. Билсам, Ўролнинг укаси Қувонч экан. У биринчи синфда ўқиркан. Қўлимга тутқазган Мактов ёрлиғини атай, намоишкорона баланд овозда ўқидим. Шундан сўнг Қувончдан шеър ўқиб беришни илтимос қилдим. У бурро тилда, тутилмай бир нечта шеър ўқиб берди. Хурсанд бўлиб кетдим.

...Сайёранинг турмуш ўртоғи яқин қариндош эди. Яъни, улар яқин ака-укаларнинг фарзандлари. Чунки Сайёранинг отаси Ражаб ака билан Тўранинг отаси Холмамат ака жон-жигар ака-ука. Сайёра эри ўлгач, отаси Ражаббой билан кайногаси Холмаматбойнинг

ҳовлилари ўртасида муъжазгина уй куриб, томорқа қилиб яшамокда. Қайнонаси билан аҳил иноқ. Қисқаси, муборак ҳадисларда айтилган “кимга мусибат етса, сабр қилсин, унданда ёмон бўлмагани учун шукрона қилсин”, деган кутлуғ каломга амал қилиб яшамокда.

Ражаб ошпаз ва унинг тақдири, оиласидаги аҳвол ҳақида мен нега эринмай, гапни мухтасар қилмай кўпроқ ҳикоя қилдим? Умуман, бу мураккаб тақдирли инсонлар тўғрисида нима учун гап очдим?

Мақсад шуки:

1. Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, бу зарарли эканлигини жонли мисоллар, реал шахслар тақдири воситасида сиз азизларнинг эътиборингизга яна бир қарра етказиш;

2. Ҳунар эгаси бўлмок нақадар улуғ фазилат эканлигини ногирон инсонлар тақдири мисолида кўрсатиб ўтиш, иштиёқ бўлса ҳар ким истаган касбини эгаллаши ва бунинг учун мустақил юртимизда барча имкониятлар борлигини алоҳида таъкидлаш.

3. Болани ҳеч қачон ўқситмаслик кераклигини яна бир бора уқтириш. Чунки ўқсик кўнгилли боланинг бегонаси бўлмайди. Ҳаёт зарбаларига учраб, ўзини йўқотиб қўйганларни ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ундаш, ўрни келганда тўғри ва тиббий маслаҳатлар бериб туришга чорлаш.

4. Илмий тиббиёт тили билан айтганда, ген бир неча наслдан сўнг, албатта, такрорланишини, яъни наслда намоён бўлишини эслатиб ўтиш.

5. Навкирон ёшдагилар баъзан оила тўрваси тўлмаётганлигидан нолишаётганлигини ва бу ҳолатни негадир замон билан боғлашаётганини, бу эса нотўғри нуқтаи назар эканлигини яна бир бор эслатиб ўтиш.

Юқорида мен келтирган ҳаётий мисоллар, аниқ далиллардан кўриниб турибдики, ҳаётини қандай қуриш, аввало, инсоннинг ўзига боғлиқ. Агар тўғри йўл тутилса, тиббиёт исботлаб турган ҳақиқатларга амал қилинса, орамизда бугун мен ҳикоя қилиб берган битта оиладаги шунча муаммо, айриликлар, кўнгил ўқеишлар, йўқотишлар, аламзалаликлар, кўнгилларнинг синиши юзага келмасмиди...

## БОЛА ДУНЁНИ ТЕБРАТАДИ...

Қизирик туманидаги Бандихон кўрғонида 23-сонли мактабгача таълим муассасаси бор. Бу масканда иккита гуруҳ бор, уларда жами қирқ нафар жажжилар тарбияланади.

Аслида бу маскан бир пайтлар болалар боғчаси деб аталган ва у 1976 йилда, Ҳайдар Баротов исмли инсон хўжаликка раислик қилган йиллари қурилган. Ўшандан буён бу ерда юзлаб болалар тарбияланишган. Биз билан суҳбатда ўша йилларни тарбиячи Гулбахор Шойманова шундай эслайди: “1995 йилгача боғчада 3 та гуруҳ бўларди. 2001-2002 йилларда Зевар маҳалласида яшаётган болалар учун боғчадан 8 та хона ажратилди. Болалар шу хоналарда ўқишарди. Биз, боғча тарбиячилари ҳам фаолиятимизни тўхтатмаган эдик”.

Мен ушбу боғча фаолиятини 2006 йилдан буён, яъни 1992 йилда ташкил этилган Бандихон туманида яшаб, ишлаб бошлаганимдан бери яхши биламан. У тумандаги энг яхши таълим – тарбия масканларидан бири эди. Буни ҳозиргача сақлашиб турган ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди. Билганларим шуки, Бандихон туманидаги “Наврўз” боғчаси тарбиячиси Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ташкил этилган “Йил тарбиячиси” кўрик-танловларида бир неча бор ғолиб бўлганлиги менга маълум. Яна шунини ҳам биламанки, Гулбахор Шойманова бундай кўрик-танловларда доимо ғолиблик қилиб, тақдирланиб келган. Турли даврларда вилоят халқ таълими бошқармасига раҳбарлик қилган Б. Мирзаев, А. Эргашев, С. Иноятовалар имзоси билан берилган Фахрий ёрликлар ана шундан далолат бериб турибди. Шунингдек, Г. Шойманова туман халқ таълими бўлими ҳамда қасаба уюшмаларининг ҳам қатор мактов ёрликларига, эсадилик соғаларига мунтазам равишда сазовор бўлиб келмоқда.

Бу жонқуяр тарбиячи ҳақида матбуотда ҳам тез-тез мақолалар чоп этиб турилади. Масалан, “Бандихон овози” газетасининг 2009 йил 19 август сонидан туман таълим ва фан ходимлари бирлашган қасаба ушмаси раиси Н. Менгниёзовнинг “Ижтимоий ҳимоя – фаолиятимиз мазмунини бўлиб қолаверди” номли каттагина мақола эълон қилинган. Унда “Наврўз” мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Муниса Абдуллаева “Сурхоннинг жажжи гўзали-2007” да ғолиб бўлганлиги ҳақида илик сўзлар айтилиб, шу боғча тарбиячиси Ф. Сафарова ҳамда боғча мудираси

Г. Шоймановаларнинг сурати ҳам эълон қилинган. Шунингдек, ВХТБ, вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, вилоят “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши Бандихон туманидаги 3-сонли МТМ жамоасини “Соғломжон-полвонжон” спорт мусобақаларининг вилоят ҳудудий босқичида 2-ўринни эгаллаганлиги учун тақдирлашди.

Бир сўз билан айтганда, бу мактабгача таълим муассасаси эришадиган барча муваффақиятларда тарбиячиликдек назик ва мураккаб соҳанинг барча босқичларини бирдек ўринли ўтаб, бугунги ушбу муассасага тарбиячилик қилаётган Гулбахор Шойманованинг ҳиссаси катта.

Гулбахор опа билан гурунгимиз кизиби турган бир пайтда хонага ёқимтойгина бола ҳеч тортинмасдан кириб келди. Тарбиячи опаси уни Асилбек Очилдиев деб таништирди. Мен атай болакайга савол бердим:

-Кимнинг ўғли бўласиз?

-Отанинг! – деди болакай бурро тилда.

-Э ҳа, Очил бобонинг неварасиман денг! –қулдим мен.

-Ҳа! – деди болакай яна дадил гапириб.

Мен Очил бобони яхши танирдим. Асилбекнинг шижоатида, дадиллигида мен Очил бобонинг сиймосини кўргандай бўлдим. Очил бобо авлоди асли бойсунлик машҳур Қосим (охиратлари обод бўлсин) полвонга бориб такалади. Очил бобонинг ёши етмишдан ошган бўлса-да, ҳали бақувват инсон. Жуссадор, елкалари кенг, норғул одам. Сухбати, гурунглари Сурхон одамларига хос самимий. Мен рўпарамда дадил турган 4-5 ёшли Асилбекдан полвонлар, чавандозлар ҳақида шеър ўқиб беришни илтимос қилдим. У она-Ватан ҳақида шеър айтди.

-Асилбек шеър айтишни эмас югуришни, сакрашни, кураш тушишни қойиллатади, - деди Гулбахор опа самимий жилмайиб. – Полвон бола, бу!

Тарбиячининг бу эътирофини эшитарканман, гўё кўз ўнгимда Ўзбекистоннинг бўлажак чемпиони гавдалангандай бўлди. Қувониб кетдим. Сўнгра Гулбахор Шойманова боғчамизнинг фахри дея номларини тилга олган Асадбек Чоршанбиевни, Лазиза Ходназаровани. Асилбек Маматмуродовни, Мунаввар Бобомуродовани, Сафарова Дилрабони. Гулсанам Холтўраевани эсладим. Уларнинг ҳар бири спортда, санъатда, шеърхонликда, саводхонликда аллақачон ўзларининг жажжигина ютуқларига

эришиб бўлишган. Мен уларга нафакат тана соғломлиги, балки онг ва қалб соғломлигига эришишни тавсия этдим.

Ҳа, бу болалар эртанги кунимизнинг эгалари. Улуғ миллатимиз шаънини юксакларга кўтарувчилардир...

## ДУО ОЛГАН ОМОНДИР

Чағот тоғ тизмалари пойида жойлашган “Хўжаипок” маҳалласига сув Шеробод канали орқали келади. Чағот тоғ тизмалари томон сув чиқмайди. Шу боис ерлари лалми экинларга мослашган Бойсунни эслатади. Ана шу маҳаллада Бозор Абзоиров исмли бир инсон яшайди. Ёши элликнинг нари-берисиди. Ўзи абжир, келбатли, сочларига билинар-биливмс киров инган, елкалари кенг, хуллас, рисоладагидай жуссадор киши. Бойсун туманидаги Беш эркак кишлоғида туғилиб ўсган. Ҳозир Бозор ака “Хўжаипок” маҳалласининг посбонлар сардори.

Бозор Абзоиров Беш эркак кишлоғидаги 45-сонли мактабда ўқиган. Демак болалиги ва ўсмир чоғлари шу кишлоқда кечган. Ҳали-ҳануз абжирлик ва чакконликда, ҳаракатчанликда ҳарбийлардан қолишмайдиган Бозор Абзоиров болалик кезларида ҳам худди шундай шўх, абжир бўлган. Ўрта мактабни тугаллагач, тенгқурлари техникумларга, олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун жўнаб кетишди. Бозор Абзоиров эса Термиздаги ҳайдовчилик касбига ўргатадиган олти ойлик курсларга катнай бошлади. Бу ердаги таҳсилни тугатгач, Термиз туманидаги Наврўз хўжалигида ҳайдовчига ёрдамчи сифатида меҳнат фаолиятини бошлади.

Сўнгра ҳарбий хизматга жўнаб кетди. У бу хизматни 1985-1987 йиллар оралиғида Москва шаҳрида ўтади. Ўқиш даврида олган сабоклари ва ёрдамчи ҳайдовчи бўлиб юриб тўплаган тажрибалари хизмат даврида қўл келди. У “Урал” русумли оғир юк машинасини бошқара бошлади. Хизмат даврида машина рулини бошқарган куйи асосан йўл созлаш ва асфальтлаш ишларида фаол катнашди.

Ҳарбий хизматни тугаллаб қайтгач, Бойсун туманидаги Дўстлик давлат хўжалигида (ҳозирги Қизирик туманининг Окқўтон МФЙ) механизаторлик кила бошлади. Ўзига топширилган Т-40 русумли трактор воситасида хўжаликда қандай иш бўлса, ўшани бажариб юрди: маккажўхори ўрди, машинада пахта терди, пахта ташиди. Ишқилиб, ҳалол ва покиза ишлаб эл-улус ва раҳбарлар эътиборига тушди.

Бозор Абзоиров 2014 йилда 411- сайлов округида Ўзбекистон либерал демократик партияси кенгаши тавсияси билан туман кенгаши депутатлигига номзод сифатида рўйхатга олинди. Ўзим ишлаётган кишлок врачлик пункти бевосита маҳалла фуқаролар йиғини билан боғлиқ бўлганлиги, қолаверса, мен ҳам 4-Бандихон сайлов округидан вилоят кенгашига ЎзМТДП томонидан номзод сифатида рўйхатга олинган эдим. Шу боис Бозор Абзоиров билан яқиндан мулоқотда бўлиш имкониятлари туғилди.

Ўзининг меҳнат фаолияти, одамларга муносабат ва муомаласи туфайли халқнинг ҳурмат-эътиборини қозонган бу инсон ҳали-ҳамон эл хизматида камарбаста бўлиб юрибди. Маҳаллада ўтувчи ҳар бир тadbирда: ташвишли кунларда ҳам, қувончли тўй-тантана пайтларида ҳам у одамлар орасида бўлади, элнинг хизматини қилади, лозим жойларда тadbирларга бош-қош бўлади. Хуллас, барчага бирдай елкадошлик қила оладиган самимий қалб соҳиби.

Бозор Абзоиров ҳақиқий оилапарвар инсонлардан. Чунки бу мустақкам, аҳил-инок яшаётган оилада туғилган ҳар бир фарзанд бугунги кунда эл-юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб етишган. Ҳар бири ўзи таялаган соҳа бўйича ўқиб, мутахассис бўлиб етишган. Дарвоқе, Бозор Абзоиров 1989 йилда Улдона Намозова билан умр йўлини боғлаган эди. Орадан ўтган йиллар мобайнида бу оилада 3 киз, 2 ўғил фарзанд дунёга келди. Тўнғич ўғли Комилжон 1990 йилда туғилганди. У Тошкент Давлат техника институтида 2008-2013 йилларда таҳсил олди. Қизирик туманида яшаб, тенгдошлари катори эл хизматида бўлиб келаяпти.

Бозор аканинг кизи Дилшода Мусурмонова эса 1993 йилда туғилган. Қизирик туманидаги 69-сонли мактабни тамомлагач, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган касб-хунар коллежининг ҳисобчилик бўлимида таҳсил олди. Дилшодахон шеърлар машқ қилиб туради.

Озода Мусурмонова 1995 йилда таваллуд топган. Ўрта умумий таълим мактабини тамомлагач. Қизирик туманидаги гидромелиорация коллежида 2011-2014 йиллар давомида таҳсил олган. Чеварлик касби орқали маҳаллада таникли бўлган Озодахон кўни-кўшнилар хизматини қилиб, чиройли либослар тикиб бермоқда.

Бу аҳил оиланинг яна бир дилбанди Абдулҳаким Мусурмонов 1997 йилда туғилган. Тумандаги 69-сонли мактабнинг тўққизинчи

синфини тугаллаб, ҳозирда Қизирик кишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг агрономия бўлимида таҳсил олмоқда.

Оиланинг кенжа фарзанди Муборак Мусурмонова ҳали мактаб ўқувчиси.

Бозор Абзоировнинг отаси Мусурмон бобо Бойсун туманидаги Сайроб кишлоғида 1938 йилда туғилган. Онаси Тошбиби мома эса 1941 йилда Жарқўрғон туманидаги Сурхон хўжалигида туғилган. Тақдир тақозоси билан турмуш курган Мусурмон бобо ва Тошбиби моманинг тўрт ўғил, битта кизи бор. Мусурмон бобонинг бутун умри чўпонлик килиш билан ўтган. У 2002 йилда вафот этган. Мусурмон бова ва Тошбиби моманинг фарзандлари:

Қудрат Абзоиров 1974 йилда туғилган. Ўрта мактабдаги таълимдан сўнг, Самарқанд Давлат тиббиёт институтида ўқиган. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида яшаб, ўз мутахассислиги бўйича беморлар дардига малҳам бўлиб ишлаб келмоқда.

Ҳикоя қилаётганимиз Бозор Абзоиров 1966- йилда туғилган. “Хўжайпок” МФЙда маҳалла посбонлар сардори сифатида фаолият юритиб, кекса онасининг дуосини олиб юрибди.

Бойназар Абзоиров 1969 йилда туғилган. Ҳозир Тошкент шаҳрида яшайди. Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади.

Гулдор Абзоирова 1971 йилда таваллуд топган. Уй бекаси. Уч нафар фарзанднинг онаси. Ҳозир “Хўжайпок” маҳалласида истикомат қилади.

Назар Абзоиров 1961 йилда туғилган. Бир умр шофёрлик касбини улуғлаб ўтган. Ҳозирги кунда у Бойсун туманидаги Мунчок кишлоғида яшайди. Оиласида 5 нафар фарзандни вояга етказаяпти.

Тошбиби мома ана шу фарзандлари ардоғида умргузаронлик қилмоқда. У дориломон кунларга етишганидан, шундай ажойиб замонда яшаётганидан миннатдор. Ҳар йили Тошкентда истикомат қилаётган ўғли дам олдириб, даволатиб турган бўлса, бу йилги “Кексаларни эъзозлаш йили” муносабати билан давлат томонидан саломатлигини бепул тиклаган.

-Бизнинг давримизда кизларни жуда эрта турмушга беришарди, - дейди Тошбиби мома гурунг асносида. – Мана, мени 14-15 ёшимда турмушга беришганди. Ўшанда эрим Мусурмон ҳам 16-17 яшар ўсмир эди. Қаранг, мени гўдақ ёшидаги келинини, қайнонам рўзғор ишларини билмайсан деб, койиб дакки берарди. Эрим даштда, ота-онам узокда, ўзим эса даштдаги овулда қайнонам билан яшардим.

Ҳеч ким ҳолимдан хабар олмасди, - шундай деркан, мома ўша кунларни эслаб кўзига ёш олиб кўяди баъзан. – Ҳозир менинг сўзларимга кулок тутгувчиларга кизингизни эрта турмушга берманг дея, қайта-қайта тайинлайман, - дейди яна у. – Яна қайноналарга шуни уктираманки, бизнинг давримизда ёшларнинг никоҳ олдидан тиббий кўриқдан ўтиши одат эмасди. Худого шукур, эндиликда ёшлар шундай имкониятга эга. Бирор хасталиги бўлса, дарров даволанишади. Болаларини эмлатишлари туфайли касаллик чекинди. Муҳими болалар ўлими камайди, оналар қалби бутун бўлди. Қаранг, давлатимиз бу ишни конун кучи билан мустахкамлаб қўйибди. Шунга риоя қилиб яшасак, қандай яхши!

Мома узок вақт жим бўлиб қолади. Назаримда, хотиралар, эсдаликлар кўз ўнгидан бир-бир ўта бошлайди, шекилли. Чунки у гоҳ унсиз жилмайиб кўяди, гоҳ ич-ичидан хўрсинади. Сўнг гурунгини яна давом эттира бошлайди:

-Бизнинг ёшлик давримиз ўтган замонларда келинчақлар канчалар қийналганини мен айтмай, сиз эшитманг. Дардимизни ҳеч кимга айтолмай, мум тишлаб яшашга мажбур эдик. Яратганга шукурки, хўп дориломон кунларга етишдик. Яратилаётган шароитлардан, берилаётган имкониятладан ёшлар кўпроқ фойдаланишсин, дейман-да...

Кексаларнинг гурунгида файз бор. маъно ва мантиқ, ҳаётий ҳақиқатлар кўп бўлади. Мен ҳам бир оила мисолида, аниқроғи Тошбиби мома тақдири, оиласи, фарзандлари камолини қаламга олиб, сиз азиз ёшларни никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш канчалар муҳимлигини, ёш қизлар оила қуришдан аввал уй-рўзғор юмушларини яхши ўзлаштириб олишлари лозимлигини уктирмоқчи бўлдим. Коса тагида ним коса деганларидек, яна нималарни назарда тутганлигимни ўзингиз англаб оларсиз, деган умиддаман. Чунки халқимизда дуо олган омондир, деган ажойиб нақл бор. Ёшларимиз турмуш қуришдан аввал катта ҳаётий тажрибага эга кексаларимизнинг самимий дуоларини, оқ фотиҳасини олишса, улар айтган ҳар бир ўғитга амал қилишса, қандай яхши...



## ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР БЎЛСИН

Йўқ, мен бу ҳудуддаги бирор бир катта, муҳим аҳамиятга молик йирик муассаса ёки даволаниш маскани ҳақида сўз юритаётганим йўқ. Ҳикоям замирида оддийгина ҚВП – кишлоқ врачлик пункти фаолияти билан боғлиқ воқеалар бор, холос.

Мени 2013 йилнинг 1 ноябрида “Хўжайпок” кишлоқ врачлик пунктига мудир этиб тайинлашди. Ўрни келганда айтиб ўтайки, мен қоидага кўра, Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг буйруғига мувофиқ ўз мутахассислигим бўйича туман тиббиёт бирлашмасига ишга юборилгандим. Туман тиббиёт бирлашмаси мени тўғридан-тўғри “Хўжайпок” кишлоқ врачлик пунктига мудир бўлиб тайинланганим ҳақидаги буйруқни кўлимга тутказди, келиб таништирмади ҳам. Аввал бу ҚВПда ўриндош сифатида стоматолог-терапевт вазифаларида ишлаган элим.

Хуллас, ўз мутахассислигим бўйича нега иш бермаганликларининг сабабини суриштириб ўтирмадим. Фойдаси ҳам йўқ эди. Раҳбар лозим кўрибдими, ишни бошлаш керак. ҚВПга вақтни пайсалга солмай етиб бордим ва ишни бошлаб юбордим. Ходимлар эндигина пахта йиғим-терими мавсумидан қайтган пайтлар эди, ўшанда. Шу боис қилинмаган, бажарилмаган ишлар сарҳисобини олиб ўтирмадим. Аксинча, бундан кейин бажариладиган ишлар режасини зудлик билан тузиб чиқдим.

“Хўжайпок” кишлоқ врачлик пункти 3 минг 470 дан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, у “Зевар” кишлоғида жойлашган. Аҳолиси асосан тожикзабон. Бу ерда ишлаётган ходимларнинг 90 фоизи тожик тилида сўзлашади. Шу боис иш фаолиятимни олиб боришдан ташқари, мен учун, бу тилни ўзлаштириш муаммоси ҳам кўндаланг бўлди.

Қишлоқ врачлик пункти жойлашган ҳовли хийла обод, дарахтлар, айниқса, мевали ниҳоллар кўп. Гарчанд ҚВП атрофи пастаккина паҳса девор билан ўралган бўлса-да, дарвоза ўрнатилмаган. Деворлар ёрилиб, кўримсиз ҳолга келиб қолган. Икки жойда дарвоза учун жой қолдирилган, аммо дарвоза ўрнатилмай қолиб кетган. Моллар исталган пайтда хоҳ пастак девордан бўлсин, хоҳ очик қолган дарвоза ўрнидан бўлсин, ичкарига бемалол кириб дарахтлар шохини, яшил ўсимликларни пайҳон қилиб кетаверади. Шунинг учун биринчи галда деворни таъмирлаб, яна бир қадар кўтариш, маҳаллий ҳолда бўлса-да

сувоқдан чиқариш, дарвоза ўрнатиш зарурлиги маълум бўлиб қолди. Бу борада туман хокимлигига ёки туман тиббиёт бирлашмасига мурожаат этай десам, бу каби ишларни режага киритиш, маблағ ажратиш вақти аллақачон ўтиб кетган. Шунинг учун ҳам мен ишни маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашишдан бошладим. Бу борада менга Файзулла ака Каримов кўп ёрдам кўрсатди, қўллаб-қувватлаб турди. Ёрилиб, тўкилай деб турган деворларнинг суратини ва бошқа хужжатларни, яъни ер рельефи, чегараси акс этган чизмаларни кўтариб иккаламиз идорама-идора роса юрдик. Мутасадди ташкилотларга учрашдик. Афсуски, уринишларимиз фойда келтирмади. Ҳеч бир идорадан ҚВП таъмири учун кўмак берадиган одам топилмади. Чунки бу ҚВП ташкил бўлгандан буён бирон марта бўлсин таъмирланмаган, бу борада, ҳатто, режага ҳам киритилмаган экан.

Олдинда эса киш мавсуми яқинлашиб келаяпти. ҚВПда оддийгина кўмирхона ҳам йўқ экан. Кўмир шундоққина ҳовлида, ташқарида, очик ҳолда сакланар экан. Бу масалани ҳал этиш ҳам мен учун муҳим вазифалардан бирига айланди. Бу ёқда йиллик ҳисоботлар топширишдек масала ҳам бор эди. Хуллас, халқ билиб айтганидек, калла қашишга вақт йўқ, бир вазиятда ишни бошлагандим.

Шу ўринда кишлоқ врачлик пункти жойлашган “Зевар” кишлоғи тўғрисида қисқача бўлса-да, маълумот келтириб ўтай. “Зевар” аҳолиси аслида Сарийосиё туманининг кўчки кўчиш хавфи юқори бўлган худудда яшаган кишилардан иборат. Ана шу хавф кучая-бошлагач, аҳоли ҳукумат ғамхўрлиги билан 2001 йилнинг март ойида вилоятимизнинг кенжа тумани бўлмиш (ҳозирда собиқ) Бандихон туманининг ҳозирги “Хўжаипок” МФЙ худудига кўчирилган. Улар давлат томонидан режа асосида қурилган уйларга ўз хоҳишлари билан кўшни танлаб кўчиб келишган. Уларга тегишлича томорка ерлари ажратилган. Шундан сўнг бу жойлар “Зевар” дея атала бошлаган. Бу ҳақда алоҳида тўхталганмиз.

Аҳоли кўчиб келган кундан бошлаб, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун бировнинг уйидан икки-уч хона ажратилиб, вақтинчалик махсус ихтисослаштирилган тиббий ёрдам хонаси ташкил этилади. Сўнгра ҚВП ва мактаб қурилиши бошлаб юборилади. Болалар уйлардан ажратилган вақтинча хоналарда таълим ола бошлайдилар. Қўлбола усулда ташкил этилган тиббий ёрдам хонасида дастлаб, шу халқ фарзандлари бўлмиш ўрта

тиббиёт ходимлари Жўрабек Холмирзаев (ҳозир “Зевар” МФЙ раиси) ҳамда Исмоил Ҳакимов ишлай бошлайди. Исмоил Ҳакимов ҳозир ҳам ҚВПда эмлаш фельдшери бўлиб ишлаб турибди. Улар янги жойда умргузаронлик қила бошлаган зеварликларнинг саломатлигини назорат қилувчи илк тиббиёт ходимлари бўлишган.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, яъни Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги байрами арафасида Зевар кишлоғида “Хўжайпок” номи замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган кишлоқ врачлик пункти қад ростлаб, иш бошлади. Янги ҚВПга Жумаев Хайрулла Тошматович (ҳозир Қизирик тумани жонлантириш бўлимида врач-реаниматолог) мудир этиб тайинланди. Хайрулла акани 2006 йилдан буён биламан. Қўли енгил мутахассис. Асли Сарисийлик. Узок йиллар шу ҚВПда мудир бўлиб ишлади. Сўхбати тоғимли. Турмуш ўртоғи Жамила ҳам ҳамшира. Ўғли Фирдавс одобли, тиббиёт фанларига қизиқувчан. 55-мактабда ўқирди. Шу йил Термиз академик лицейига кирибди. Икболни берсин. Шунингдек, бу ерга эҳтиётдан эмлаш ишларига масъул этиб Жўрабек Холмирзаевлар ҚВП қатта фельдшери этиб Исмоил Ҳакимовлар тайинланди. Уларнинг номи “Хўжайпок” кишлоқ врачлик пунктнинг қалдирғоч тиббий ходимлари сифатида тарихда қолди.

Атиги уч нафар ходим билан фаолият бошлаган ушбу кишлоқ врачлик пункти жамоаси сони 2008 йилга келиб 12 нафарга етди. Худди шу йили, яъни 2008 йилда Республика Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 125-сонли буйруғи асосида бу ҚВП учун “Дамас” русумли махсус “Тез ёрдам” машинаси ажратилди. Ушбу машина ҳозир ҳам аҳолига хизмат қилиб турибди. Хуллас, мен 2013 йилнинг 1 ноябрдан эътиборан ана шу ўз тарихига эга ҚВПда мудир сифатида фаолият бошладим.

Манбалар ва маълумотларга таяниб айтадиган бўлса, дунё аҳолисининг 10 фоизи тоғликлардан иборат экан. Тоғликлар эса қизиққонрок феълли, тўғрисўз ва адолатпарвар, ҳақ сўзни айтувчи инсонлар бўлишади. Шунинг учун ҳам халқ орасида “у булок сувини ичган, ёлғонни билмайди”, деган ибора пайдо бўлган. Шифокор сифатидаги фаолиятимнинг кўп қисми тоғли Бойсун халқи орасида ўтганлиги бу иборанинг жуда тўғри айтилганини яхши тушунаман. Бунга “Хўжайпок” кишлоқ врачлик пунктида ишлай бошлагач, яна бир бор амин бўлдим.

2014 йил ўзим мудирлик қилаётган ҚВП тиббий фаолиятини янада жонлантириш ишлари бошлаб юборилди. Бу ерга мен билан

бир пайтда ишга келган Раҳматилла Амиров режалаштирган барча ишларимни амалга оширишда беминнат ёрдам кўрсатди. Халк орасида кўли енгил, суяги шу соҳада котганлиги боис халк билан тез тил топиша оладиган бу инсон ҚВПмизнинг ўнг кўлига айланди десам, муболаға ўрнида кўрманг. Шунинг учун ҳам у нафақат менинг, балки тиббиёт бирлашмаси раҳбариятининг эътиборига тушди. Бир неча бор фидойи хизматлари эвазига фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Тиббиёт ходимлари ўртасида ўтказиладиган шахмат-шашка ва бошқа спорт турлари бўйича ўтказиладиган мусобакаларда катнашиб, ҚВП шаънини ҳимоя килди, ғолиб сифатида муносиб тақдирланди. У касаба уюшмаси раиси сифатида ҚВП ҳовлисига дарвоза ўрнатишда менга елкадош бўлди. Тун коронғусида оғир, залворли темир-таянчларни кўтариб келардик. Ҳомий ва усталарни ҳам биргаликда топардик. Не бўлганда ҳам Раҳматилла ҚВПмизнинг кўли иборасини бежиз ишлатмаяпман. Айниқса, пахта йиғим-терими мавсумида у жонбозлик кўрсатарди. Бу ходимимиз ЎзМТДП томонидан туман кенгаши депутатлигига номзод сифатида рўйхатга олинганди.

Яна бир фидойи ходим ҳақида тўхталиб ўтмоқ керак. Юкорида эслатганим Исмоил Ҳакимов бағрикенг инсон. Давра, тадбирларнинг яхши ташкилотчиси. Лозим бўлса жасорат кўрсатишга ҳамиша шай турадиган инсон. Энг муҳими, у, ўз касбининг нафақат моҳир устаси балки фидойиси ҳамдир. Катта тиббий кенгашда “Исмоил менинг устозим бўлади”, деганимни эшитиб баъзилар мийиғида кулиб қўйганди. Ахир, ҳаёт ўзи аслида ибрат мактаби эмасми? Наботот, ҳайвонот, ҳатто, ҳашоратлар оламидан ҳам ниманидир ўрганса, бўлади-ку. Билмаган жойнинг чуқури кўп деганларидек, мен иш бошлаган ҚВПда муаммолар, ечилмаган масалалар, ҳуллас “бош оғриклари” етарли эди. Мен уларни ҳал этишда ҳамиша Исмоил Ҳакимовнинг маслаҳатларига кулок тутганман. Шу боис уни устозим дея эъюзлайман.

Қишлоқ врачлик пунктимизда Мавлуда Эшбобоева деган ҳаракатчан ҳамшира ҳам бор. Икки йил мобайнида эришган ютуқларимга Исмоил билан Мавлуда қўшган ҳисса, айниқса, салмокли бўлганлигини алоҳида эътироф этишим керак. Мавлудахоннинг турмуш ўртоғи гидро мелиорация коллежида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Ана шу ҳамшира ўринли маслаҳатлари, ишчанлиги, фидокорлиги билан ҚВПмизда ишнинг тўғри ташкил этилишига муносиб улуш кўшиб келаяпти.

Фаолияти эътиборга молик ходимларимиздан яна бири – Олим Тошмаҳматовдир. У бугунги кунда ҚВПмизда катта фельдшер вазифасида ишламоқда. Ёш бўлишига қармай, 10 га яқин ўрта тиббиёт ходимларининг бошини қўшиб, бошбошдоқликка йўл қўймай, тизгинни маҳкам ушлаб туришда менга тиргак бўлаяпти. Натижада ходимлар орасида тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат мустаҳкамланиб бораёпти.

Холмурод Хўжановнинг ҳам жамоада ўз ўрни, ўз сўзи бор. Ўз соҳасининг мохир устаси бўлиши учун ҳали қўп изланиши кераклигини ўзи яхши билади. Ҳозирданок умид уйғотаётган бу йигит келажакда яхши тиббиёт ходими бўлиб етишишига ишонаман.

Мамаражаб Холматов кишлоқ врачлик пунктимиз қошидаги ижтимоий дорихонани юритиб келади. Бизнинг ҳудуд Бойсун туманига чегаралови ҳисобланади. Аҳолиси бир-бири билан борли - келди килиб туради. Қуда-анда ҳам бўлиб кетишган. Кўплари дўст-биродарлашган. Аҳоли яқин яшаганлиги учун бу нарса ҚВПда ҳужжатларни расмийлаштириш, статистик ҳисоботларни юритишда қийинчиликларга олиб келарди. Бу муаммо Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбариятининг савий-ҳаракати билан барҳам топмоқда. Бойсун туманининг Сайроб ҚВПсида ишлаётган бойсунлик фельдшер Бахтиёр билан бизда ишлаётган Мамаражабга қувват берсин, дейман доим. Чунки улар ҳам дўстлашган, ўзаро маслаҳатлашган, тажриба алмашган ҳолда фаолият олиб боришади.

Алланазар Ўринов патронаж хизматининг яхши йўлга қўйилишида анча яхши кўрсаткичларга эришиб келаяпти. Аввал, у сил касалликларини даволаш соҳасида фтизиатр патронаж бўлиб ишлаган. Айнан бизнинг ҚВПда шу соҳа оқсаётганлигини яхши билган Алланазар Ўринов бу соҳани ҳам жонлантиришга чин дилдан ҳаракат қилаёпти.

Мукаддас Раҳматуллаева – доя. Бу ходимга шундай таъриф бериш мумкин: аччиғи борнинг, шижоати бор. Ишда ғайратчан ва шижоатли. Иш фаолияти ва шахсий ҳаётида бекаму кўст бўлишини хоҳлайман.

Ёш ходимларимиздан яна бири Мафтуна Абдураззокова бўлади. Мен бу кизни кишлоқ врачлик пунктимизнинг каноти деб атаб юраман. 2014 йилда туманимизда Ҳамширалар куни муносабати билан ўтказилган тадбирда Мукаддас ва Мафтуна исмли кизларимиз фаол қатнашди. Натижада бизнинг ҚВПдан борган

кизлар ҳам танловнинг саралаш боскичига етиб боришди. Шуни ҳам эслатиб ўтмоқ керакки, Мафтуна вилоят микёсида ўтказилган “Энг намунали ҳамшира-2014” кўрик-танловида муваффақиятли катнашиб, 3-даражали диплом ва кимматбаҳо совға билан тақдирланди. Туман тиббиёт бирлашмаси бош врачлари Тўра Ражабов Мафтуна Абдураззоқовани муваффақият билан табриқлар экан, “Хўжайпок” ҚВП ходими туман тиббиёти тарихида биринчи бор ғолиб бўлди” деганда, барчамиз гурурланиб кетдик. ҚВП патронаж ҳамширасининг бу муваффақияти осон бўлмади. ТБ бош ҳамшираси Гулнора Норкўчқорова, статистика бўлими мудири Али Донаев, ҚВПлар бўйича координатор Абдурасул Маматмуродов, кадрлар бўлими бошлиғи Йўлдош Маматраимовларнинг маслаҳатлари асқотди. Шунингдек, туман хокимлигидан Бахтиёр Хуррамов, ДСЭНМ ходимлари Жума Ҳакназаров, Ҳушмурод Султонов, Абдусалом Холтўраев, Махфуза Яркулова, Тошболта Аликулов, тиббиёт бирлашмасидан Аҳмад Ишбаев, Саломат Равшанова, Хайрулла Жумаев, Бўри Қорақулов, Чори Бобоназаровлар ўз соҳалари бўйича маслаҳатлар бериб туради.

Тиббиёт ходимлари туман микёсида ва маҳаллаларда ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этади. “Устоз отанг каби улуғдир” ва “Яхши дам-меҳнатга ҳамдам” тадбирини эса далада ўтказдик. Тадбирда Ўктам Менглиев, Муҳаббат Аҳмедова, Соат Маматкулов, Тошмамат Жабборов, Иброҳим Эшбоев ва бошқалар фаол иштирок этди.

Ҳикоям аввалида мен ишга келган кезларда Хўжайпок ҚВПси қай аҳволда эканлигини англаш учун битта-иккита мисол келтириб ўтгандим. Энди бугунги ҳолатимиз ва аҳволимиз ҳақида тўхталиб ўтай. Авваломбор, ўша мен айтган кўмирхона қурилди, у ҳозир ишлаб турибди. Эндиликда кўмир ва ўтинларимиз қор-ёмғир остида эмас, қуруқ ва қулай жойларда тегишли тартиблар асосида яхши сақланмоқда. Иссиқхона ҳам бунёд этганмиз. У ерда ҳозир 6 туп лимон ўстириляпти. бу йил илк бор ҳосил тўғди. Барча кўкат турларини, помидорни ҳам шу иссиқхонада етиштираяпмиз. Қиш мавсумида ходимларимиз оз бўлса-да, харқалай, яғни узилган кўкат ва помидордан баҳраманд бўлишяпти.

Ҳовлида турли манзарали ва мевали дарахтлар ям-яшил бўлиб турибди. Авваллари ҳаммаёқ очик бўлганлиги учун бу дарахтлардан тегишлича ҳосил олинмаган, соясида баҳраманд бўлишнинг имкони бўлмаган. Чунки моллар кириб тез-тез пайхон

килиб кетаверган. Эндиликда манзара бутунлай ўзгарган. Дарвозалар ўрнатилган, атроф хамиша тоза-озода холда сакланади. Бу кишлоқ врачлик пунктининг ташкил бўлганига ўн беш йил тўлди. Шунинг кейинги икки йили ичида жуда таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Эндигина иш бошлаган Ўғилой Абдурасулованинг келажаги умидли, амалиётларини ҚВПда ўтаган. Қўли ишга келишиб қолган эди. Эшитишга, ўрганишга хоҳиши бор. изланиб, сўраб, ўрганиб кетиш учун ҚВПда имконият эшиклари очик. Моҳина Тиловованинг ишга келиши элга эл қўшилса давлат деганидек, ҚВП учун юксалиш пиллапояси бўлди деса, арзийди. Олдин КТМПда иш бошлаган. Сил касаллиги соҳасида ишлаган пайтимдан мени яхши биларкан. Китобларимни ўқиган экан. Энг муҳими, у компьютер билан яхшигина тиллаша олади.

Обболончилик, тозалик, оммавий ҳашарларда Гулжон Нарзиева, Норбиби Эргашева, Гулбахор Ҳақимова, Анора Жамолова, Мухайё Якубова, айниқса қоровул Муродулла Сатторов ва иш бошқарувчи Ойбек Ашуровлар жонбозлиги эвазига тумандаги 25 та ҚВПлар орасида ўз ўрнимиз бор. ТБнинг 24.08. 2015 йил №32-сонли йиғилиш қарорида акс этганидек, “Энг намунали кишлоқ врачлик пункти” кўрик-танловида туман босқичи ғолиби бўлиб, вилоят босқичида катнашиш ҳукукани қўлга киритдик.

...Мен юкорида оддийгина бир кишлоқ врачлик пункти фаолияти тўғрисида қисқа бўлса-да, ҳикоя қилдим. Умуман олганда эса бундай масканларда ишловчиларни мен ҳар жихатдан ардоқлайман.

Чунки улар хамиша одамлар орасида юришади, одамлар саломатлигини ёнларида туриб муҳофаза этишади.

Шу ҳақда ўйлар эканман, доимо бир фикрни такрорлайман: бор бўлсин, шундай одамлар!

## СОДДАЛИК – БУЮКЛИК УЧУН ТАЯНЧ

Ҳикоя қилишга чоғланаётганим математика фани ўқитувчиси Йўлдош Султонкулов 1968 йилда Бойсун туманидаги Тиллакамар кишлоғида, оилада олтинчи фарзанд бўлиб таваллуд топган. Отаси Намоз бир пайтлар “Сайроб” давлат хўжалигида чўпон бўлган.

Йўлдош Султонкулов жусса жихатидан жуда ўзига ўхшайдиган Хўжабулғон кишлоғидаги 38-сонли мактабда математика фанидан сабоқ берувчи Ҳазраткул Чориев исмли муаллимга аввал мактабда

ўқиб юрган кезларида, сўнгра ўқишни битириб келган ёш ўқитувчи сифатида шогирд тушди. У бу устозининг сўзлаш оҳангига, дарс ўтиш маҳоратига ҳали болалигидаёқ ҳавас кўзи билан қараганди. Шунинг учун ҳам устози каби шу фан ўқитувчиси бўлиш йўлини танлади. Натижада Андижон педагогика институти (ҳозир АПДУ) математика факультетига ўқишга кирди. Тўғри, у дастлаб Тошкентдаги Низомий номи педагогика институтига ҳам ҳужжат топшириб кўрганди. Лекин омади чопмади.

Бу орада, яъни Йўлдош Султонкулов 1986 йилда ҳарбий хизматга чакирилди. У икки йиллик ҳарбий хизматни эса Қозоғистондаги ҳарбий қисмлардан бирининг алоқа бўлимида ўтади. Ҳарбийдаги хизматлари эвазига “Аъло хизматлари учун” фахрий ёрлиғи ҳамда олий ўқув юрти раҳбарияти номига битилган йўлланмани қўлга киритиб қайтди. Сўнгра юртга қайтиб, Андижон педагогика институтига ҳужжат топширди. Ўша пайтлар қондасига кўра, у олийгоҳга имтиҳонлар билан эмас, суҳбат орқали қабул қилинди. У ҳарбий хизматда назарга тушиб, имтиёзли йўлланмани қўлга киритган эди.

Ибратли томони шундаки, фарзанди йигитлик бурчини ўтаётган ота-оналар ҳарбийдаги солдат ўғли номига асосан озик-овкат маҳсулотлари, кийим-кечак юборишарди. Йўлдошга эса, ўзининг илтимосига кўра, ҳамиша математика ва физикага оид китоблар жўнатишарди. Бу ишни Бойсун туманининг кутубхоналар бўйича директори, Йўлдошнинг акаси Бобоназар Султонкулов бажарарди.

Шу ўринда Йўлдошнинг акаси Бобоназар Султонкулов ҳақида ҳам мухтасаргина бўлса-да, тўхталиб ўтмоқ лозим. Бобоназар Султонкулов 1977 йилда Тошкент маданият институтини тугатиб келиб, кутубхонада иш бошлаганди. Бобоназар илмли бўлиб, кўпроқ китоб ўқишни бошқаларга ҳам тавсия қилиб турарди. Бу йигит ўз вақтида “Тошкент окшоми”, “Ленин байроғи” (ҳозирги “Сурхон тонги”) газеталарида кўплаб мақолалар эълон қилган. Бир муддат Музработ туман газетасида ҳам ишлаган. Ҳозир нафақада. Атрофида 5 нафар фарзанди парвона. У ана шу фарзандларининг барчасини муносиб тарбиялаб, олий маълумот олишлари учун шароит ва имконият яратиб берган. Шу тарика болаларини катта ҳаёт йўлига олиб чиққан. Уч нафар кизи ўқитувчилик касбинини танлаган, шу соҳада ишлаб юришибди.

Энди яна Йўлдош Султонкулов ҳақидаги ҳикоямизга қайтадиган бўлсак, кунларнинг бирида у китоб ўқиб ўтирганда Фомин деган



майор кўриб қолади. Китобни кўлига олиб, гарчанд ўзбекчани билмас-да, ундаги чизмаларга қарай туриб, Йўлдошга электр токига оид саволлар билан мурожаат қилади. Саволларига бурро жавоблар олади ва ҳар эҳтимолга қарши шу соҳа билан шуғулланиб машҳур бўлган олимларнинг исмини сўрайди. Бунга ҳам қониқарли жавоб олади. Шундан сўнг, майор Йўлдошали кўпроқ тайёргарлик кўриши учун қўшимча шароитлар яратиб беришга ҳаракат қила бошлайди. Шундан сўнг Йўлдошбой юкорида биз айтиб ўтган имтиёзли ёрлик ва йўлланмани кўлга киритади. Шу тарика институт талабаси бўлади. Учинчи босқичга ўтганда, олийгоҳ касаба уюшма кўмитасига аъзо этиб сайланади. Институтни 1994 йили тугаллаб қайтади. Келгач, қишлоқда “Илдам” номи фермер хужалиги очиб, бир неча йил шу ерда фаолият олиб боргач, хўжаликни укаси Баҳодир Султонқулов номига ўтказиб, ўзи севган касбига қайтади.

У 1998 йилда “Хўжайпок” маҳалласига кўчиб келиб, шу ердаги 22-сонли (ҳозир 69-сонли) мактабга математика фани ўқитувчиси бўлиб ишга жойлашади. Бу соҳада ҳам у ўзини намоён эта олади. Эл ҳурматини қозонди, раҳбарият назарига тушди. Шу боис одамлар уни 2006 йилда “Хўжайпок” маҳалла фуқаролар йиғинига раис этиб сайладилар. Бу ерда икки йил раислик қилгач, Йўлдош Султонқулов яна ўқитувчилик касбига қайтди. У 2008 йилдан буён шу соҳада самарали ишлаб келмоқда.

-Мен кўпроқ болалар билан ишлашни ёқтираман, - дейди Йўлдош Султонқуловнинг ўзи мамнуният билан. -- Уларнинг билими, илми бўлиб қамол топаётганини кўрсам, ўзимни бахтли инсонлар сафида кўраман.

Ҳақиқатан ҳам бу жонқуяр ўқитувчига ихлос билан қараган ўқувчилари орасидан қобилиятли ва математикага қизиққан болалар кўплаб етишиб чиққан. Масалан, Абдурахмон Эргашев, Зулфия Тошқурбонова, Зулфия Наримонова каби аълочи ўқувчилари туман ва вилоят миқёсида ўтадиган фан олимпиадаларида ҳамиша фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Йўлдош акани ўйлантирадиган муаммо-ю масалалар ҳам йўқ эмас. У кўпчилик ҳолларда “ажойиб қобилиятли, илмга қанқок болалар кўп. Лекин иқтисодий манфаат устунлик қиладими, ҳарқалай уларнинг айримлари илм йўлини эмас, иқтисодий томонларга оғиб кетишади”, деб афсусланиб юради.

Сўз юритаётганимиз Йўлдош Султонкулов ҳаётнинг барча жабхаларида синовдан ўтиб, тажрибалар тўплаб яшаб, меҳнат қилмоқда. Йўлдош аканинг тўнғичи Жаҳонгир Султонкулов ҳозирги кунда Бойсундаги 38-сонли мактабда ишлаб, шу ердаги “Камолот” ЁИХ тармоғига етакчилик қилмоқда. Шу билан бирга у Намоз бобоси ва Тилла момосининг хизматини қилиб, ҳолидан хабар олиб турибди. Бобо ва момосининг дуоларидан баҳраманд бўлиб яшаяпти.

Йўлдош аканинг кейинги ўғли Намозов Сайфиддин эса Бойсундаги темир йўл коллежини ботириш арафасида. Бу ахил оила бағрида камол топаётган Исмоил, Жасмина исмли кичкинтойлар ҳали мактаб бағрида ўқишаяпти.

Эътибор берган бўлсангиз, Йўлдош Султонкулов ҳақидаги ҳикоямизда бирор мураккаб вазиятдан топқирлик билан чиққан ёки қаҳрамонлик деса арзигулик ишларни бажариб қўйган ва шу иши билан ўзгалардан ажралиб турувчи инсон ҳақида сўз юритмадик. Қаҳраонимиз Йўлдош Султонкулов ҳаёти ва меҳнат фаолияти минглаб воҳадоларимизники каби оддий ва содда. Лекин уни ўзгалардан ажратиб турадиган биттагина муҳим жиҳат бор. У ҳам бўлса, бу инсон ўсмирлик, йигитлик чоғлариданок алоҳида эътирофга молик тиришқоклик намуналарини кўрсата олган. Бир-икки бор муваффақиятсизликка дуч келгач, ҳафсаласи пир бўлиб, кўнгилдаги орзуларини ерга кўмган эмас. Аксинча, вазминлик, айни пайтда собитқадамлик билан олға интилаверган. Оқибатда бири-биридан ширин фарзандларга ота, ажойиб оилага бек, ўзидай-илмли ҳамкасблар орасида обрўга эга бўлди. Дарҳақиқат, орамизда Йўлдош ака каби инсонлар қанча кўп бўлса, турмуш шунчалик фаровон бўлаверади. Миллатимизга хос анъаналар эса бардавом бўлаверади.

## БИЗ ЧЕКИШГА ҚАРШИМИЗ

Мен шу йилнинг май ойида Қизирик туман “Тараққиёт” газетаси бош муҳаррири Чори Алимов ҳузурига кириб, туманимизда “Халқаро чекишга қарши кураш куни” муносабати билан йирик тадбир, аннкроги бу иллатга қарши курашувчилар ўртасида танлов ўтказишга ҳозирлик кўраётганлигим ҳақида сўзлаб бердим. Чори ака тажрибали журналист. “Тараққиёт” газетасининг 2013 йил “Эътироф” танловида совриндор бўлганлиги, ўқимишли ва

мухлислар талабига мос чиқаётганилигида у кишининг хизмати бор. Мухаррир бир оз ўйланиб қолди, сўнг:

-Танлов қоғозда қолиб кетмасмикин? – деди саволомуз, айни пайтда синовчан тикиларкан.

-Йўқ, у албатта, юқори савияда ўтказилади, - дедим мен ишонч билан.

-Агар шу иш амалга ошса, - деди Чори ака жиддият билан, - зўр иш бўларди. Кундан-кунга ортиб бораётган кашандалик иллатининг олдини олишга сезиларли хисса қўшилган бўларди...

Тахририятдан чиқар эканман, мен учун устоз мақомида бўлган тажрибали журналистнинг қўллаб-қувватлаши манзур бўлди, очиги, янада илҳомландим. Тўғри, биз режалаштирган тадбир-танлов ўқув йилининг охирлаб қолган кезларига тўғри келаяпти. Қолаверса, кишлоқ хўжалик ишлари ҳам авжига чиққан бир пайт. Танловни ўтказишга ана шу жиҳатлар бир оз тўсқинлик қилмасмикин? Лекин матбуотчиларнинг бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг бу ишимизни қўллаб-қувватлаши кўнглимда пайдо бўлган айрим шубҳаларни зумда таркатиб юборди.

Шундай бўлса-да, яна бир устозим, публицист ва шоир, бир катор китоблар муаллифи Йўлдош Мирзага маслаҳат солдим. Чунки бу мавзудаги кенг камровли танлов туманимизда илк бор ўтказилаётган эди. Ҳали биз ташкилотчиларда ҳам, унда иштирок этадиганларда ҳам, очиги, тажриба етарли эмасди. Устоз билан бамаслаҳат ва биргаликда танлов бўлиб ўтадиган жойни танлай бошладик. Менга кўпроқ Қизирик педагогика коллежи маъқул келди. Чунки бу ерда ўтказилган катор тадбирлар савия ва сифат жиҳатдан анчагина ибратли бўлганди. Тўғри, бундан аввал “Соғлом насл – келажак тянчи” тадбири тумандаги 74-мактабда ўтказилганди. Педагогика коллежи ўқитувчиси Насибхон Йўлдашева ҳам унда иштирок этганди. Мен илгари сураётган фикрни биргаликда тадбирлар ўтказиб келаётган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг “Аёллар қаноти” етакчиси Хосиятхон Бобоқулова ҳам қўллаб-қувватлади. Танлаган жойим ҳам маъқул келди. Шу тарика коллеж маъмурияти билан гаплашдим. Ўтказиш вақти ва жойини келишиб олдик. Номзодлар 20 нафарга етди. Умуман, танловда юзлаб (талабалар билан бирга) кишилар иштирок этиш истагини билдирди. Шундан сўнг, “Камолот” ЁИХ туман Кенгаши раиси вазифасини вақтинча

бажарувчи Ёдгор Жаппаров ва “Таракиёт” газетаси жамоатчи мухбири ижодкор Турдимурод Мустафоев, ЎзМТДП вилоят Кенгаши етакчи мутахассиси Наргиза Шайдуллаевалар билан ҳамкорликда иш олиб боришга келишдик.

Тадбиримизга туман ҳокимлиги вакили Эркин Сапаров ҳам етиб келди. Бу ташриф биз ташаббускорларни янада руҳлантирди. Ҳокимлик вакили тадбирни кириш сўзи билан очар экан, бу масала жаҳон микёсидаги муаммога айланаётганлиги, чекишга қарши кураш бугунги кунда ҳукуратимиз олдидаги ижтимоий аҳамиятга молик масалалардан бири даражасига кўтарилганлигини айтиб, ушбу тадбирга туман ҳокимлиги нафақат қўшилади, балки уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, деб айтди. Шунингдек, Э. Сапаров бу каби тадбирлар ҳар бир ўқув масканида ўтказилса, қандай яхши бўларди дея тилак билдирди. Чунки бугунги кунда аҳоли орасида, айниқса ёшлар ўртасида чекиш иллоти урчиб кетаётганлиги, чекишни бошлаганлар ҳеч қандай матлаб-мансабга эришмаслигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу тадбирни ўтказиш орқали ақалли биттагина ёшни чекиш балосидан қайтара олинса, шунинг ўзи ютук эканлигини баён этди.

Шундан сўнг сўзга чиққан 26-мактаб ўқитувчиси Нишон Эшмурзаев, ДСЭНМ ходими Назокат Жангирова, “Хўжайпок” ҚВП мудирини Жуманазар Мадиев (Низомга кўра танловда ҳамма қатнашиши мумкин эди), 74-мактаб ўқувчиси Озода Мавлонова ва бошқалар ҳам чекишнинг зарари ва у ёмон иллат эканлиги тўғрисида гапирдилар. Туман ДСЭНМ паразитология бўлими мудирини Жалғаш Мустафоқулов эса чекишнинг салбий зарарларини мисоллар билан айтиб берди. 26-мактаб ўқитувчиси Нишон Эшмурзаев чекишнинг иктисодий зарари тўғрисида қўллаб мисоллар келтирди. Сўнгра мавзунини ўз шеъри билан давом эттирди:

Чекма, чекма, чекмагин,  
Хасталик донини экмагин,  
Ундан шафқат кутмагин,  
Алломалар чекмаган,  
Уни қўлда тутмаган.  
Ғам-ташвиши бўлмаган,  
Умри завқсиз ўтмаган.

**Чекишни ташлагин,  
Буюк ишлар бошлагин.  
Юксакликка қўй кадам,  
Бўласан егук одам!**

Хурмагли муаллим шеърдан сўнг ўзининг чекиш ва унинг зарари билан боғлиқ фикрларини лўнда ибораларда ифода этди:

**Чекиш, бу – хасталик уруғини сепиш, яъни экишдир.  
Чекишдан мағрурланган одам маънавий кашшок.**

Шунингдек, Н. Эшмирзаев иктисодий зарарни ҳам ҳисоблаб берди:

Агар кунига 10, 15, 20 та сигарет чекилса қанчалик иктисодий зарар кўрилишини аниқ рақамларга исботлали. Рақамларни эса йилларга мослаб тасдиқлаб. чекишга сарфланадиган маблағ рўзгорга ишлатилса қанча фойда келтиришини ҳам кўрсатиб берди. Яъни, сигарета чекишга сарфланадиган маблағ тежаб борилса неча йилда машина харид қилиш мумкинлигини, неча йилда уй куриш мумкинлигини, энг муҳими, саёҳатга бориб келинадиган пул миқдорларини ҳам ишончли рақамларда асослаб, кўрсатиб берди. Юкорида мисол келтириб ўтганимдек. Нишон Эшмирзаев яхшигина шеърлар ижод қилиб туради. Асосан болаларга атаб ёзади.

Нишон ака болалардай беғубор инсон, - дейди 26-мактаб директори Орол Жугунов, - хокисор, кўнгли кенг ижодкор.

Нишон ака бугунги кунда “Тараққиёт” газетасининг жонкуяр, фидойи жамоатчи мухбирларидан. Ойда бир – икки марта унинг каламига мансуб куюнчаклик билан ёзилган долзарб мавзудаги мақолаларини ўқиймиз. У ўзи ишлаётган 26-мактабнинг касаба уюшмаси ранси сифатида жамоанинг калбидан ўрин олган. 2015 йилнинг 25 июнида “Тараққиёт” газетаси унинг “76 ёшли газетхон” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Туманимизнинг “Учрашув” маҳалласида истикомат қилаётган 76 ёшли Жалғаш бобо Шодмонов ҳақида ёзилган бу мақола ҳар жиҳатдан ибратли бўлди. Жамоатчи мухбир шундай ёзади: “Ўзини зиёли санайдиган, аммо дунё беҳабар юрганлардан фаркли ўларок, Жалғаш бобо каби газетхонлар бор экан, демак, газета керак”. Жалғаш бобонинг газетага қизиқиши ўз йўлигадир, аммо мақола муаллифининг

фикрича, бобо ёш болаларда ҳам газета ўқишга нисбатан иштиёк уйғотмоқда. Бу ишни у дарсдан сўнг мол боқишга чиққан болаларни бир ерга тўплаб, атайлаб газета ёки шеър ўқиб беришларини илтимос қилиш орқали бажармоқда. Шу йўл билан болакайларни адабиётга, газетга, бадииятга кизиқтира боради.

74-сонли мактаб ўқувчиси Озода Мавлонова ҳам шеърлар ёзади, бўш вақтларида баъзан расм ҳам чизади. Устози, ўқитувчи Мастура Тилововадан расм чизиш сирларини ўрганиб бормоқда. Танловда иштирок этган бу кизалок аёлларнинг чекиб турган ҳолатини, зиёли, ўқимишлиларнинг чекаётганини, отасига тақлид қилиб сигарета тутатаётган болакайни ифодалаган тасвирлари жуда аниқ ва ишонарли чиққан. Унинг чекишга қарши шеърлари ҳам бор. Масалан:

**Жўр бўлиб айтамыз,  
Чекиш жуда зарарли.  
Бу йўлдан биз қайтамыз,  
Кашандалик эрур хатарли...**

каби мисралар орқали чекиш ёмон иллат эканлигини болаларча самимият ва соддалик билан тасвирлайди. Озода танловга тақдим этган шеърлар дастаси “Тараққиёт” газетаси бош муҳаррири Чори Алимовнинг эътиборини тортди. Қизчанинг шеърлари газетада босиладиган бўлди.

Ўрни келганда айтиб ўтай, мен чекишга қарши курашни анча олдин бошлаганман. Илк китобларимда, масалан, “Соғлом турмуш сабоқлари” рисоламда, шунингдек катор мақолаларимда бу борадаги фикр-мулоҳазаларим баён этилганлигини кўпчилик билади. 2014 йилнинг 23 майида биринчи бор Республика микёсида ўтказилган “Валеология ва унинг соғлиқни сақлаш тизимида интеграциялаш йўллари” мавзусидаги конференцияда ҳам катнашиш шарафига мўяссар бўлдим. Шу анжуман муносабати билан нашр этилган “Кашандалик ботқоғидан огоҳ бўлайлик” номли мақолам юзасидан атрофлича тўхталиб ўтилди. Айниқса, шу анжуманга илмий мақолани тайёрлаш жараёнида Ўзбекистонда 2011 йил 5 октябрда 302-сонли “Алькогол ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ва истеъмолини чеклаш тўғрисида” ги қонуннинг амалдаги ижросини билиш учун Самарқанд вилоятидаги Ургут туманида тамаки экиладиган Камангарон

хўжалигида бўлганлигим. тамаки экиладиган жойларда hozir бодомзор ташкил этилганлигини ҳаётий мисол қилиб ўз кўрганларим асосида айтиб бердим. Шу билан биргаликда бизда стандарт усулда нос тайёрлайдиган заводнинг йўқлигини ҳам эслатиб ўтдим.

Айнан шу конференцияда “Алькоголсиз ҳаёт сари” мавзуида ҳам маъруза қилган эдим. Бу материал аллақачон илмий тезис ва тўпламлар орасидан жой олганлиги, вилоятдаги вақтли матбуот нашрларида чоп этилганлиги ҳам мен илгари сурган мавзуларнинг долзарблигидан далолат бўлди.

Танловда фаол иштирок этган педагогика коллежи талабаси Дилрабо Ўринованинг чекишнинг зарари ҳақидаги сўзларини эшитиб мамнун бўлдим. Айниқса, унинг “Аёл чекса” мавзусидаги чиқиши мулоҳазали бўлди. Ҳамма бир-бирини беш қўлдай билалдиган Қизирқда ҳам аёллар чекиб ўтирадиган емакхона борлигини мен билмаган, эшитмаган эканман. Бундай ҳолатга гувоҳ бўлганлар залда ҳам бор экан, уларга ҳам сўз берилди. Дилрабонинг шеърларини газетада нашр қилиш учун қабул қилишди. Мен эса шу шаддод кизни тарбиялаган оилага бориш иштиёқида унинг яшаш манзилини устозларидан сўрадим. Мен Х. Бобокулова билан бормоқчийдим. Хосиятхон бу орада Тошкентга малака оширгани кетиб қолди.

Излаган имкон топади деганларидай, бу мақсадимга эришдим. Дилрабонинг отаси Ўрол Қултўраев 1972 йилда Бойсуннинг Тиллақамар кишлоғида туғилган. Ҳозир Қизирқ тумани ҳудудида яшайди. Онаси Жангил Раҳимова 1978 йилда Жаркўрғон туманидаги Сурхон хўжалигининг 2-бўлимида таваллуд топган. Мен ҳикоя қилаётган кизлари Дилрабо 1997 йилда туғилган. Ўрол аканинг отаси Ўрин бобо Тўраев 1928 йилда туғилган. Бир умр подачилик қилиб ўтган. Давлатой момо билан тош келса кемириб, сув келса симириб, бақамти бирга яшади. Сут соғувчи, чўпон ёрдамчиси бўлиб ишлади. Мачай тоғ тизмаларига тутшиб кетган Кентала, Ўрикли яйловларида бўлган. Ўрин бобо билан Давлатой момо 9 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган, ҳаётнинг кенг кўчасига чиқазиб кўйган. Ҳозир ана шу фарзандлари ҳузурини кўриб, дориламон умргузаронлик қилишмоқда. Ўролнинг Мамаражаб, Абдусаттор, Холмирза, Чори, Шоди деган ака-укалари бор. Гулихол, Ойсоат, Ойбахорлар опа-сингиллари. Хуллас, улар катта бир сулола.

Дилрабонинг отаси билан анча сухбатлашиб ўтирдик. Дилрабо мени аввалдан танир экан, сабаби, “Зевар” маҳалласидаги 73-мактаб биноси яқинида яшар экан. Уйга келиб, “бугун шу дўхтиримиз ҳам танловда қатнашди, лекин мени танимайди, ўзимни танитгани ботина олмадим, ҳар доим саломлашиб ўтаман, алиқ олиб ўтиб кетади”, - деган экан.

Дилрабонинг фикрича, танлов мулоҳазали, кизикарли бўлганлиги боис вақт ўтгани билинмапти. Ҳақиқатан ҳам ўша куни сўзловчиларга саволлар кўп тушди, бир-бирини тўлдириб борди. Чекиш ҳам хатарли, ҳам соғлиқ эгови эканлиги ҳақидаги суратлар билан безатилган хонани тарқ этишдан олдин танлов ғолибларини аниқлаб, “Соғлом авлод учун” ХХТМ, “Камолот” ЁИХ туман кенгаши, ЎЗМДТП туман депутатлари томонидан ғолиблар тақдирланиши қисми қолди. Биринчи ўринни менга беришди. Иккинчи ўрин 26-мактаб ўқитувчиси Нишон Эшмирзаевга, учинчи ўрин эса педагогика коллежи талабаси Дилрабо Ўриновага насиб этди. Ғолибларга совғалар, Фахрий ёрликлар топширилди.

Тадбир давомида сўзга чиққанлар калбининг туб-тубидаги фикрларини айтиб улгурди. Залдаги талабалар орасига кириб, биз чекишга қаршилигимизни чин дилдан изҳор этган ҳолда “Биз чекишга қаршимиз!” сўзларини оммавий тарзда айтдик. Коллеж маъмуриятидан ҳеч дарак бўлавермагач, куйинчаклиги ва фидойилиги билан ажралиб турадиган Хосият Бобоқуловага сўз берилди. У шундай деди:

- Хурматли талабалар! Сизларнинг ҳар бирингиз уч йиллик ўқишингиз давомида ақалли биттагина кашандани тўғри йўлга бошлаб, чекиш иллатидан асрай оلسангиз, жамиятимиз учун катта иш қилган бўласиз!

Ҳақиқатан ҳам шундай. Ёнимизда юрган кашандани бу зарарли йўлдан қайтаришга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи керак. Бу эса ўзимиз яшаётган жамиятни янада соғломлаштиришга қўшадиган улкан ҳиссамиз бўлади...



## ТАШАББУСКОРЛИК – ЕТАКЧИЛИК МЕЗОНИ

Республика миқёсида ўтазилган ушбу кўрик-танловнинг туман босқичини юқори савияда ўтказиш учун ЎзМДТП вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг “Аёллар қаноти” раҳбари Хулкарой Хуррамова ҳамда шу партиянинг вилоят кенгаши ташкилий-партиявий ва кадрлар масаласи бўйича бош мутахассиси, Термиз шаҳар кенгаши депутати Ойбек Худойшукуровларнинг ташрифи, Қизириқ туманидаги педагогика коллежи фаоллар зали анвойи гуллар ва шиорлар ёзилган кўргазмали воситалар билан шином безатиб кўйилганлиги, залда бўш қолган ўриндиклар кузатилмаганлиги ушбу тадбир барчада қизиқиш уйғотганлигидан далолат бўлди.

Танловда асосан тумандаги Қизириқ педагогика коллежи талабалари орасидан кизлар ажратиб олинди, тайёрланди. Талабалардан Мавлуда Нурмаматова, Муниса Суванова, Севара Хўжанова, Ҳамда Мустанова, Ойгул Жўраева, Шодия Шойманова, Шаҳрибону Аллаёрова, Меҳринисо Кўчаровалар танловда фаол иштирок этишди. Танлов учта асосий шарт бўйича бўлиб ўтди:

1-шарт: Иштирокчининг ўзини таништириш маҳорати.

2-шарт: Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий саводхонлик беллашуви.

3-шарт: “Агар мен депутат бўлсам” мавзусидаги сайлов олди лойиҳаси билан чиқиш.

Иштирокчиларнинг ҳар бир шарт бўйича чиқишлари 5 баллик мезонда олиб борилди. Ҳакамлар Ҳайъати аъзолари қуйидаги тартибда бўлди:

1. Хулкар Хуррамова, 2. Ойбек Худойназаров, 3. Жуманазар Мадиев (ЎзМДТП аъзоси), 4. Умбаров Юнусжон, ЎзМДТП туман кенгаши ижроия қўмитаси раиси.

Шунингдек, тадбирда туман кенгаши депутатлари Олим Ишпўлатов, Тоғаймурод Яхшиев, ЎзМДТП туман кенгаши етакчиси Гулҳаё Мусаевалар иштирок этишди.

Ҳакамлар Ҳайъати аъзолари ҳар бир иштирокчининг сахнада ўзини тутиши, кийиниши, саволларга қанчалик тўғри ва аниқ жавоб берганлигига аҳамият берган ҳолда баҳолаб боришди. Ҳайъат қарорига кўра:

1-ўрин Муниса Сувановага,

2-ўрин Ойгул Жўраевага,

3-ўрин Шодия Шойманова ҳамда Шахрибону Аллаёровага насиб этди. Голиблар ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Танлов иштирокчилари ва танловда ўз санъатлари фаол иштирок этганларга ўз китобларимдан улашдим. Танлов сўнгида Ахборот ресурс марказига ҳам китобларимдан совға килдим.

Муниса Суванова мутлоқ голиб сифатида туман боскичидан вилоят боскичига йўлланма олди.

## ИНСОН СИЙЛАНГАН ЖОЙДА АЗИЗ

Кизирик тумани тиббиёт бирлашмасининг ички дорихонасида ишлайдиган Норсоат Кўчкиновни барча тиббиёт ходимлари яхши танийди. Ҳамиша ҳожатбарор сифатида ном қозонган бу инсон ҳақидаги ҳикоямни, аввал, у кимнинг фарзанди ва кимларнинг авлоди эканлиги тўғрисидаги мухтасар маълумотлар билан бошласам, маъқул бўлар.

Норсоат Кўчкиновнинг отаси Чори бобо 1926 йилда Бойсун туманидаги Сайроб хўжалигига қарашли Бешэркак кишлоғида таваллуд топган. Улар аслида етти нафар ака-ука ва битта сингилдан иборат бўлишган.

Уруш бошланганда ёш Чорининг Жиянқул ва Омонқул исмли иккита акаси биратўла урушга сафарбар этилган. Бу кўргиликни кўтара олмаган ота Ғозия бобо Кўчкинов ва онаси Фотима мома ҳам бир ҳафта ичида омонатини Яратган эгамга топширган. Шундан сўнг оилада Сафар Кўчкинов 2 нафар синглиси ва укасига бош бўлиб қолган. Бу инсон айна кунларда ҳам ҳаёт бўлиб. Музработ туманидаги Янгиобод кўрғонининг Бешкўтон МФЙда яшайди. Бу катта оиланинг яна бир фарзанди Момосулув Кўчкинова бўлади. У Бойсун туманидаги Тиллакамар кишлоғида яшаб, турмуш ўртоғи Чори Муродов билан етти нафар фарзандни вояга етказган. Кичик синглисини Қумкўрғондаги болалар уйига топширишга мажбур бўлган. Чунки уруш даври кийинчиликларини енгиб ўтиш, тўрт кишига озиқ-овқат топиш осон эмасди. Шунинг учун ҳам кичик, яъни кенжа сингилнинг исми эсида қолмаган, кайтиб қўрмаган ҳам.

Шундан сўнг ота-онадан айрилган Чори, Сафар, Момосулув ноиложликдан Қофурун кишлоғида яшаётган тоғаси Соатмурод Маматалиевни қора тортиб келишган. У пайтларда тоғаларни

Соатмурод Кофурун кишлоғидаги эътиборли кишилардан бири бўлган экан. Тоға жиянларини уйига бажону дил қабул қилган. Бу пайтда Чорининг бўйи етиб қолганди. У кофурунлик Бегмат бобо Ражабовнинг қизи Беккамтош билан катталар ғамхўрлигида турмуш қуради. Ёш оилада Менгнор (1954 й) ҳамда Норттош (1959 й) исмли киз фарзандлар дунёга келган.

Бу орада Музработ томонлардаги чўлни ўзлаштириш ишлари бошланиб кетганди. Чори ака ҳам чўлқуварлар сафига киради ва Янгиободга кўчиб ўтади. Шу ерда, 1962 йилнинг сентябрида қахрамонимиз Норсоат тугилади. Ундан кейин 1965 йилда Абдусалом (ҳозир у Музработдаги 11- мактабда ўқитувчилик қилмоқда), 1967 йилда эса Раъно (ҳозир Янгиободнинг 4- бўлимидаги ҚВПда лаборант-ҳамшира бўлиб ишлайди), 1970 йилда Шотўра (ҳозир у Жаркўрғонда яшайди), 1974 йилда Даврон (Дарвоза МФЙда яшайди. Ангор туманида ишлайди) исмли фарзандлари дунёга келган.

Ана шу оиланинг фарзанди бугунги кунда эл ардоғига мушарраф бўлган доришунос Норсоат Кўчкинов 1969-1979 йилларда Музработ туманидаги 11-сонли мактабни тугаллади. Мактабда ўқиётган йиллари кимё ўқитувчиси Бозор Ҳакназаров (Оллоҳ раҳмат қилсин!), биология фани ўқитувчиси Тошбой Эшқулов, мактаб директори Хўжакул Худойназаров (Оллоҳ раҳмат қилсин!)лар Норсоатни ҳар жиҳатдан мустаҳкамрок билим олиши учун ғамхўрлик қилдилар. Шу тарика Норсоат Кўчкинов тиббиётнинг ажралмас қисми бўлмиш фармацевтика соҳасини танлади ва доришунос бўлиб етишди.

Чунки у 1980 йилда Тошкент фармацевтика институти талабаси бўлди. Талабалик даврида илм олиш йўлини тутди. 1983 йилда талабалик амалиётини ўташ учун Олтой ўлкасида бўлиб, у ерда облепихадан суртма тайёрловчи машҳур заводда амалиёт ўтади. Шу доривор ўсимликни йиғиш жараёнларида қатнашди. “Облепиха бизнинг итузумга ўхшаркан, махсус жамоа хўжаликларида экилар экан. У томонларнинг иклими худди бизнинг тоғли туманларимиздаги каби экан” дейди Норсоат. У ёқдан кўп нарсаларни ўрганиб ва катта таассуротлар билан қайтди.

1985 йили Норсоатнинг тўнғич ўгли Шерзод дунёга келди. Термиз тиббиёт коллежининг фармацевтика бўлимини тугаллаб, шу соҳа бўйича ҳозир Шерободда ишламоқда. Норсоат Кўчкинов ўгли туғилган йили Туркменистоннинг Телжен шаҳрига ҳарбий



**1977-1982 йилда ТошДавМИни  
тугатган курсдошлар учрашуви.**



**Абдималик Нормўминовлар оиласи.**



**Хулқар  
Эгамбердиева**



**Хайрулла  
Жумаев**



**Наргиза  
Шайдуллаева**




**Махфуза  
Яркулова**



**Шоира  
Мадиева**



**Норсоат  
Кўчкинов**



**ТошДавМИни 1982 йилда битирганлар.**



**Саидолим Кубаев Болта Ахмедов билан.  
Дўстлар дийдорлашуви. (08.09.2012 й.)**



**Суюн Соатмуродов (чапдан) отаси Соатмурод хожи  
ва ўртоқлари билан.**



**1977-1982 йилларда ТошДавМида ўқиган битирувчи-  
ларнинг Самарқанддаги учрашуви. (08.09.2012 й.)**



ТошДавМИнинг 1982 йилги битирувчилари.



Абдиҳамид невараси Кувончбек билан  
оилавий дам олишда.





**Хамза Янгиев турмуш ўртоғи Комила  
ва ўгли Ойбек билан.**



**Йўлдошхон Эшонхонов ва Раъшан Салаев  
курсдошлар учрашувида кўшик айтмоқда.**



**Бозор бобо  
Амиров**



**Очил  
полвон**



**Юлдош  
Маматрайимов**



**Жасурали  
Мадиев**



**Ўз МТДП фаоллари тадбир ўтказмоқда.**



**«Яхши дам-меҳнатга ҳамдам» тадбири  
иштирокчилари пахта теримида.**



**Бандихон қўрғони шифохонаси лаборатория бўлим  
мудири Холмирза Жўраев (ўртада) жамоа билан.**



**Мамоди  
Алланазаров**



**Абдуҳамид  
Ҳақимов**



**Жалгаш  
Мустафоев**



**Орол  
Жунонов**



**Юлдуз  
Абдурасулова**



**Озода  
Мавлонова**



Файзулло  
Каримов



Хўжаназар  
Қурбонов



Хайрулла  
Холтураев



Ислоом  
Алланазаров



Гулноз  
Тожиева



Шахноза  
Қурбонова



**Тўра  
Назаров**



**Ахмад  
Ишбаев**



**Асадулла  
Нариманов**



**Мардон  
Бакиров**



**Юсуп  
Рўзиев**



**Илҳом  
Тожинов**



**Бозор  
Абзоиров**



**Насиба  
Юлдошева**



**Маматраим  
Кодиров**



**Абдурахим  
Абдурахимов**



**Абдували  
Қурбонов**



**Жўрабек  
Холмирзаев**



**Акрам  
Пирматов**



**Ўроз  
Исмоилов**



**Ёдгор  
Жаппаров**



**Абдисалом  
Холтураев**



**Тоғаймурод  
Яхшиев**



**Норменгли  
Ўринов**





**Исмоил  
Ҳакимов**



**Акмал  
Тўраев**



**Муҳаббат  
Аҳмедова**



**Абдуқодир  
Мадиев**



**Шухрат  
Шоймардонов**



**Шайдулло  
Кулмирзаев**



Жоникул  
Жамолов



Шайдулла  
Худойшукуров



Панжи  
Кодиров



Олломурод  
Авлиякулов



Асилбек  
Очилдиев



Дилрабо  
Жафарова



**Барчиной**



**Хайдарбек**



**Райхона**



**Нурхона**



**Дилафрўз**



**Номозали**



Кизирик туманидаги 23- мактабгача таълим муассасаси ходимлари ва тарбияланувчилари.



Ўзбекистон халқ бахшиси  
Х.Мардонакулов Фёоллар билан.



**Ражаб Раҳматов оила аъзолари билан.**



**Боҳадош ҳофиза Нарғиза Азимова сикатгоҳдаги  
дам олувчилар ҳузурнда.**



**Дамин Мамасаидов (чапдан) ўртоқлари билан  
табиат кўйида.**



**ТошДавМИда 1977-1982 йиллар ўқиган талабалар.**



**Абдусаттор Шаматов**



**Тоҳиржон Қосимов**



**Рустам Задаев**



**Рузимат Маткаримов**



**Салим Аvezов**



**Саиднаби Хўжанов**



**1977-1982 йилларда ТошДавМИда ўқиган  
битирувчилар Бухорода. (05.09.2015й.)**



**Абдурашид Солиев турмуш ўртоғи Ёқутхон (ўртада)  
курсдошлари билан Термизда.**





ТошДавМИда 1977-1982 йиллар тахсил олган  
битирувчилар.



ТошДавМИ стоматология факультети  
талабалари.



**Бахтиёр  
Хуррамов**



**Жамшид  
Мадиев**



**Абдимусо  
Нурбоев**



**Очил  
Маматхакимов**



**Нафиса  
Муҳиддинова**



**Дилрабо  
Ўринова**



**Бобур  
Хайдаров**



**Фирдавс  
Тошматов**



**Али  
Донашев**



**Чори  
Эгамбердиев**



**Отабек  
Назаров**



**Панжи  
Тожиев**

хизматни ўташга кетди. У ерда ҳам дорихонада ишлаб, хизматни ўтади. Хизмат даврида бир неча бор фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Бир ярим йиллик ҳарбий хизматдан ҳам руҳан, ҳам маънан чиникиб қайтиб келди.

Шундан сўнг ёш мутахассис Қизирик туманидаги марказий дорихонада провизор-информатор, химик вазифаларида ишлади. Бу ердаги фаолияти ҳам раҳбарият эътиборида бўлди. Шунинг учун ҳам у 1988-2003 йиллар давомида Янгиобод маҳалласи ҳудудидаги 78-сонли дорихонада мудир вазифасида мустақил ишлади. 2003 йилда Норсоат Кўчкинов 11-сонли марказий дорихонага ўтиб, сотувчи – доришунос лавозимида иш бошлади. Бу пайтда раҳматли Худойназар Хушвақтов бу дорихонага мудирлик қилаётган эди. У бу жамоада ҳам одатича ишчанлик ва ўз соҳаси бўйича билимларини ишга солган ҳолда фаолият юритди.

Эл қорига яраб келаётган Норсоат Кўчкинов оилапарвар инсонлардан деган эдик. Ҳақиқатан ҳам унинг оиласида ўсаётган фарзандлар оталари каби одамлар хизматида бўлиб келишмоқда. Энг муҳими, улар ҳам ота касбини танлашган. Хусусан, 1990 йилда таваллуд топган ўғли Ботир Шўрчи тиббиёт коллежини тамомлади. Ҳозирги кунда Термизда фармацевтика соҳасида ишламоқда. Қизи Шаҳноза ҳам тиббиёт соҳасини танлаган. У Шерободдаги тиббиёт коллежини тамомлаган. Ҳозирги кунда Қизирик туман тиббиёт бирлашмасининг терапия бўлимида навбатчи ҳамшира сифатида фаолият олиб бормоқда. Яна бир ўғли Отамурод эса Янгиободдаги касб-ҳунар коллежини тамомлаш арафасида. Қизи Моҳира ҳам ота касбини танлаган. У Шеробод тиббиёт коллежида таҳсил олган. Ҳамширалик касбини танлаган бу сулув киз ота-боболари юртига келин бўлиб тушган. Айни кунларда аммаси Момосулув опа хонадонидида вояга етган Алишер билан турмуш куриб, ойдай келинчак бўлиб ўтирибди. Яқинда у ўғиллик бўлди. Не орзулар билан туғилган бу ўғлонга, бамаслаҳат, Шохжаҳон дея исм қўйишди. Дарвоқе, куёв бўлмиш Алишер Тошкентдаги темир йўллари институтидаги ўқишини бу йил якунлайди.

Норсоат ака турмуш ўртоғи Ўғилой ҳамроҳлигида кўпгина хайрли ишларни қилиб келаётган чин инсонларнинг бири. Шу билан бирга 3 нафар ўғил ва икки нафар киз фарзандни оиласи ва элига муносиб қилиб тарбиялади. Фарзандларининг ҳаёт сўкмоқларида ўз ўрнини топиб кетиши учун бор имкониятларини

ишга солди. Кутилганидек, фарзандлар ҳам ота орзусидаги инсонлар бўлиб етишди.

## ЧЎЛ БАҒРИДА ЮЗ ОЧГАН ЧИРОЙ

1992 йил.

Бир пайтлар Бойсун тумани таркибида бўлган Бандихон чўлларини камраб олувчи ҳудудда янги туман ташкил этилди. Туманни шу ерларнинг азалий атамаси билан Бандихон тумани дея номлашди. Туман ташкил этилгач, биринчи галда ёш авлод таълим оладиган янги мактаб биноси куришга киришилди. Бу ҳам мустақиллик шарофати эди. Бу чўл ҳудудларида истиқлол йилларида курила бошлаган замонавий мактабларнинг бири эди, бандихонликлар учун эса энг кўркам ва замонавий бўлган, илк иншоот эди. У бир йил ичида курилиб, 1993 йилда тантанали вазиятда фойдаланишга топширилди.

Биласиз, бир пайтлар янги туман ҳудудида сув танқислиги сезиларди. Чунки бу томонларда оқиб турувчи Окқапчиғай канали тугаб, ундан уёғида сувга муҳтожлик баралла сезилиб турарди. Аҳоли асосан лалми экинлар экиш билан шуғулланарди. Сув танқислиги боис ҳар ер-ҳар ердагина кичик экин майдонлари, яккам-дуккам уйлар, мол яйратиб юрган чўпон-чўликларгина кўзга ташланарди, холос. Факатгина Октепа кишлоғидагина (ҳозир у Хўжайпок маҳалла фуқаролар йиғини деб аталади) аҳоли нисбатан зич яшарди. Бу ерда истикомат қилаётганларнинг фарзандлари узоқроқда жойлашган Дўстлик хўжалиги ҳудудидаги мактабга, 4-5 чакирим йўл босиб, катнашарди. Намгарчилик кезларида куча лой, ёзда эса чанг-тупроқли эди. Болакайлар мактабга бориб қайтгунча кўп кийналишар эди.

Халқимизда “бола йиғламагунча, онаси кўкрак тутмас”, деган ажойиб нақл бор. Бу гўшада истикомат қилаётган Ўрин Эгамбердиев, Хўжамберди Чоршанбиев, туман сув хўжалиги гидрологи Ошир Хўжанов, ўқитувчи Ўроз Исмоилов, Чўлли Исмоиловлар бу томонларнинг обод бўлишига кўп ҳисса қўшган инсонлардан саналишади. Уларнинг кўпи аллақачон марҳумлар сафига қўшилган, айримлари нафақада. Лекин улар қилган хайрли ишлар эсдалик бўлиб, ёдгорлик бўлиб одамлар хотирасида яшайпти. Биз сўз юритаётган, ҳозир 69-сонли мактаб деб юритилаётган, ўқув маскани ҳам ана шу инсонлар бугунги

Флодларга колдирган тухфалардан биридир. Чунки уларнинг саъи-  
ракатлари, югуриб-елишлари, молиялаштириш, режалаштиришда  
қўйинчаклик қилишлари натижасида чўл бағрида 320 ўринга  
қўлжалланган мухташам икки қаватли мактаб биноси бунёд  
қилинган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу  
томонларга оби-хаёт етиб келишида ҳам ана шу фидойи  
инсонларнинг салмокли ҳиссалари бор.

Кексалар раҳнамолигида ҳашарлар уюштирилиб, гоҳ техника,  
гоҳ қўл кучи воситасида, тагин кексаларнинг маслаҳатларига  
таянган ҳолда, Шеробод каналидан келаётган сув орқага бурилиб,  
кўтарма кран орқали Хўжаипок маҳалласигача етказилди. Бу  
жараёнларни тезлаштириш, кўрик ерларни ўзлаштиришда бу  
инсонлар қилган эзгу амаллар натижасидан бугунги кунда шу  
ҳудудда яшаётганлар баҳраманд бўлиб туришибди. Бу кекса,  
тажрибали инсонлар ноқулай чўл шароитларида яшаб, меҳнат  
қилаётганларни ҳар жихатдан қўллаб-қувватлаб туришди. Чунки  
эслатганимиздек, Окқапчиғай канали қишлоқнинг “Сапи куба”  
деган жойигача етиб келиб, тугаган. Дўстлик ҳўжалиги томонидан  
сув келтирилиши бу томонларга кўплаб аҳолининг кучиб келиб,  
муқим яшаб қолишига имкон яратди. Шу тариқа чўлқуварлар сони  
ортиб бораверди. Янги ерлар ўзлаштирилиб, чўл чекингани сайин  
боғу бўстонлар ҳам барпо этила борди.

Сув келиши бу ҳудудларни батамом ўзгартириб юборди. Чўл  
бағрида юз очган чирой мисол кўзларни қувонтириб турган янги  
мактаб биноси эса бандихонлик болаларнинг фаҳрига айлана  
борди. Мактабга 1994 йилнинг ноябрида Чори Эгамбердиев  
директор этиб тайинланди. Ҳа, бу ерда иш бошлашдан олдин 68-  
мактабда тил ва адабиёт муаллими, илмий мудир бўлиб ишлаган  
Ч.Эгамбердиевга янги мактабни ишониб топширишди. Директор бу  
ишончни оқлашга интилиб, фаолият юрита бошлади. Ўзингиз ҳам  
яхши биласиз, мустақиллигимиз эндигина дадил одимлай бошлаган  
кезларда мактабларда ўқув қуроллари, замонавий жиҳозлар, каттик-  
юмшоқ мебеллар ҳали етарли эмасди. Бу бор гап. Шунинг учун ҳам  
янги мактабда иш бошлаган директордан катта ташкилотчилик,  
ишбилармонлик ва уддабуронлик билан иш юритиши талаб  
этиларди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, янги мактаб  
биносининг очилиш маросимида туман ҳокими Хуррам Йўлдашев,  
халқ таълими бўлими мудир Муҳиддин Ҳамроев, туман қурилиш  
бошқармаси бошлиғи Исо Холматов, туман ҳокими ўринбосари

ишга солди. Кутилганидек, фарзандлар ҳам ота орзусидаги инсонлар бўлиб етишди.

## ЧЎЛ БАҒРИДА ЮЗ ОЧГАН ЧИРОЙ

1992 йил.

Бир пайтлар Бойсун тумани таркибида бўлган Бандихон чўлларини камраб олувчи худудда янги туман ташкил этилди. Тумани шу ерларнинг азалий атамаси билан Бандихон тумани дея номлашди. Туман ташкил этилгач, биринчи галда ёш авлод таълим оладиган янги мактаб биноси куришга киришилди. Бу ҳам мустақиллик шарофати эди. Бу чўл худудларида истиклол йилларида курила бошлаган замонавий мактабларнинг бири эди, бандихонликлар учун эса энг кўркем ва замонавий бўлган илк иншоот эди. У бир йил ичида курилиб, 1993 йилда тантанали вазиятда фойдаланишга топширилди.

Биласиз, бир пайтлар янги туман худудида сув танкислиги сезиларди. Чунки бу томонларда оқиб турувчи Оккапчиғай канали тугаб, ундан уёғида сувга муҳтожлик баралла сезилиб турарди. Аҳоли асосан лалми экинлар экиш билан шуғулланарди. Сув танкислиги боис ҳар ер-ҳар ердагина кичик экин майдонлари, яккам-дуккам уйлар, мол яйратиб юрган чўпон-чўликларгина кўзга ташланарди, холос. Фақатгина Октепа кишлоғидагина (ҳозир у Хўжаипок маҳалла фуқаролар йиғини деб аталади) аҳоли нисбатан зич яшарди. Бу ерда истикомат қилаётганларнинг фарзандлари узоқроқда жойлашган Дўстлик хўжалиги худудидаги мактабга, 4-5 чакирим йўл босиб, катнашарди. Намгарчилик кезларида кўча лой. ёзда эса чанг-тупроқли эди. Болакайлар мактабга бориб қайтгунча кўп кийналишар эди.

Халкимизда “бола йиғламагунча, онаси кўкрак тутмас”, деган ажойиб нақл бор. Бу гўшада истикомат қилаётган Ўрин Эгамбердиев, Хўжаберди Чоршанбиев, туман сув хўжалиги гидрологи Ошир Хўжанов, ўқитувчи Ўроз Исмоилов, Чўлли Исмоиловлар бу томонларнинг обод бўлишига кўп ҳисса қўшган инсонлардан саналишади. Уларнинг кўпи аллақачон марҳумлар сафига қўшилган, айримлари нафақада. Лекин улар қилган хайрли ишлар эсдалик бўлиб, ёдгорлик бўлиб одамлар хотирасида яшайпти. Биз сўз юритаётган, ҳозир 69-сонли мактаб деб юритилаётган, ўқув маскани ҳам ана шу инсонлар бугунги

авлодларга қолдирган тухфалардан биридир. Чунки уларнинг саъи-ҳаракатлари, югуриб-елишлари, молиялаштириш, режалаштиришда куйинчаклик қилишлари натижасида чўл бағрида 320 ўринга мўлжалланган мухташам икки қаватли мактаб биноси бунёд этилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу томонларга оби-ҳаёт этиб келишида ҳам ана шу фидойи инсонларнинг салмоқли хиссалари бор.

Кексалар раҳнамолигида ҳашарлар уюштирилиб, гоҳ техника, гоҳ қўл кучи воситасида, тагин кексаларнинг маслаҳатларига таянган ҳолда, Шеробод каналидан келаётган сув орқага бурилиб, кўтарма кран орқали Хўжайпоқ маҳалласигача етказилди. Бу жараёнларни тезлаштириш, қурик ерларни ўзлаштиришда бу инсонлар қилган эзгу амаллар натижасидан бугунги кунда шу ҳудудда яшаётганлар баҳраманд бўлиб туришибди. Бу кекса, тажрибали инсонлар ноқулай чўл шароитларида яшаб, меҳнат қилаётганларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туришди. Чунки эслатганимиздек, Оққапчиғай канали кишлоқнинг “Сапи куба” деган жойигача этиб келиб, тугаган. Дўстлик хўжалиги томонидан сув келтирилиши бу томонларга қўллаб аҳолининг кўчиб келиб, муқим яшаб қолишига имкон яратди. Шу тарика чўлқуварлар сони ортиб бораверди. Янги ерлар ўзлаштирилиб, чўл чекингани сайин боғу бўстонлар ҳам барпо этила борди.

Сув келиши бу ҳудудларни батамом ўзгартириб юборди. Чўл бағрида юз очган чирой мисол кўзларни қувонтириб турган янги мактаб биноси эса бандихонлик болаларнинг фахрига айлана борди. Мактабга 1994 йилнинг ноябрида Чори Эгамбердиев директор этиб тайинланди. Ҳа, бу ерда иш бошлашдан олдин 68-мактабда тил ва адабиёт муаллими, илмий мудар бўлиб ишлаган Ч.Эгамбердиевга янги мактабни ишониб топширишди. Директор бу ишончни оқлашга интилиб, фаолият юрита бошлади. Ўзингиз ҳам яхши биласиз, мустақиллигимиз эндигина дадил одимлай бошлаган кезларда мактабларда ўқув қуроллари, замонавий жиҳозлар, каттик-юмшоқ мебеллар ҳали етарли эмасди. Бу бор гап. Шунинг учун ҳам янги мактабда иш бошлаган директордан катта ташкилотчилик, ишбилармонлик ва урдабуронлик билан иш юритиши талаб этиларди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, янги мактаб биносининг очилиш маросимида туман ҳокими Хуррам Йўлдашев, халқ таълими бўлими мудири Муҳиддин Ҳамроев, туман қурилиш бошқармаси бошлиғи Исо Холматов, туман ҳокими ўринбосари



Жура Шойкулов ва бошқалар иштирок этишди. Мактабга хужалик ишлари бўйича мудир этиб Ўнгбой Холбутаев, илмий мудир этиб Равшан Исмоилов, уринбосар этиб Эркин Уринов, касаба уюшмаси раиси этиб Норкул Сувановлар тайинланишди.

Янги очилган мактабга дастлаб 180 нафар бола жалб этилди. Уларга 12 нафар ўқитувчилар таълим-тарбия бера бошлашди. Мактабни рисоладагидек илм масканига айлантирилгунча ишлар кизгин давом эттирилди. Мактаб қошида спорт, география, она тили ва адабиёти тўғараклари ташкил этилди. Шу соҳалар бўйича туман миқёсидаги фан олимпиадаларида қатнашиб турилди. Бу орада директор Чори Эгмбердиевнинг соғлиги панд бера бошлади. У ишдан бушаш ҳақида туман раҳбариятига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Ундан ўрнингизга қимми тавсия этасиз деб сўрашганда, у ҳеч иккиланмай бу пайтга қадар илмий мудир бўлиб ишлаётган Гулбой Чориев номзодини кўрсатди. Аслида ҳам у бу ўринбосарини аввалдан ўз ўрнига муносиб кўриб, аста-секин тайёрлаб келаётган эди.

Гулбой Чориев ҳам устози қаби ишни атрофни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, тўғараклар сонини орттириш, мевали ва манзаралари дарахтлар экиш ва уларни парваришлашни яхшилашдан бошлади. Баъзан шундай бўлдики, ниҳолларни кўкартириб олиш учун эшакда сув ташилди. Директорга мактаб қоровули Қурбон Холлиев, Ўнгбой Холбутаевлар кўшқанот бўлишди. Уларнинг фидойиликлари эвазига лалми жойларда дарахтзор барпо этилди, кейинроқ бу томонларга арик тортилиб сув келтирилди. Сўнгра ҳашар йўли билан мактаб атрофи паҳса девор билан ўраб олинди. Бу эса моллар мактаб ҳовлисига кириб экинларни пайхон қилишининг олдини олди. Бу ишларни бажаришда Норкул Суванов, Йўлдош Султонкулов, Шуҳрат Суванов, Исмоил Икромов, Бахтиёр Жабборов, Баҳриддин Худойбердиев Йўлдош Ҳасановларнинг хизмати қатта бўлди. Улар дарслардан сўнг, шу ерда қолиб, чинакам меҳнат қилдилар.

2005-2006 йилларда бу даргоҳга Бойбўри Тошқурбонов директорлик қилди. Самарқанд давлат университетининг география факультетини тугаллаган бу инсон 1950 йилда Бойсун туманидаги Тиллақамар қишлоғида туғилган. Раҳбарлик ва муаллимликни бир маромда яхши олиб борган Бойбўри аканинг ўқувчи-шоғирдлари бир неча бор фан олимпиадаларида голибликни қўлга киритган.

Бойбури Тошқурбоннинг раҳбар сифатида қилган энг самарали хизматларидан бири шуки, у директор бўлиб турган даврида мактабни тула таъмирдан чиқаришга муваффақ бўлди.

2006-2007 йилларда Аҳмад Файзуллаев ушбу мактабга раҳбарлик қилди. Шуни ҳам эслатиб ўтайки, Аҳмад ака билан тоғли Бойсуннинг Пулхоким қишлоғидаги 28-сонли мактабда ўқиганман. Турмуш ўртоғи Ойжамол Алихонова билан эса Бўстон (ҳозирда Бандихон) қишлоқ врачлик пунктида бирга ишлаганим боис бу оилани яхши биламан. Аҳмад ака ҳозир ҳам Бирдамлик маҳалласидан жисмоний тарбия ўқитувчиси, Йўлдош Ҳасанов билан кунига 3-4 чақиримлик йўлни босиб келиб, Хужаипок МФЙдаги 69-сонли мактабда муаллимлик қиладилар.

Дарвоқе, Йўлдош Ҳасанов ҳақида ҳам мухтасар бўлса-да, тўхталиб ўтмасам бўлмас. Бу инсоннинг ота-боблари асли водийлик. Ўзлари эса азим Сурхонва таваллууд топганлар. Ўрта махсус маълумотга эга бўлса-да, жисмоний тарбия соҳасида яхшигина тажриба тўплаган мутахассис саналадилар. Ўрни келганда эслатиб ўтиш керакки, кўплаб мактабларда жисмоний тарбия ўқитувчиси спорт формасида бўлмайди, лекин ўқувчилардан формада бўлишни талаб қилади. Мен Йўлдош акани бошига киров инган ёшда бўлса-да, доимо спортча кийинган ҳолда мактаб стадионида кўраман.

Аҳмад ака туғилган ўша Пулхоким қишлоғида яшовчи қариндошларини, ака-укаларини яхши танийман. Чунки юқоридаги хикояларимда эслатиб ўтганимдек, бир вақтлар мен Пулхоким ҚВАСида мудирлик қилганман. Табиийки, иш жараёнида аҳоли билан, оилавий шароитлар билан, тиббий тарбияси билан, соғлом турмуш тарзи билан танишиб олишингизга тўғри келади. Айниқса, оилаларда ирсий касалликларга мойиллар, қариндошлар ўртасида никоҳланганлар бор, йўқлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис қишлоқда яшаётган оилалар билан яқиндан танишиш зарурати туғилади. Шу маънода қайта-қайта мулоқотлар олиб борилади. Шу туфайли мен Аҳмад ака ўсиб-улғайган оилада ҳам кўп бора бўлиб, оила аъзолари билан суҳбатлар қурганман.

Шуни ҳам эътироф этиб ўтишим керакки, Файзуллаевлар оиласини нафақат Бойсунда, балки вилоятимизда ҳам яхши билишади. Бу оилада тарбия топган, ўқиб мутахассисликка эришган инсонлар воҳамизнинг турли ҳудудларида, хусусан, марказ Термизда ҳам ишлашади. Аҳмад Файзуллаевнинг катта

акаси Исроил Омонов Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳини тугатган. Талабалик йилларим у киши билан бирга ўтган. У киши мендан уч боскич юқорида, даволаш факультетида ўқир эдилар. Ҳозир у киши 1-сонли вилоят кўп тармокли шифохонасининг жонлантириш бўлимида ишлайди. Кўли енгил шифокорлардан бири сифатида обрўга эга.

Убайдулла Файзуллаев эса вилоят ДСЭНМда бош врач ўринбосари. Мен бу инсон билан ҳам яқин танишман. Чунки у киши Бандихон туман ДСЭНМида, мен эса шу туманда ишлаганимда кўп ҳамкорлик қилганмиз. Бу одам ҳам ўзи танлаган соҳанинг тажрибакор вакиллари билан бири бўлиб етишган. Хуллас, Аҳмад ака мансуб сулола катта. Бу сулолага мансуб инсонларнинг ҳар бири бир мутахассисликнинг бошини тутиб, ҳаётда ўз йўлини топиб кетган.

Аҳмад аканинг катта ўғли Фахриддин Файзуллаев ота йўлини танлаган. У жисмоний тарбия ўқитувчиси. Тумандаги 55-сонли мактабда шу фандан сабоқ бериб, ёш авлоднинг жисмонан баркамол ўсишида ҳисса қўшиб келмоқда. Шу билан бирга мактаб “Камолот”чиларининг етакчиси ҳам ҳисобланади. Аҳмад аканинг келини Зухра Мустанова Фахриддиннинг умр йўлдоши. Турмуш ўртоғи ишлаётган мактабда бошланғич синфларга таълим беради. Шунинг ҳам эслатиб ўтайки, Зухраҳон катта фарзандим Жамшид билан синфдош. Зухраҳоннинг отаси Рустам Мустанов Бойсундаги 28-сонли мактабда ўқитувчи. Онаси Майсара опани, пиру бадавлат бобоси Ҳамро бобони яхши танийман. Бойсунда кўшни эдик. Уларнинг оиласи аъзоларининг бари ҳокисор, диёнатли инсонлардир. Зухра ҳозирда 1-сонли вилоят лицейида табиий фанлар йўналиши бўйича ўқиётган кенжа ўғлим Бобурни аввал Бойсунда, сўнгра Бандихонда бошланғич синфларда ўқитган.

Аҳмад ака ва Ойжамол опа бугунги кунда фарзандлари камолдан қувониб бахтли умр кечиришмоқда. Атрофида неваралар парвона бўлиб турибди.

Сўз юритаётганимиз ушбу мактабга 2007-2008 йилларда биология фани ўқитувчиси Эркин Уринов раҳбарликка ўтди. Ундан сўнгра Равшан Исмоилов раҳбар этиб тайинланди. Кейинроқ эса Сандмурод Жабборов раҳбарликка ўтказилди. 2014 йилдан буён бу мактабда Асадулла Наримонов педагоглар жамоасини бошқариб келмоқда.

Тарихдан маълумки, жамиятда шахснинг роли юксак. Агар инсон раҳбар даражасига кутарила олган бўлса, албатта. Бу ҳақда эслаётганимнинг боиси шундаки, юкоридаги мисолларда айтиб ўтилганидек, 400 нафардан ортиқ ўқувчи таълим олаётган оддий бир мактабда раҳбарнинг бунчалик тез ва кўп ўзгариши яхшилик аломати эмас.

Мен шу ҳудудда фаолият юритаётганлигим туфайли ўқувчиларнинг кайфиятини тиббий курик пайтида, давра суҳбати ташкил этилган кезларда билдирилган фикрларга таянган ҳолда яхши биламан. Табиийки, бу мактабда ҳам иктидорли болалар жуда кўп. Уларнинг аксарияти ўзлари ёктирган фанлар бўйича олимпиадаларда голибликка эришмоқда. Кўпчилиги олий ўқув юртларида ўқишган, мутахассис бўлиб етишган. Яна бир гуруҳи шеърлар, мақолалар ёзиб туман ва вилоят газеталарида эълон қилиб туришали.

Бир оз нокулай бўлса-да, эътироф этиб ўтмоқ лозим. Ҳали айтганимдай, раҳбарнинг тез-тез алмашавериши мактабда ўқув-тарбиявий соҳаларда бўлганидек, ободончилик ишлари борасида ҳам бир қадар оксабга олиб келган. Йўлим тушиб, мактабга кирдим. А. Наримонов директор этиб тайинланган экан. Анчагина гурунглашиб қолдик. Бир пайтлар кекса отахонлар, эл оксоқоллари югуриб-елиб бунёд эттирган мактабда аҳвол чиндан-да, ачинарли ҳолга келиб қолган. Бир-икки йил ғайрат қилиб ишлаб, атрофда ободончилик ишларини яхшилаган раҳбарлардан қолган бунёдкорликлар ҳам анчайин қаровсизликдан қуриб қолиш ҳолига етган экан. Мен А. Наримоновни раҳбар сифатида эмас, асосан жисмоний тарбия ўқитувчиси сифатида кузатиб юрар эдим.

Асадулла асли Жарқўрғондан бўлиб, отаси Юсуп Наримоновлар оиласи 1982 йилда ҳозирги Оққўрғон маҳалласига (авваллари Бойсун туман, Дўстлик жамоа хўжалиги бўлган) кўчиб келди. Асадулла 1982-1992 йиллар ўша пайтлардаги А. Қаҳҳор номли, ҳозирда эса 68-сонли мактабда ўқиди. Ўқиш жараёнида спорт билан жиддий шуғулланиб ҳарбий бўлмоқни орзулади. Бу соҳага кизикишини унга ҳарбий таълим ўқитувчиси Чоршанби Йўлдашов “юктирди”. У Асадулла ўқиётган синфга раҳбар ҳам эди. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Зиёдулла Абдуллаев эса унга кунт билан спорт сирларини ўргатди, жисмонан чиникишида кўмаклашди. Мактабдан сўнг, у шу соҳа этагини тутишни кўнглига мустаҳкам туғиб олди. Натижада, ТерДУ жисмоний маданият

факультетига ўқишга киришга муваффақ бўлди. Олийгоҳдаги таҳсилини тугатгач, ўзи ўқиган мактабга қайтиб, жисмоний тарбиядан дарс бера бошлади. Бугунги кунга келиб, у мактаб директори сифатида кенг камровли ишларни бошлаб юборишига умид қиламиз, шу баробарида ёшларнинг тиббий маданиятга эришиши учун 69-мактабда саломатликка оид дарсликларни ўқитиш бошқа мактабларга ибрат бўларли даражада олиб борилишига тилакдошимиз.

## ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Бу ҳикоямизни юкорида ўқиганларингизнинг мантикий давоми сифатида қабул қилишингиз мумкин. Чунки манзил битта, мақсад ҳам ягона, мавзу эса чўл бағрида юз очган чирой ҳақида. Аниқроғи, заминга зеб бераётган инсонларнинг яна бир фидойилиги тўғрисида.

Мўйсафид Норменгли бобонинг ҳикоя қилишича, бир пайтлар ҳозирги Оккўрғон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бўлган “Дўстлик” хўжалиги 1981 йилнинг ноябрида мева-узумчилик хўжалиги сифатида ташкил этилган ва у Бойсун тумани таркибига кирган. Янги ташкил этилган хўжаликка директор этиб Худойберди Бекмуродов тайинланган. Шу тарика 350 гектар ерда узумзор, 100 гектар бедазор ташкил этиш ишлари бошлаб юборилган. Яна 150 гектар майдонда бошқа кишлоқ хўжалик экинлари экила бошлаган. Чўл бағрида барпо этилаётган бу боғлар, табиийки, Шеробод каналидан кўтарма насос орқали сув билан таъминлаб турилган. Шу тарика 3-4 йил ичида “Дўстлик” давлат хўжалигининг салоҳияти кўтарилиб, аҳолининг турмуш шароитлари яхшилана бошлаган. Чунки жазирама чўлда одамлар зўр меҳнат ва омилкорлик эвазига турли-туман хўл мевалар етиштира бошлаганлар. Куёш нурларига обдон тўйинган ширали мевалар эса нафақат бу ерда истикомат қилаётганлар, балки шаҳарликлар учун ҳам қони фойда бўлган.

Аммо, тобора яшилликка бурканиб бораётган бу манзилдан атиги 5 чақиримлар нарида ястаниб ётган лалми ерлар сувсизликдан яроксиз қолга келиб қолганди. Бу лалми экин ерлари уша кезлари Бойсун туманининг “Сайроб” хўжалигига тегишли бўлган. Қадимдан Истара номи билан таникли бўлган бу бўлимда яшайдиган халқ учун на сув, на тузукрок йўл бор эди. Бу ҳудудда

100 дан ортик хужалик яшар ва улар сувсизлик ҳамда нокулай шароитлардан кийналишар эди. Бир сўз билан айтганда уларнинг “қули осмондан узилган” холда сувдан йироқда истикомат килишар эди.

Яқин атрофда шундай гузал боғлар, сўлим гушалар ташкил бўлаётганини кўрган одамлар сабр-бардошни бир четга қўйиб, ҳаракатга келишди. Уларга уруш оловларини кўриб, жанггоҳлардан ногирон бўлиб кайтган Ўрин бобо Эгамбердиев ва қишлоқ ёқсоқолларидан Мамади Алланазаров, Холиёр Рўзиев, Мирза Чориев, Тоштемир Абдуллаев, Эргаш Оширов, Тоштемир Чориевлар бош-қош бўлишди. Улар бир ерга тўпланиб, узаро узок маслаҳатлашишди. Улар тахминан мана бундай фикрларни уртага ташлашди:

- Сувга яқин дегани, Худога яқин дегани. Шу яқин орада жойлашган “Дўстлик”, “Бандихон” хўжаликларига каранг. сув туфайли йилдан-йилга обод бўлиб, кўркамлашиб бораёпти. Биз эса сувсизлик боис ҳеч нарса қила олмаяпмиз. Яшаш манзилимизни обод қила олмаяпмиз. Худога шукур, замонамиз тинч. Қул ўзлаштирилиб, тобора чекиниб бораёпти. Ана шундай ўзлаштиришлар кетаётган бир пайтда биз ҳам дардимизни ҳукуматга айтсак, ёрдам сўрасак қандай бўларкин?!

Бу гурунгни зимдан жимгина тинглаб, давradoшларини кузатиб утирган Ўрин бобони бу гаплар унчалик каноатлантормади. Ҳарқалай, давradoшлардан бири “Бойсундан келган сув хўжалиги мутахассислари билан маслаҳатлашиш керак”, дегандан сўнггина чехраси очилди. Тезда ўша мутахассисни излаб топиб, суҳбатлашишди. Мутахассис турли чизмаларни қариялар олдига ёйиб қўйганча, анча гапирди, эринмай тушунтирди. Унинг фикрича, “Дўстлик” хўжалиги томондан бу ёқларга сув олиб келиш мумкин экан. Бунинг учун вилоят сув хўжалиги бошқармасининг рухсати ва ёрдами керак бўлар экан.

Шундан сўнг Ўрин бобо бошчилигидаги қариялар вилоят маркази Термиз шаҳрига – вилоят сув хўжалиги идорасига серкатнов бўлиб қолишди. Хуллас, тегишли ташкилотлардан рухсат олинди. Лойиҳалаштириш, молиялаштириш ишлари бошланиб, тез орада яқунланди ҳам. Иш бошида мутахассислар турган бўлса-да, айрим маҳаллий халқ вакиллари “Ўрин бобонинг мияси айнибди. Қандай килиб “Дўстлик” хўжалигидан баландда жойлашган Истарага сув келтириш мумкин?”, дея гап сотиб юришди. Бундай

илмоқли, таъбга тегар гапларга кексалар эътибор беришмади. Тезроқ ўз манзиллариға сув келтириш илинжида елиб-югураверишди. Айниқса, Урин бобо Эгамбердиев ҳар куни эрталабдан оқ эшагини миниб иш жараёнлари кетаётган жойларни айланиб юраверди. Ҳатто, чўл жазирамасида ишлаётган тракторчиларга, ишчиларга чой-сув, баъзида ошу овкат ҳам етказиб турди. Бирор техника бузилиб қолса, дарров марказга бориб-келишдан ҳам эринмади. Шу тарика бобо ўзи макон тутган манзилга тезроқ сув келтириш ишларига камарбаста бўлди. Урин бободаги бу фидойиликни кўрган маҳаллий халқ ҳам аста-секинлик билан сув келтираётган ишчиларга ёрдам бера бошлашди. Қишлоқда биров Урин бобонинг гапини икки қилмайди. Бир-икки одамнинг ишончсизлик билдириши туфайли ўзини четга тортиб турганлар ҳам оммавий ҳашарни кўриб, кенг қўламли ишларни тезроқ битиришга ўз ихтиёрлари, баъзан Урин бобонинг даъвати билан оммавий киришиб кетди. Урин бобо дам олиш кунларида келган ишчиларни яхшилаб дам олдириш, ишлаётганларга сув, чой, ковун-тарвуз етказиб бериш, эксковаторчилар ҳолидан хабар олиб туриш тўғрисида қишлоқдошларига кўрсатмалар бериб турди. Халқ оксоқолнинг гапини ерда қолдирмади, айтганини бекаму кўст бажариб турди. Бу ишларда, айниқса, Гулбой Чориев, Ошир Хўжанов, Бозор Холматов, Соатмурод Жабборовлар бошқаларга ўрнак бўлишди.

Вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Эркин Донаев ҳамда Бойсун туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Хидир Чоршанбиевлар чўлда ишлаётганлар ҳолидан тез-тез хабар олиб турди. Раҳбарлар келганида иш бошида Урин бобо турганини кўриб мамнун бўларди. Режалаштириш лойиҳасини вилоят ва республика раҳбариятига йўллаганини, бунинг самараси сифатида, мана, бу ерларда канал казилаяпти дея оксоқолни хурсанд қилиб кетарди. Яқин орада бу ерда Бойсун туманига қарашли "Янги ҳаёт" фермерлар уюшмаси очилиб, 500 гектардан ортиқ майдонда қишлоқ хўжалик экинлари экила бошлайди, яна бу томонларга кўплаб аҳоли кўчиб келади, дея бобони яна бир бор севинтирарди. Бу гаплар шунчаки кўнгилни кўтариш учун айтилган қуруқ гаплар эмаслиги тезда маълум бўлди. Юқорига сув чиқариб бўлмайди, дея илмоқли-ю қармоқли гаплар қилганларни изза қилган ҳолда Истара тарафларга обн ҳаёт тўлқинланиб-тўлқинланиб оқиб келди...

Шу ўринда Ўрин бобо Эгамбердиев хакида ҳам бир оз тўхталиб ўтмоқ лозим. У 1923 йилда Бойсун туманига қарашли Сайроб кишлоқ кенгаши ҳудудидаги “Беш эркак” кишлоғида туғилган. Эндигина еттинчи синфни тугаллаган Ўрин Эгамбердиев кўнгилилар каторида иккинчи жаҳон урушига кетган. Яъни, айни кирчиллама ўн саккиз ёшида уруш оловлари ёниб турган жанггоҳлар сари йўл олган. Дастлаб, Украина fronti сафида жангга кирган. Аёвсиз жангларнинг бирида чап қўл ва чап оёғидан каттик яраланган. Жанговар хизматлари учун кўплаб орден-медалларга сазовор бўлган.

Ярадор бўлиб фронтдан қайтгач, у қишлоқдоши Майрам Мамадалиевага уйланган. Бу оилада олти нафар азамат ўғил туғилган. Бобонинг тунғич ўғли Ўринов Хуррам 1945 йилда туғилган. У Сайроб хўжалигида зоотехник бўлиб узок йиллар ишлаган ва нафақага чиқди. Ҳозирги кунда Қизирик туманидаги Хўжайпок МФЙда яшайди. Кейинги ўғли Кўчар 1947 йилда туғилган. У Самарқанддаги кишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Қизирикдаги бир пайтлар “Прогресс” номи билан юритилган хўжаликда ишлаган ва шу ердан нафақага чиққан. У ҳам акаси билан бир маҳаллада яшайди. Яна бир ўғли Норменгли Ўринов эса Андижондаги пахтачилик институтида таҳсил олган. Музработ. Қизирик, Бойсун туманларида агроном бўлиб ишлаган. Бугунги кунда Норменгли ака 4 киз, 2 ўғилнинг отаси, 12 нафар неваранинг суюкли бобоси сифатида “Хўжайпок” маҳалласида умргузаронлик қилмоқда. 1955 йилда туғилган Чори Эгамбердиев Ўрин бобонинг тўртинчи ўғли бўлади. У Термиз Давлат университетидеда ўқиган. Тил ва адабиёт муаллими сифатида бир умр ёш авлодга таълим ва тарбия бериб келди. Ҳозирги кунда нафақага чиққан бу инсон ҳам акалари билан битта маҳаллада яшайди. 1957 йилда туғилган Жуманазар Эгамбердиев бир умр ҳайдовчилик қилиб келаяпти. Шу касби билан ризқини ҳалоллаб еб, рўзгор тебратмоқда. 1963 йилда таваллуд топган Бахтиёр Эгамбердиев Ўрин бобонинг кенжа фарзанди. 1996 йилда муқаддас ҳаж сафарига бориб, ҳожи бўлиб қайтган. 2014 йилда вафот этган.

Аслида, бир пайтлар қароқул ерларга сув келтиришда ташаббускор ва бош-қош бўлган, шу иши билан Истара даштини боғ-роғли яшил масканга айлантиришга ҳисса қўшган Ўрин бобо Эгамбердиевдан қолган боғларнинг давоми ана шу фарзандлар камолидир.



# ФИДОЙИЛИКНИНГ КАТТА - КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

## ёхуд орамиздаги одамлар хақида қайдлар

### ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Ҳа, бу инсон босиб ўтаётган умр йўли, меҳнат қилаётган жабҳаларини кузатар экансиз, беихтиёр кўнглингиздан чиникиш босқичлари хақидаги фикр ўтади. Чунки ўзини англаган инсон зоти борки, мудом олға интилиб яшайди. Ҳаётда босиб ўтилган ҳар бир кадам эса, ўзини билганлар учун маълум маънодаги чиникиш мактаби, олға интилишдаги муҳим пиллапоя бўлиб қолаверади.

Ҳикоя қилаётганимиз Очил Маматҳақимов ҳам чин маънода ибрат бўларли ҳаёт йўлини босиб ўтаяпти, ҳар бир соҳадан, ҳар бир жабҳадан тажрибалар орттириб, чиникиб келаяпти деса, бўлади. Сурхондарёнинг Термиз туманида таваллуд топган бу инсон ўрта мактабни тугатгач, бир муддат Қизирик туманидаги 26-сонли трестга қарашли 87-механизациялашган кўчма колоннада сувочки бўлиб ишлади. Шундан сўнг, тайёргарлик кўриб юриб, Бухоро озик-овқат ва енгил саноат технологияси институтига ўқишга кирди. Талабалик даври тугагач, бошка тенгдошлари катори ҳарбий хизматни ҳам ўтаб қайтди.

Ҳарбий хизматдан қайтгандан сўнг, уч йил мобайнида Қизирик туманидаги 26-сонли трестга қарашли 87-механизациялашган кўчма колоннада иктисодчи, кейинроқ эса уста вазифаларида ишлади.

1986-1999 йиллар оралиғида Қизирик туманидаги “Истара” хўжалигида иш юритувчи, аниқроғи прораб вазифасида ишлади. Истиклолнинг дастлабки йилларида газ трубаларни каерлардан топиб келмади дейсиз. Унинг саъй-ҳаракати билан Оқжар, Истара, Янги ҳаёт, Кармаки маҳаллаларида “зангори олов” оқаётган трубалар ҳозир ҳам эл хизматида. У ўтган йили халқ демократик партиясидан туман кенгашига депутат этиб сайланди.

1999-2005 йилларда Қизирик туманидаги “Истара” деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси нефт маҳсулотлари омбори мудирини, кейин шу уюшма бошлиғи сифатида фаолият юритди. Сўнгра яна “Истара” хўжалигида ходимлар бўлими бошлиғи вазифасига тайинланди.

2005-2006 йилларда Қизирик туманидаги “Бибисулув” боғдорчилик фермер хўжалигида ҳисобчилик қилди.

2006-2008 йилларда Қизирик тумани шахсий таркиб ҳужжатлари архиви архившуноси бўлди. 2008 йилдан то 2014 йилга қадар шу архив директори вазифасида фаолият олиб борди. 2014 йилдан эътиборан Ўзбекистон ХДП Қизирик туман кенгаши раиси вазифасини бажарувчи.

Эътибор берган булсангиз, меҳнат фаолиятини оддий сувоқчиликдан бошлаб, ҳарбий хизматни ўтаган, олийгоҳда ўқиб танлаган соҳаси бўйича мутахассис даражасига етган Очил Маматҳақимов умри давомида турли соҳа ва жабҳаларда ишлаб, билимини, малака ҳамда тажрибасини орттириб борди. Чунки у фаолият олиб борган ҳар бир соҳа ўзига хос мактаб вазифасини, одам ва ёлғамни танишда қўл келадиган, ташкилотчиликни, тадбиркорлик ва меҳнатсеварликни ўргатадиган жабҳалар эди. Ана шу чиниқиш мактаблари синовларидан матонат билан ўтган Очил Маматҳақимов бугунги кунда туманнинг энг обрўли инсонларидан бирига айланиб улгурди. Шу билан бирга оиласида турмуш ўртоғи Назира Маматҳақимова билан аҳил яшаб икки ўғил, тўрт нафар кизни тарбиялаб, вояга етказди.

## ЗИЁ ТАРАТАЁТГАН МУАЛЛИМ

Нишон Эшмирзаев 1957 йилнинг 15 мартида Шеробод туманидаги Работак қишлоғида туғилган. 1964 йилда шу тумандаги 30-сонли мактабга ўқишга борган. 1971-1974 йилларда эса 45-сонли умумий ўрта таълим мактабига қатнади.

Мактабни муваффақиятли битиргач, 1974-1978 йиллар мобайнида Термиз давлат педагогика институтида ўқиди. Меҳнат фаолиятини 1978 йилдан эътиборан Шеробод туманидаги 21-сонли ўрта таълим мактабида бошлади. У мутахассислиги бўйича ёш авлодга физика фанидан сабоқлар берди. 1979 йили Қизирик туманига кўчиб ўтиб, шу ердаги 26-сонли мактабда фаолият юрита бошлади. Бугунги кунга қадар ҳам у шу даргоҳда ишлаб келмоқда. Муаллимлик фаолияти давомида қўплаб шогирдлар тайёрлади. Натижада, туман ва вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарларининг, туман ҳокимлигининг Фахрий ёрликларига, эсдалик совғаларига мушарраф бўлди. Қизирик тумани мактаблари ўртасида ўтказилган “Соғлом авлод – келажак таянчи” тадбиридаги фаол иштироки туфайли “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия

жамғармаси ҳудудий раисининг Фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғасига сазовор бўлди.

Шунингдек, Нишон Эшмирзаев Халқаро чекишга қарши кураш кунига бағишланган тадбирда ҳам фаол иштирок этди. Бу иштироки учун у иккинчи даражали диплом ҳамда эсдалик совғаси билан тақдирланди. Тиниб-тинчимас устоз-муаллим бадий ижод билан ҳам мунтазам шуғулланиб келади. Болаларга атаб шеърлар битади, мақолалар иншо этиб, турли газеталарда чоп эттириб туради. Ижодида тиббиёт мавзуси алоҳида кўзга ташланиб туради.

## **БИР СОҲАГА БАХШИДА УМР СОҲИБИ**

Киши болаликдан бирор соҳани танласа, унга етишишни орзулаб юрса, албатта, ниятига етади. Бунга ҳаётда мисоллар жуда кўп. Навбатдаги ҳикоямиз қаҳрамони Жумманазар Исанов ҳаёти ва меҳнат фаолияти мисолида бунга бир бор амин бўлиш мумкин.

Жумманазар Исанов 1959 йилда вилоятимизнинг Ангор туманида қишлоқ хўжалигида ишловчи оддий механик хонадонида таваллуд топган. Мактабдан сўнг, 1982 йилда Тошкент Давлат медицина институтида, 2000 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўқиган. Мутахассислиги бўйича врач-эпидемиолог.

Талабалик даврини муваффақиятли якунлаган Ж. Исанов меҳнат фаолиятини вилоят санитария-эпидемиология станциясида врач-эпидемиолог сифатида бошлаган эди. Шундан буён унинг умри ва меҳнат фаолияти шу соҳа билан ҳамбарчас боғлиқ ҳолда ўтмоқда.

Орада бир йил Термиз тиббиёт коллежида ўқитувчилик қилган Ж. Исанов кейинчалик Қизирик тумани санитария-эпидемиология станциясида бўлим мудири бўлиб ишлади. 1990-1996 йилларда эса станция бош врач сифатида фаолият юритди. Шундан сўнг ҳаракатчан бу ходимни Қизирик туман ҳокимига ўринбосар этиб тайинлашди. Кейин, у. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг магистранти бўлди. Бу соҳадаги ўқишини муваффақиятли тамомлаб кайтгач, 2000-2004 йилларда Қизирик туман ҳокими ўринбосари вазифасига тайинланди. 2004-2007 йилларда Қизирик туман ҳокимлигининг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш мажмуаси бош мутахассиси сифатида фаолият олиб борди.

2007-2008 йилларда Қизирик тумани маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган Ж. Исановни 2008 йилда туман Давлат санитария-эпидемиология нazorат маркази эпидемиология бўлими мудирлигига ўтказишди.

Мутахассис ҳамиша керакли жойида азиз саналади. Шу боис бўлса керак, 2009-2012 йилларда Жумманазар Исановни Термиз шаҳар ДСЭНМга бош врач сифатида ишга таклиф этишди. У бу ерда ҳар доимгидек муваффақиятли иш юритди. Сўнгра, яъни 2012 йилдан эътиборан, у яна ўз кадрдон туманига қайтиб, туман ДСЭНМда олий тоифадаги врач-паразитолог вазифасида то ҳозирга қадар ишлаб келмоқда. Мақсади аҳоли орасида тиббий маданиятни юксалтириш.

Ҳикоямизнинг бу қаҳрамони ҳам ўз тиришқоклиги, меҳнатсеварлиги, билими даражасининг юқорилиги туфайли, қолаверса, ўз устига ишлашдан эринмаслиги боис ҳаётнинг пасту баландини кўриб, меҳнат жабҳаларида чиникди. Жамият тараққиётига муносиб улуш қўша олди. Шу билан бирга рафикаси Дилбархон Ирқувватова билан бирга оилада 5 нафар ўғил фарзандни ок ювиб, ок тараб вояга етказди. Ҳалол яшаб ўтаётган умри, қилиб улгурган ишлари эвазига у Мустақиллигимизнинг илк йилидаёқ “Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 1 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланган.

## ЖАМОАДА ЎЗ ЎРНИ, ОБРЎСИ БОР

Навбатдаги митти ҳикоямиз қаҳрамони Жалғаш Мустафоев бўлади. У 1960 йилда Жарқўрғон туманидаги Лалмикор қўрғонида туғилган.

Ҳаётда камтарин, муомалада ширинсухан бу инсон 1982-1988 йилларда Тошкент Давлат Тиббиёт олийгоҳининг санитария-гигиена ва эпидемиология ихтисоси бўйича тўла курсини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1988 йилда Қизирик туманида, шу ердаги санитария-эпидемиология станциясида санитария врачлари сифатида бошлаган. Кейинчалик, бу билимли ёш мутахассис 1996-2000 йилларда Қизирик туман санитария-эпидемиология нazorат марказида бош врач вазифасида ишлаган. Шундан сўнг икки йил давомида шу марказнинг эпидемиология бўлимини бошқарган. 2002-2009 йиллар оралиғида Қизирик туман Саломатлик маркази

бош врачлари вазифасида самарали фаолият олиб борган. Шундан сўнг, меҳнат фаолиятини туман ДСЭНМда санитария-гигиена бўлимида меҳнат гигиенаси врачлари сифатида давом эттирган. 2010 йилдан бошлаб шу марказнинг паразитология бўлими мудири вазифасида ишлаб келмоқда. Касаба уюшмаси раиси сифатида касбдошларнинг қувонч ва ташвишли кунларида доимо бирга.

Ўзига топширилган ҳар бир вазифани ишонч билан удралай оладиган Жалғаш Мустафоев туман ДСЭНМ маъмурияти ва жамоадоллари орасида ҳамisha ҳурмат ва эътиборда бўлиб келмоқда. Ўзи танлаган соҳанинг қайси жабҳасида фаолият олиб бормасин, албатта, ўзидан яхши ном қолдириб келаяпти. Энг муҳими, у ишни Давлат санитария назорати тўғрисидаги қонун ва қоидалар меъёрлари асосида ташкил этади ва муваффақиятга эриша олади.

Чунки ўз устида доимий равишда қунт билан ишлайди, соҳасига оид янгиликларни эътибор билан қузатиб боради ва илғор тажрибаларни меҳнат фаолияти давомида қўллай олади. Бир неча бор малака ошириш курсларида бўлиб қайтган. “Мустақилликнинг 20 йиллиги” кўкрак нишони ҳамда юқори ташкилотларнинг Фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

## **ОДДИЙ ИШЧИДАН ЧИҚҚАН ЕТАКЧИ**

Юнусжон Умбаров 1963 йилда Шўрчи туманида туғилган. Маълумоти бўйича муҳандис-техник. Ота-онаси 5 ўғил 2 қизни вояга етказган. Юнусжон талабалик даврида, яъни 1983-1988 йилларда бирга ўқийдиган курсдоши, хоразмлик Муборакхон Рўзиметова билан аҳду паймон қилишган. 1987 йилда тўйлари бўлган. Бу оилада 4 ўғил ва бир нафар қиз бола тарбия топган.

Юнусжон Умбаров меҳнат фаолиятини ўрта мактабдан сўнг, Қизирик туманидаги 26-қурилиш трестига қарашли 3-механизациялашган кўчма жамланмаси ишчиси сифатида бошлаган. 1981-1983 йиллар оралиғида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган. Шундан сўнг Тошкент политехника институтини талабаси бўлган. 1988 йилда ушбу олийгоҳдаги таҳсилини тугатлаб қайтган. 26-сонли ҳунар-техника билим юртида ўқитувчилик қила бошлаган. 1992 йилда “Шерободсувқурилиш” трестига қарашли 2-механизациялашган кўчма жамланмаси ишчиси сўнгра бош ҳисобчиси вазифасида ишлаган. Кейини “Бунёдкор” 26-сонли

қурилиш трестига қарашли “Тақия” ҳиссадорлик жамиятида бош ҳисобчи бўлган. 2000-2006 йилларда эса Қизирик тумани сув сотиш бўлими бошлиғи вазифасига тайинланган. 2009-2011 йилларда Қизирик машина трактор парки акционерлик жамияти бошқаруви бош ҳисобчиси бўлган. Сўнгра яна педагоглик фаолиятига қайтиб, Қизирикдаги ўз соҳасига оид касб-хунар коллежида ўқитувчилик қилган. 2013 йилдан эътиборан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Қизирик туман Кенгаши раиси.

Юнусжон Умбаров босиб ўтаётган ҳаёт ва меҳнат йўлига назар солсангиз, у ишлаб чиқариш ва кадрлар тайёрлашнинг энг қайнок жабҳаларида самарали фаолият олиб борганлигининг гувоҳи бўласиз. Муҳандис-техник сифатида тайёрлаган шогирдлари кўплиги, қайси соҳада ишлагани, ўздан бирор хайрли из қолдириб кетганлиги эса унинг мутахассис сифатидаги фазилатларилан нишона. Бу инсон қаерда керакли бўлса, уша ерда фаолият юритганлиги, раҳбарият ишончини оқлагани боис Қизирик тумани аҳолиси орасида етарлича обрў ва мавқе орттирган. Шунинг учун ҳам мамлакатимиздаги энг нуфузли партиялардан бирининг туман микёсидаги лидерига айланган.

## **ҲАМ ИШДА, ҲАМ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДА ФАОЛ**

Бу инсон ҳақида сўз кетганда фақат шу таърифни келтирсагина, ярашади. Чунки у ўз умрини ҳамиша фаоллик билан, уйғоқ қалб билан ўтказиб келаяпти.

Сўз юритаётганимиз Тоғаймурод Яхшиев 1963 йилда вилоятимизнинг Термиз туманида туғилган. Мутахассислиги бўйича – ҳисобчи. Термиз кишлоқ хўжалик техникумида таҳсил олган.

Тоғаймурод Яхшиев ҳисобчилик касбини бежиз танлаган эмас. Чунки меҳнат фаолиятини Қизирик туманидаги Ҳ. Эшоннов номи хўжаликда оддий ишчиликдан бошлаган. Бу ерда ҳисобчилик қилаётганларнинг иш фаолиятини синчковлик билан кузатган. Шу касбга қалбида меҳр уйғонган. Шу боис 1980-1984 йилларда Термиз кишлоқ хўжалиги техникумининг ҳисобчилар тайёрлаш бўлимида ўқиган. Шундан сўнг тўрт йил давомида туман жамғарма банкида назоратчи бўлиб ишлаган. Кейинчалик Музработ туман ер ишлари бўйича МКЖ-2 да ғазначи вазифасида ишлаган. Яна бир йил давомида “Меҳнатобод” кишлоқ фуқаролар йиғинида солиқ

инспектори бўлиб ишлаган. 2000 йилдан эътиборан “Меҳнатобод” кишлоқ фуқаролар йиғинида ҳарбий ҳисобга олиш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.

Тоғаймурод иш фаолияти давомида кўрсатган фидойиликлари учун Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси сифатида туман кенгашига депутат этиб сайланган. У нафақат яхши ходим балки, яхши ташкилотчи ҳамдир. Ўзи яшаётган маҳаллада фольклор-этнографик ансамблини ташкил этишда бош-қош бўлган.

Бутун умрини ҳисоб-китоб ишларини туғри юритишга сарфлаб келаётган Тоғаймурод Яхшиев рафикаси Тожихол Қулсоатова билан биргаликда оилада икки ўғил ва уч киз фарзандни вояга етказган. Тўнғич фарзанди Анварбек айни кунларда ота касбини эъозлаб, Қизирик туман муқобил машина трактор паркида ҳисобчилик қилмоқда. Бошқа фарзандлари эса турли соҳаларда, эл-халқ хизматида ва илм йўлида юрибди..

## ИНТИЛИШДА ГАП КЎП

Бирор касбга иштиёқ кўзи билан қараб, маҳорат ва тажрибангизни орттириб бориш пайида бўлаверсангиз, омад албатта сизга қулиб боқади. Ҳаётда айнан шундай бўлишига қуйида сўз юритмоққа шайланаётганимиз Холмирза Жўраев босиб ўтаётган умр йўли ёрқин мисол бўла олади. Чунки у меҳнат фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаган, сўнгра илм олиш истагида ўқиган, турли вазифаларда ишлаб юриб лаборатория мудири лавозимига муносиб қўрилган инсон.

Ушбу митти ҳикоямиз қаҳрамони Холмирза Жўраев 1966 йилнинг 15 майида Шўрчи туманида туғилган. Шу тумандаги 69-сонли, ҳозирги 31-сонли мактабни тамомлагач, Қумқўрғон туманидаги “Ўзбекистон” ҳужалигида оддий ишчи сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган. Сўнгра ҳарбий хизматга чақирилиб, икки йил мобайнида йиғитлик бурчини олис Чехословакияда ўтаб кайтди.

Ҳарбийдан келгандан сўнг, Қумқўрғондаги “Пахтакор” жамоа ҳужалигида ишчи бўлиб ишлай бошлади. Лекин илм олишга бўлган иштиёқ, барибир, тинчлик бермади. У болалигиданок оппоқ халатли дўхтир бўлишни орзу қилган бўлса, ажабмас. Лекин бу борада бир оз омади чопмади. Шундай бўлса-да, ақдидан кайтмади.

1987 йилга келиб, Республика электротехника техникумига ўқишга киришга муваффақ бўлди.

Техникумдаги уч йиллик таҳсилини тугаллаб қайтгач, яъни 1990-1992 йиллар давомида вилоят сил касалликлари диспансерида рентген лаборанти вазифасида ишлади. 1992-1995 йилларда эса Кумқурғон туман марказий шифохонасига ишга ўтиб, лаборатория бўлимида лаборант бўлиб меҳнат фаолиятини давом эттирди. Сунгра ҳозирда Қизирик тумани таркибига қўшиб юборилган собиқ Бандихон тумани клиник лабораториясига бош мутахассис қилиб ўтказилди. Айти пайтда, яъни 2011 йилдан буён туман лаборатория бўлими мудири сифатида фаолият олиб бормокда.

Қизғин меҳнат фаолияти билан раҳбарият ва эл назарига тушган Холмирза Жўраев бу пайтга қадар бир неча бор вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда туман тиббиёт бирлашмасининг Фахрий ёрликларини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Жамоа орасида ўз ўрнига эга, ҳурматга сазовор ҳамкасб сифатида эътироф этилган Х. Жўраев яхшигина оилапарвар инсон ҳам саналади. Турмуш ўртоғи Обод Бозорова билан биргаликда тўрт киз ва бир ўғил фарзандни тарбиялади. Тўнғич кизи Салтанатхон уй бекаси, Дилором эса хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмокда. Яна бир кизи Шохсанам Тошкентдаги Профильэдикейшин ўқув марказида таҳсил олган. Холидахон кизи эса ота касбини танлаган. Шўрчидаги тиббиёт коллежида таҳсил олган. Ўғли Жамшидбек ҳали мактаб ўқувчиси.

Интиланганга толе ёр, деган ибора аслида Холмирза Жўраев каби инсонларга аталган. Чунки у ҳам бир умр ўзи танлаган соҳа бўйича олға интилиб, билим ва малакасини орттириб юриб лаборатория мудири вазифасигача бўлган меҳнат йўлини босиб ўтди. Оиласидаги тинчлик-тотувлик, фарзандлар қамоли, ҳамкасблар ҳурмат-эътибори унинг ҳаёт йўлларида топган бахтидир.

## ТАЪЛИМИ ВА ИЖОДИ ХАМОҲАНГ

Хосият Бобокулова 1968 йилда Ангор туманидаги Таллимарон кишлоқ фуқаролар йиғинида туғилган. Хосият 1988-1991 йилларда Ангор педагогика билим юртини имтиёзли диплом билан битирган ёшлардан. Шундан сўнг, у ўзига берилган имтиёздан фойдаланган ҳолда Термиз Давлат университетининг бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши йўналишининг махсус спорт бўлимига ўқишга



кирди. Талабалик даврида курс сардори этиб сайланди. Олийгоҳдан сўнг, Хосият Бобоқулова туман халқ таълими бўлимига қарашли 14-ўрта таълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

У 2006 йилнинг сентябридан эътиборан Қизирик педагогика коллежида кафедра мудири вазифасида ишлаб келмоқда. Бу ерда у махсус фанлардан (яъни касбга йўналтирувчи фанлардан) ёшларга сабоқ бериб келмоқда. Аниқлик киритиб кетиш керакки, махсус фанлар дегани коллеж ўқувчиларини касбга йўналтирувчи фандир, яъни ёшларни касб сирлари сари етаклайди. Ўқувчи-ёшларга ҳар жиҳатдан мукамал билим беришга интилиб келаётган устоз муаллим педагогик йўналишдан ташқари илмий ва публицистик мақолалар ёзиш ҳамда чоп эттириш билан ҳам мунтазам равишда фаол шуғулланиб келмоқда. Унинг қаламига мансуб мақолалар республика миқёсида чоп этиладиган “Маърифат” “Халқ сўзи” газеталарида эълон қилиниб турилади. Шунингдек, вилоятимиздаги “Сурхон тонги”, Қизирик туманининг “Тараққиёт” газетаси таҳририятлари ҳам унинг мақолалари учун ўз саҳифаларидан ҳамisha бажону дил ўрин ажратади.

Хосият Бобоқулова мақолаларини, юқорида таъкидлаганимиздек, икки туркумга бўлиш мумкин. Биринчи туркум мақолалар педагогик изланишлар самараси ўларок илмий характерга эга бўлса, иккинчи туркум мақолалар касбдошлар ва орамиздаги одамлар ҳаётидан олинган публицистик мақолалардир. Масалан, тумандаги “Тараққиёт” газетасида унинг “Шарқона тарбия-комиллик сари йўл” сарлавҳали мақоласи эълон қилинган бўлиб, у маълум маънода илмий асосга эгаллиги билан ажралиб туради. Аниқроғи, касбга оид муҳим қўлланма тарзида ёзилган. 2001 йилда бу борадаги мақолаларини жамлаб, янги ёзганларини саралаб 1-4 синфларга мўлжалланган “Табиатшунослик фанидан методик қўлланма” рисоласини нашр эттирган ҳам шу. Хосият Бобоқулова бўлади. Яқинда у яна бир қўлланмасини ёзиб тугатди. Бу услубий қўлланма “Ўқувчиларни таълим жараёнида мустақил фикрлашга ўргатиш” деб номланади.

Хосият Бобоқулова жамоат ишларида ҳам анча фаол инсонлардан. У ўзи истиқомат қилаётган Қизирик туманидаги Работак маҳалласида жамоатчилик асосида маънавий-маърифий ишлар бўйича тузилган комиссияга ҳам етакчилик қилмоқда. Шу билан бирга, у 2014 йилда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси аъзоси сифатида Қизирик туман кенгашига

депутат этиб сайланган. Халол ва фидойи меҳнатлари, изланишлари эвазига туман, ва Сурхондарё вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасининг Фахрий ёрликларига бир неча бор сазовор бўлган. Вилоят халқ таълими бошқармасининг, туман хотин-қизлар кўмитасининг, туман прокуратурасининг ташаккурномалари ҳам унинг меҳнатларига берилган муносиб баҳодир. Бир сўз билан айтганда ўзи яшаб, ишлаётган туманнинг ижтимоий ривожланишига, аҳолининг маданий-маърифий салоҳиятини оширишга ҳисса қўшиб келаётган Хосият Бобоқуллова ҳар жиҳатдан ибрат олса арзигулик инсон, устоз-мураббийдир.

## ЯХШИ ИНСОНДАН ЯХШИ ИЗ КОЛАДИ

Қизирикда яшаб, меҳнат килаётган, чўл бағрида ястанган бу туманни янала обод, аҳоли турмушини бундан-да фаровон қилишга интилаётган инсонлар сафида бойсунликлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг бири Раҳим Норматовдир.

Раҳим Норматов 1968 йилда тоғли Бойсун туманида таваллуд топган. Бугунги кундаги обрўси ва мавқеига эришгунча Раҳим ака ҳам ўзига хос тажриба тўплашларга йўғрилган ҳаёт йўлини босиб ўтган.

Илк меҳнат йилларини Бойсун туманига қарашли собик “ВЛКСМ 50 йиллиги” хўжалигида оддий ишчиликдан бошлаган Р. Норматов 1986-1989 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. Хизматдан кайтгач, яна ўзи яшаётган хўжаликда оддий ишчи бўлиб ишлай бошлаган. Сўнгра илм олиш мақсадида Тошкент халқ хўжалиги институтининг бир йиллик тайёрлов курсларига ҳужжат топширган. Шундан сўнг, яъни 1991-1996 йиллар оралиғида Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ўқиш бахтига муяссар бўлган.

Олийгоҳдаги сабоқларини яқунлаб кайтгач, дастлаб Қизирик туман ҳокимлигининг хусусийлаштириш бўлимида мутахассис сифатида ишлай бошлаган. Бир муддат бу ерда ишлагач, яъни 1996-2005 йиллар давомида Қизирик туман “Деҳқон бозори” масъулияти чекланган жамиятда бош ҳисобчи вазифасида фаолият юритган. Шундан сўнг, яъни 2005-2008 йилларда уни Қизирик туман ҳокимлигининг бош ҳисобчиси этиб тайинлашган. Ҳар жиҳатдан етук бу мутахассисни 2008 йилда “Қизирик улгуржи жаҳон бозори” масъулияти чекланган жамиятга ранс этиб тайинлашган. Бу ерда

хам муваффақиятли иш олиб борган Раҳим Норматовни яна туман хокимлигига бош ҳисобчи сифатида ишга таклиф этишган. У бу вазифада то ҳозирги кунгача бенуксон ишлаб келмоқда.

Раҳим Норматов нафақат ишда, балки оилада ҳам ҳурмат-эътиборга лойиқ оила бошлиқларидан саналади. Турмуш ўртоғи Дилфуза Салимова билан биргаликда уч киз ва битта ўғил фарзандни элга муносиб этиб тарбиялашган. Фарзандларнинг икки нафари хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади, яна икки нафари коллеж ва мактаб ўқувчиси.

Раҳим Норматов бир умр инсонларга яхшилик истаб, ок-ойдин кунлар тилаб яшаб, эл хизматида бўлиб келмоқда. Бош ҳисобчилик аслида мураккаб соҳа. Уни чин дилдан севиб, маҳорат билан эплаганларгина одамларнинг ҳалол меҳнат ҳақларини ўз вақтида олиб берадилар, шу ишга интилиб имкон топадилар. Раҳим ака айнан шундай инсон эканлиги туфайли Қизирик аҳли орасида обрў орттириб келмоқда. У қилган яхшиликлар, эзгу амаллар эса ундан қолаётган яхши, нурли излардир.

## ПОСБОНЛАР САРДОРИ

Бу қаҳрамонимиз олий маълумотга, бирор бир мансабга-да, эга эмас. Аммо юксак даражадаги эъзоз-эътирофга мушарраф бўлган инсон. Тўғри топдингиз, оддийгина касби ва ҳалол меҳнати, болаларни меҳнатга ўргатиш борасидаги хизматлари учун у эл-юрт томонидан ана шундай ҳурматга сазовор бўлган.

Ҳикоя қилаётганимиз Хўжаназар Қурбонов 1970 йилнинг 24 июлида Шўрчи туманида таваллуд топган. Маълумоти ўрта махсус. Яъни, Шўрчи туманидаги ишчи-кадрлар тайёрлайдиган 17-сонли билим юртида 1985-1988 йилларда пайвандчиликка ўқиган. 1988-1990 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. Ҳарбий хизматни Озарбойжонда, зенит – ракета полкида ўтаган. Ўзининг айтишича, у бу полкда ягона ўзбек ўғлони бўлган. Ҳарбий хизматни электр пайвандчи сифатида ўтаган Хўжаназар Қурбонов маҳоратли пайвандчи сифатида икки марта Фаҳрий ёрлик олишга мушарраф бўлган.

Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёш йигит Хўжаназар то 1997 йилгача Шўрчи туманидаги турли ташкилотларда уста пайвандчи сифатида фаолият олиб борди, хусусий ишларни-да қойилмақом қилиб бажариб юрди. 1997 йили собиқ Бандихон туманидаги

Ҳайдар Баратов номли фермер хўжалигига ишга талкиф этилди. Бу ерда у, то 2005 йилга қадар самарали ишлади. Халқ орасида қўли гул уста дея эътироф этилган Хўжаназар Қурбоновни 2006 йилда Қизирик туманидаги 8-сонли, ҳозирги 55-мактабга ишга таклиф этишди. Бу ерда у 2012 йилга қадар ўқувчиларга устачилик сирларини ўргатди. Пайвандчиликдан ташқари ёғочга ишлов беришни ҳам яхши ўзлаштириб олган Хўжаназар акани ўқувчилар тезда ёқтириб қолишди. Ҳатто, уни “ёғочга тил киритадиган” уста дея хурматлай бошлашди.

2012 йилда Хўжаназар Қурбонов ҳаётида туб бурилиш бўлди деса, арзийди. Чунки эл орасида катта обрўга эга, моҳир уста сифатида аллақачон довруқ қозониб улгурган Хўжаназар Қурбонов Қизирик туманидаги “Бирдамлик” маҳалла фуқаролар йиғинига ишга ўтди. Яъни, посбонлар сардори этиб тайинланди. Ўшандан бўён у маҳалла осойишталигини таъминлашда туну кун хушёрлик билан фаолият олиб бораяпти. Тўй-томошалар бошида туриб, ҳар бир маросим ёки тадбирнинг тинч-осойишта, тартибли ўтишига ҳисса қўшиб келаяпти. Энг муҳими, у тўйларда ёшларнинг спиртли ичимликларга ружу қўйишига, давраларда савияси паст, беҳаё қўшиқларнинг куйланишига йўл қўймасликка интилади.

Оддийгина пайвандчилик касбини маҳоратли хунарга айлантирган бу инсон босиб ўтаётган ҳаёт ва меҳнат йули ҳозирги ёшларга ибрат бўлгулик. Чунки у қаерда ишламасин ҳамиша раҳбариятнинг, жамоадошлар ёки буюртмачининг ташаккурига сазовор бўлиб келаяпти. 2015 йил якуни бўйича туманда ўтказилган “Энг намунали сардор” танловида голиб деб топилди ва фахрий ёрлик ҳамда совғалар билан тақдирланди.

Унинг оиласида ўсган фарзандлар ҳам отаси каби меҳнатқаш, ҳаётда ҳаракатчан ва изланувчан инсонлар бўлиб етишмоқда. У турмуш ўртоғи Мазифа Дўстқобилова билан биргаликда уч нафар ўғлонни тарбиялаб, муносиб килиб вояга етказишмоқда. Уғиллари спортга кизиқади. Турли мусобақаларда катнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб қайтишаётгани Хўжаназар акани шод этади. Зеро, жисмонан соғлом оилада маънан етук фарзандлар улғаяди, деб бежиз айтишмаган.

## НУРДАЙ ЁРУҒ ҚАЛЬ СОҲИБИ

Олламурот Авлиякулов Қизирик туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туман шифохонасининг рентген хонасида лаборант бўлиб ишлайди.

Ҳикоямизнинг бу қаҳрамони малакали мутахассис бўлиб етишгунга қадар биттагина ўқув юртини битириб, дипломи қўлга киритиш билан чекланиб қолган эмас. У дастлаб, яъни 2001-2004 йилларда Деновдаги тиббиёт коллежининг лаборатория-диагностика бўлимида таҳсил олган. Сўнгра, яъни 2006-2009 йилларда Тошкент Тиббиёт Академиясининг олий ҳамширалик факультетида таҳсил олган. Шундан сўнг бир неча йил давомида Тошкент вилоятидаги Зангиота туманида жойлашган тиббиёт коллежида ўқитувчилик қилган. Бу ерда у ёшларга тиббиётга оид касбий фанлардан дарс берган.

2011-2012 йилларда юртига қайтган Олламурот Авлиёкулов Қизирик туман СКК кабинети бош фельдшери вазифасига тайинланди. 2012 йилдан эътиборан рентген лаборанти вазифасида ишлаб келмоқда.

Мен Олламурот Авлиёкуловни яқиндан биламан. Чунки силга қарши кураш кабинетида бирга ишлаганмиз. Бу инсон—нtizомсиз одам-маданиятсиз, бундай одамлардан яшаш, ишлаш ва ўқишида яхши натижаларни кутиб бўлмайди, ақидасига амал қилади. Шу шиорни ҳаёт ва меҳнат йўлига тамал тоши қилиб олганлиги дастлабки иш кунларидаёқ сезилган эди. Юқорида эслатиб ўтганимдек, аввал мактабда, сўнгра тиббиёт коллежида, кейинчалик эса Тошкент Тиббиёт Академиясининг “Олий маълумотли ҳамширалик” факультетида ўқиди. Шундан сўнг бир неча йил давомида тиббиёт коллежида бўлғуси ўрта бўғин тиббиёт ходимларига сабоқлар берди. Бир сўз билан айтганда, унинг ўқиш ва ишлаш жараёнлари Аристотел айтганидек “Илмнинг томир отиши азобли, аммо меваси ширин” тарзида бўлди.

Бани башар яралибдики, эл қорига яраш, унинг оғирини енгил қилиш ва ҳаётда ўзидан яхши ном қолдириш учун яшайди, шунга интилади. У 2015 йил март ойида ўтказилган “Соғлом насл – келажак таянчи” тадбирида сил касаллигига қарши курашдаги хизматлари учун ВСКҚДнинг “Фахрий ёрлиғи” билан тақдирланганлиги ҳам фахрлидир. Ушбу митти хикоямиз

кахрамони Олламурат Авлиякулов айнан шундай инсон эканлиги бизнинг фахримиз.

## ФАРЗАНДЛАРИ ҲАМ ПЕДАГОГ БУЛАДИ

1971 йилнинг 7 июлида таваллуд топган Насиба Юлдошева 2006 йилдан буён Қизирикдаги педагогика коллежида махсус фан ўқитувчиси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Бу даражадаги тажрибани тўплагунга қадар эса, у ўзи туғилиб ўсган Қизирик туманидаги мактаблардан биридаги ўқувчилик йиллари билан хайрлашгач, меҳнат фаолиятини 1988-1989 йилларда Қизирик туманидаги 30-сонли мактабда котибалиқдан бошлаган. Сунгра, яъни 1989 -1991 йилларда шу мактабда ўқитувчилик қилган. Шундан сўнг, Термиз давлат университетининг биология факультетида тахсид олган. Шу тарика у Қизирик туманидаги 2-сонли мактабда биология фанидан дарс бера бошлаган. Етарлича тажриба ва малака тўплаган Насиба Юлдошева 2006 йилдан буён Қизирик педагогика коллежида махсус фан ўқитувчиси сифатида фаолият олиб бормоқда.

Кўп йиллардан буён ёшларга малакали мутахассис сифатида самарали таълим ва тарбия бериб келаётган Н. Юлдошева ўзи ишлаётган жамоа ҳамда маҳалладошлари орасида обрўли муаллима, обрўли хонадон бекаси сифатида эътироф этилган. Турмуш ўртоғи Панжи Чориев билан аҳил оила қуриб, икки қиз ва бир ўғил фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишмоқда. Насибахоннинг қизлари Холида Мусаева Термиз давлат университетини тамомлади. Яна бир қизи Гулҳаё эса Қизирик ЎзМТДП етакчи мутахассиси. Оилада ўсаётган ягона ўғил Муҳаммадсоли Мусаев Қизирик педагогика коллежини тугатди.. Бир сўз билан айтганда, ўзи педагоглик касбини улуғлаб келаётган Насиба Юлдошева фарзандларини ҳам ана шу фидойилик ва маҳоратни талаб этадиган соҳа ходимлари бўлиб етишишига тайёрламоқда. Чунки она изидан бориб, унинг касбини гоят хурматлайдиган бу фарзандлар ҳам келгусида етук халқ таълими ходимлари бўлиб етишига шубҳа йўқ. Чунки улар бу касбга меҳр ва муҳаббатни оила бағридан олаптилар.

## АЛПОМИШ ЮРТИДА АЛПЛАР СУЛОЛАСИ

Панжи Қодиров 1972 йилнинг иккинчи январида Бойсун туманида туғилган. Миллати ўзбек. Ўрта мактабни тугаллагач, Шеробод тиббиёт билим юртига ўқишга кириб, уни 1995 йилда тамомлаган.

Панжи Қодиров меҳнат фаолиятини Бойсун туманидаги фельдшерлик-акушерлик пункти мудири сифатида бошлаган. Бу ерда у 1995-1998 йилга қадар фаолият олиб борган. 2000-2013 йиллар оралиғида эса Қизирик туманидаги “Мустақиллик” кишлоқ врачлик пунктида эмлаш фельдшери бўлиб ишлай бошлади. 2014 йилга келиб, аҳоли сони ортиб, ушбу кишлоқ врачлик пункти иккига бўлингач, яна шу соҳадаги ишини янги очилган “Новбир” ҚВПда давом эттирди. Панжининг отаси Маматрайим Қодиров Бойсуннинг Бешэркак кишлоғида полвонлар оиласида туғилган. Бу сулола вакиллари полвонлиги билан яхши таниш. Маматрайим полвоннинг асли касби чўпонлик. Чорвани ривожлантиришга муносиб улуш қўшган. Қизи Мавлуда Бойсунда яшайди. Неваралари Жума ва Рўзимурод муносиб фарзанд бўлиб етишган. Ҳимматой Шерободда. Хосият Қаршида яшайди. Ўғиллари Рустам, Элмурод, Шерали, Салимлар ота таёғини қўлга олишган, яйлов кезишади. Эшали эса Бойсундаги 42-мактабда дарс беради. Дусали деҳқончилик йўлини тутган.

Бу сулола илдизи ўзбек курашини жаҳонга танитаётган жаҳон чемпиони Абдулла Тангриевларга туташ. Маматрайим бобо укаси Абдуҳаким билан эл орасида обрўли яшаб, мазмунли ҳаёт кечирди. Абдуҳаким ака СамҚХИни имтиёзли диплом билан тугатган. Иккаласи ҳам чорвачилик сирларини жуда яхши билишган. Умрини тиббиёт соҳасига бағишлаб келаётган Панжи Қодиров билан рафикаси Насиба Абдураимова оилада бир ўғил ва уч нафар кизни парваришлаб, вояга етказишмоқда. Ўғли Тўлқин Маматраимов Қизирик туманидаги агросаноат коллежини битирган. Қизи Шарофат ҳам ана шу коллежда ўқияпти. Нарғизахон эса ҳали ўрта мактаб укувчиси. Кенжа кизлари Нозима эса 1-синфга боради.

Ўтаётган умрининг каттагина қисмини кишлоқ одамлари соғлигини муҳофаза этишга бахшида этиб келаётган Панжи Қодиров туманда снл касалликларининг олдини олиш жонкуярларидан бири ҳисобланади. У Қизирикда ўтказилган “Соғлом насл – келажак таянчи” тадбиридаги иштироки ва уни

Ўтказишга қўшган ҳиссаси учун махсус эсдалик совғаси ва Фахрий Ёрлик билан тақдирланган.

## ИБРАТЛИ МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ

Ҳа, навбатдаги митти ҳикоямиз қахрамони Шухрат Шоймардонов бир неча йиллардан буён Қизирик туманидаги “Гулзор” маҳалласи раиси ҳисобланади.

Халқ ҳурмат қилиб ва ишониб уни бу вазифага сайлагунга қадар, у ўқитувчилик қилган.

1976 йилнинг саккизинчи август санасида Қизирик туманида таваллуд топган Шухрат Шоймардонов 1993-1996 йилларда Деновдаги педагогика билим юртида сиртдан ўқиган. Айни пайтда, яъни сиртдан ўқиб юрган кезларидаёқ педагоглик фаолияти билан шуғуллана бошлаган. 1994 йилдан то 2011 йилга қадар тумандаги 11-сонли мактабда ўқитувчилик қилган. Шундан сўнг, “Гулзор” маҳалла фуқаролар йиғинига раис этиб сайланган.

Шухрат Шоймардонов жамоат ишларида, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам фаол. У Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг аъзоси. Маҳаллада ўтаётган барча тадбирларга бошқош бўлиб келмоқда. Ушбу маҳаллада асосан ёшлар истиқомат қилади. Шунинг учун ҳам Шухрат раис имкони борида барча тадбирларни миллий кадрларга асосланган, айни пайтда ёшларбоп қилиб ўтказишга ҳаракат қилади. Тўйларни спиртли ичимликларсиз ўтказиш тарафдори.

Шухрат Шоймардоновга хос хусусиятлардан бирини маҳалладошлари ва мактабдаги ҳамкасблари жуда яхши эслаб юришади. У кунни беш-ўн дақиқа жисмоний машқ бажариш билан бошлайди. Маҳаллага раис этиб сайлангач ҳам бу одатини ташлаган эмас. Шу йўл билан ёшларга ибрат намунасини кўрсатади.

Шухрат Шоймардонов туман кенгаши депутати сифатида ҳам кенг камровли ишлар олиб бормоқда. Айниқса, бир пайтлар, аниқроғи ўтган асрнинг 60-йилларигача Қизирик даштларида гала-гала бўлиб юрган кийикларнинг йўқолиб кетганлиги уни ташвишлантирарди. Бир пайтлар уларга хотира сифатида ўрнатилган кийик ҳайкали йиллар ўтиши билан ночор аҳволга келганлиги унга тинчлик бермай келаётганди. Бу орада туманда чоп этиладиган “Тараккиёт” газетасида “Кийик (Жайрон) нинг кўз



ёшлари” сарлавҳали мақоланинг эълон қилиниши маҳалла раиси Ш. Шоймардонов учун айни муддао бўлди. Шу йўл билан жамоатчилик эътибори ушбу маззуга қаратилганлигидан қувонди. Қўнчиликда бирдек қизиқиб уйғотган уша мақоладан сўнг, у шундай сатрларни битиб таҳририятга жўнатди: “Боболаримиз ўрнатган Қийик ҳайкали йиллар ўтиши билан қаровсизликдан хароб аҳволга тушиб қолганлиги ҳам рост. Қишлоғимизнинг рамзи бўлган ушбу ҳайкал эътибордан четда қолганлиги албатта ачинарли ҳол. Шунинг учун ҳам биз мақола жуда тўғри ёзилганлигини тан олиб, тадбир белгилادик. Унга кўра тумандаги таникли ҳайкалтарош Урол Ҳусановга Қийик ҳайкалига буюртма берилган эди. Бугунги кунда эски ҳайкал ўрнига 2 та қийикнинг ҳайкали ўрнатилди. Бу ишни қишлоқ аҳли ҳам, йуловчи-меҳмонлар ҳам мамнуният билан маъқулламоқдалар. Ҳайкал атрофини ободонлаштириш ва уни муҳофаза қилиш чоралари кўрилмоқда”. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, маҳалла раисининг ўзи ҳам ҳайкал ўрнатилиши сарф-харажатларининг бир қисмини ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан қоплади. Шунингдек, Ж.Сатторов, Холбой Шоймардонов, Х. Ҳайитовлар ҳам ҳисса қўшишди.

Эл-юрт ташвишида юрган Шухрат Шоймардоновнинг оиласида бугунги кунда икки нафар ўғил фарзанд вояга етган. Турмуш ўртоғи Марғуба Калонова билан биргаликда тарбиялаётган ўғилларининг бири коллежда, иккинчиси эса ўрта мактабда таълим олмақда.

## ЁШЛАРНИНГ ФИДОЙИ ЕТАКЧИСИ

Акмал Тўраев то туман ёшларининг ишончи ва фидойи етакчисига айлангунга қадар бир қадар ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган.

1987 йилда Қизирик туманидаги Қизирик туманидаги ҳозирги “Етимқум” маҳалласи ҳудудида туғилган Акмал Тўраев 2005-2009 йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кундузги бўлимида ўқиган. Мутахассислиги бўйича - иқтисодчи. Олий даргоҳдаги таҳсилни тамомлаб қайтгач, 2009-2011 йиллар давомида Қизирик туман ҳокимлигининг иқтисодиёт бўлими бош мутахассиси вазифасида ишлаган. Интилувчан бу йигит 2012-2013 йилларда Қизирик тумани ҳокимининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган. 2012-2013 йил туман ҳокимлиги ҳисобчиси бўлган. 2013 йилдан

буён туман “Камолот” Ёшлар Ижтимоий Ҳаракатининг Қизирик тумани Кенгаши раиси сифатида самарали фаолият олиб бормоқда.

Ўзи танлаган соҳанинг турли жабҳаларида ишлаб, тажриба орттириб чиниккан Акмал Тўраев ёшлар ҳаракатининг туман Кенгаши ишини янада жонлантириш борасида кўпгина хайрли ишларни амалга ошириб келаяпти. Бу орада у Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги академияда давлат бошқарувидаги ёш раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш йўналиши бўйича махсус укув курсини тугатди. Қизирик ёшларининг етакчиси бугунги кунда ҳам ёшлар камолини уйлаб, бор имкониятларини ишга солган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

## УМИДЛИ ЁШЛАРНИНГ БИРИ

Отабек Назаровнинг тиббиёт соҳасида ишлаётганига нисбатан кўп бўлгани йўқ. Аммо киши истаса, ўз касбини севса, шу қисқа муддат ичида ҳам кўп ишлар қилиб улгуришини Отабек мисолида яққол кўриш мумкин.

У бундан етти йил аввал, яъни 2008 йилда Шеробод тиббиёт коллежини тамомлаган. Шундан сўнг, у Қизирик туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Истиқлол” кишлоқ врачлик пунктида эмлаш фельдшери сифатида ўз касбий фаолиятини бошлаган эди. Орадан ўтган йиллар давомида у ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш марказининг Термиздаги филиалида малака оширишда ҳам бўлиб қайтди. 2014 йилдан ҚВП катта фельдшери.

Бу ҳаракатчан ва билимга интилувчи йигит жамоадoshлари орасида ҳурмат-эътиборга эришган. Чунки ўз соҳасини яхши билади. Барча билан бирдек самимий муомала ва мулоқотда бўлади. Отабек эндиgina 26 ёшга тўлди. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Отабек Назаров ишлаётган кишлоқ врачлик пункти бир пайтлар ҳозиргидек мавкега эга эмасди. Эндиликда эса Отабек каби ёшларнинг ҳаракатлари билан тумандаги энг яхши ва намунавий ҚВПлардан бирига айланди. Табиийки, бу борада ёш мутахассис Отабекнинг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлди. Шу боис ҳам раҳбарият ва кишлоқ врачлик пунктидаги ҳамкасблари унга ишончли ва умидли ёш тиббиёт ходими сифатида доимо ҳурмат билан қарашади.

## ОДДИЙ, АММО ЗАРУР КАСБ ЭГАСИ

Гулноз Тожиева Қизирик туманида кўзга кўринган лаборантлардан бири. У Шеробод тиббиёт коллежини 2007 йилда тугатгандан буён Қизирик туман шифохонасининг лаборатория бўлимида навбатчи лаборант бўлиб ишлаб келмоқда.

1988 йилнинг 20 январида Қизирикда таваллуд топган Гулноз Тожиевани бошқа ҳамкасбларидан алоҳида ажратиб турадиган хусусиятлардан бири, бу ўзига ва ишига нисбатан ғоят талабчанлигидир. Ҳар бир таҳлилни ниҳоятда катта масъулиятни ҳис этган ҳолда бажаради. Ҳамкасблари билан доимо хушмуомала. Тезкор, айна пайтда жуда сифатли ишлайди. Ўз соҳасини яхши билади.

Ишда бўлгани каби оилада ҳам у ўзининг саришталиги билан ажралиб туради. Турмуш ўртоғи Фахриддин Султонов билан аҳил-инок яшаб келишмоқда. Уларнинг оиласида бугунги кунда бир ўғил ва бир киз фарзанд вояга етаяпти. Туманда эса уни оддий ва зарур касб эгаси сифатида ғоят қадрлашади. Чунки шифокор қўядиган ташхиснинг нечоғлиқ тўғри бўлиши куп жиҳатдан турли таҳлиллар олиб борадиган лаборатория ходимлари тайёрлаб берадиган таҳлилларга боғлиқ бўлади. Гулноз Тожиева буни қалбан тўғри тушунади, доим саришта ва тоза ишлашга интилади.

## ҲАМ РАҲБАР, ҲАМ МУАЛЛИМ

Элмурод Соатов 1980 йилнинг 11 январида Қумқўрғон туманида туғилган. 2002 йилда Термиз давлат университетини математика йўналиши бўйича тамомлаган ва мактабда математика фанидан дарс берган. Шу боис унинг таржимаи ҳолига назар ташланса, факат биргина “математика фани ўқитувчиси” деган сўзларни ўқиш мумкин. Чунки у илк фаолиятини Бандихон туманидаги 8 - (ҳозирги 55-) умумий ўрта таълим мактабида бошлаган. Ўз ихтисослиги билан бирга ушбу мактаб директорининг маънавий ва ахлокий ишлар бўйича ўринбосари бўлган. 2011 йилдан то Қизирик туманидаги 55-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлаган. “Соғлом насл-келажак таянчи” тадбирини ўтказиш бўйича у киши билан фикрлашиб, тегишли маслаҳатлар олганман.

Элмурод Соатов турмуш уртоғи Малика Соатмўминова билан аҳил оила қуриб, икки ўғил ҳамда бир қиз фарзандни вояга етказишмоқда. Болаларининг бири мактабга, икки нафари эса мактабгача таълим муассасасига катнамоқда. Аёли ҳамшира.

## СОҒЛОМ АВЛОД ҒАМИНИ ЕЯЁТГАН АЁЛ

Хулқар Эгамбердиева 2013 йилдан буён “Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди Сурхондарё ҳудудий филиали директори вазифасида ишлаб келмоқда. Орандан ўтган атиги икки йил давомида у қўллаб хайрли, қамрови кенг ишларни амалга оширдик, бу ҳақда қуйироқда кенгрок тўхталамиз.

Хулқар Эгамбердиева 1981 йилнинг 29 ноябрида Денов туманида туғилган. Ўрта мактабдан сўнг. Деновдаги тиббиёт коллежига ўқишга кирган. Бу ўқув даргоҳини 1999 йилда тамомлаган. Шу йили Денов туман 1-сонли юқумли касалликлар шифохонасида ҳамшира сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган. Табиатан изланувчан ва ҳаракатчан бўлган Ҳ. Эгамбердиева 2010 йилда “Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди Сурхондарё ҳудудий филиалига бош мутахассис сифатида ишга таклиф этилган. 2013 йилдан эътиборан ана шу хайрия фондида директор вазифасида ишлаб келмоқда. Қизирик туманида унинг ҳамкорлиги билан ўтказилган “Соғлом авлод – келажак таянчи” деб номланган улкан тадбир мажмуи воҳада ўзининг муносиб баҳосини олди.

Иш фаолиятини қоникарли даражада олиб бораётган Хулқар Эгамбердиева 2001 йилда Музаффар Раҳмонов билан дил розилашиб оила қурди. Бу оилада ҳозирги кунда икки нафар – бир ўғил ва бир қиз фарзанд вояга етмоқда. Қизи Нафисахон ҳозир Термиз шаҳридаги 11-сонли мактабда ўқимоқда. Нафиса адабиёт мухлиси. Ўзи ҳам турли мавзуларда шеърлар ёзиб туради. Унинг қаламига мансуб шеърлар вилоят ва республика матбуотида мунтазам чоп этиб борилмоқда. Ўқиш ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун бир неча бор Фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

Хулқархоннинг ўғли Аслиддин ҳам мактабда аълочи ўқувчилардан. Шу билан бирга, у спорт билан ҳам жиддий шуғулланмоқда. Қураш тўғарагига мунтазам қатнаб турибди.

Одатда, Хулкар Эгамбердиева ҳақида сўз кетганда, уни танийдиганлар “соғлом авлод ҳақида ғамхўрлик қилаётган аёл” иборасини ишлатишади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки у нима иш қилмасин, аввало эл-юрт, айниқса болалар соғлигини ўйлайди.

## БОЛАЛАР ҒАМХҲРИ

Гулбаҳор Шойманова Қизирик туманидаги 23-сонли мактабгача таълим муассасасида тарбиячи бўлиб ишлайди. Турмуш ўртоғи Эшқобил ака билан кишлоқдош. Иккаласиям Бойсуннинг Кофурун кишлоғида таваллуд топиб, болалиқдан бирга ўсишган. Шу ердаги мактабда ўқишган.

Гулбаҳор Шойманованинг турмуш ўртоғи Эшқобил Тураев Тошкентдаги ирригация институтида ўқиган. У ўқишни тугаллаб келган 1983 йилларда чўл ҳудудлари тезкорлик билан ўзлаштирилаётган эди. Мутахассис кадрларга эҳтиёж кучли эди. Эшқобил ака ҳам 1985 йилда ўша пайтларда Қумқўрғон тумани таркибига кирувчи, ҳозирда Бирдамлик маҳалласи деб аталаётган, у пайтларда эса Пахтакор дея номланган хўжалиқда ўз мутахассислиги бўйича иш бошлади. Гулбаҳор эса шу маҳалладаги 8-сонли (ҳозир 55-сонли) мактабда кутубхонага ишга жойлашди. Янги қурилган оилادا бирин-кетин фарзандлар дунёга келди.

Уларнинг тўнғич кизлари Нигора Тўраева 1987 йилда, Моҳира 1989 йилда, Лобар 1991 йилда туғилди. Сўнгра Ўроз ва Шохрухлар дунёга келди.

Гулбаҳор Шойманова 1995 йилда (ҳозирда 23-сонли мактабгача таълим муассасаси деб юритилаётган) у пайтларда эса “Наврўз” болалар боғчаси сифатида таникли бўлган муассасага тарбиячи бўлиб ишга жойлашди. 2006 йилда Ангордаги педагогика коллежини сиртдан ўқиб, тугатди. Шундан буён умрини ёш авлод тарбиясига бағишлаб келаяпти. У тарбиячи сифатида эришаётган ютуқлар тўғрисида ушбу китобнинг “Бола дунёни тебратар” деб номланган саҳифасида атрофлича хикоя қилганман.

## ЭНАГА

Гулбахор Нормуродова - энага. Кўп йиллардан буён шу соҳада ишлаб, тажриба орттирган, малакали энага ҳисобланади. Қизирикдаги 23-сонли мактабгача таълим муассасасида ишлайди.

Гулбахор Нормуродова 1964 йилнинг 17 февралда Бойсуннинг Кофурун қишлоғида туғилган. Турмуш ўртоғи Хўжакул Ражабов 1959 йилда туғилган. Мен бу инсонни ҳам яхши танийман. Чунки маҳалладошмиз, қўшни яшаймиз. У кишини маҳалладошлар Абди ака деб атайдди. Бу оила Кофурундан бу томонларга кучиб келган. Кўп йиллардан буён шу ерда муқим яшашади. Хўжакул ака келбатли, тарбияли, маданиятли, энг муқими, Соғлом зурриёдлар соғлом ва маънан етук оилада улғайишини тарғибот қиладиган одам.

Бу оилала Қаҳрамон, Ғайрат, Аскар, Адхам исмли ўғлонлар бор. Уларнинг ҳар бири ота-оналари каби ўз тенгдошларига одоб ва ахлоқда ибрат бўлиб вояга етишмоқда. Қизлари Азизахон Қизирикдаги педагогика коллежини тамомлаган. Ҳозир маҳалламизда жойлашган Агросаноат коллежида етакчи бўлиб ишлайди.

Ушбу митти ҳикоямиз қаҳрамони Гулбахор Нормуродова чинакам она сифатида ўз фарзандларини қандай тарбиялаб вояга етказган бўлса, ҳақиқий энага сифатида маҳалладошларининг болаларини ҳам ўшандай оқ ювиб, оқ тараб тарбиялаб келаяпти.

## СУВ БЕРГАН САВОБ

Азалдан сув тақсимловчи мироблар диёнатли, иймон-этикодли кишилардан тайинланган. 2015 йилнинг январь ойида “Ботаника” сихатгоҳида бўлганимда, Сурхон одамларига хос такаллуфи, инсоний феъл-атвори билан мени ўзига тортган Самариддин Камолов билан танишиб қолдим. Унинг ҳаёти ибратли.

Самариддин Камолов 1977 йилда Украинада ҳарбий хизматни утаган. Сўнг гидромелиорация техникумида таҳсил олгач, 1990 йилдан буён Сурхон-Шеробод ирригация тизими бошқармасида гидротехник вазифасида ҳалол хизмат қилиб келаяпти. Турмуш ўртоғи Ханифа опа билан ҳаётининг шодумон дамларини бирга ўтказмоқда. Оилада тотувлик, фарзандлар ота-она ўғитларига амал қилиб улғайишмоқда.

Самариддин аканинг отаси Абдуқодир бобо, онаси Шаҳноза момоларнинг панд-насихатлари ҳаётда йўлчи юлдуз вазифасини ўтаётганлиги туфайли

хам у эл орасида кам бўлмади. Ҳозирги кунда Жарқўрғон тумани, “Мингчинор” маҳалласида умргузаронлик қилаётган Самариддин аканинг қалбида ҳаётга шукроналик бор, яшаш тарзида эса ибратомуз жиҳатлар бисёр.

## **АВВАЛ БИЛИМ, СЎНГРА ХИЗМАТ ИСТАГАН ЙИГИТ**

Бу галги митти ҳикоямиз қаҳрамонини тумандагилар чин маънода ташкилотчи ва иктисодчи мутахассис сифатида ҳурматлашади. Бир йўла икки олийгоҳда таҳсил олиб қайтган бу йигит тез орада ҳаётда уз ўрнини топди. У дастлаб Самарқанд кишлок хўжалик олийгоҳида, сўнгра Тошкент Молия институтида таҳсил олган. Мутахассислиги бўйича – молиячи.

Сўз юритаётганимиз Икром Бўтаяров 1987 йилнинг 19 июнида Қизирик туманида туғилган. Шу туманнинг “Етимқум” маҳалласида жойлашган 39-сонли мактабнинг тўққизинчи синфини тамомлагач “Истиклол” маҳалласида жойлашган 3-сонли мактабга катнаб, унинг синфни ҳам тугатган. У ёшлигидан футболга кизикар эди. Ҳозир ҳам мини футбол майдонида тез-тез тушиб туради. Иккинчи олийгоҳдаги ўқишини яқунлаб келган 2014 йилдан буён “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Қизирик туман Кенгаши бош ҳисобчиси лавозимида ишламоқда. Бу орада “Адолат” социал-демократик партияси аъзоси ҳам бўлди. Демак, у сиёсий ҳаётда, ижтимоий турмушда ҳам фаол ёшларнинг бири.

Икром Бўтаяров 2014 йилда кўнгилга яқин бўлиб қолган Дилдора Авазова билан умр йўлини боғлади. Бир қарашда оддийдек туюлувчи бу инсон ҳаёт йўлининг бошланиши, эътибор қилган бўлсангиз, факат ўқиш ва ўрганиш, сўнгра хизмат қилиш билан омукта бўлиб кетганлигини кўрасиз. Чиндан ҳам Икром Бўтаяров аввал илм олиб, сўнгра халққа хизмат қилувчи ёшларнинг илғор вакили эканлигидан далолат бериб турибди.

## **МАНЗИЛ УЗОҚ, АММО МАҚСАД АНИҚ**

Раҳматулло Амиров Сарносиё туманидаги Зевар маҳалласида 1988 йил учинчи июл санасида таваллуд топган. Миллати тожик. У Тошкент вилоятига қарашли Янги йўл туманидаги тиббиёт коллежида таҳсил олган. 2009-2012 йилларда Бандихон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Хўжайинок” кишлок врачлик

пунктининг физиотерапия хонасида, 2015 йилгача Қизириқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Хўжайпок” қишлоқ врачлик пунктида муолажа хонаси фельдшери вазифасида ишлади.

Ишда ва ҳаётда фаоллик кўрсатиб келаётган Раҳматулло Амиров 2014 йилда бўлиб ўтган сайловлар пайтида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси томонидан туман кенгаши депутатлигига номзод сифатида қайд этилган. Турмуш ўртоғи Феруза Сафарова уй бекаси.

## БОЛАЛАР ОЛАМИГА ЯҚИН ҚАЛБ СОҲИБИ

Бу қаҳрамонимиз аслида Тошкент Давлат аграр университетининг кундузги бўлимида 2006-2010 йилларда тахсил олган. Ўсимликлар ҳимояси ва карантини бўйича мутахассис.

Ҳикоя килаётганимиз Ёдгор Жаппаров аслида Қумқўрғон туманида 1988 йилнинг 18 сентябрида туғилган. Сўнгра оилавий тарзда Қизириқ туманига кўчиб ўтишган. Ёдгор Жаппаровнинг болалаги ва ўқувчилик йиллари шу тарика Қизириқ туманида ўтган. У шу ердаги 6-сонли мактабда ўқиб, уни 2006 йилда тамомлаган. Шундан сўнг, юкорида эслатганимиз олий ўқув даргоҳига ўқишга кирган.

Олийгоҳни тамомлаб қайтган Ё. Жаппаров 2010 йилда “Қишлоқхўжаликкимё” акционерлик жамияти Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани филиалида мавсумий агроном бўлиб ишлаган. 2012 йилда эса “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Қизириқ тумани Кенгашининг ташкилий-кадрлар ва ахборот-таҳлил бўлими етакчи мутахассиси этиб тайинланган. 2013 йилдан эътиборан, у “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши қошидаги “Камалак” болалар ташкилотига раислик қилмоқда.

Ёдгор Жаппаров спорт билан мунтазам ва жиддий шуғулланади. У спортнинг Киокушункой турини ҳамда футболни танлаган. Ҳар иккала соҳада ҳам ўз вақтида яхши натижаларга эришган. Гарчанд ҳозир Киокушункой билан шуғулланмаётган бўлса-да, футбол ўйнаб майдонга тушишдан тўхтагани йўқ.

Ёдгорнинг турмуш ўртоғи Лобар Абдуназарова Қизириқдаги педагогика коллежини тамомлаган. Бу ёшлар оиласида бугунги кунда икки нафар қизалоқ вояга етмоқда. Ёдгорнинг ўзи эса “Камалак” ташкилоти орқали баркамол авлод тарбиясига муносиб улуш қўшиб келмоқда.



## ЮЛДУЗНИНГ ЮЛДУЗЛИ ОНЛАРИ

Мен Юлдуз Абдурасуловани укувчилик пайтларидан биламан. У собиқ Бандихон ҳозирги Бирдамлик маҳалласида жойлашган 55-сонли мактабда ўқир эди. Юлдузхон ўсаётган онла бу томонларда элга танилган, маҳаллада обрўли эди. Чунки бу оила аъзоларининг барчаси хокисор, ўқимишли, илмга интилувчан кишилар эди. Унинг отаси раҳматли Менглимурод акани ҳам яхши билардим. У киши узоқ йиллар фермер сифатида фаолият олиб борганди. Доимо режаларни ортиғи билан бажариб, юзи ёруғ бўлиб юрарди. Эл орасида оксоқол сифатида эъзозланарди. У киши умрининг охирларида коллежда ўқитувчи бўлиб ишладилар.

Ҳикоя қилаётганим Юлдуз Абдурасулова ана шу инсоннинг кизи бўлади. У 1990 йилда Қумқўрғон туманида туғилган. Мактабдан сўнг дастлаб, Бандихондаги агросаноат коллежида ўқиган. Орада бир-икки йил ишлагач, 2011-2013 йилларда Шеробод тиббиёт коллежида ҳамширалик касби бўйича таҳсил олди. 2014 йилдан эътиборан Қизирик туман шифохонасининг зарарсизлантириш бўлимида ҳамшира бўлиб ишламоқда. Қалбидаги орзуси туфайли ҳамширалик касбини танлаган Юлдузхон тез орада ҳақиқатан ҳам тиббиёт ходими бўлишни кўнгилга бежиз тугмаганлигини кўрсатди. Чунки у иш жараёнида фаоллиги, ўз касбининг мохир устаси эканлигини такрор-такрор исбот этиб келаяпти.

Биз Юлдуз Абдурасуловани ана шу фазилатлари ва ишга жиддий муносабатда бўлаётганлигини кузатиб юрардик. Шу боис уни бир неча бор “Хўжаипок” кишлоқ врачлик пунктига ишга таклиф этдик. Лекин йўл узоқлигини важ қилиб бу томонларга келмади. Лекин ўз ишини маҳорат билан давом эттираверди. Балки, бу тиришқок киз “инсон иззат топган жойида азиз” мақолига амал қилгандир. Чунки жамоадошлари уни ғоят ҳурматлашади, унга ишонишади. Не бўлганда ҳам у эл-юртга сидкидилдан хизмат қилиб, турли ижобий эътирофларга сазовор бўлиб келмоқда.

## ДАВОЛАШ УЧУН ИГНА САНЧИШ ШАРТ ЭМАС

Қизирик туман шифохонасининг лаборатория бўлимида ишлаб, киска муддатларда жамоа орасида обрў қозонган ходимлар кўп. Уларнинг бири Шаҳноза Курбонова бўлади.

Шахноза Қурбонова 1992 йилнинг 31 октябрида Ангор туманида туғилган. Тенгдошлари каби ўрта умумий таълим мактабини тамомлагач, бирор касб эгаси бўлиш мақсадида дуч келган соҳани танлаган эмас. Оддий ишчи оиласида туғилиб, тарбия топган Шахноза болаликданок оппоқ халатли шифокор бўлишни орзулаган. Шу орзу туфайли у 2008 йилда Термиз тиббиёт коллежига хужжат топширган. Кимё фанини яхши ўзлаштирган Шахноза синовлардан муваффақиятли ўтиб, шу илм даргоҳи талабаси бўлди. 2011 йилда коллеждаги таҳсилини тамомлади. Шифокор бўлиш орзусида юрган бу қиз беморларга игна санчиб эмас, улар вужудидаги ўзгаришларни, аynи пайтдаги ҳолатини аниқ белгилаб берувчи таҳлиллар орқали даволашни афзалроқ билди.

Шунинг учун ҳам у лаборантликни танлади. Жиддийлик ва кунтни, юкори билимни талаб этадиган лаборантлик унга маъқул келди. Шу боис бўлса керак, у тайёрлаган ҳар бир таҳлил натижалари кўнгилдагидек аниқ бўлади. Шифокорлар у тайёрлаган таҳлиллар асосида беморларга ўз вақтида тўғри ташхис қўйиб даволайдилар. Шифокорлар ҳам бу тиришқоқ қиздаги қобилятни тезда илғаб олдилар ва унга ишона бошладилар. Натижада оддийгина лаборант сифатида ишга қабул қилинган Шахноза Қурбонова орадан ҳеч қанча вақт ўтмай катта лаборант вазифасига ўтказилди. Шундан сўнг Шахноза янаям кунт ва ўзига нисбатан талабчанлик билан ишлай бошлади. Ҳа, у ҳам беморларни соғломлаштиришда фаол иштирок этаяпти. Тайёр ташхис ва белгиланган муолажаларни бажариб эмас, балки ундан ҳам муҳимроқ ишни, таҳлилни бекаму – кўст тайёрлаш ва шу иши билан беморнинг тезроқ тузалишига катта ҳисса қўшиши орқали хасталар жонига малҳам бўлаяпти...

## ФАОЛЛИК

Гулҳаё Мусаева 1994 йилнинг биринчи апрелида Қизирик туманида зиёлилар оиласида туғилган.

Болаликдан спорт ва мусикага қизиқувчан бу қиз Қизирик педагогика коллежида шу соҳа бўйича ўқиган. Мутахассислиги бўйича жисмоний тарбия ва спорт мураббийси ҳисобланади. Табиатан қизиқувчан ва ҳаракатчан бўлган Гулҳаё педагогика коллежидаги ўқишини тамомлагач, Сиёсат билан шуғулланишга аҳд қилди. Шу мақсадда Ўзбекистон “Миллий тикланиш”

партиясига аъзо бўлди. Яъни, ЎзМТДП Қизирик Кенгаши ижроия кўмитаси етакчи мутахассиси сифатида фаолият юрита бошлади. Ҳозирги кунда у бу фаолиятини ҳар жихатдан тўқис ва келажагига умид қиларли даражада кенг камровли тарзда олиб бормоқда. Қийиниши, сўзлаши ва муомала маданияти ибратли.\*\*\*

## ФЕЛЬДШЕР

Бекзод Рўзиевни Истиклол фарзанди деса, бўлади. Чунки у 1991 йилда таваллуд топган. Онги, дунёкараши, ҳаёт ва жамиятга муносабати Мустақиллик туфайли янгича тафаккурда шаклланган ёшлардан.

Бойсунлик оддий ишчи оиласида таваллуд топган бу йигит шифокор бўлишга аҳд қилган илғор фикрли ёшларнинг вакили. Чунки у ҳеч иккиланмасдан ўрта умумтаълим мактабини тугатгач, ўрта бугин тиббиёт ходимлари тайёрловчи Шеробод тиббиёт коллежига ўқишга кирди. У бу ўқув даргоҳини 2010 йилда муваффақиятли тамомлади.

Ҳозир Қизирик туманидаги “Новбир” кишлоқ врачлик пунктига фельдшер сифатида ишга қабул қилинди. Айни кунларда у ўз зиммасидаги вазифани ўта масъулият билан адо этиб турибди. Уйланмаган, олий маълумотли врач бўлиш орзусида.

## ИБРАТ КЎПРИГИ

Сурхон воҳасининг Қизирик туманида кўпчиликка таниш, ўзгалар хавас қиладиган бир оила бор. “Бирдамлик” маҳалласида яшайди. Мен бу оила аъзоларини кўп йиллардан буён танийман. Чунки бир кўчада яшаймиз. Оила аъзоларнинг маҳалла аҳлига, жамоадोшларига, умуман, одамларга муомала маданиятини кўриб, ҳамиша мамнун бўлиб юраман. Улар бошқаларга ибрат ва намуна бўлгулик одоб-ахлоққа, маданиятга эга инсонлардир.

Оила сарқори Абдумалик Нормўминов бирор мансабга, кўпчиликнинг хавасини келтирадиган янги русумдаги машинага, кўшқаватли, тагин болохонали иморатга ҳам эга эмас. У оддий ишчи-ходим бўлганидек, яшаш жойи, турмуш тарзи ҳам оддийгина, соддагина. Абдумалик Нормўминов кўчамизда жойлашган алоқа бўлимида ишлайди. Четдан караганда, алоқа бўлимида ишловчи ходимнинг иши жўндек, ғалвасиздек туюлади. Аммо, аслида ундай

эмас. Қишлоқ шароити учун алоқа бўлими муҳим аҳамиятга эга, чунки одамлар асосан шу ерда тупланадилар, янгиликлардан бохабар бўладилар.

Абдумалик ака бизнинг қишлоқ врачлик пунктимиз ва “Зевар” маҳалласига ҳам хизмат кўрсатади. Матбуот нашрларини, хат-хабарларни ўз вақтида етказиб туради. Ана шу тезкор ва сифатли хизматлари, айниқса, барчага манзур оила туза олгани, фарзандларини ҳар жиҳатдан одамохун ва маданиятли қилиб тарбиялаётганлиги учун ҳам маҳалладошлар бу инсонни хурмату эъозларга муносиб кўришмоқда.

Абдумалик ака ўқувчилик йилларида кўз остига олиб юрган Гулсараҳон билан дилрозилик асосида оила қуришди ва 2 ўғил, 2 киз фарзандларни дунёга келтиришди. Тунғич кизи Гулчеҳра ТерДУнинг биология факультетида таҳсил олиб, кофрунлик Хайрулла Холтўраев билан турмуш қурди, қизи Ойдин, ўғли Элшодлар шу оилага мос фарзандлар бўлиб улғаймоқда. Хайрулланинг “Сукунат садоси” номли шеърый тўпламини ўқиганман, ижодкорнинг қалдирғоч китоби бўлса-да, тинглашга арзигулик гаплари анчагина.

Сожида эса мактабни битиргач, Тошкентдаги Миллий университетнинг филология факультетининг тугатиб, илгари таниш бўлган журналист Шунқор Бўриев билан оилавий ришта боғлади. Рухшона кизи, кейин эса ўғли Шамшод туғилди.

Сожида билан Гулчеҳра ўз фарзандлари ва жуфтлари билан ҳамкор, Тошкентда аҳил яшамокда.

Зариф Тошкент қишлоқ хўжалик институтида 4-курс талабаси, полвон келбатли бу йигитни кўчамизда Асқар дейишади. Ўғлим Абдуқодир билан синфдошлиги боис ўқувчилик пайтидан буён биладан.

Кенжатоғи Аҳрор Қизирикдаги Агросаноат коллежида талаба, табиат фанларига қобилиятли. Гулсора ола Худойшукурова ҳамшира. Бандихон ҚВПсида бирга ишлаганман. Бу аёл доимо изланувчан. Ўрганишга иштиёки бор.

Умуман, Худойшукуровлар оиласи жамиятнинг илғор вакиллари. Соат Худойшукуровнинг “Ёлғончи ёр” шеърый китоби нашрдан чиккан. Зокир Худойшукуровнинг шеърый ва насрдаги китобларини ўқиганман. Ҳозир “Халқ сўзи” газетасида мухбир, кўплаб танловлар ғолиби. Шайдулла Худойшукуров тиббиёт ходими, “Новбур” ҚВПда мудир. Бойсунда ҳам бирга ишлаганмиз.

Ўрол Худойшукуров туманда кўп йиллардан буён 16-сонли дорихона мудир. Умуман олганда, бу сулола кўпчиликка таниш, ибратли сулолалардан.

Абдумалик ака ва Гулсора опалар оиласи эса баркамол авлод улғайтиришда ибрат ва ўрнак олса арзигуликдир.

## НАСЛИНГ СОҒ – КЎНГЛИНГ ТОҒ

Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган “Соғлом насл – келажак таянчи” тадбирини тайёрлаш жараёнида биология фани ўқитувчиси Абдивали Қурбонов билан бир неча бор суҳбатлашишга тўғри келди. Сабаби, табиатни ўрганишга оид фанлар негизида ўтиладиган “Соғлом авлод учун” дарслари мазмун-моҳиятини чуқурроқ англаб етиш эди. Маълум бўлдики, бу дарслар фан сифатида ўта муҳим бўлиб, ёш болалар онгига инсон омили саломатлигини сақлашнинг, бу борада олинган тушунчалар улар учун ҳаётий коидаларга айланишининг аҳамиятини тарғиб қилишдан иборат экан. Чиндан ҳам, ёш боланинг нафакат танаси, балки онги ва қалби ҳам соғлом бўлсагина, эртанги куннинг чинакам вориси бўлиб етишади. Муаллим билан биргаликда ўтказиладиган танлов саволлар тўпладик, низом туздик. Энг муҳими, мен, Абдивали Қурбоновдан ўтказилажак тадбир баҳона кўплаб ўқув қўлланмалари, дарсликлар билан яқиндан танишдим.

Сўз юритаётганим А. Қурбонов аслида ҳам ўз соҳаси бўйича кучли мутахассис. У Қизирик туманидаги 74-сонли мактабга ишга келмасидан аввал, вилоят халқ таълими бошқармасида ташхис маркази раҳбари сифатида 2006 йилдан 2010 йилгача самарали фаолият олиб борган.

Юқори савияда ташкил этилган тадбиримизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати аъзоси Ш. Р. Арипова иштирок этди. Тадбирни очиш пайтида сузлаган нутқида эса Абдивали Қурбоновнинг илмий салоҳияти, педагогик маҳорати, тўплаган ҳаётий тажрибалари ҳақида илиқ ҳамда самимий фикрлар билдирди. Ўтказилаётган тадбир учун тузилган саволларда маъориф аълочиси А. Қурбоновнинг таклифларидан, тавсияларидан фойдаланилганлигини таъкидлади.

Абдували Қурбонов 1975 йилда Шўрчида туғилган. 2001 йилда ТерДУнинг биология факультетини тугатган. Дастлаб, иш фаолиятини, Қумқўрғон туманидаги 18-ихтисослашган мактаб -

интернатда ўқитувчи сифатида бошлаган. Сўнгра шу туман халқ таълими бўлими стандартлари мониторинг сектори назоратчиси, кейинчалик собиқ Бандихон туман халқ таълими бўлимида ҳам бу вазифани бажарган. Шундан сўнг Бандихондаги 8- сонли (ҳозир 55-сон) мактаб директорининг ўринбосари вазифасида ишлаган.

Абдивали Қурбонов ҳақиқатан ҳам энг фаол мутахассислардан бири саналади. Айниқса, наслни соғломлаштириш, баркамол авлодни вояга етказиш борасида олиб бораётган таълим ва тарғиботи ҳар жиҳатдан ибратлидир.

У 2001-2002 йилларда вилоят халқ таълими бошқармасида Давлат стандарти мониторинги бўлими мутахассиси, 2002-2003 йилларда ВХТБнинг маънавият ва кўшимча таълим бўлими мутахассиси, 2003 йилдан 2006 йилгача ВХТБда бош мутахассис сифатида фаолият олиб борган.

Абдивали Қурбонов ҳақиқатан ҳам энг фаол ўқитувчилардан бири ҳисобланади. Буни унинг турли жабҳаларда олиб борган самарали фаолияти тасдиқлаб турибди. 2006 йилнинг 2 февралидан эътиборан Халқ таълими вазирлиги ҳамда вилоят ХТБ буйруғи билан вилоят ташхис маркази раҳбари лавозимига тайинланган. 2007 йилнинг февралида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Бошқарув институтида “Бозор иқтисодиёти ва менежмент асослари” курсида ўқиб, малака ошириб қайтган.

Абдивали Қурбонов олиб бораётган фаолият ҳамиша эътироф этилиб, муносиб тақдирланиб келинмоқда. Халқ таълими вазирлигининг, ВХТБнинг, вилоят ҳокимининг, шунингдек вилоятдаги купгина ташкилотлардан олинган Фаҳрий ёрликлар ана шундан далолатдир.

Абдивали Қурбонов УзМТДП аъзосидир. У 2011 йилдан буён Қизирик туманидаги 74-сонли мактабда биология фанидан дарс бериб келмоқда. Ҳамиша изланишда бўлган бу инсон оиласида муносиб фарзандлар вояга етмоқда. Тўнғич ўғли Искандар Йўлдашев табиат фанларига жуда кизикади. Ҳавас киларли даражада зехнли, интилувчан. У ҳам отаси каби кўплаб Фаҳрий ёрликлар билан тақдирланган. Абдивали Қурбоновнинг яна бир ўғли – Самандар. У 2004 йилда туғилган. У ҳам илмга чанқоклиги, тиришқоклиги билан тенгдошларидан ажралиб туради. Санъатга иштиёқи баланд. инглиз тилини ўрганиш иштиёкида.

Бу йил эса бу заҳматкаш муаллим оиласида киз фарзанд туғилди. Унга яхши ниятлар билан Зулфия деб исм қўйдилар. Ўзи биолог

бўлса-да, адабиётга, хусусан, шеърятга кизиқувчи, кўплаб шеърларни ёддан билувчи Абдивали Қурбонов кизининг исмини бежиз машҳур шоира номи билан атамаган. Бу унинг кўнгил тубидаги орзусидир.

Ўрни келганда айтиб ўтмоқ лозимки, араб донишмандлари айтганидек, бирга кулганлар унутилади, бирга йиғлаганлар унутилмайди. Шу маънода олиб караганда, Абдивали Қурбоновнинг ҳаёт ва меҳнат йўли ҳамиша ҳам равон ва текис кечаётгани йўқ. Такдир йўли уни гоҳ қувонтирди, гоҳ маҳзун этди. Лекин у калбида болаларга, илмга булган меҳрини ҳар қандай шароитда ҳам бир хил асраб қола олди.

Турмуш ўртоғи Қизлархон Турабоева билан аҳил яшаб келаётган Абдивали Қурбонов умрининг яхши - ёмон кунларини ҳаёт дея аталмиш улуг донишманднинг барча бекатларида дуч келган қийинчиликларни бирга енгиб, аҳилу иноқ яшаб, ҳаётнинг кейинги бекатлари сари дадил одимлаб бормокда.

## САЁҲАТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

“Тани соғлик шундай махфий давлатки, унинг кадри фақат айрилганда билинади”, дейилади араб ҳикматларида. 2015 йил – “Қарияларни эъзозлаш йили” давлат дастурида айрим тоифа ёши улугларга сихатгоҳларда бепул даволаниш имтиёзи берилиши қарияларнинг калбидаги гап бўлди.

“Ўтирган бўйра, юрган дарё, юринглар, ҳукумат бизни ардоқлабди, давлатимизни яратганнинг ўзи қўлласин”, дея “Ботаника” сихатгоҳига дам олишга борган кумқўрғонлик Омон Жабборовнинг ҳаёти билан танишмоққа жазм қилдим. У 1942 йилда туғилган. 1979 йил ноябрь ойида байналминалчи жангчи сифатида Тошпўлат Мирзаев, Салом Хўжаев сингари кишлокдошлари билан Афғон тупроғига олиб кетишди. “Қобул шаҳрида, - дейди Омон бобо, - 50 нафар партизан 15 кун бир окопда ётиб бир зонани қўрикладик. командирлар эса келиб кузатиб, далда бериб турарди. Биз эса одам бўйи чуқурликдаги ўтириш ва тик туришга мўлжалланган окопда кунлаб колардик. Овқатни кундузи келтириб берарди. Бир нечта манёврларда қатнашдик. Карасиев деган командиримиз бор эди. Маҳаллий аҳоли қўлидан тамаки ва ичадиган сувлардан фойдаланмасликни уқтирарди. Россия қуроли кучлари келиб бизнинг позициямизни эгаллагач, ҳар кунни

кўнгилсиз ҳодисалар содир бўладиган жойдан бутунлай бизга уйга жавоб берди. Қайтар чоғимизда навқирон солдат йигитлар: “Раҳмат партизан амакилар, она ватанимизга омон боринглар” деб кул силташар, биз ҳам уларга далда берардик. То ҳануз тушунмайман, биз кимни кимдан ҳимоя қилгандик ўшанда? Аммо, яратганга шукур, учаламиз ҳам бир кунда соғ-саломат қишлоғимизга кириб келдик”.

Омон ака Марзия опа билан турмуш қуриб, тўрт ўғил, бир киз фарзандли бўлишди. Манзура қизидан кейин кетма-кет Нарзулла, Файзулла, Хайрулла ва Эргашлар туғилди, улар аллақачон уйли-жойли бўлиб кетишган. Бугунги кунда Эргаш ўғли билан Феруза келини бирга яшаб, ота-онасининг дуосини олиб хизматини қияпти, 15 неvara, 2 нафар чевараси ва фарзандлари қуршовида. Омонбобо билан Марзия момо улар ардоғида яшаяпти. Омон аканинг Зубайда, Зулайҳо исмли опа-сингиллари ҳамда Абди, Холик, Саид, Усмон, Умбар, Исмат каби ака-укалари тез-тез ошлашиб, чойхўрлик баҳона учрашиб туришади.

\*\*\*

Дам олиш пайтимда кўплаб дўстлар орттирдим. Қорақалпоғистонлик Муродбой Аметов ва Илҳом Тожимовлар киришимли, беғубор йигитлар экан. Муродбой берган “Амударё кўзгуси” газетасидан у ҳақда ёзилган “Режа бажарилди” сарлавҳали мақолани ўқиб қолдим. Унда Муродбой бошлик фермер хўжалигининг илғорлар сафида белгиланган режани бажарганлиги ҳақида ҳикоя қилинганди. Дам олиш жараёнида танишлар билан мириқиб суҳбатлашдик. Воҳадош ҳофиза Наргиза Азимова маърифий дастурларнинг бирида ўз кўшиқлари билан бизни хушнуд этди. Хозир ҳам улар билан телефонда аҳволлашиб тураман.

Аслида саёҳат умрга барокатдир. Юртимизда бетакрор гушалар, сайилгоҳлар, хиёбонлар ва сихатгоҳлар талайгина. Дам олиш, соғликни тиклаш учун имкониятлар эшиги очик. 1977-1982 йил ТошДавМИни тугатганлар бу йил Бухорода учрашдик. Талабалик йилларининг қувонч ва ташвишларини бирга баҳам кўрган курсдошлар билан ҳозирги ҳаёт, дориломон кунлар тўғрисида юракдан диллашдик. Улар билан 2016 йилнинг 14 майида Тошкентда дийдорлашишни ният қилдик.



## ИБН СИНО БЕШИГИ

Жаҳон микёсида эътироф этилган бу алломанинг тўлиқ исми-шарифи куйидагича – Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллох ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Сино ал-Бухорий. Айрим битикларда “Сино” сўзи” тўғрисида тўхталинган бўлса-да, унда фикр йўқ деган фараз илгари сурилган. Аслида эса Сино – туркча сиймо сўзининг ўзгартириб айтилган шакли бўлиб, чиройли, кўркем, гўзал чехра маъноларини англатади.

Сўз юритаётганимиз табобат илмининг зукко билимдони Ибн Сино ҳазратлари 980 йилнинг 16 августида Бухоронинг ҳозирги Пешку туманидаги Исфана кишлоғида таваллуд топган. Бухоро шаҳридан 30 чакирим узокликда жойлашган бу кишлоқ номи эндиликда ўзгариб, 1980 йилдан Афшона деб аталади.

Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишича, ибн Сино ҳақиқатан ҳам жисмоний жиҳатдан бакуват, соғлом ва кўркем кўринишли инсон бўлган. Балки шу боис, у ўзига Сино, яъни Сиймо тахаллусини танлагандир ёки замондошлари унга бу тахаллусни бергандир. Аллома отасининг исми – Абдулла, волидасининг исми эса Ситорабону бўлган. Ибн Сино 1037 йилнинг 24 июнида (баъзи маълумотларда – 18 июн кўрсатилган) Покистондаги Ҳамадон шаҳрида Рамазон ойининг биринчи жума кунинда вафот этган.

Ёш ибн Сино 986 йилда, яъни олти ёшида ота-онаси билан Афшонадан Бухоро шаҳрига кўчиб ўтади. Бу ерда у илк илм сабоқларини ола бошлайди. Тарихчилар ва бошқа олимларнинг гувоҳлик беришича, ибн Сино болалигиданок ўткир зеҳнли, кучли қобилият соҳиби бўлган. Татар маърифатпарвари Қаюм Насирий “Абугалисно” номли асар ёзган бўлиб, у ўз асарида ибн Синонинг мактаб даври билан боғлиқ бир ибратли воқеани келтиради: “У вақтларда ерга шолча эмас, қамиш ёки похолдан тўкилган бўйра тўшалган. Бўйра гилам ўрнини ўтаган. Мактаб болалари шу бўйранинг устига ўтиришган. Тенгдошлари ўта зеҳнли бўлган ибн Синони синаб кўрмокчи бўлишган ва у ўтирадиган бўйра тагига бир варақ қоғоз бекитиб қўйишган. Ташқаридан кириб келган ибн Сино ўрнига ўтиргач, бир оз безовта бўла бошлаган. Сўнгра ё шифт сал пасайган, ёки мен ўтирган ер бир оз кўтарилган, деган ва барчани ҳайратга солган”. Ибн Синонинг болалаги тўғрисида сўзлар эканман, у дастлабки сабоқларни Исмоил Зоҳид исми

уламодан олганлигидан маълумот берувчи манбаларга кузим тушганлигини эслатиб ўтмоқчиман.

Улуғ алломанинг ёшлик даври ҳам тинчгина ўтган эмас. У 25 ёшга тулганда уламоларнинг фатвоси билан дахрий сифатида Бухородан қувгин қилинган. Натижада ибн Сино ўзи туғилган қишлоқ – Афшона тупроғидан бир сиким олганча, юртдан чиқиб кетишга мажбур бўлган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, аллома бу тупрокни то умрининг охирига қадар ўз ёнида эъзозлаб сақлаган. Бир умр ватанига қайтишни орзулаб, умид қилиб яшаган. Афсуски, унинг бу орзуси амалга ошмаган ва армон бўлиб қолган. Не тонгки, давр ўзгариб, замонлар ўтиб, унинг рамзий қабри она қишлоғида тикланди. Бунинг учун узоқ Ҳамадонда қолиб кетган асл қабридан бир ҳовуч тупрок олиб келинди ва рамзий қабрга қўйилди. Ибн Синонинг бир умр она юртини соғиниб яшаганлигини Аҳад Ҳасан “Кўхна Бухоро” қиссасида жуда чиройли таъриф келтиради:

Неки хасталик бор тузатум аён,

Шифо топажакман бари-барига.

Худойим, ўзинг айт, мен шўрлик нолон,

Нечук даво топай, соғинч дардига?

Дарвоқе, ибн Сино умри давомида ўта кучли умид ва армон билан яшаганлигини унинг қаламига мансуб битиклар орқали ҳам англаса бўлади. Хусусан, бу борада у шундай ёзиб қолдирган: “Бир жамият бўлсаки, унда одамлар бўри сингари бир-бирларини емай тинч, осойишта яшасалар, ғам-алам билмай ҳуқуқ, эрк, озодликдан бахраманд бўлсалар”.

Дунё тамаддунида фаннинг 12 йўналиши бўйича тан олинган аллома ватандошимиз ибн Сино ҳақида насиб этса, ҳали кўп ва хўп ёзиш ниятим бор. Ушбу битикларни эса дебоча сифатида, яъни ибн Синога бешик бўлган Афшона қишлоғи ва Бухоро ҳақида, бу муқаддас заминнинг бугунги одамлари туғрисида ҳикоя қилишни мақсад этганлигим учун ёзаяпман. Бу ният, аслида, Бухорода, яъни курсдошлар учрашуви чоғида туғилган эди.

Эслатиб ўтайки, ўша учрашув 2015 йилнинг 5 сентябрида, Бухоро шаҳрида бўлиб ўтганди. Табиийки, орадан узоқ йиллар ўтгач дийдорлашувнинг ўз гашти, сурури бўлади. Кўпдан буён кўрмаган ёшлик дўстларингизни сўроқлай бошлайсиз. Мен афшоналик курсдошларим билан кўпроқ қизикдим. Менга Болта ака Аҳмедовни кўрасишди. Туладан келган, сочларига қиров инган бу курсдошим билан суҳбатлашдим. Болта акага ибн Сино ҳақида

китоб ёзмокчилигимни айтдим. Лекин манба етарли эмаслигини ҳам билдирдим. Аллома босиб ўтган ҳаёт йўлига неки тааллуқли бўлса, барчаси мени кизиқтиришини таъкидладим. Ўзим ҳам сиз каби ҚВПда ишлайман, талаб ва сўровларни яхши биласиз. ҚВП мудри учун иш соати белгиланмаган, 24 соат ҳам ишлайверади, бир кунгина ишда бўлмасангиз, бир ҳафталик самарани бой берасиз, дея эслатиб ҳам ўтдим. Сўнг:

-Бизнинг туманда ҳам иккита АРМ бор, лекин мен уларнинг фаолиятдан каноатланганим йўқ, - дедим дардимни айтиб. – Қаранг, Бухородаги ибн Сино номли коллежда АРМдан ташкари музей ҳам бор экан. Сиздан илтимос, осмон остида канча одам бўлса, шунча феъл-атвор ҳам бор. Демак, ибн Сино асарларини ўрганадиган, уларни тўплайдиган, аллома тўғрисидаги маълумотларни йиғиб юрган одамлар бор бўлиши керак. Ана шундай инсонлар билан учраштирсангиз. Шу йилнинг ноябрида конференцияга ёки таътилга чикиб, дам олиш баҳонасида келарман...

-Яхши, - деди Болта ака, - уйлашиб кўрармиз.

Болта ака олтмиш ёшли одам. Бизнинг курсимизга у юкори курсдан келиб қўшилганди. Унинг ўзи бу ҳақда шундай дейди:

-Акли билан эмас, вазиятга қараб яшайдиганлар кўп, ҳаётда. Устига-устак, у пайтлардаги айрим ўқитувчиларнинг қуроли кўркитиш эди. Саидолим Кубаев ҳам (Аллоҳ раҳмат қилсин) бизнинг курсга кейинроқ келиб қўшилган, яъни бир курсни икки марта қайта ўқиганди. Саидолим касалланиб қолувди, шунинг учун ўқишини тўхтаган жойидан давом эттирганди. Мен эса адолатсизлик қурбони бўлдим. Лекин хафа эмасман. Янада билимим чуқурлашди, янги дўстлар орттирдим...

Ўша унутилмас суҳбат чоғида Болта ака ўғли Шухрат 2006 йилда БухДТОни тугатиб стоматолог бўлиб ишлаётгани, шунингдек ибн Сино номли коллежда дарс бераётганлиги ҳақида ҳам фахрланиб сўзлаб берди. Ҳа, дарвоқе, Болта аканинг Махфуза исмли кизи ўттиз ёшда, у ҳам ота касби – стоматологияни танлаган. Болта аканинг ўзи эса ҳали айтганимдай, 1982 йилда ТошДавМИни тугатган. Бухорода интерна муддатини ўтаган. 1984 йилдан бошлаб Пешку туманида юз-жағ жарроҳлиги бўлимига асос солган. 1986 йилда машъум Афғон масаласи чиқди. Болта акани нимагадир Тошкентга обориб, уч кун тайёрлантиришди ва бир кечада биратўла 300 киши самолётда тўғри Кобулга учиб кетди. Уларнинг

орасида тиббий ходимлардан фақат Б. Аҳмедов бўлган. Уни Баграм деган жойга олиб кетишган. Бу ерда, ҳарбий-дала шароитларида у бу пайтга қадар ишлаб кўзи пишиб қолганлиги учун юз-жағ жароҳати бўлимида хизмат қилди. Сухбатларнинг бирида мен Болта акадан агар мумкин бўлса, бирорта ҳаётий ҳикоя айтиб беринг, деб сўрадим. У киши бир оз хаёлга чўмиб қолгач, шундай ҳикоя қила бошладилар:

-Бир кечаси алламаҳалда БТРда қаергадир бориш ҳақида буйрук бўлди. Бордим. Икки нафар рус солдатининг юзи кўринмайди, конга беланиб ётибди, ўзлари ҳушсиз. Дарҳол шароит яратиб олдим, умумий наркоз остида юзидаги снаряд бўлақларини олиб ташладим. Жағ суяқларини териб, умумий палатага юбордим. Хужжатларини расмийлаштирганда кўрганман, улардан бирининг фамилияси Олегов, иккинчисиники эса Тарасов экан. У ерда тиббий санитария қисми бошлиғи ленинградлик Диркаш Николай Иванович, тиббий соҳа бўйича эса тошкентлик полковник Маҳкамов раҳбар эди. Уларнинг ҳар иккаласи менинг тиббий фаолиятимни кузатиб ва инobatга олиб боришаётган экан. Афғон уруши даврида бир қатор медаль ва Фаҳрий ёрликлар билан тақдирланиб қайтдим. Афғон тупроғида икки йил бўлиб, 1988 йилда соғ-саломат ўз Ватанимга қайтдим. Сўнгра яна ўз касбимда ишлай бошладим...

Болта ака 1995-2005 йиллар давомида “Лукмони Ҳаким” номли хусусий стоматологик тиббий маскан очиб, шу ерда ишлади. Ҳозир Дехдароз ҚВПсида мудир. Умр йўлдоши Ҳафиза опа билан тўрт киз бир ўғил ва ўн уч нафар невара ардоғида, шогирдлар ва эл-юрт хурматига сазовор бўлиб яшамоқда.

Биз Болта ака билан сухбатлашиб утирар эканмиз, ўгли Шухратга домлани олиб келинг деди.

-Мана, - деди у, - Қиёмиддин бобони олиб келдим. Боғидаги анор кўчатларини кўмаётган эканлар, бир оз кутишга тўғри келди, — деб хабар қилди.

Бир пасдан сўнг, биз утирган хонага оппоқ соқолли, бардам, тик қоматли қария кириб келди. Қўлтиғида бир кучоқ китоб. Ўрнимиздан туриб отахон билан омонлашдик. Чой-нондан сўнг асосий мавзуда сухбатимиз қизиқ кетди. Мен отахонга мақсадимни тушунтириб, ўзимнинг китобларимдан совға қилдим Орада Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшуносликнинг зарабдаст намояндаси Озод Шарафуддиновнинг китоб ҳақидаги сўзларин

эсладик. У киши китобни оламнинг саккизинчи муъжизаси деб атаганларини ҳам ёдга олдик. Озод ака бу борада ҳам яхши гап айтганлар. Яъни: “Китобхонни – китоб севар берилиб ўқийди. Муаллифни хурматлайди. Китоб суяр, сал камчилиги бор деб жавонга қуяр, китоб суяр йукотади ё йиртади”.

Шу гапларни айтгач, отахон менга бир неча русча рисола берди, мустақилликка қадар нашр этилган экан.

Гап орасида суҳбатдошимнинг таржимаи ҳолини ҳам билиб олишга кизикдим. Қиёмиддин Чориев – 76 ёшда эканлар. Афшона қишлоғидаги 4-сон мактабда узоқ йиллар физика-математика фанидан дарс берган эканлар. Бобонинг айтишича, 1978 йилда мана шу Пешку туманини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарори чиққан. Сўнгра ЮНЕСКО қарори билан Афшонада ибн Сино музейи ташкил этилиши тарихини ҳам отахон сўзлаб берди:

-1979 йилнинг 1 феввалида Пешку туман маданият бўлими мудирини Абдулла Вафоев (ҳозирда вафот этган)нинг буйруғи билан ушбу музейга директор этиб тайинландим. Шу тариқа музейга асос солинди. Уша пайтда ҳам ҳозирги бино бор эди. Мен Бухоро вилоят ўлкашунослик музейи директори Аҳрор Асрорович Маҳмудовдан музей ташкил этиш ва иш юритиш борасида қўл қимматли маслаҳатлар олдим, бинони эпакага келтиришга, таъмирлашга киришиб кетдим. Бу орада Абу Али ибн Синонинг 1000 йилик юбилейини ўтказишга ҳозирлик қўриш ишлари бошланиб кетди. Чунки шу йилнинг 24 сентябрида ЮНЕСКОнинг бу ҳақдаги қарори эълон қилинганди. Шу муносабат билан Афшонага ҳукумат раҳбарлари, вазирлик вакиллари тез-тез кела бошлашди. 1980 йилнинг августида эса ҳозирги бино мослаштирилиб, таъмирдан чиқарилди. Шу йили Юртбошимиз И.А. Каримов ( у пайтларда давлат режалаштириш соҳаси раҳбари эдилар) қўлаб арбоблар, олимлар билан бирга Афшонага ташриф буюрдилар. Отахоннинг ҳикоя қилишича, белгиланган муддатда анжуман ўтказилади. Ушбу халқаро анжуманга дунёнинг 20 ортик мамлакатидан олимлар, делегатлар катнашади.

-Лекин бу жойларга ҳақиқий эътибор мустақилликка эришганимиздан сўнг бошланди. 1996 йилда Президентимиз И.А. Каримов ва Бухоро вилояти ҳокими ташриф буюришди, - дейди Қиёмиддин бобо. - Юртбошимиз музей билан танишдилар, мен билан қўл олиб қўришдилар. У киши бино шу туришича ҳам яхши, аммо уни қайтадан қураимиз. дедилар. Шу ернинг ўзида қурилиш

мутахассислари ва меъморлар билан суҳбатлашдилар. Шундан сўнг қурилиш ва таъмирлаш ишлари тезлашиб кетди. Мен 2002 йилда нафақага чиқдим. Умр йўлдошим Бибиражаб билан ўн нафар кизни тарбиялаб, турмушга узатдик. Яқинда кенжа қизимиз Насибани ҳам узатдик. Биродар, қайси ота-она ўзини қачон бахтли санайди, биласизми? Қачонки, қизларини ёлғиз яшаб кўзида аччиқ ёш кўрмаса, бундай ота-она бахтлидир. Шу маънода мен бахтли инсонман. Меҳринисо, Уғилой, Камола, Шахринисо исми қизларим менинг касбимни танлаб, педагог бўлишган. Куёвларимдан Мустақим Бобоев, Ғанижон Ҳамдамов, сингилларим София ва Муҳаббатлар ҳам шу касбни эъзозлаб келишяпти...

Отахоннинг гурунги поёнига етай деганда, дастурхонга ош тортилди. Қиёмиддин бобо, Болта ака, Шухрат ва мен биргалашиб бухороча ош тановул қилдик. Хушхўр паловдан сўнг, талабалик даврига оид бир воқеани ҳам ёдга олдик. Болта аканинг хикоя қилишича, ўшанда бўлажак тиббиёт ходимлари Жиззах вилоятидаги Пахтакор туманида пахта йиғим-терим мавсумида катнашаётган экан. Ўз даврида республика Вазирлар Кенгашига раислик қилган Н. Худойбердиев хашарчи талабалар ҳолидан хабар олгани келибди. Талабалар билан учрашиб, хорманглар дея кўнгилларини кўтариб қўйибди. Сўнг сўрабди:

-Бухородан ким бор?

-Мен, бухороликман! - деб Болта Аҳмедов ўртага чиқибди.

-Кунига канчадан пахта тераяпсан? – сўрабди Н. Худойбердиев.

-Кунлик режани ошириб бажараяпман! – дебди Болта Аҳмедов.

-Бухоронинг қаеридансан?

-Афшонадан!

-Билиб қўй, - депти Н. Худойбердиев, - сенинг томирингда ибн Синонинг қони оқаяпти. Шуни унутма!

Мен бу воқеани аввал ҳам кўп давраларда сўзлаган эдим. Лекин бу гал бевосита Болта аканинг ҳузурда, тагин Афшонада, эслаётгандим. Қувондим, шундай касбдошим борлигидан, очиги, фахрландим.

## ДИЙДОР ҒАНИМАТ

Тошкент давлат Тиббиёт институтининг стоматология факультетида 1977-1982 йилларда ўқиган курсдошларнинг 33 йилдан кейинги учрашуви 2015 йилнинг 5 сентябрида, Бухоро

шаҳрида бўлиб ўтиши белгиланган эди. Шу сана яқинлашган сайин мен ҳам воҳамиздаги курсдошларни сураб-суриштира бошладим. Тўғри, биз курсдошлар тўю-томошаларда, байрамларда бир-биримизни ҳамон йўқлаб, излаб, дийдорлашиб турардик. Лекин бу галги учрашув Республика миқёсида бўлиши, Бухорога биз билан бирга ўқиган барча вилоятлардаги курсдошлар жамул-жам бўлиши кўзда тутилганди.

Хуллас, учрашув ҳақида узок йиллар Шеробод туманида тиббиёт соҳасида самарали хизмат қилган, маъмурий-бошқарув тизимларида ишлаб, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби бўлган Суюн ака Соатмуродовга мурожаат қилдим. Бу киши ҳар галгидек учрашувга боришимиз билан боғлиқ ташкилий ишлар тизгинини қўлга олдилар.

Биргаликда кўнғироқлашиб турдик ва вилоятимизнинг шимолий туманларида, марказ Термиз шаҳрида фаолият юритаётган курсдошлар билан боғландик. Шу тариха 2015 йилнинг 4 сентябрида эрта тонгдаёқ (чунки шу куни зиёратгоҳларга бориш ҳам кўзда тутилганди), Деновдан, вилоятнинг водий туманидан Дамин Ражабов, Равшан Салаев, Дамин Мамасаидов ва мен Жуманазар Мадиев, Термиздан Абдусамад Боймуродов ва Мухаррам Мўминова, Мухаббат Қучқорова, Суюн Соатмуродовлар туришган экан. Зиёратгоҳларда бўлгач, Бойсундаги “Дарбанд” назорат-текширув постидан ўтдик ва етти кишвар (авлиё) назари тушиб, сўнгги макон тутган Бухоройи Шариф томон равона бўлдик.

Очиғи, кўнгилларимиз худди ёш болаларники каби қувончларга тўла эди. Нега десангиз, биз ёшлигимизга маълум бир муддатга бўлса-да, қайтаётган эдик. Қолаверса, кундалик ташвишлардан, баъзан бўлса-да учраб турувчи ғалвалардан, оила икир-чикирларидан холи талабалик йилларидаги каби дилкаш, беғубор лаҳзалар сари интилаётгандик.

Изма-из келаётган машиналар йўлнинг танобини тортиб, олға интилаёпти. Машинада гурунг кизигандан кизиби бораверди. Йўлда Қашқадарёлик курсдошлар – Саиднаби Хўжанов, Рустам Бозоров, Эшқувват Мирзақулов, Абдимўмин Чориев, Холмат Ҳамидов ва бошқалар кутиб туришган экан. Биродарларимиз қўярда-қўймай бир пиёла чойга таклиф этишди. Ҳеч кимдан дангал фикр чикавермагач, дарғамиз Суюн ака гапни чўрт кесдилар: “Худо хоҳласа эртага учрашамиз-ку, ҳозир сизларни безовта қилишга не

хожат?”, - дедилар. Шу гап масалани ҳал қилди ва бизлар Бухорода дийдорлашгунча омон бўлинглар дея, дўстлар билан хайрлашиб йўлда давом этдик.

Қуёш қиёмга келган кезларда корин ҳам ғалва қила бошлади. Натижада салқинроқ емакхонада тухтаб, бу ташвишдан ҳам қутилдик. Сунгра Пайғамбаримиз с.а.в. дуо қилиб Фохира дея атаган ва “Эй, худо! Фохирага барокат бер, халқларининг дилларини пок этгин, уларни умматларига марҳаматли қил!” деган макон – Бухорога кириб келдик.

Бу менинг азим шаҳар Бухорога илк сафарим эди. 2012 йилда Саудия Арабистонига муқаддас ҳаж сафарига боришдан олдин Бухорога боришни ният қилган эдим. Афсуски, бу ниятим амалга ошмай қолганди. Динимизда “амал ниятга қараб бажарилади”, деган нақл бор. Ал Ҳаким ат-Термизий бобомиз эса “Ҳар қандай йўқотишдан қурқманг, ниятни йўқотиб қўйишдан қурқинг”, деган фикрни илгари сурганларида ҳар жиҳатдан ҳақ эдилар. Чунки мен аввал қилган ниятим холис бўлганлигини, ўша ниятим ниҳоят амалга ошаётганидан қувониб тургандим.

Бизни курсдошимиз Рустам Задаев кутиб олди ва кўпчилик курсдошларимиз аллақачон етиб келиб жойлашган меҳмонхонага бошлаб борди. Бу меҳмонхона “Алмаз” деб аталар экан. Шу ернинг ўзидаёқ. кўнгила кўмсаган, дил тортган курсдошларни излай кетдик. Бизлар каби 4 сентябрда етиб келганлар шаҳар айлангани чиқиб кетишган экан.

Аллақачон кўкала соқол “бобой”га айланган айрим курсдошларимизни 500 чақиримлик йўл азоби чарчатган шекилли, ибодатларини бажо этишни ваз қилишиб, дарров шинамгина хоналарга кириб, мизғиб олишга интилишди. Мен ҳам “қўним топган жойим азиз”, деб ўз хонамда қолдим. Кеч тушгач, белгиланган таомхонада учрашувга келган курсдошлар билан дийдорлашдик, бирга овқатландик. Базму жамшид туннинг алламаҳалигача давом этди. Шундан сўнг бундай учрашувларни уюштириш, курсдошларнинг яхши-ёмон кунларидан доимо хабардор юрадиган, байрамларда излаб ва тергаб турадиган, мен билан беш йил бир гуруҳда ўқиган курсдошимиз, фарғоналик йўлдошхон хожи Эшонхонов йўл юриб чарчаганмиз дедилар, ва ҳали, йўлда бўлган курсдошларни кутиб олиб, меҳмонхонага жойлаштиришни бухороликлардан илтимос қилиб даврага яқун ясадилар. Шу ернинг ўзида эрталаб “Лаби ҳовуз”да учрашишга



келишиб кўйдик-да, таркалишдик. Турли – туман, ранг-баранг электр чироклар билан ороланган Бухоро кучаларини томоша қилганча, меҳмонхонага қайтдик. Мен у ерда деновлик юз-жаг жарроҳлиги бўйича моҳир мутахассис Равшан билан бир хонага кўнгандим. Биргалашиб келдик. Лекин ҳа деганда, уйку келавермади.

Ҳар биримиз ўз ҳолимизча ётганча, орзулар, хаёллар осмонида сайр қила бошладик. Ўша, талабалик даврида, муҳаббатнинг сирли кучаларида ошиқлик балосига гирифторм бўлиб, севгимизни изҳор этолмай мум тишлаб юрган кезларимизни эсладик.

Севиш-севилиш, бу – қоида ёки хоҳиш эмас, балки мойиллик ва қисмат экан. Муҳаббат инсонни иродали қиларкан, унинг кучи билан турмушнинг залворли муштлари, ҳаёт деб аталмиш синовли дунёнинг зарба-ю долғаларига бардош бериб севгилингнинг васлини ният қилиб, ёрнинг висолига етиш, қолаверса, севган инсоннинг борлиги учун яшаркансан. Бир жойда ўқиганим бор: “Севдингми? демак, сен яшаяпсан! Севдими? демак, сен беҳуда яшамаяпсан!”.

Талабалик давримизда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов билан учрашув бўлганди. Ушанда бир талаба савол ёзиб, минбарга узатди. Унда шундай дейилган экан: “Мен севаман, лекин айтолмайман, айтсам, рад этса, нима қиламан?”. Шунда Абдулла ака кулимсираб шундай дегандилар: “Севгинг учун кураш, аччиқ қилиб ўқишни ташлаб кетиш, ўзини абгор қилиш телбалиқ, вақтни ҳакам билиб, сабрни устун қўй. Натижа бермаса, қанча-қанча одам муҳаббат учун эмас, оила учун яшаяпти, ўшалардан ибрат ол. Ўз қалбинг амрига кулоқ тут, жавобини кўнглингдан сўра”. Мен бу сўзларни ҳамон унутганим йўқ. Чунки бу сўзлар ҳаётини сабоқ каби кўнглини тинчитувчи эди.

Эрталаб “Лаби ҳовуз”га бордик. Курсдошлар бу ерга ҳар томондан оқиб кела бошлашди. Мен эса илк учрашувларимиз тўғрисида ўйлай кетдим.

Тиббиётдан яхши маълумки, сайр-саёҳат умрга бароқат бағишлайди. Кўнгиллардаги ғуборларни ювиб чиқариб ташлайди. Кўп йиллардан сўнг дийдорлашув эса ундан-да, таъсирлироқ ва ҳузурбахш бўлади. Мен 1987 йилда, яъни ТошДавМИда ортопедия-стоматология кафедрасида клиник ординатура курсини ўташ даврида собиқ курсдошларимнинг 5 йиллик учрашувида ҳам қатнашгандим. Бу учрашувимиз пойтахтдаги машҳур “Зарафшон”

ресторанида бўлиб ўтганди. Эслатиб ўтайки, ўзимиз ўқиган институтда кўплаб курсдошларимиз ишлаётганди. Шу боис ҳамма жамул-жам қатнашган эди.

Ушандан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Шахсан менинг ҳаётимда махзун кунлар ҳам, йўқотишлар ҳам, қувончлилари ҳам етарлича бўлди. Умидсизлик, чорасизлик қалбимдан кўним топиб курсдошларнинг кейинги учрашувига чорловларни эътиборсиз қолдирдим.

2012 йилнинг 8 сентябрида курсдошларимизнинг 30 йиллик учрашувига таклифнома олдим. Галдагидек иш кўплиги важи билан боролмасликни ихтиёр қилдим, шунда Қизирик туман Бандихон ҚВПда хўжалик бекаси бўлиб ишлайдиган умр йўлдошим Ойсулув Эрназарова ҳамда ҳамшира қизим Шоира Мадиева учрашувга боришга даъват эта бошлашди:

-Ўзингиз кўнглинида гап сақлама, сиртга чиқар, енгил тортасан. Уйда, ишда камалиб ўтирма, дунёнинг гўзаллигидан баҳра ол дейсиз-ку, - дейишди бир овоздан. – Лекин нега ўзингиз айтганларингизга амал қилмаяпсиз? Дам олиш кунлари, таътил пайтлари бизга имкон яратиб берасиз-у, ўзингизга қолганда...

Араб ҳикматларида: “Бирга кулганларни унутасану, аммо бирга йиғлаганларни унутолмайсан”, - деган нақл бор. Ҳаётда омадсизлик, чорасизликка дуч келсам, мен билан бирга азият чекиб, қувончли дамларимда ютуғимдан мамнун бўлиб, соғлигим, роҳатимга путур етганда ҳузур-ҳаловатини йўқотган яқинларимнинг сўзларига қулоқ тутдим. СамДТИ клиникасида даволанишга ҳозирлик кўраётгандим, балки учрашувга ҳам қатнашарман дея, яқинларимнинг кўнглини тинчигдим. Чунки ибн Сино ҳазратлари “бировга панду насихат қилишдан аввал, ўзинг риоя қил”, деганлар. Шу-шу ўз қадримни ўзим билиб, Аллох берган умрни неъмат дея ғанимат санаб дам олишга вақт ажратаяпман, учрашув, анжуманларга йилда бир-икки марта қатнашаяпман. Қуйида ана шундай учрашувлардан бири - Самарқанддаги дийдорлашув тўғрисида тўхталиб ўтмоқчиман.

Абдулла Орипов: “Кўрмаган нарсани ёзиб бўлмас” деганидек, бир маротаба кўрган билан ҳам билиб бўлмас экан. “Сурхондарё стоматологияси” китобини ёзиш учун Самарқандда малака оширдим, СамДТО кутубхонасидан ойлаб фойдаландим, тез-тез Самарқандга бориб турдим. Лекин курсдошлар учрашувига 25 йил мобайнида боролмаганман, шунча йил танаффус қилинган. Айтиб

Ўтишим керакки, ушбу учрашувни ташкил этишда тиббиёт фанлари доктори, самарқандлик стоматологлар дарғаси Саидолим Кубаевнинг (охирати обод бўлсин!) хизмати узгача бўлди. Мен учрашув бўлиб ўтадиган санадан бир ҳафта аввал Самарқандга етиб келдим, тиббиёт институти клиникасида даволана бошладим. Лекин ҳамон кўнглимда учрашувда қатнашсамми ёки йўқ, қабилда иккиланиш бор эди.

Клиника бош шифокори Н. Абдуллаев кафедрасида ётиб даволанаётган эдим. Саидолим курсимизга бошқа курсдан ўтганлиги боис, уни яхши танимасдим. СамДТИда ва клиникамизда ҳам анжуман бўлиши режалаштирилган экан. Институт профессори курсдошларнинг учрашуви пайтида клиника салоҳияти ҳам ўрганилади, деган топшириқ олган экан. Шу боис кафедра ва палаталарда тайёргарлик чора-тадбирлари кўрила бошлади. Мен бу ишларга беътибор қарабман, ўзимизнинг учрашувимизни ҳаёлимга ҳам келтирмабман. Шунинг учун институт, кутубхона, ётоқхоналардаги танишувларга бормадим. СамДТИ клиникасига келгачгина, кўшилдим. Кимнидир танидим, кимдир ўзини таништирди. Чунки 1977 йилда ТошДавМИнинг стоматология факультетига 340 нафар талаба қабул қилинганди. Шундан 320 нафари 1982 йилда стоматология соҳасининг у ёки бу мутахассислиги дипломини олиб, республикамизнинг турли ҳудудларига тарқалиб кетганди.

Саидолим Кубаевни учрашув ташкиллаштиришдаги ютуғи шундаки, у бир куннинг ўзида зиёратгоҳлар ва бошқа тарихий мажмуаларга жамоа ҳолда боришни, ер юзи сайкали номини олган юртнинг бир жонқуяр фарзанди сифатида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини кўрсатишга улгурди. Биргина “Қишлоқ” номли емакхонада бўлиб ўтган тушлик баҳонасида халқимизнинг тарихий маданиятини эслатувчи музейини томоша қилгандек бўлдик. Алоҳида таъкидлашим керакки, Саидолим Кубаев СамДТИ ва унинг клиника салоҳиятини курсдошларга таништириш орқали бутун мамлакатга имкониятларини тарғиб қила олди. Шунинг учун ҳам Болта ака Аҳмедов дўстининг бу ишини “тиббиёт тарғиботчисининг фидойчилиги” деб баҳолади. Ўша унутилмас учрашувни тарихга муҳрлаган видеодиск муковасида шундай битиклар ёзиб қўйилганлиги ҳам Саидолимнинг нақадар фидойчилик ва самимият билан иш тутганлигидан далолат бўлди:

Садо беринг қайдасиз,

Азиз ҳамкасбу курсдошлар?  
Эсон-омон бормисиз,  
Жонажон дўсту касбдошлар?

Дийдорлашув онларин  
Кутаяпмиз зор-интизор,  
Бизга шу дам ғанимат,  
Бундан зиёд не даркор?

Саидолимни яқиндан таниш учун ўша учрашувдан уч кун ўтказиб, СамДТИга излаб бордим. Афсуски, у талабалар билан пахта теримига кетган экан.

2013 йилнинг май ойида ҳам Самарқандда бўлдим. СамДТИнинг ВМОФ стоматология курси раҳбари А. Холбоевдан телефон рақамларини олдим. Аммо бу гал ҳам учрашув насиб этмади. Ўзбекистон стоматологиясида катта йўқотиш содир бўлган, яъни Саидолим Кубаев малак ул мавт ихтиёри билан ер ости дунёсига кетган экан. Ўзбекистон халқ шоири М. Юсуф “орқада қолга из яхши” деганидек, 2014 йилнинг 17 майида Тошкентда ўтган учрашувда Саидолим Кубаевнинг ўғли Азиз Кубаев ТошВМОИнинг стоматология жарроҳлиги кафедраси ўқитувчиси, отаси ўрнида рамзий маънода курсдош дея қабул қилинди. Илик гаплар гапирилди, аммо барча курсдошлар калбидан бирдек урин эгаллаган Саидолимнинг ижодий ишларини Азиз Кубаев давом эттириб, курсдошларнинг кемтик қалбларини учрашувларда қатнашиб, тўлдиришни, халқимизнинг “от ўрнини той босар” деган нақлига амал қилиб, отаси орамиздан кетганлигини билдирмаслигини истардик.

Энди яна Бухоронинг машҳур “Лаби ховуз”ида бўлиб ўтган учрашув тафсилотларига қайтсак. 1982 йилдан буён бирор марта кўришмаган курсдошим, Урганчдан келган Рўзимат Маткаримов: “Оҳ, шоир (талабалик давримда шоир табиат бўлганман, шекилли), жонлимисан!”, дея кучоқ очиб кўришди. Самимий ва илик омонлашдик. Инсон бир тери ичида гоҳ семиз, гоҳ озгин бўлади. Лекин Рўзимат худди 33 йил аввалгидай келбатли эди. Вазни ҳам, бўйи ҳам ўша-ўшалигича қолибди.

Улфати ду – маза шу деганларидай, Рўзимат билан холироқ жойда ўтириб, роса мириқиб суҳбатлашдик. Касбим, шу - стоматология, фаҳрим ҳам, шу - стоматология, дея оилавий томонлардан сўрадим. Маълум бўлдики, ўғли Дилшод – олий

маълумотли, эл осойишталиги, конун устуворлиги йўлида ички ишлар тизимида ишламоқда экан. Нодирбек ўғли эса стоматологиянинг ажралмас қисми бўлмиш тиш тайёрлаш технологияси бўйича яхшигина мутахассис бўлиб етишибди. Отасининг шон-шухратига муносиб улуш қўшиб келаётган экан. Эътибор қилган бўлсангиз, сиз томоша қилаётган кўрсатувнинг сахна ортида фидойи деса арзигулик бир жонқуяри бўлади. Уни режиссёр дейдилар. Рўзимат ҳам сахна ортидаги режиссёр каби тиш техниги бўлиб етишган ўғлининг заргарона маҳоратини оширишда стоматолог - врач сифатида ҳамиша йўл-йўриқлар кўрсатиб келаётган экан. Дўстимнинг Дониёр исмли ўғли эса бир йигитга қирк хунар ҳам оз деганларидек, хунарманд бўлиб етишибди. Гулёр кизи ота-она дуосини олиб турмуши мустаҳкам бахтли бекалардан. Рўзимат ва умр йўлдоши Ниёзжон 3 ўғил, 3 келин, 3 неvara ва кизи эъзозида умргузаронлик қилмоқда экан...

Бу орада суҳбатимизга 12-гуруҳда ўқиган қаршилик Ҳамза Янгиев келиб қўшилди. Ҳамза “Бўладиган бола – бошидан маълум” деганларидек, талабалик даврида илк курслардаги пахта йиғим-терими мавсумида ташкилотчиликка укувлиги билан ажралиб турарди. Ҳозир Тошкент стоматология институтида ишлаётган тиббиёт фанлари доктори, ўша кезларда эса курс раҳбари бўлган Муҳаммаджон Азимов (дарвоқе, у курсдошимиз Хурсандой Дўстмухамедованинг умр йўлдоши) ҳамда факультет штаби бошлиғи терапевт, стоматология кафедраси доценти Тошпўлат Сафаров (охирати обод бўлсин)ларнинг назарига тушганди. Ҳамза доимо 100 килограммдан кўп пахта терувчилар рўйхатида турарди, ҳамиша рағбатлантириларди. Бу дўстимизнинг оиласида 2 нафар тиббиёт ходими бор экан – ўғли Ҳумойиддин мустақиллик билан тенгдош, стоматологиянинг сир-синаотларини отасидан ўрганмоқда. Отабек эса СамДТОнинг даволаш факультетида таҳсил олмақда экан. Ҳамза дўстимизнинг оиласида ўсаётган Лобар ҳамда Ойбек ота-она бағрида, мактабга катнамоқда экан. Уларнинг ҳар иккиси ҳам табиат фанларига жон-дили билан қизиқади, деди Ҳамза. Ажабмаски, улар ота ва ака йўлидан бориб, тиббиёт соҳасини танлашса.

Суҳбатимиз шу тарика кизиб турган бир пайтда даврамизга жиззахлик Қудрат Эшонкулов келиб қўшилди. У ўз туманидаги КТМПСининг мудирини бўлиб ишлаётган экан. Мустақиллик шарофати билан КТМП бинолари таъмирланаётганлиги,

алмисокдан қолган тиббий асбоб-ускуналар замонавийсига алмаштирилаётганлиги ҳақида фахрланиб сўзлаб берди. Шундан сўнг биргаликда “Лаби ҳовуз”ни айландик. Тошкентлик Гавҳар, паркентлик Раъно, фарғоналик Шоира, наманганлик Руқия учрашувга келмаганлигини эсладик. Ҳарқалай, сабабини яхшиликка йўйдик, кейинги учрашувларда дийдорлашишини ният қилдик. Шу орада, вақт етган шекилли, тушликка чорлаб қолишди.

Мени Абдухамид Умиров кўриб қолди, ёнига имлаб чақирди. Ғузорлик Элбой Нормуродов билан унинг “Ласетти”сига жойлашиб олдик. Абдухамид пахта мавсумида чойхоначи эди, барчамизни шакар ва нонни қулогимизга ўлчаб бериб, боққанди. Учаламиз ҳам тенгдошмиз. Абдухамид ҳам пахта терими мавсумида курс раҳбари Муҳаммаджон Азимов билан иноқлашиб қолганди. Ҳозир учрашувларга домла келса, Абдухамидни сўрайди. Биз домлага унинг 2 ўғли ва 2 кизи борлигини айтамыз. Ўғли Жасур тиш техниги сифатида ўзи билан бирга ишлаётганини, бу соҳаси бўйича ота-устоздан ўрганганларини амалда қўллаб, элга манзур ишлар қилаётганини сўзлаб берамыз.

Эълон қилинган тушлик олдидан орамиздан ўтганлар ва авлиёлар ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинган, ош тортилди. Ҳофизлар кўшиқлари билан даврага файз бағишлаб туришди. Биз, институтнинг тўртинчи гуруҳида таҳсил олганлар, бирга ўтирдик. Бухородаги ушбу учрашувимизнинг ташкилий ишларига Салим Авезов, Ислон Тоиров, Рустам Задаев, Гулнора Тўйчиева, Болта ака Аҳмедов, ва албатта, Йўлдошхон Эшонхонов, Мамарайим Қаршиевлар бош-қош бўлишди. Марокли ўтган тушликдан сўнг, ҳар ким ўзича режа тузиб, шаҳар айланишга тарқалди. Мен андижонлик Тохиржон Қосимов ва наманганлик Абдусаттор Шаматовлар билан бирга шаҳарни томоша қилдим, зиёратгоҳларда ҳам улар билан бирга бўлдим.

Тохир ака 11-гуруҳда ўқиганди. Талабаликни Германияда ҳарбий хизматга бориб келгач, ҳарбийдан суяғи қотиб, рус тилини яхши ўзлаштириб бошлади. Бу унга ўқиш даврида қўл келди. Институтни тугатгач, Қўрғонтепа туманида ўз соҳаси бўйича стоматолог-врач бўлиб ишлай бошлади. Ўзи ишлаётган жамоада обрў қозонгач, кўп йиллар туман тиббиёт бирлашмасида касаба уюшмаси раиси сифатида фаолият олиб борди. Бу вазифада у маъмурият билан ишчи-ҳодимлар ўртасида адолат тарозиси мисол ҳалол турди. Бир сўз билан айтганда, бу масъулиятли ишни виждонан бажарди.

Тохир ака турмуш ўртоғи Майрамхонга дил розилиги билан уйланган. Фарзандлари Абдимўмин билан Нигора педагогика институтини битириб, ўз соҳасида ишламоқда. Назирахон қизи оилали, ўз тенги билан бахтиёр яшамоқда. Имон-эътиқодига қойим бўлган Тохиржон 2013 йилда муқаддас умра зиёрати амалларини бажариб қайтди. Ҳозирги кунда у умр йўлдоши билан етти невара, уч фарзанд ардоғида ҳаётга шукроналар айтиб, тинч-осуда яшамоқда.

Абдусаттор ака кексаликни тан олмаган бўлса-да, 60 ёш билан беллашиб турибди”, у киши 5 йил мобайнида институтнинг 2-гуруҳида ўқиди. Институтга тайёрлов курси орқали кирганди. Унгача эса ҳарбий хизматни Ленинградда, яъни ҳозирги Санкт-Петербургда ўтаб қайтганди. Табиатан юморга бой, қўнгли болаларникидек тоза, беозор, ҳокисор инсон. Абдусаттор ака 1978 йилда ТошДавМИда ўтказилган 57 килограмм вазнли боксчилар ўртасида ғолиблик қилиб, спорт устаси номзодлиги даражасига сазовор бўлганди. Аммо, таралла-бедод юриш қилмай, ўқишнинг этагидан маҳкам тутди. 1979 йилда Ўзбекистон кубоги учун Ангрен шаҳрида бўлган мусобакаларда ТошДМИ шарафи учун чарм қўлқоп кийиб рингга чиқди. Хуллас, то институтни тамомлагунча, турли мусобакаларда спортнинг бокс тури бўйича фаол катнашиб юрди. Қўплаб медаллар соҳиби бўлди. Абдусаттор 1982 йилда институтни муваффақиятли тугаллади. 1986 йилда эса собик иттифок микёсида ўтказилган стоматологлар III-съезидига делегат қилиб сайлашди. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ушбу съездда у делегат сифатида иштирок этди.

Мен ўша кезлари ТошДавМИнинг ортопедия-стоматология кафедрасида бўлганим учун шу съездда катнашдим ва Абдусаттор акани делегатлар орасида кўриб, хурсанд бўлдим. Учрашиб, омонлашдик. Абдусаттор ака киришимли, истараси иссик инсон. Лекин, сал чапани табиатроқ одам. Қўнғирок қилиб қолса. телефонни тезда кўтармасам ёки овозидан танимасам, “якши гаплар” билан сийлаб ҳам қўяди. У киши Кароматхон билан турмуш қурган бўлиб, 3 нафар фарзанди бор. Ўғли Элмурод мустақиллигимиз билан тенгдош. Тиш тайёрлаш соҳаси бўйича маҳоратли уста саналади.

Ана шундай гурунглари ва кизикарли суҳбатлари билан кунни кеч қилдик. Хайрлашув баъзи вақти етди. Дастурхон дид билан, бекаму-кўст безатилган экан. Бухоронинг таникли санъаткорлари

хизмат қилиб туришибди. Ушбу хайрлашув базми пайтида тошкентлик гуруҳдошим Гавхарнинг отаси, БухДТО профессори Йўлдош ака Юнусовнинг ташрифи даврага янада файз киритди. Етмиш ёшни коралаб қолган домла билан мириқиб суҳбатлашдим. Домла шогирдларига аталган дил сўзларини микрофон орқали изҳор этдилар. Давра қизиган кезларда Равшан Салаев ижросида бир жуфт кўшиқ ҳам эшитдик. Хоразмнинг Шовотидан келган туман тиббиёт бирлашмаси бош врач Равшан Бекчонов, Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг нодавлат сектори раҳбари Анвар Мавлоновлар бизни қутлашди. Республикамиз пойтахти Тошкентдан ташриф буюрган бир гуруҳ мутахассислар бугунги кунда амалда қўлланилаётган стоматологик замонавий асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар билан таништириб ўтишди. Шунингдек, хайрлашув оқшомида курсдошлардан Абдурашид Солиев, Суюн Созатмуродов, Равшан Саидов, Юлдуз Каримова, Сайёра Сайдалиевалар ҳам самимий дил сўзларини изҳор этишди.

Бухорода бўлиб ўтган курсдошлар учрашуви, дийдорлашув билан бирга, ҳар биримиз учун кейинги фаолиятимизда асқотадиган кўплаб янгиликлар, маслаҳатлар, стоматологияга оид янги маълумотлар билан танишиш имконини ҳам берди. Шу жихати билан ўзига хос илмий-амалий анжуман сифатида хотирамизга муҳрланиб қолди.

## **ИБН СИНО - ТИББИЁТ КАМАРБАСТАСИ**

**Тана саломатлиги ва инсон ҳаётини  
сақлаш йўлида ҳамкорлик қилингиз.  
Абу Али ибн Сино**

Вилоят ибн Сино жамоат фонди бошқаруви аъзосиман.

2015 йилнинг 25 апрелида ойда Термиз давлат университетига “Ибн Сино мероси ва замонавий тиббиёт тараққиёти” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Ана шу илмий семинар тезислари, олимларнинг шу соҳага оид чиқишларидан фойдаланиб, ЎзМТДП Марказий Кенгаши ижроия қўмитасининг “Ўрта асарлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги концепцияси” доирасида “Шарқ алломалари билимдони” танлови учун “Тараққиёт”,



“Тиббиёт ва ҳаёт” ҳамда “Сурхондарё кўзгуси” газеталарида чоп этилган мақолаларим Республика танловига юборилган бўлса-да, ушбу халқаро анжуманда ҳам шу танловга мос маърузалар бўлиши кутилаётганлиги учун қатнашишга кўнглимда иштиёқ туғилганди. ТерДУ профессори Сайфулла Турсунов билан маслаҳатлашдим. У киши бу фикримни маъқуллади. Анжуман кизиқарли ўтди.

Одатда, бирор бир анжуман бўладиган бўлса, олдинроқ таклифнома юбориларди. Буни эслатаётганлигимнинг боиси шундаки, 2015 йил 20-21 ноябр кунлари “Ибн Сино илмий мероси ва замонавий тиббиётнинг долзарб муаммолари” мавзусида VIII – Халқаро ибн Сино ўқишлари доирасида илмий-амалий анжумани ўтказилиши ҳам мўлжалланганди. Лекин ҳали таклифномалар тарқатилмаганди. Шундай бўлса-да, тезис материаллари фонднинг интернет сайтларида чиккан ЮНЕСКОнинг №7290113455- “Биоэтика соҳасида Ўзбекистон миллий қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш” номли дастуридан ҳам хабардор эдим.

2015 йилнинг 18 ноябрида ВССБдан анжуманда иштирок этишим ҳақида буйруқ борлиги тўғрисида хабар беришди. Бу орада Қизирик тумани тиббиёт бирлашмаси маъмуриятида ташкилий масала кўрилди. Туман тиббиёт бирлашмасига Б. Н. Норкуловни бош врач вазифасини бажарувчи этиб тайинлашди. Залдан сўзлашга талабгорлар кам бўлди, сўзлаганлар ҳам жўнгина гапириб, яхши бирлашиб ишлаш ҳақидаги тилаклар билан чекланишди. Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтай. Биласиз, ижодкор аҳли бор-ки, қалб амрига буйсунади, дилидагини тилига чиқаради.

Мен ҳам ўз фаолиятим давомида вилоятнинг қатор туманларида ҳар хил вазифаларда ишладим. Табиийки, турли бош врачлар билан мулоқотда бўлдим. Ўзингизга яхши аёнки, тарихда шахснинг роли, айниқса, раҳбарнинг ўрни бекиёс саналади. 2013 йилда Бойсундан келиб, Қизирик туманида кишлоқ врачлик пунктида иш бошлаганимдан буён учинчи бош врач билан ишлашга тўғри келаётганди. Тажрибамдан яхши биламанки, раҳбарнинг тез-тез алмашинуви салбий ҳолат. Тўғри, тиббиёт бирлашмамизда миллатчилик йўқ, лекин тарафқашлик борлиги сир эмас. Юртбошимиз бундай ҳолатни тараккиёт қушандаси дея баҳолаган эдилар.

Ўрни келганда айтиб ўтмоқ лозимки, туман тиббиёт ходимлари орасида интизомсизлик, алдаш, ичкиликка берилиш, топшириқлар ижросини пайсалга солиш, ўзибўларчиликка берилиш ҳолатлари

учрайди. Имкон топса, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, шикоят хати ёзишгача борадиганлар ҳам йўқ эмас. Кўпчилик ўртамиёна ишлаб, шахсий ҳаёти муаммолари қобиғи ичида ўралашиб яшашга мослашган. Ким қандай яшаса, шундай ўйлайди ва шундай ишлаши ҳам ҳаётий бор гап. Раҳбарларга панду-ўғит бериш ва бошқа мақсаддан йироқ бўлган ҳолда, айтишинки кексариб бошласам-да, сабрим, комиллик сари интилишим, касбимга иштиёқим сусайгани йўқ. Шу боис ўша ташкилий масала кўрилган йиғилишда сўзга чикмадим, фикримни энди битаяпман. Хусусан, “бу пайтга қадар тўплаган тажрибаларимга, қолаверса, “айтсам ўлдирарлар, айтмасам ўлам” иборасига таяниб аввало, маъмуриятда адолатсизлик, ташаббусни бўғиш, ҳам ўзининг, ҳам ўзгаларнинг вақтини ўғирловчи мажлисбозликни камайтириш лозим. Шамол йўналишига қараб эмас, замон ва талаб йўналишига қараб ишлаётганларнинг шижоати, ташаббускорлиги эъзозланмаганлиги учун руҳи тушиб юрган ҳақиқатгўй ходимлар қўллаб-қувватланса яхши бўларди”. Шубҳасиз, Б. Н. Норкулов шижоатли, жанговар раҳбар. КТМЎда силга қарши кураш кабинетида бу инсон билан бир оз бирга ишлаганман. Одатда, одам уй-жойини ва иш жойини феъл-атворига монанд куради. Шу боис тиббиёт бирлашмасида қилинган ишдан кўра, қилинадиган ишлар салмоқли. Бу ишларни янги бош врач уддалайди деб, ишонч билан умид қиламан. Мен 2014 йил 23 майда “Валеология ва унинг соғлиқни сақлашга интеграциялаш йўллари” мавзусидаги I-Республика илмий-амалий конференциясида қатнашиб, “Алкоголизмсиз ҳаёт сари” мавзусида маъруза қилганман (тезис материалларида “Қашандалик ботқоқидан огоҳ бўлинг” номли мақолам чоп этилган). Ушбу маърузани тайёрлашда ТошВМОИнинг “Валеология” кафедрасида кўп илмий ходимлар билан мулоқотда бўлганман. Учрашув пайтидаги баҳсларнинг бирида Конрад Аденауэр жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили Вольфганг Шрайберг хонаси эшигига “Бошлиқ ҳам одам, лекин, афсуски, у кўп ўтмай ўзининг одамлигини унутади”, - деган ёзув илиб қўйилганлигини айтишганди. Унинг кабинети қаерда, ушбу сўзлар ростми, йўқми билмадим, аммо бизнинг раҳбарларимиз ушбу сўзни қалбига ёзиб қўйсин”, - дея сўзимни якунладим. Бу гапларни айтганимда, даврада тасдиқлаш аломатини сезгандай бўлдим.

Хуллас, туман тиббиёт бирлашмасига янги раҳбар тайинланди. Мен эса унинг биринчи иш кунида чиқарган буйруғини олиб,

Бухорога – йирик халқаро анжуманда катнашиш учун йулга чикдим. Телефонлашиб “Грант Бухоро” меҳмонхонаси анжуман катнашчиларини кутаётганлигини билиб олдим ва кўнглим таскин топди. Бухорога кечки пайтларда кириб бордик. Яқинлашганим сайин қўл телефоним кетма-кет жиринглай бошлади. Кўтарсам, курсдош ўртоғим Ислому Тоиров (Бухорода бўлишим ҳақида уни огоҳлантирган эдим) сўраяпти:

-Қаердасиз?

Яқинлашиб қолганимни, “Грант Бухоро” меҳмонхонасига кўнишимни айтдим.

-Адашиб қоласиз, - деди дўстим. – Сиз яхшиси телефонни ҳайдовчига беринг, унга ўзим тушунтираман. Сиз эса у тушириб кетган жойда мени кутиб туринг!

Мен айтилган жойда машинадан тушиб, кута бошладим. Кўп ўтмай, ёнимга машина келиб тўхтади. Ундан дўстим Ислому тушиб келди. Ёнида икки ҳамроҳи ҳам бор эди. Бири ўғли Рустам бўлиб, у ҳам врач, иккинчиси эса куёви, уролог-врач Ўринбой экан. Дўстим бизни бир-биримиз билан таништириб қўйди. Машинага ўтирдигу, бир хонадонга бордик. Манзилга етиб келиб, ўтиришимиз билан дўстим:

-Ҳожи бобо, кадамингиз кутлуғ келди. Бугун сизни кутиб олишни ният қилиб турсак, ўғил неварали бўлди. Исмини Иброҳим қўйдик! – деб қолди.

Хурсанд бўлиб, дўстим Исломини ва Ўринбойни янги меҳмон билан кутладим. Дўстимнинг кизи Зарнигор билан куёви Ўринбойнинг биринчи фарзанди ҳам ўғил бўлиб, исми Муҳаммад экан. Биз меҳмон бўлиб ўтирган хонадон дўстимнинг куёвининг уйи экан. Гурунгу асносида Ўриннинг отаси Бафо ака билан гапимиз келишиб қолди. Бафо ака Политехника институтида таҳсил олган. Майсара исмли киз билан танишиб, турмуш қуришган экан. Бу борада Бафо ака жуда берилиб гурунгу бердилар.

Анчагина қизик кечган суҳбатдан сўнг, Ислому “энди бизнинг уйга борамиз”, деб қолди. Лекин мен Бафо ака билан ҳали яна гурунглашиш истагим борлигини айтдим. Шундан сўнг дўстим Ислому, аёли Дилбар ва ўғли Рустамлар биз билан хайрлашиб уйларига жўнаб кетишди. Бафо ака билан ўғлининг уйида ёлғиз қолгач:

-Ўғлингиз мен билан касбдош экан, исмининг тарихини сўрасам, мумкинми? – деб сўрадим.

Бафо ака аёли Майсарахонга “сен айтақол”, дея ишора қилдилар.

-1988 йилнинг 20 сентябрида Бафо дўстингизнинг оталари, раҳматли кайнотам 71 ёшида вафот этдилар, - дея гурунғ бошлади Майсарахон. – Жуда яхши инсон эдилар. Тобутни олиб кетишган пайтда, бирдан мени тўлғоқ тутди. То тобуткашлар қайтиб келгунча, тўнғич ўғлим туғилди. Кариндошларимиз: “Бобоси ўрнига Аллоҳ берди, исми Ўрин бўлсин”, - дедилар. Биз рози бўлдик. Руқия опам, яъни Бафо аканинг опаси СамДМИни 1978 йида тугатиб, болалар шифокори (хозир нафақада) бўлиб ишлаётган эдилар. Ана шу аёл Ўринни доим эркалатиб суяр ва оила аъзоларимиз аммаси каби буям врач бўлсин, дейишарди, ниятимиз холис экан, мана врач бўлди.

Дарҳақиқат, Ўриннинг ёшлиғи тенгдошлари қатори беғуборлик, шодонлик билан, дориламон замоннинг бахтиёр фарзанди сифатида ўтди. У 2006 йилда БухДТОга ҳужжат топширди, аммо фақат орзу билан мақсадга эришиб бўлмаслиғи аён бўлди. Лекин, Ўринбой ҳафсаласи пир бўлиб, умидларини ерга кўммади. Инсон зоти энгилиш учун туғилмаган. Гёте айтганидек, орзу-ҳавас етарли эмас, унга эришиш лозимлигини ёш Ўрин ўз вақтида тўғри англаб етди. Шу боис имтиҳонларга аввалгидан ҳам қаттиқроқ тайёрлана бошлади. Тинмай ўқиди, интилди. Ана шу қизгин тайёргарлик жараёнларида ота-онаси унга кулай шароитлар яратиб, имкониятлар туғдириб қўйди. Интилганга толе ёр деганларидай, Ўрин 2007 йилда БухДТО талабаси бўлди. 2014 йилдан буён уролог врач сифатида фаолият юритмоқда. Шундай бўлса-да, “Ҳали қуп ўқиб, ўрганишим керак”, - дейди унинг ўзи. Мамнуният билан қайд этиш лозимки, Ўзбекистонимизда ёшларга ҳамма эшиклар очик, айниқса, ўқишга, ўрганишга, изланишга иштиёқмандлар учун барча шароитлар мухайё этиб қўйилган. Аминманки, Ўрин ҳам ана шу шароит ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда, албатта, малакали шифокор бўлиб етишади...

Эрталаб дўстим Ислоннинг машинасида “Грант Бухоро” меҳмонхонасига бориб жойлашдим. Бу дўстим, яъни Ислон Тоиров бир вақтлар Когон тумани тиббиёт бирлашмаси бош врач, узок йиллар шу жамоа қасаба уюшмаси раиси бўлиб ишлаган. Ҳозир туманда ҚВПлар бўйича координатор. Шу боис у билан анча тажриба алмашдик. ҚВПдаги муаммолар, талаблар ва уларнинг ечимлари ҳақида суҳбатлар қурдик, фикр алмашдик. Чамамда, ҚВПлар муҳити борасида Бухоро билан Сурхондарё орасида

сезиларли фарк бор. Сўзловчи доно бўлса, тингловчи ақли бўлмоғи керак қабилида иш тутдим. Дўстимни кўпроқ тинглаб, тажрибаларини ўрганишга интилдим. Айни пайтда бу вилоятнинг катор тиббий муассасаларида ҳам бўлдим.

-БухДТО ректори кирчиллама ёшда десам, аксарият врачларинг навниҳол экан-ку!, - дея ҳазил қилдим. Шунда Ислоом ёшлар илмга берилган, қолаверса тиббиёт олийгоҳи бор деди.

-Ўзим билан бирга ишлаганларга доим ўзинг учун ўқимасанг, хоҳламасанг ҳам болаларинг кўз олдида кўлингга газета, китоб тут, ўқи, лоакал ўқиётгандек бўл, фарзандларингга ибрат бўл дейман, - деди жавобан дўстим жилмайиб. – Ўзим ҳам шунга амал қиламан. Врачларимизнинг кўпчилиги ёш эканлиги ана шу ўқишнинг натижаси!

Бу гурунглр чоғида ўртага ташланган саволларга, табиийки, бир қадар камтарлик билан, андиша тўнини кийган ҳолда жавоб бериб турдим. Лекин ўзим учун бир ҳақиқатни яна бир бор кашф этгандай бўлдим. Демокчиманки, аквариумдаги баликнинг фикрлаш қобилияти шароитига яраша бўлади. Дарёда ҳам, уммонда ҳам балик яшайди. Бу суҳбатлар, фикр алмашишлар мени кўлмак сувда эмас, оқар сувда сузишга чорлади. Зеро, улуғ Соҳибқирон бобомиз Амир Темур “камтарлик ўз йўлига аммо шоҳ жойини ва сўзини шоҳга мос қилсин”, деган эканлар. Мен шунга амал қилган ҳолда муомала юритишга ҳаракат қилдим. Ҳарқалай, мен алломаи замон бўлмасам-да, валакисаланг чол ҳам эмаслигимни эътиборда тутиб, суҳбатга киришишни афзал билдим. Хуллас, Ислоом дўстим билан зарурат туғилмаса, бир-биримизни ортик безовта қилмаслик шарти билан хушлашдик.

Соат тўққизларда делегатлар жойлашган автобуслар ДАН ходимлари кузатувида Афшонага йўл олди. Бу машхур гўшада Ибн Сино номидаги тиббиёт коллежи ва унинг номидаги музей, Ахборот ресурс маркази, буюк бобокалонимизнинг ҳайкали бир бутун мажмуани ташкил қилар экан. Эътиборимни тортгани шу бўлдики, мажмуага кираверишдаги йўлакчаларда тиббий формадаги кизлар саф тортиб туришган экан. Мен чет эллик меҳмонларнинг кўзларида ҳавас учқунларини кўргандай бўлдим.

Ибн Сино ҳазратлари ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Шундан сўнг, музейни томоша қилдик. Мен бундан аввал Покистоннинг Ҳамадон шаҳридаги ибн Сино қабридан тупроқ олиб келиниб, музей ичида рамзий қабр тиклангани ҳақида эшитгандим.

Музейда чет элликларга инглиз тилида, яна икки гуруҳга рус ва ўзбек тилида музей ва қабр, улуғ бобомиз тўғрисида тушунча ва маълумотлар бериб борилди. Мен ҳам “Мамлакатимизда ибн Синонинг қўлёзма асарлари борми, ибн Сино ота-оналарининг кейинги ҳаёти, қабри аниқми?” деган бир неча саволлар бердим. Аниқ жавоб ололмагач, ўзим билганларимни хотирладим: ҳақиқатан ҳам Хамадонда ибн Сино қабри жойлашган мажмуа мавжуд. Қабрни очишга кўпдан буён давлат раҳбарияти розилик бермаётганлигидан ҳам хабардорман, бу айрим битикларда бор. Ҳозир муносабат узгарганлиги, ҳатто, расмга олишга рухсат берилганлиги ҳақида кўплаб манбаларда ёзилган. Лекин афсуски, боя айтганимдек, ўша сафар чоғида бу ҳақда кўпроқ маълумотлар ололмадим. Шундан сўнг мени музей директори билан учраштиришди. У менга рамзий қабр (ҳақиқий қабридан тупроқ олиб келинган) жойлашган хонани кўрсатди. Чет эллик меҳмонлар кетгач, холи қолиб динимизга мос ҳолда зиёрат қилдим.

Ўттиз чакирим йўл босиб, яна ортга, Бухорога қайтдик. Тушлиқдан сўнг, бизларни Бухоро санъат коллежига олиб боришди. Бу ерда анжуман катнашчиларини ўзбекона урф-одатлар ва миллатимиз кадриятларини ақс эттирувчи миллий либослардаги қизлар эҳтиром ила кутиб олишди. Кираверишда ширинлик улашишди. Ичкарида карнай-сурнай салолари янграб турарди, тўйларга хос бир ажиб манзара ва муҳит юзага келтирилганди. Бу ерда анжуман ташкилий қўмитаси раиси – Ўзбекистон ибн Сино жамоат фонди раиси Ш. Я. Зокирхўжаев, ташкилий қўмита аъзолари – Бухоро вилоят ҳокими М.Т. Эсонов, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси масъул котиби А.Н. Икромов, ЎЗР Фанлар академияси вице-президенти Б.А. Абдухалимов, ЎзССВ ўринбосари А.А. Худоёров, БухДТИ ректори Т.А. Асқаров иштирокида иш бошлади. Биринчи маърузани ТошДТА ректори, академик Ш.И. Каримов ўқиди.

Шундан сўнг Украиналик олим Емиц, франциялик Раймонд Акданлу, туркиялик профессор Қадиржон Кескинбаро, ҳиндистонлик профессор Саид Зиллур Раҳмон, исроиллик профессор Михаэл Сач, ўзбекистонлик олимлардан БухДТИ ректори, профессор Т.А. Асқаров, Қарши давлат университетидан Ш.Қ. Қурбонов, ЎЗР Халқ таъбири академияси бошқаруви раиси М.Ш. Ҳамроев ва бошқаларнинг 20 га яқин маърузалари икки кун давомида катта қизиқиш билан тингланди. Қоидага кўра,

маърузалар инглиз, ўзбек ва рус тилларида ўқилди. Зарур ҳолатларда таржимонлар хизматидан фойдаланилди.

Маърузалар орасидаги танаффусларнинг бирида телемухбирлар “Афсона” музейи ходимини ва мени излаб қолишди. Бўлиб ўтаётган анжуман ва унинг моҳияти тўғрисида суҳбат уюштириш режалаштирилган экан. Анжуман ташкилотчилари айнан бизни тавсия этишибди. Телеинтервью беришдан аввал тасвирчи ва мухбирга шахсимни ва делегатлигимни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этдим. Ўз китобимни совға қилиб бердим, расмийчилик бўлса-да, уларнинг шахсини ҳам суриштирдим. Мухбир ва тасвирчи ҳақиқатан ҳам Бухоро телевидениесидан экан. Республика микёсида ҳам тўрт дақиқалик лавҳа берилишини айтишди.

Маҳаллий студияда ўтириб, Бухоро ҳақидаги таассуротларимни савол-жавоб тарикасида сўзлаб бердим. Ибн Синога бағишланган анжуман ҳақида гапирдим. Бани башар фарзандига яшаш учун сув қанчалик зарур бўлса, унинг соғлом ҳаёт кечиришида тиббиёт ходимлари шунчалик аскотади дея, фикр билдирдим. Дунё тамаддунида тан олинган аллома ватандошимиз ибн Сино дунё тиббиётида уммон дея баралла айтилаётганини таъкидладим. Бугунги кунда унинг авлодлари-барча тиббиёт ходимлари томчи сифатида унинг бой меросини халқ саломатлиги йўлида сарфлайди, зеро илму фан тараккиёти сарҳад билмай дунё халқларига хизмат қилмоғи лозим. Ушбу анжуман эса бунга яққол мисол, деган фикрларни изҳор этдим.

Кечки дам олиш пайтида кўзга яқин чехрали, кулоққа таниш овозли, илтифотли, киришимли бир одам ҳа деб, диққатимни жалб этаверди. Ҳатто, бир сафар, рўбару ўтириб овқатланишга ҳам тўғри келди.

-Сиз Тошкентда ўқигансиз, 1982 йилда ўқишни тугатгансиз, стоматологсиз, - дедим унга синовчан қараганча. – Тўғрими?

-Сиз мени танийсизми? – деди у таажжубланиб. - Сиз кимсиз?!

-Сиз мени таний олмайсиз, - дедим қулиб, - чунки сиз курсдошлар учрашувида катнашмайсиз!

Шундай дегач, индамай ўз хонамга кириб кетдим. Қирдим, анжуманнинг 171 саҳифалик тезисларига яна бир бор кўз югуртириб чиқдим. Курсдошларимнинг исм-шарифини, стоматологияга оид мақола ёки таниш фамилияни учратмадим.

Маданий ҳордиқ пайтида ором курсида ўтиргандим. Исмим ва фамилиямни айтиб, ҳалиги одам, ёнимга келиб ўтирди. Афтидан, у

бухоролик курсдошлардан мен ҳақимда сураб-суриштирган бўлса керак. Мен ҳам уни кечаёқ танигандим. Янглишмасам, унинг исми Маъриф бўлиши керак, стомфақда ўқиган, ўша, мен талабалик кезларимда таниган Маъриф. Шундай бўлса-да, мен сир бермай, жим ўтиравердим. Сўнг:

-Тезисларда мақолангизни учратмадим, дўстим, - дедим астагина.

У касбини ўзгартириб, ўрмончи бўлганлигини айтгач, ҳаммаси ойдинлашди.

-Бизни Салим Авезов базмга чорлапти. Хушовоз хонанда Оғабек Собиров ташриф буюрар экан, - деди у.

-Мени безовта қилманглар, - дедим беозорлик қилиб, - мен шу ерда қолиб скрипка оҳангларини тинглайман. Хорижликларнинг миллий куйимизга рақс тушишларини томоша қиламан...

Дарҳақиқат, ўша окшом мириқиб дам олдим. Бизнинг олимларимиз, аксарияти, кексайган ва кўпчилигида семизлик даражаси ортган. Кеча анча узоқ давом этди. Стол устида ичимлигу егуликлар сероб. Куй-кўшиқ авжида. Мен кеча охирига қадар ўша ерда бўлдим. Афсуски, инглиз тилига жуда нўноклигим алам қилди, холос. Лекин кўпчилик чет элликлар билан рақсга, сўнг тасвирга, суратга тушдим. Улар гапирди, мен тасдиқлаб турдим. Хуллас, сўзловчи билмайди, тингловчи эшитмайди қабилидаги ҳазилга монанд тарзда кечани мароқли ўтказдим.

Конференция тезисининг 111- саҳифасида “Ибн Сино табобати, доривор ўсимликларнинг саноат плантациясини ташкил этиш тажрибаси. М.Н. Назиров, Қўкон давлат ўрмон хўжалиги”, деган ёзувга кўзим тушди. Мақолани ўқиб чиқдим. Унда таъкидланганидек, долзарблик шундаки бугунги кунда истеъмолдаги дориларнинг 40 фоизи табиий доривор ўсимликлардан олинади. Мақолада келтирилишича, мамлакатимизда доривор ва озуқабоп ўсимликлар етиштиришни эътиборнинг кучайтирилишига қаратилган ҳукумат қарори чиққан бўлса-да, айрим доривор ўсимликлар табиатда йўқолиб кетиш арафасида турибди. Ваҳоланки, мақолада бу набобат навларини маданийлаштириш имкониятлари аниқ кўрсатилган. Маъриф ўрмон хўжалиги соҳасида ишлашини, ҳатто, хаёлимга ҳам келтирмабман. Ҳа, ҳар бир одам – бир олам деганлари, шудир-да.

Анжуман тугагач, Шерзод ака Зокирхўжаев билан анча суҳбатлашдим. Эсдалик учун суратга тушдим. Вилоят халқ



табобати бошлиғи Акрам хожи Пирматов ҳам бор эди. Хонамдан чикиб, пастга тушсам, Маъриф Назиров билан Тошкент фармацевтика институтидан профессор Саидамир Саидов мени йўклаётганини айтишди. Ёнларига бордим. Шунда Маъриф “Салим Аvezов кеча келмадинглар, бугун кетиш олдидан меҳмон бўлишимизни сўрапти, ташқарида машина кутиб турибди”, деди.

Мен қайтишимда Афшонага боришим кераклигини, у ерда мени Болта ака кутаётганлигини, у билан бир неча ой аввал шунга келишиб қўйганлигимизни хаёлимдан ўтказдим хонани топшириб, коридорда юрган таниш анжуман катнашчилари билан хайр-хўшлашиб кучага чиқдим. Ҳамма томонда машина кўп, одам кўп, лекин ҳеч ким бизни изламади. Одамлар сийрақроқ жойда суҳбатлашиб турайлик, излагувчи инсон овоз бериб қолар, дедим. Биз чеккага чиқдик. Шу пайт курсдошлар учрашувида Салимнинг ёнида стол устининг бекаму – кўстлиги учун елиб-югуриб хизмат килган, суҳбат чоғида сурхондарёлик ўртоқларини ҳам суриштирган Бухоро ВССБнинг нодавлат сектори бош мутахассиси Анвар Мавлонов келиб даврамизга қўшилди. Ҳол-аҳволлашдик. Бир оздан сўнг, у: “кетдикми, Салим ака сизларни кутаяпти” – деб колди. Майин ёмғир ёғиб турганди, ҳаво салқин эди. Тезда Анвар Мавлоновга эргашиб, унинг машинасига жойлашдик.

Бухоро оромгоҳларидан бирига бордик. Менга Салим Аvezов: “Афшонага бирга борадиган бўлдик. Болта ака ҳам келиб қолиши мумкин”, - деди. Даврадагиларнинг эътиборини тортмаслик учун мен астагина розилик маъносида бош ирғаб қўйдим.

Маъриф ва Саидамир ўртасидаги суҳбат асосан илмий изланиш мавзуида бўлаётганди. Бу мавзуга унчалик тишим ўтмаганлиги боис, сукутни афзал билдим. Салим эса мезбонлиги учунми, харкалай, суҳбатга аралашиб ўтирди. Табиатан вазмин бўлса-да, суҳбатни оммабоп мавзуларга буриб турди. Зиёфат ва суҳбатдан сўнг, Маъриф билан Саидамирни поездда кузатдик. Анвар билан ҳам хайрлашиб, кечаси билан Бухорони шаҳар томоша килдираман дегани учун Рустамникига бордик. Йўлда Салим Рустам Задаев Когон шаҳар бош стоматологи эканлигини айтди. Шаҳар стоматология поликлиникасида 12 нафар врач-стоматологлар орасида ўғли Фаррух билан замонга ҳамнафас бўлиб, туман аҳолисига стоматологик хизмат кўрсатаётганлиги, ўғли Фаҳриддин эса акаси ва отасининг касбий обрусига ўз муносиб хиссасини тиш техниги маҳорати билан қўшаётганлигини, Рустамнинг умр

йўлдоши Дилбар педагоглигини, шу боис бўлса керак, қизи Лола она касбини орзулаб БухДУни тугаллаганлигини, Муаззам исмли қизи эса ота ва акалари касбининг этагини тутиш ниятида серсавоб касб - болалар шифокори бўлиш учун олийгоҳда таҳсил олаётганини айтди. Бахтга қарши Рустам уйда йўқ экан. Телефони эса ўчирилган. Шу боис канча илтимос қилишмасин, ўтиришга унамадик. Мана, Рустам, дея бир йигитни кўрсатишди. Разм солсам, Рустамнинг ўгли Фаррух чиндан-да келбатли, гапириш оҳанги отасига ўшаркан. Бу оиланинг яшаш тарзида тиббий фидойилик ва мазмун борлигини хис қилдим. Салим билан қайтдик, бедов минган йўл сўрамайди деганидек, курсдошлар учрашувидан олдин ўтирган кафедра бўлди. Ўша учрашувни эслаб чиқиб “Дентал-Блеск” номи ёзилган бинога тушдик. Салимнинг шу номдаги хусусий корхонаси борлигини эшитганим учун орқасидан юрдим.

Маъмурий хонаси дид билан безатилган экан. Компьютерда ўтириб ўз иши билан машғул бўлди. Салим неварам бўлади деб таништирган бола – Беҳруз менга кофе дамлаб келди.

-Беҳрузжон, - деди Салим, - бу киши ҳам бобонг бўладилар. Сен хоналарни айлантириб, кўрсат. Мен пича ишлай, хўпми?

-Хўп бўлади, бобожон!

Сухбатимиз тунги маҳалда бўлаётганлигини юқорида эслатиб ўтгандим. Беҳруз ҳамроҳлигида бўм-бўш хоналарни бирма-бир айланиб кўриб чикдик. Узунгина коридорда 2004 йилдан буён ушбу корхона юридик мақом олиб, давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, тегишли ташкилотларнинг номланиши, турли рухсатномалар ва лицензия сертификатлари, тадбиркорлар палатасининг бир нечта “Йилнинг энг илғор тадбиркори” танлови ғолиби дипломлари деворга илиб қўйилган экан..

Врач кабулхонаси кенг ва катталиги учун 4 та стоматологик кресло ҳамда Бормашина жойлаштирилган. Бу каватда яна иккита хона мавжуд бўлиб, унда невропатолог врач беморларни амбулатор даволашар экан. Хоналарда асбоб-ускуналар ўрнатилган. Зарарсизлантириш бўлими ибрат олгудек жиҳозланиб, тартиб-қоидага мос ҳолда жойлаштирилган. Тиш тайёрлаш ва дам олиш хоналари алоҳида каватда жойлашган бўлиб, у ерда 5-6 нафар ишчи-ходимларни учратдим.

Халқимиз бежиз “Мол сот. пул топ – рўшнолик кўр”, деб айтмаган. “Дентал-Блеск”да ишлаш ва дам олиш шароитини

яратишга сармоясини аямаган. Ҳозирда 80 ёшга етиб қолган Ўзбекистон стоматологияси отахони профессор Миржамол Мирёқубов доим “Уста-уста эмас, унинг асбоб-ускунаси уста”, дер эдилар. Ўрни келганда айтиб ўтай, бу инсон билан 1987 йилда Чилонзорда, ТошДавМИда, бир хонада ишлаганман. Замонавий стоматологик аппаратлар, тиш тайёрлаш хонасида ҳам кичик ва катта асбоб-ускуналарнинг барчаси муҳайё этиб қўйилганлигини кўриб, қувондим.

Нурли замонавий пломбалар қўйиш ҳозиргача етиб бормаган туман ва овуллар бор, аммо Салимнинг корхонасида 10 йилча бўлибдики, нурли пломбалар қўйилаяпти. Вилоятда биринчилар каторида Бухорода “Дентал-Блеск”да нурли пломбани Манзура Турсунова йўлга қўйди ва корхона шуҳратини, шонини, салоҳиятини оширди. Чунки барча туманлардан мижозлар оқиб кела бошлади. “Манзура опа нафақат қўли енгил моҳир шифокор-стоматолог, - дейди С. Аvezов, - балки ширинсуханлиги, шогирдсеварлиги билан ҳам эъзозга лойик. Бу даргоҳда Шухрат Азизов, Фаррух Раупов, Салим Бўронов, Нодир Вафоев ва шунга ўхшаш кўплаб стоматологлар маҳоратини ошириб, учирма бўлишган. Улар Бухорога келишса, албатта, бизнинг корхонага ҳам бир кириб ўтишади”.

Иш хоналарида талабалик давримизни эслатувчи гипсдан ясалган каттакон тиш моделлари, бош суяги ва юз-жағ анатомиясига оид кўргазмали воситаларни кўриб, бу ер БухДТИнинг стоматология соҳаси бўйича базасимикин, деган фикрга ҳам бордим. Бу фикримни дўстимга айтгандим, у кулиб жавоб қилди: “Йўқ, бу “Дентал-Блеск”нинг ўқиб-ўрганиш синфхонаси. Шу ерда мияни чархлаймиз, малакани ошираемиз”.

Мен хикоя қилаётган корхона Бухородаги С. Айний номли кўчанинг 14-А уйида жойлашган. Бу ерда Соҳиб Аvezов отаси билан елкадош бўлиб ишламоқда. У БухДТОда стоматология соҳаси бўйича таҳсил олган. Аvezовлар сўлоласига мос, кўзмунчокдай 3 нафар неваралари улғаймоқда. Турмуш ўртоғи Зебохон билан иккаласи уларни ҳар жиҳатдан камолотга етказишга интилишмоқда. Сухбат асносида дўстимга шундай дедим:

-Мана, дўстим, кексалик гаштини суриш учун шаронглари муҳайё қилиб қўйибсиз. Энди келажакда “Дентал-Блеск”ни ўғлинигиз Соҳиб Аvezовга топшириб, маза қилиб ётасиз-да?

-Инсон, - деди дўстим Салим жиддий, - дунёга ётиш, ейиш учун эмас, яратиш, ишлаш, муносиб яшаш учун келади. Мамлакатимизда тадбиркорлик учун етарлича шароит ва имкониятлар бор. Кексариш – табиий ҳол. Лекин сабримиз, билимимиз ҳалиям камолот сари бораяпти... Энди, Соҳиб неварангизга келсак, унга ҳам алоҳида бино тахляямиз. Стоматология билан бирга косметика, тикиш-бичиш, аёллар салони очамиз. Ўғлим оилавий тарзда ўша ёкка утади. Насиб бўлса, кейинги келишингизда ўзингиз бу янгилигимизни ҳам кўрасиз!

Салим дўстим ва унинг рафиқаси Саодатхон (педагог бўлганлар, ҳозир нафақада) фарзандлари, шогирдлари, неваралари куршовида эъзозда. Бу сулола яшашида ҳам ибрат, маъно бор...

Эрталаб Афшонага бордик. Болта ака кутиб турган экан, ичкарига кириб омонлашдик, бир пиёла чой ичилгач, мен шу ерда дўстларим билан хайрлашиб, Тошкент сари йўл олдим. Чунки кўнглимда тезроқ Тошкент орқали уйга етмокчи, Бухороий шарифда кўрган-билганларимни, эшитганларимни коғозга тушириш, танишган инсонларим сурат ва сийрати мужассам этилган битикларимни ёддан кўтарилмай “иссиғида” тайёрлаётган янги китобим саҳифаларига иншо этиш истаги кучли эди...

\*\*\*

Тиббиёт соҳаси султони, буюк аллома Ибн Сино бешиги бўлган, қадимги Исфана, ҳозирда эса номи тикланиб, жаҳон олимлари қадами узилмайдиган Пешку туманидаги Афшона кишлоғида бўлиб, ушбу рисоланинг битилишида Бухоролик курсдошлар Салим Авезов, Болта ака Ахмедовларнинг хайрихоҳлиги ва улуши катта бўлди.



## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Олис кирлар ортида.....	4
Элга эл кўшилса.....	9
Хашар—элга ярашар.....	16
От минган эркаклар.....	18
Тўйлар ҳақида ўйлар.....	20
Эл қўлласа гар.....	22
Депутат халқнинг вакили.....	26
Хонадон покиза-насл соғлом.....	29
Яна сил касаллиги ҳақида.....	36
Фарзанд толеи-Ватан келажагидир.....	40
Бола дунёни тебратида.....	50
Дуо олган омондир.....	52
Шундай одамлар бор бўлсин.....	56
Соддалик буюклик учун таянч.....	62
Биз чекишга қаршимиз.....	65
Ташаббускорлик етакчилик мезони.....	72
Инсон сийланган жойда азиз.....	73
Чўл бағрида юз очган чирой.....	76
Яхшидан боғ қолади.....	82
Фидойиликнинг катта-кичиги бўлмайди.....	86
Наслинг соғ-кўнглинг тоғ.....	114
Саёхат-саломатлик гарови.....	116
Ибн Сино бешиги.....	118
Дийдор ғанимат.....	123
Ибн Сино-гибниёт камарбастаси.....	133

# **БАДИЙ-ОММАБОП НАШР**

**Жуманазар Мадиев**

## **СОҒЛОМ ҲАЁТ КУПРИГИ**

Мухаррир:

Исроил Шомиров

Техник муҳаррир:

Абдиназар Буриев

Мусахҳих:

Қушон Абдуллаев

Босишга 10.12.2015 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет қоғози. Times New Roman гарнитураси. Офсет усулда чоп этилди. 9,25 босма табоқ. 300 нусхада. 148 бет. Эркин нарҳда.

«Тафаккур» нашриёти, Тошкент шаҳри,  
Навоий кучаси, 30-уй.

«Ҳамидий» фирмаси босмахонасида чоп этилди.  
Термиз шаҳри. Ат-Термизий кучаси, 14-уй.

10,000e



**Жуманазар Мадиев – 1960 йилда Олтинсой туманида тугилган. Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатган. Ҳозирги кунда Қизириқ тумани «Хўжаипок» қишлоқ врачлик пункти мудирини сифатида фаолият кўрсатяпти. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочиси, Грециянинг «Антик дунё» халқаро илмий академиясининг профессори. Шифокорнинг «Соғлом турмуш сабоғи», «Силнинг сир ва синоатлари», «Дард борки, дармон бор», «Ёруғ йўл сари», «Сурхондарё стоматологияси», «Умрингизга зомин бўлманг» номли китоблари чоп этилган.**

ISBN978-9943-24-165-7



9 789943 241657